

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР
ИНСТИТУТИ**

ТАТЬЯНА БУШУЙ, ШАҲРИЁР САФАРОВ

**ТИЛ ҚУРИЛИШИ: ТАҲЛИЛ
МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**ТОШКЕНТ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЁТИ**

2007

**Т.А. Бушуй, Ш.С. Сафаров, Тил қурилиши: таҳлил
методлари ва методологияси илмий-нашр.** 191 бет.
«Фан» нашриёти. Тошкент. 2007 й.

Тил қурилишининг табиати, лисоний бирликларнинг моҳиятига оид масалалар мухокамасига бағишлиланган ушбу рисолада замонавий тилшунослик фанидаги қатор долзарб муаммолар хақида сўз юритилади. Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг самараси танланган таҳлил методлари ва ушбу методларнинг назарий асосланишига боғлиқ эканлигини инобатга олиб, асосий эътибор лисоний таҳлил методологиясига қаратилган.

Сўзсиз, рисолада ёритилаётган мавзу ва масалаларнинг катта қисми мунозаралидир. Муаллифларнинг асосий мақсади – ўқувчини баҳсга чақириш.

Монография магистрантлар, аспирантлар ҳамда лисоний тизим таҳлили билан қизиқувчи илмий ходимлар учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир: **филология фанлари доктори,
профессор А.Э.Маматов**

Тақризчилар: **фалсафа фанлари доктори,
профессор Ш.Қўшоқов,
филология фанлари номзоди,
доцент Н.Бегалиев**

ISBN 978-9943-09-454-3 Ўз.Р.ФА «Фан» нашриёти, 2007 й.

СҮЗ БОШИ

Нигериянинг машхур ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Уол Сойинка БМТнинг Ижтимоий тадқиқотлар институтида ўқиган маърузасида (2002 йил 21 май) инсоний тараққиётнинг, миллатлар ижтимоий - маданий, иқтисодий ривожининг асосий воситаси лисон эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди: «Тил - анъаналар, тарих, миллий рух ва дунёқараш ҳамда миллий фалсафанинг хазинаси эканлигини барча эътироф этган ва бу масала ҳеч қандай муҳокамага муҳтоҷ эмас. Ҳозирги пайтда биз янада чуқурроқ англаётганимиз бошқа нарса: маҳаллий тилларнинг йўқолиши фан тараққиётига тўсқинлик қилиши мумкин» (Soyinka, 2002: 8).

Дарҳақиқат, лисон миллат, элат, қабила бойлиги. Унда ушбу миллат, элатнинг барча руҳий кечинмалари, маданий қадриятлари, тарихий тараққиёт йўли, яшаш шарт-шароитлари, атроф-муҳити, юрти табиати ўз ифодасини топади. Бундай бойликни сақлаш, ундан фойдаланиш учун тилни ардоқлаш лозим. Нобель мукофоти совриндори огоҳлантирганидек, ҳар бир тил ўз бойлигига эга, унинг йўқолиши унинг соҳиби бўлмиш халқнинг инқирози демакдир. Ҳар қандай инқирознинг эса умумбашарий илму фан тараққиётига қанчалик салбий таъсир кўрсатиши тарихдан маълум.

Тилларнинг гўзаллиги уларнинг ранг-баранглиги ва ҳар бирининг ўзига хослигидадир. Ахир бекорга Худованди Карим аввал «бутун жаҳонни тили бир, нутқи бир» қилиб яратиб, кейин эса Бобилда «бутун жаҳоннинг тилини аралаштириб, одамларни ер юзи бўйлаб тарқатиб юборган» (Муқаддас китоб- Инжил 1992 : 613+19) бўлмаса керак?! Албатта, инсоний жамият тузишнинг илк даврида тилнинг, унинг ягоналигининг мавқеи алоҳида бўлган. Лекин давр ўтиши билан яккатиллик абадий бўлмаслиги, кўптиллилик эса ижтимоий тараққиёт натижаси эканлиги аён бўлди. Бунда биз ҳозирги кунда дунёни «ঁарблаштириш» ҳоясини кўтариб юрган айрим файласуф-социологларнинг «маданиятнинг глобаллашуви» ҳақидаги чақириқлари асоссиз эканлигини кўрамиз. Жаҳон маданиятининг бойлиги унинг турли-туманлигига. Маданиятнинг кўзгуси, унинг пойдевори тилдир. Тилсиз маданиятнинг шаклланишини ва дунёга тарқалишини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун бўлса керакки, Йоҳанн

Волфранг Гёте «Азалда каломуллоҳ бор эди» оятини шарҳлашда жуда қийналган. Биз бунга қуидаги мисраларни ўқиганимизда гувоҳ бўламиш:

«Даставвал мавжуд эди сўз!» - деб битилган унда,
Недир килар монеълик, зиддият бордек бунда.
Сўзни кўкка кўтариб мадҳ этолмайман зинхор,
Рухан ёришиб роса, сўнгра ўчирмок даркор.
«Дастлаб фикр бўлганди» деб ёзилган китобда.
Илк мисранинг мазмунин ўйлаб кўрмоинг даркор,
Шошилмасин қаламинг, эҳтиёт бўл шу тобда!
Тафаккур-ла яратилган наҳот барча мавжудот?
Ёзилмоғи шарт бешак «Мавжуд эди куч-кувват!»
Нега энди чеклансан, шундай дея ёзароқ,
Недир килар безовта, ажабо, мени шу чоқ.
Далда берар дилимга бирдан ақлу фаросат!
Ёзаман шунда дадил: «Мавжуд бўлган харакат!»

(Гёте 2007: 51)

Биргина иборанинг қудратини қаранг! Шоир юононча logos калимасига das Wort, der Sinn, die Kraft, die Tat тушунчалари воситасида шарҳ беришга харакат қиласи, аммо уларнинг бирортасини ҳам устун кўя олмайди. Таржимонлар ҳам ушбу ибораларни ўзбекчага ўгиришда бу «азоб»дан қутула олмаганлар (Эркин Воҳидов таржимасида: калом, идроқ, кудрат, амал; Пошо Али Усмонда: сўз, фикр, куч-кувват, харакат). Бу лисоннинг қудрати. Ундаги ботиний имкониятлар заҳираси шунчалик бойки, ҳар бир калима ва иборага янгича талқин, шарху изоҳ бериш мумкин. Бундай жилодорликлар, кўп ифодалилик, мазмуний бойлик сифатларини сезиш, билиш, англаш учун тилни муқаммал эгалламок даркор. Муқаммалликка эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун инсонда тафаккур, мушоҳада қобилияти етарли даражада бўлмоҳи, фикрни ифодалаш имкониятининг кенг бўлиши ҳамда ҳамда лисоний фаолият малака ва кўринимлари бекаму кўст ўзлаштирилиши лозим.

Куръони Каримда «Халақал инсона алламаҳул баён », яъни «Инсонни яратди ва баённи ўргатди» ояти мавжуд (55-сурә). Нозил қилинаётганидек, инсонни яратган ва унга каломни тақдим этган Оллоҳнинг ўзи унга фикрлаш ва ушбу фикрни ифодалаш қобилиятини ҳам ато этган. Шунинг учун бўлса керакки, одамзот

нафақат фикрни ифодалашда лисоний қобилиятга мурожаат килади, балки ушбу қобилиятни шакллантирувчи восита – тил ҳақида фикр юритишни ҳам унутмайди.

Бобил воқеаси, яъни тиллар аралаштириб ва ажратилиб юборилганидан буён тилларни қиёслаш, уларнинг ўхшаш ва ноўхшаш хусусиятларини аниқлаш эҳтиёжи мавжуд. Жоҳанна Николснинг фикрича (Nichols 1996), тилларни қиёсий-тариҳий ўрганиш методи бундан 8 минг йил олдинги лисоний муҳит ҳақида маълумот бериш кучига эга. Аммо лисоний таҳлилга қизиқиши, таҳлил услублари яратилишининг тариҳий илдизлари анчагина чукур. Бу илдизлар жамланиб ягона дараҳт ҳосил қилиши учун замонлар ўтди. Асрлар давомида яратилган фан – тилшунослик инсоний («инсонийлик» десак ҳам бўлаверади) фанлар орасида ўз ўрнини топгунича кўп босқичларни босиб ўтди, тараққиёт йўлидаги кўплаб тўсиклардан ҳатлашга тўғри келди. Албатта, бу ҳар қандай фан соҳасининг кисматидир. Зоро, илмий тадқиқотнинг мақсади табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини аниқлаш ва билишdir. Ушбу қонуниятлар аниқлангунига қадар инсон воқелик ҳақидаги фактларни тўплайди, тизимлаштиради ва тавсифлайди. Бундай фаолият ва кечеётган ҳодисалар моҳиятини билиш, бошқаларга тушунтириш ҳаракати доимийдир.

Илмий мушоҳаданинг узлуксиз фаоллик намунаси эканлигини «фан» тушунчасига берилган таърифдан ҳам кўриш мумкин: «Фан – табиат, жамият ва тафаккурнинг объектив қонуниятлари ҳақидаги билимнинг тўхтовсиз ривожланадиган тизими; бу – инсониятнинг дунёқарали, ижтимоий онги, тажриба жамғармасидир, у инсонлар фаолиятининг тизими шаклидир ва бундай фаолият натижасида объектив борлиқ қонуниятлари ҳамда уни қайта ўзгартиришга оид билимлар тизими яратилади» (Алефиренко 2005: 314).

Демак, фан-билимлар тўплами ва у узлуксиз бойиб, кенгайиб, тараққий этиб боради. Бирор бир фан соҳаси мустақил йўналиш олиши учун ўз тадқиқ методлари мажмуасига эга бўлмоғи лозим. Тилшунослик фани ҳам бундан мустасно эмас. Тил тизимига оид ҳодисаларнинг у ёки бу томони, маълум хусусиятларини ўрганиш имкониятларини берадиган усууллар (методлар) мажмуаси лисоний таҳлилнинг асоси,

тилшуносликнинг фан сифатида шаклланиши учун хизмат қилган воситалар тўпламидир. Бироқ методлар турли-туманлиги сабабли уларни қўллашда маълум тамойилларга таянмоқ даркор. Аксинча, таҳлил объектига қандай нуқтаи назардан, қайси дунёқараш асосида ва қай йўсинда ёндашиш аниқ бўлмаган ҳолда тадқиқот натижаси ноаниқ, самарасиз бўлиши табиий.

«Метод» ва «методология» тушунчалари умумий ўзакка эга: юонча *methodos* «бирор нарсага йўл». Дарҳақиқат, бирор ҳаракат, амалий ва ақлий фаолият маълум усулда бажарилади. Аммо бундай ҳаракат воситасида бирор нарса, ҳодисанинг туб моҳиятини билиш учун аввал нимани излаш ва қандай излашни белгилаб олиш талаб қилинади. Шу сабабли *methods* «бирор нарсага йўл» *logos* «тълимот, назария» сўзи билан бойитилган. Лингвистик таҳлил методологияси – лисоний воқеликни билишнинг асосий йўллари, усувларини белгилаб берувчи тълимот, назариядир.

Юқорида айтганимиздек, кўп асрлар давомида тараққий этиб келаётган тилшунослик фанида кенг миқёсдаги методлар мажмуаси шаклланган. Тил қурилиши таҳлили ҳам турли нуқтаи назардан, турли мақсад ва вазифаларни кўзлаган ҳолда бажарилиб келинмоқда. Бу эса методологик ёндашувлардаги ҳар хиллик, ноаникликларга ва илмий хуносалардаги қатор қарама-қаршиликларга сабаб бўлмоқда. Ана шу нохуш ҳолатлар, сўзсиз, ёш тилшунос – тадқиқотчилар фаолиятида катта тўқинликлар туғдиради. Энг ачинарлиси, лисоний таҳлил методологиясиiga оид адабиётлар ҳануз етарли эмас ва тил уммонини билиш, унинг мукаммал хусусиятларини ўрганиш ҳамда чексиз муаммолар ечимини излашга бел боғлаган ёш тадқиқотчилар кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ҳатто баъзан уларда бирор бир муаммонинг ечимига доир иккиланиш ҳолатлари ҳам пайдо бўлмоқда.

Муаллифларни қўлга қалам олишга ун DAGAN нарса ҳам худди шудир. Бизнинг асосий мақсадимиз бўлғуси тилшуносларни тил қурилиши тадқиқининг кенг тарқалган усувлари ва лисоний таҳлил методологиясининг назарий асослари билан таништириш, уларга маълум кўрсатмалар беришдир.

Биргина ушбу рисолада лисоний таҳлилнинг барча методлари ва уларни қўллашнинг методологик йўналишларини

батафсил ҳамда тўлиқ ёритишининг имкони бўлмайди. Муаллифлар, катор йиллар давомида магистратура босқичида хорижий тилшунослик йўналишлари соҳасида маърузалар ўқиётганликлари сабабли, асосий эътиборни айнан шу «синовдан ўтган» материалга қаратишди. Бундай ноқулайликлар ва манбалар қамровидаги чекланишлар учун муҳтарам ўқувчиларимиздан узр сўраймиз.

Хуллас, рисоладаги турли нуқсон, камчиликлар, унинг мазмуни ва мундарижаси хақидаги ҳар қандай фикр – мулоҳазалар, танқидий тақризларни мамнуният билан қабул қиласиз. Иш билан танишиб чиқкан барча ҳамкасларимизга ташаккур айтиш бизнинг бурчимиздир.

Татьяна Бушуй, Шахриёр Сафаров

Мулоқот истагидагилар учун электрон манзил:

safarovsh@rambler.ru

хатлар учун: 703000 Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93
Самарқанд давлат чет тиллар институти

КИРИШ

Илмий тадқиқот методлари ва методологиясининг умумий тамойиллари

Атрофдаги табиатни, инсон ҳаёт кечираётган жамиятни ва инсоннинг ўзини, унинг фаолият кўринишларини илмий таҳлил этиш ва билиш интеллектуал фаолиятнинг энг олий шаклидир. Бу фаолият оддий билишдан, яъни кундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган билиш истагидан, биринчи навбатда, ўз максади ва тизимли равища амалга оширилиши билан тубдан фарқ қиласи. Иккинчидан эса, илмий билиш жараёнида маҳсус восита ва усулларга мурожаат қилинади.

Фан соҳасида қўлланиладиган билишнинг восита ва амаллари умумлашмаси илмий тадқиқотлар методини ташкил қиласи. Тадқиқот методи, албатта, ўрганиш учун танланган обьектга монанд тарзда турли хил бўлиши мумкин. Шунинг билан биргаликда, тадқиқ методининг танланиши тадқиқотчининг борликка (объектга) бўлган муносабати билан ҳам белгиланади. Кейингиси алоҳида эътиборга лойиқ, чунки илмий тадқиқот ёки илмий тафаккур методологиясини белгилайди (Aitchison 1994: 11-12).

Методология инсон билиш фаолиятининг воситалари, мақсади ва назарий асосини аниқлаб беради. Методология доирасида тадқиқотчи воқелиқдаги турли ҳодисаларни таҳлил қилиш тамойилларини танлайди, тадқиқот жараёнида эришилган натижаларни ўрганиш ва баҳолаш усулларидан фойдаланади. «Фалсафа» қомусий лугатида методология тушунчаси икки ўйналишда таърифланади: 1) бирор фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуи; 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот (Фалсафа қомусий лугати. Т. 2004:258). Н.Шермуҳамедова айтганидек, «Фан метологияси самарали билиш фаолиятининг умумий тамойилларинигина белгилаб беришга қодир, аммо у тадқиқ қилинаётган обьектни билишнинг муайян йўлларини белгилаб бера олмайди» (Шермуҳаммедова 2005: 213). Ҳар бир обьект тадқиқи алоҳида ёндашувни, маҳсус усул ва воситалар мажмуасидан фойдаланишни талаб қиласи. Шу сабабли методологияни таҳлил тамойиллари ва методлари тизими ҳақидаги таълимот сифатида таърифлаш маъқулроқ. Унинг доирасида илмий изланиш ва билим

олишнинг назарий асоси, умумий ёндашув тамойиллари белгиланади.

Методологиянинг муҳим вазифаларидан бири билим манбанини аниқлашадир. Ушбу масаланинг ечимини фалсафадан изламоқ даркор, зеро, фалсафий нуқтаи назаридан ҳар қандай билим манбай объектив воқелик ва унинг инсон онгидаги аксиadir (Залевская 2001: 8).

Борликнинг инсон онгидаги акси тўғридан-тўғри бевосита («кўзгудек тоза») бўлиши мумкин эмас. Бу акс билиш субъектининг объектга муносабати таъсирида бўлади, аммо ушбу таъсир доираси инсон имкониятларига боғлиқ, маълум чегарада кечади.

Гносеологияда хиссий билиш жараёнида юзага келадиган образ ва билиш обьекти ўртасидаги муносабат масаласига алоҳида эътибор қаратилади: «Ҳиссий билиш шакллари тўғрисида ташки дунё обьязлари сифатида гапирилганда, «образ»га обьектга мослих хос эмас, балки обьектга унинг мувофиқлиги хос эканлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. «Образ» - ойнадаги нусха эмас, лекин «белги» ҳам эмас, балки нарсага хос инъикосдир» (Билиш фалсафаси 2005: 121).

Борликнинг инсон томонидан идрок этилиши, бу идрок сезги органлари ёки бирор бир асбоб воситасида бўлишидан қатъий назар, доимо субъективдир. Лекин бу билан воқелик тўғрисида обьектив маълумотга эга бўлиш мумкин эмас, биз билаётганимиз воқелик бўлмасдан, фақатгина ҳис-туйғу, сезиш натижасидир деган холосага келиш нотўғридир.

Воқеликни субъектив билиш жараёни тажриба назоратидадир ва ушбу жараён натижасида биз воқелик ҳақидаги обьектив билимга, аниқ маълумотга эга бўламиз, обьектив ҳақиқатни билиб оламиз. Объектив ҳақиқат дунё ҳақидаги билим мазмунидир ва бу билим субъект билан боғлиқ эмас. Лекин ушбу билимни тўплаш жараёни бевосита субъект фаолияти, унинг дунёқараси ва қандай воситалардан фойдаланилаётганилигига боғлиқ. Ушбу факторларнинг барчаси илмий тадқиқот натижаларида ўз аксини топади ва бизнинг воқелик ҳақидаги билимимиз қай йўсинда шакланишини белгилайди. Шу сабабли билиш фаолиятининг ҳар бир босқичи обьектив ҳақиқатга малум

даражада яқинлашиш ва унга интилишнинг кучайишига имкон беради.

Воқеликнинг тадқиқотчи томонидан қандай тасаввур ва идрок қилиниши илмий тадқиқот натижалари учун муҳимдир (Аскольдев 1977: 4-5). Маълумки, воқелик реал мавжудликдан иборат, ундаги ҳодиса ва предметлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини такозо этади. Бу боғлиқлик уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларида, алоҳида қисмлар ўртасидаги яхлитлик ва хусусийлик муносабатларида намоён бўлади. Дунёдаги барча ҳодисалар доимий ўзгаришда, тараққиётдадир ва бу тараққиёт босқичма-босқич амалга ошади ҳамда сифат ўзгаришларига сабаб бўлади. Бундан ташқари, воқелик ҳодисалари синергетика қонуниятларига амал қилган, ўз-ўзини ташкил этиш тайомилларига таянган ҳолда ривожланади (Хакен 1970).

Хуллас, замонавий фалсафа фани воқеликни илмий билишнинг асосий йўналишларини аниқ белгилаб бериш қудратига эга. Илмий билиш жараёнининг самараси воқелик ҳодисаларининг диалектик муносабатлари ва уларнинг синергетик тараққиёт омилларининг эътиборга олиниши билан боғлиқ. Айнан шу фалсафий қарашлар асосида илмий тадқиқот жараёнда қўлланиладиган воситалар ҳам ҳақиқий баҳосини топади.

Билишнинг энг оддий воситаси – *кузатиши*дир. Табиий шарт-шароитда ўрганилаётган объектнинг алоҳида ҳолат ва хусусиятларини хис-туйғу воситасида идрок этиш йўли билан бажариладиган кузатиш ҳаракатининг фандаги ўрни алоҳидадир. Кузатиш тадқиқ этилаётган объект ҳақидаги дастлабки маълумотларни олиш имконини беради. Аммо кузатиш йўли билан биз ҳодисаларнинг факатгина ташқи кўриниши ҳақидаги маълумотга эга бўламиз ва бу натижанинг тасодифий бўлишига, хулосанинг ишончсиз чиқишига сабаб бўлади. Фан эса воқеликни юзаки ва тасодифий фактлар асосида эмас, балки ботиний, қонуний ва зарурий боғлиқлар асосида билишни талаб қиласи (Halliday, Matthiessen 1999:24).

Бундай интилишга билиш фаолиятининг асосий воситаларидан бири бўлган *таҗриба-синов* ҳаракати жавоб беради. Бу восита кузатиш жараёнда йигилган маълумотни режали асосда қайта назорат қилишни таъминлайди. Таҷриба-синовининг оддий кузатишдан устунлиги унинг кузатиш

натижаларини қайта текшириш, синаш воситасига, яъни тажриба амаллариға эга бўлишидадир. Шундай бўлса-да, тажриба жараёнида тадқиқ этиладиган натижга ва хulosалар ҳам бирламчи, дастлабки маълумотлардан иборат бўлиб, улар батафсил илмий таҳлилга муҳтождирлар.

Барча фан соҳаларида тадбиқ этиладиган билишнинг интеллектуал воситалари қаторига *индукция* ва *дедукция* амаллари киради.

Индукция алоҳида кузатувлар натижаларини умумлаштиришдир. Ушбу билиш фаолияти аникликдан (реалликдан) мавхумликка йўналтирилади. Индуктив таҳлил тажрибадан тизимлаштиришга, тизимлаштирилган далиллардан эмпирик қонунлар кашфига, илмий хulosаларга интилади. Айнан худди шу йўсинда физиканинг массанинг сақланиши ва энергиянинг ўзгариши, умумий тортилиш қонуни каби қонуниятлари шаклланган.

Тилшуносликда индуктив таҳлил асосида қатор саволларга жавоб изланиб келинмоқда: Сўз қандай хусусиятларга эга? Сўз туркumlари таснифи нимага асосланади? Турли сўз туркumlари бирликларининг ўзаро муносабати нимадан иборат? Гап таркибида сўзларнинг ўзаро бирикиш қоидалари қандай шаклланади? кабилар.

Дедукция индукциядан фарқли ўлароқ, умумийликдан хусусийликка, қараб йўналтирилган билиш усулидир. «Дедукция воситасида тадқиқотчи бир синф, бир жинс, бир гурух нарса ёки ҳодиса тўғрисидаги умумий билимлардан уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида билимларни ҳосил қиласди» (Фалсафа. Қомусий лугат: 103). Қатор холларда дедукция бевосита тажрибанинг айрим нуқсонларини бартараф қилиш имконини яратади. Масалан, дедуктив таҳлил асосида (умумий тортишиш қонунига таянган ҳолда) куёш тизимидағи барча планеталар ва уларнинг йўлдошларининг массаси, улар ўртасидаги масофа, уст қисмлари иссиқлик даражаси кабилар аникланган. Бу турдаги ўлчовларни тажриба ва кузатиш йўли билан бажаришнинг имкони йўқ.

Дедуктив таҳлил асосида кўпгина ҳодисаларнинг воқеланиши ёки мавжуд бўлишини олдиндан фараз қилиш, айтиб бериш мумкин. Бинобарин, машхур аждодларимиздан ал Беруний Америка қитъаси мавжудлигини бу қитъа кашф этилишидан неча

асрлар олдин фараз қилган ва дунё харитасига туширган. Рус кимёгари Д.И.Менделеев айрим элементлар кимёвий таркиби ва уларнинг оғирлиги ўртасидаги мувозанатни ҳисобга олиб, ўз даврий жадвалида улар учун алоҳида жой қолдирди (кейинчалик бу элементлар кашф қилиниб, *галлий*, *скандий* ва *германий* номларини олишди).

Тилшуносликда ҳам айрим саволлар дедуктив таҳлилни талаб қиласи: Ушбу нутқий бўлакни сўз сифатида тавсифлаш мумкинми? Ушбу сўз қайси семантик – грамматик синфга тобе? кабилар.

Дедуктив усулда муаммолар ечимини излаш илмий тадқиқот амалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Буни биз, айниқса, ёзма ёдгорликлар матнлари мазмунини аниқлашга доир тадқиқотлар натижаларида сезамиз. Дедукция йўли билан лингвистик фаразнинг исботини излашга мисол сифатида Ф. де Соссюрнинг қадимий ҳинд-европа тилларида *ларингал* товушлар мавжуд бўлгандиги ҳақидаги илмий фаразини эслатмоқчимиз. Кейинчалик бу тахмин чех олими Б.Грозний томонидан хетт тили ёзма битикларининг ўрганилиши жараёнида ўз исботини топди.

Замонавий фалсафада индуктив ва дедуктив воситалар ўзаро боғлиқ, эвристик фаолиятни таъминловчи ақлий таҳлил усуллари сифатида талкин қилинади. Ушбу усуллардан қайси бирини ўринли қўллаш масаласи бевосита илмий тадқиқотнинг икки босқичи, яъни эмпирик (далиллар, фактлар тўплаш) ва назарий (илмий хulosалар чиқариш) босқичлари фарқи билан боғликдир.

Эмпирик тадқиқот дастлабки босқич бўлиб, унинг жараёнида оддий кузатиш ёки тажриба йўли билан далиллар тўпланади ва тизимлаштирилади. Ушбу мақсадда бажариладиган тадқиқотнинг асосий методи индукциядир. Лекин бу ҳолатларда индуктив таҳлил маълум даражада яширин дедукция кўринишида кечади, чунки бу таҳлилнинг амалга оширилиши воқеликнинг яхлитлиги ва ундаги алоқалар умумийлигини инобатга олинини такозо этади.

Назарий таҳлилда эса бошқача йўл тутилади. Бу таҳлил йўналиши алоҳида тушунча ва тамойилларга асосланиб, воқеликнинг якка ҳодисалари ҳакида хulosаларга келинади (бундай ҳодисалар қаторига кузатиш ва тажриба жараёнида сезилмаганлари ҳам киради). Демак, назарий билим асосан

дедуктив тузилишга эга. Лекин бу билан назарий тадқиқот фақатгина дедуктив таҳлилга таянади, деган холосага келмаслик керак. Биринчидан, дедуктив холоса учун асос бўладиган фоя ва тамойилларнинг ўзи тажриба жараёнида шаклланади, иккинчидан, назарий тадқиқот жараёнидан индукцияни тўлигича сиқиб чиқаришнинг ўзи нотўғридир. Масалан, айрим умумий тушунчаларнинг ўзаро мослигини аниқлаш бевосита индуктив таҳлилни талаб қиласди.

Юкорида айтилган фикрлар нафақат табиат ҳақидаги фанлар, балки тилшунослик учун ҳам тўлигича хосдир. Шунинг учун тил тизимини илмий билиш реал лингвистик ҳодисалардан бошланиши керак, деган фикр нечоғлик тўғри бўлишига қарамасдан, аслида ҳеч қачон индуктив усулнинг абсолютглашувига сабаб бўлмаслиги керак. Бундай яхлитлаштиришга уриниш бизнинг фанимиз тараққиётiga тўсиқ туғдиради, тадқиқот ҳодисаларнинг юзаки хусусиятлари билан чегараланиб қолиб, уларнинг асл моҳиятини назардан қочиради (Miller 2005: 202-203).

Индуктив ва дедуктив билиш усувлари *анализ* ва *синтез* амаллари билан боғлиқ.

Анализ – объектни тажрибада ёки фикран қисмларга ажратиш ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш амалидир. Демак, бу амал якканинг хусусиятлари асосида умумийлик, яхлитликни билиш учун замин яратади (масалан, кимёда мураккаб модданинг молекуляр таркиби таҳлили ёки тилшуносликда сўз морфем тузилиши таҳлили). Аммо у ёки бу объектнинг моҳиятини тўлиқ очиш учун уни қисмларга ажратиш ва алоҳида хусусиятларни ўрганиш етарли эмас. Бунда қисмлар ва уларнинг алоҳида хусусиятлари ўртасидаги муносабат, алоқалар тартибини аниқлаш лозим бўлади ва бу ҳолда анализ амали бевосита синтезга бориб тақалади.

Синтез ҳам мантиқан ёки тажриба жараёнида бажариладиган амалдир. Унинг бажарилиши жараёнида анализ усулида ажратилган қисм ва хусусиятлар бир бутунликка тўпланадилар ва объектни яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш шароити туғилади. Синтез усули яхлитлик таркиб топишининг ички механизмини аниқлаш имконини беради (масалан, кимёда атомларнинг қайси муносабатлари, қай йўсиндаги бирикишлари

асосида модданинг ҳосил бўлиши, тилшуносликда морфемаларнинг қай йўсинда бирикишидан сўз таркиб топади кабилар). Синтез амалининг умумийлаштириш хусусияти файласуфлар берган таърифда ўз ифодасини топади: «Тадқиқот жараёнида анализ билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи хисобланса, синтез уни якупнайди. Синтез орқали умумий тушунча, муҳокамалар таркиб топади» (Фалсафа. Қомусий луғат: 370).

Диалектик ёндашув нуқтаи назаридан анализ ва синтезнинг ўзаро алоқадорлиги ҳеч қандай гумон туғдирмайди. Аммо билишнинг барча шароитларида анализнинг синтезга тайёргарлик босқичи сифатида хизмат қилиши шарт эмас. Айрим ҳолларда бу босқичлар ўрин алмашишлари ҳам мумкин, айниқса, илмий фаразларни шакллантириш ва уларнинг исботини қидириш шароитида (Степанов 1980: 3-4).

Фараз – тадқиқ этилаётган предмет қисмлари ва бўлакларининг ботиний муносабатларини яхлит тасаввур қилишdir. Ушбу муносабатлар тажрибадан олдин, фикран (a priori) тасаввур этилади ва мантиқий эътироф асосида биз реал воқеаликни олдиндан башорат қилиш ва изоҳлаш имкониятига эга бўламиз.

Илмий билиш фаолиятида фаразнинг ўрни ва роли муҳимdir. Машхур рус табиатшуноси С.И.Вавилов айтганидек, «замонавий физика фани фаразлар пойдеворида ўсиб-улғайди» (қаранг: Андреев 1964: 141).

Илмий фараз лисоний тадқиқотлар учун ҳам одатий ҳолдир. Тилшуносликка маълум ҳодисаларни қиёслаш асосида тилларнинг ўтмиш ҳолатини қайта тиклаш мақсадини кўзлаган қиёсий-тарихий методнинг тадбиқ қилиниши тиллар қариндошлиги хақида фаразларга асосланади. Тиллар қариндошлигини белгиловчи фаразлар уларда маълум турдаги ўхшаҳ хусусиятлар мавжудлигига таянса, тилларнинг нотекис ривожланиши хақидаги фаразлар эса уларнинг турли-туман хусусиятларга эгалиги билан изоҳланади.

Аслида тилларнинг ўтмишини қайта тиклаш мақсадининг ўзи ҳам фаразлар асосида фикрлашдан бошқа нарса эмас. Масалан, «соқол» маъносидаги инглизча *beard*, олмонча *bart*, полякча *b`roda*, русча «*борода*» сўзлари қиёсидан қадимги *bord*

ўзаги мавжуд бўлганлиги ҳақидаги хulosага келиш фараз қилинаётган шакл-ку! Лекин фақатгина шу хилдаги фараз асосида ҳақиқатан мавжуд бўлган далилларнинг тарихий ривожини, уларнинг у ёки бу тилда қандай пайдо бўлганлигини изоҳлаш мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Тавсифий тилшуносликнинг таҳлил методлари дедуктив фаразларга асосланади. Масалан, дифференциал (фарқловчи) хусусиятлар таҳлили лисоний бирликларнинг ўзаро муносабатда бўлиши, тизимлилк хусусиятига эгалиги ва тизимдаги ўрнига нисбатан ажратиб олинниши ҳамда таснифланиши мумкинлиги ҳақидаги фаразга асосланади. Лугат тизимиға нисбатан дистрибутив таҳлилнинг кўлланиши эса сўз маъноси ва унинг бирикиш қобилияти ўртасида мутаносиблик (алоқа) мавжуд, деган фаразга таянади. Бундай мисоллар каторини кўплаб давом эттириш мумкин.

Фаразлар воситасида воқеликни билиш жараённида туғиладиган саволлар, вазифаларни ечишга харакат қиласиз. Лекин фараз фақатгина эҳтимоллардан иборат ва бу эҳтимоллар тадқиқот жараённида ўз тасдиғини топиши ёки инкор этилиши мумкин. Кўйилган муаммо ҳақида фараз тўғри ва исботли бўлиши унинг мавжуд далилларга мос келиши билан боғлик. Далиллар асосида исботланган фараз илмий назария ёки фоя шаклини олади. Лекин фаразнинг далилларга мос келишини ўта оддий тасаввур этмаслик керак.

Айрим ҳодисалар чексиз ва доимий ўзгаришдаги хусусиятларга эга бўлиши мумкинлиги инобатга олинса, барча турдаги хусусий ҳодисаларнинг барча белги-хусусиятларини бир хилда ўрганишнинг имконияти чегараланади (Ракитов 1971: 39). Шу сабабли илм соҳаларида *идеаллаштириши* ёки *аппроксимация* (лат. *approximare* – яқинлашиш) амаллари ҳам мавжуд. Бу амал воситасида реал борлиқда мавжуд бўлмаган, фараз қилинаётган объект (аникроғи, ушбу объект ҳақидаги тушунча) фикран шакллантирилади. «Идеаллаштириш ёрдамида шаклланган тушунчалардан кейинчалик реал объектнинг инъикоси сифатида изланишлар олиб борища, мулоҳазалар юритища, реал жараёнлар мавхум схемаларини тузища кенг фойдаланиш мумкин» (Фалсафа. Қомусий лугат: 144). Идеаллаштирилган объектлар таҳлили натижасида воқелик ҳодисалари ҳақида

ишончли маълумотлар тўплаш имкониятидан тадқиқотчилар кенг фойдаланиб келмоқдалар.

Тадқиқот обьектини идеаллаштириш харакати мавхумлаштириши ва мантиқий тажриба харакатлари билан ҳамкорликда бажарилади. Мавхумлаштиришнинг энг кенг тарқалган турларидан бири тенглаштириши (ўхшатиши)дир. Тенглаштириш билан боғлиқ мавхумлаштиришда биз кузатилаётган предметларнинг айрим индивидуал хусусиятларини «унутиб», улардан умумийликни излаймиз ва шу умумий белгилар асосида уларни бир хил, ҳатто баъзан ягона бир предмет сифатида қабул қиласиз. Бу турдаги мавхумлаштириш нафақат мақсадли тадқиқот воситасигина бўлиб қолмайди. Бундай ёндашув инсон билиш фаолиятининг барча босқичларида мавжуд бўлади ва шу сабабли умумлаштириш амали нутқий фаолиятда доимий равишда воқеланадиган ҳодисадир: масалан, «дараҳт» сўзи воситасида барча турдаги дараҳтларни ифодалаш мумкин.

«Умумийлик» (ёки «айнанлик») тушунчасининг қўлланиши бирмунча шартлидир. Бир гуруҳдаги предметларни маълум бир нуқтаи назардан тенг, бир хил деб караш мумкин бўлса, бошқача ёндашувда улар турли предметлар сифатида қабул қилинадилар.

Мавхумлаштириш кузатиш натижаларига асосланади ва ушбу натижаларни аниқ бир ёндашув асосида умумлаштиришдан иборатдир. Шу йўсинда биз ўрганилаётган обьектлар ҳакида шундай тушунчаларга эга бўламизки, бу тушунчалар обьектларни идеаллаштирган ҳолда акс эттираса ҳам, аслида уларнинг моддий кўринишини назарда тутади. Лекин мавхумлаштириш амали жараёнида умуман моддийлик хусусиятига эга бўлмаган обьектлар ҳакида тушунча ҳосил қилиниши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Бундай мавхумлаштирилган тушунчалар қаторига, масалан, нуқта, чизик, текислик каби геометрик тушунчалар ҳам киради.

«Номоддий» обьект тушунчаси тилшуносликда ҳам ўз ўрнини топган. Масалан, «нол флексия» («нол морфема») тушунчасини олайлик. Бу флексия сўз шаклларида ўз ифодасини топмайди, уни факатгина сўз ўзгартувчи морфема мавжуд бўлган шакл билан қиёслангандагина ажратиш мумкин. Масалан, У китоб сотди ва У китобни сотди тузилмалари қиёслангандা, китоб сўз шаклида тушум келишигининг нол флексияси

мавжудлиги ҳақидаги холосага келиш мумкин. Худди шунингдек, инглиз тилидаги a book ва books ҳамда ўзбек тилидаги *китоб* ва *китоблар* шакллари қиёсида бирлик сони нол морфема воситасида ифодаланади деб айтиш мумкин.

Предмет ва ҳодисаларнинг ботиний (бевосита кузатувдан яширин ҳолдаги) хусусиятларини билиш учун шакллантириладиган «номоддий» мавхум объектларни *конструкт* деб аташади.

Конструкт назарий билим ва воқелик ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди. Назарий билим воқеликни конструкт доирасида инъикос эттиради ва бундай инъикос бевосита тажрибавий инъикосга нисбатан тўлиқроқ бўлади. Ушбу инъикоснинг ҳақиқатга қай даражада мослиги эса, дастлабки ўринда назарий холосанинг мантиқан асосланганлиги билан боғлиқ ва ниҳоят, у тажрибада синовдан ўтиб, ўз тасдигини топади.

Ўрганилаётган объектнинг идеаллаштирилиши уни ўрганиш шароити, муҳити билан боғлиқ ҳолда кечади. Аммо ушбу шароитни доимо реал яратиш имкони бўлмайди, ана шундай ҳолларда тадқиқотчи *фикрий тажриба* амалига мурожаат қиласди. Бундай тажрибанинг моҳияти шундаки, биз объектни факатгина фикран тасаввур этилаётган идеал шароитда кўришга ҳаракат қиласиз. Фикрий тажрибанинг натижасини инерция қонуни (И.Ньютоннинг биринчи қонуни) мисолида кўриш мумкин: «Ҳар қандай жисм унга бошқа жисмлар таъсир қилмагунча, ўзининг тинч ҳолатини ёки бир тўғри чизиқли текис ҳаракатини сақлайди».

Воқеликда эса ташқи куч таъсирида бўлмайдиган жисмнинг ўзи йўқ (уларнинг барчаси доимий равишда бир-бирига таъсир ўтказади). Демак, Ньютон қонунидаги таъкид идеал (тасаввур қиласаётган) шароитни назарда тутади. Лекин бу таъкид табиатнинг воқеий қонуниятини ифодалайди (инерциянинг сақланиш қонуни) ва ўз исботини маълум даражада амалиётда топган.

Умуман олганда, фикран тажриба «шундай бўлса нима бўлар эди...» қабилидаги тафаккур ҳаракатларининг барчасида содир бўладиган ҳодисадир ва у тилшуносликда кенг қўлланилади. Бундай ҳолда тадқиқотчи, агар у тадқиқ қилинаётган тилни етарли даражада яхши билса, бевосита нутқий мулоқот

жараёни матнларидан материал йигиб ўтиrmасдан, фикран тажриба ўтказиш имкониятига эга бўлади. Бу тажриба жараёнида тил бирликларини (сўз, грамматик шакллар ва бошқалар) фикран муайян нутқ вазиятларида қўлланишини текшириб кўради ва шу асосда тадқиқ қилинаётган тилнинг ички тузилиши ҳакида тўлиқ маълумот йигиши имкони вужудга келади. Бу борада, айниқса, тажрибанинг салбий натижаси мухимдир, чунки бу натижа оддий кузатиш жараёнида сезилмасдан, «кўзга ташланмасдан» қолиши мумкин. Тилшуносликка оид тадқиқотларда «салбий лисоний материал»нинг мухимлигини Л.В.Щерба алоҳида қайд этган эди (Щерба 1965: 369).

Кузатиладиган объектларни илмий билишнинг бевосита услубларидан яна бири модельлаштиришдир.

Моделлаштириши (қолиплаштириш) эҳтимолли тенглаштириш (аппроксимация) амалининг бир туридир. Бунда бирор бир қиймат бошқа оддийроқ, кўпроқ маълум бўлган қийматга тенглаштирилган ҳолда ифодаланади.

Одатда, модельлаштириш амалига бирор бир объектни бевосита тадқиқ қилиш ёки уни тасаввур этиш қийинлашса (чунки унинг айрим хусусиятлари ўта яширин ҳолда мавжуд бўлади) мурожаат қилинади. Бундай ҳолда объектнинг ўрнига унинг модели, яъни соддалаштирилган рамзи ўрганилади.

Моделлардан билиш фаолиятида фойдаланиш мантикий ўхшатиш амали бўлиб, унинг воситасида бир предметнинг хусусиятлари, муносабатларини билиш «ушбу предметнинг бошқа предметлар билан ўхшашлиги мавжудлигини билиш билан боғлиқдир» (Кондаков 1972: 29).

Модельлаштириш турли кўринишига эга бўлиши мумкин: моддий, физик, математик, мантикий ва ҳоказо. Бу модельлар тузилишида модел ва аслиятнинг ўхшашлиги, тенг томонлари инобатга олинади. Бу ўхшашлик объектнинг ташқи кўринишига, моддий таркибига асосланиши мумкин, фарқ эса ҳажмда кўринади. Лекин уларнинг ўхшашлиги ички тузилишлар айнанлигида, бошқа объектлар билан бўлган алоқаларида ва бошқа мазмуний - вазифавий хусусиятларида намоён бўлади.

Тилшуносликда модельлаштиришнинг турли усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Анъанавий грамматикада мавжуд бўлган отларнинг турланиши ва феъл тусланишининг турли чизма

шакллари моделлаштириш намуналаридир. Бу моделларда сўз грамматик шакллари уларнинг кетма-кетлигини кўрсатувчи аниқ тасвирларда берилган (Ревзин 1967: 17). Ушбу кетма-кетликнинг лисоний мухитда қандай эканлигини биз билмаймиз, чунки далиллар тўлиқ эмас. Шу сабабли барча далилларни бир жойга тўплаб, модел (қолип) тузамиз ва унинг воситасида турли шаклларнинг ўзаро муносабатини ҳамда уларнинг тил тизимида тутган ўрни, бажарадиган вазифасини аниқлаймиз.

Худди шу йўсиндаги таҳлил усули синтактик бирликларга нисбатан ҳам қўлланилади. Гап ва бошқа бирликларнинг структур ва семантик қолипларини қиёслаш асосида уларнинг таркиби, тузилиш қоидалари ҳамда таркибий қисмларининг ўзаро структуравий ва семантик муносабатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Моделлаштириш воқеий лисоний ҳодисаларни бевосита билиш учун хизмат қилувчи воситадир.

Моделлаштириш амалининг тилшуносликдаги моҳияти ва роли анча нисбийдир. Шунинг учун ҳам лисоний моделни «тил тизимининг асосий муносабатлари ва алоқаларини намунавий ва соддалаштирилган кўринишида акс эттирувчи фикрий структура» (Гухман 1970: 157) сифатида талқин қилишади.

Маълумки, тил тизими элементларнинг тартиблаштирилган тўпламидир. Ушбу элементлар ўзаро шундай боғланганки, уларнинг барчаси бир-бирига қарам ва ҳар бирининг мавжудлиги ушбу муносабатлар занжирига асосланади, бу эса лисоний таҳлилда мавҳумлаштирилган математик моделлардан фойдаланиш имконини беради. Бундай моделлар рамзий белгилар «либосида» бўлиб, улар воситасида формал амаллар бажариш мумкин бўлса-да, аслиятдан анчагина йирокдирлар. Лекин улар тилнинг энг умумий хусусиятларини илмий - назарий таҳлил қилиш имконини яратадилар.

Шу тариқа лингводидактика, лисоний педагогика соҳалари ривож топмоқда, бу соҳаларда янги ахборот технологиялари тадбиқи масаласи долзарблашмоқда. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида ахборот технологияларини таълимга тадбиқ қилиш ва масофали таълим марказлари ташкил топди. Бу марказларда виртуал кутубхоналар, мультимедиа ўқув дастурлари, қўлланмалари яратилмоқда.

1-БОБ. ТИЛНИНГ МОХИЯТИ ВА УНИНГ ТИЗИМЛИ САТҲИЙ ҚУРИЛИШИ

I.I. Тилнинг ижтимоий функциялари

Ижтимоий хаёт шароити инсоннинг яратувчанлик ва билишга йўналтирилган фаолияти шахсларнинг доимий равища ўзаро мулокотга киришувини тақозо этади. Инсоний муносабатларнинг асосини тил белгилари орқали алоқага, мулокотга киришув ташкил қиласиди (Беликов, Крысин 2001: 248-250; Махмудов «Тил»).

Бундай мулокотнинг асосий вазифаси шахслараро мураккаб ва уларнинг ҳар томонлама ижтимоий муносабатларига мос келадиган, мазмунли ва тезкор алоқа ўрнатишdir. Инсоният тараққиёти тарихи ҳам мулокот жараённида рўй беради ва яратилиади. Бу ўринда ижтимоий тараққиётнинг белгиловчи омили сифатида ўзаро муносабатларининг роли тобора ошиб бориши кузатилиади. Ана шу жиҳатдан тилнинг энг муҳим алоқа воситаси сифатидаги коммуникатив қурдати, ривожланиш даражаси кўзга яққол ташланади.

Бошқа томондан олиб қаралганда, инсоният тараққиётида тил воқеликни билишнинг, ижтимоий борликни идрок этишнинг ҳам муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган. Натижада инсоннинг коммуникатив ва билишга оид фаолиятида ягона бир восита - тилдан фойдаланиш умумбашарий тараққиётнинг муваффақиятини таъминлади.

Мулокотнинг мазмунли, очик ва тушунарли бўлиши лисоний материалнинг ҳажм ва маъно жиҳатдан чегараланмаганлигига боғлиқдир. Бу ўринда тил захирасида ижтимоий - тарихий ахборотни сақлашнинг икки даражасини ёки усулини фарқлаш мумкин:

1) тилнинг ўзида, яъни тилнинг семантик тизимида, луғатларда ва грамматик категорияларда;

2) тилда яратилган мулокот материалида, яъни оғзаки ва ёзма матнларда;

Одатда, тилнинг бажарадиган кўплаб функциялари қаторида баъзилари энг муҳим эканлиги кўрсатилади: 1) тил одамлар орасида энг муҳим алоқа воситасидир; 2) у инсониятнинг

ижтимоий тарихий тажрибасини сақлаш учун хизмат қилади; 3) тил тафаккурнинг асосий элементи вазифасини бажаради.

Булар ҳар қандай тилнинг энг муҳим, асосий функциялари ҳисобланади. Аммо тилнинг функционал имкониятлари бу билангина чекланмайди. Инсон коммуникатив фаолиятининг турли-туманлиги алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган тил тизимининг ички мураккаблиги ва бажарадиган функциясининг хилма-хиллиги билан ҳам боғлиқдир.

Р.О.Якобсон, замонамизнинг энг билимдон тилшунос олимларидан бири, коммуникатив акт жараёнини ўрганар экан, унинг барча функцияларини, ҳатто иккинчи даражали омилларини ҳам чукур ўрганиш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу нуқтаи назардан Р.Якобсон томонидан илгари сурилган тилнинг *эмотив*, *фатик*, *металисоний* ва *эстетик* функцияларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади (Якобсон 1975: 197-203).

Мулоқот нафакат ахборотнинг мантикий мазмунини, балки гапираётган шахснинг руҳий ҳолатини, ҳиссиётини, истакларини ҳам ифодалаши мумкин. Бундай ҳолатларда тил ўзининг *эмотив* (эмоционал-экспрессив) функциясини бажаришга киришади.

Айрим ҳолатларда мулоқот мақсадсиз амалга оширилади: бундай ҳолларда сұхбатдошлар учун улар ўзаро алмашаётган ахборот муҳим эмас, улар ўз ҳиссиётларини ифодалашга, бу билан бир-бирларига таъсир қилишга уринмайдилар. Бу пайтда улар учун фақатгина алоқага киришув муҳим, бу орқали кейинги мазмундорроқ мулоқотга тайёрланадилар. Бундай ҳолларда тил ўзининг *фатик* функциясини (муносабат ўрнатиш функцияси, алоқага киришув) бажаради. Тилнинг фатик функцияси саломлашувларда, табрикларда, одатий об-ҳаво ҳақидаги ва шунга ўхшаш мазмундаги сұхбатларда намоён бўлади.

Тилнинг беҳад семантик имкониятлари сұхбатдошларга унинг *металисоний* функциясидан фойдаланиш имконини беради. Бу сўзловчининг ахборотни янада тушунарлироқ, янада ифодалироқ етказиш учун тилнинг турли воситаларидан фойдаланишида ўз ифодасини топади. Бундай вазиятларда тилнинг ўзи нутқ обьекти вазифасини бажара бошлайди. Тилнинг *металисоний* функцияси атамаси, бошқача айтганда, «нутқ материалини изоҳлаб гапириш» деган маънени англатади.

Нутқ (тил) материалига эътибор тилга эстетик муносабатни шакллантиради: сўзловчилар матндаги сўзларнинг оҳангига, гап курилишига, ишлатилаётган сўзларнинг ифодадорлигига эътибор бера бошлайдилар. Тилга эстетик муносабат, шундай қилиб, нутқнинг эстетик объект сифатида гўзаллигига ёки маънисизлигига муносабат уйғотади. Эштилаётган ахборотнинг эстетик англаниши тил тизимининг *эстетик вазифасидан* далолатдир.

Семиотика нуқтаи назаридан тил ноёб, бироқ ягона белгили тизим эмас. Уни асалариларнинг тили билан, йўл белгиларининг тили билан, мусиқа ва дастурлаштиришнинг алгоритмли тили билан қиёслаш мумкин. Жамият ҳақидаги фанлар нуқтаи назаридан қаралса, тилни такрорлайдиган бошқа бирор бир тизим мавжуд эмас:

а) ҳар қандай ижтимоий ҳодиса хронологик жиҳатдан чегараланган: у инсоният жамиятида азалдан мавжуд бўлмаган ва мангу давом этмаган. Масалан, оила, давлатлар, табакалар барча замонларда азалдан мавжуд бўлмаган. Ижтимоий онгнинг турли шакллари, масалан, фан, хукуқ, санъат, ахлок, дин ҳам азалдан мавжуд бўлмаган. Бироқ тил азалдан мавжуд ва у жамият мавжуд экан, мангу яшайверади. Демак, тил, меҳнат, онг, турмуш кабилар инсониятнинг ижтимоий асосини ташкил қиласди.

б) ҳар қандай ижтимоий ҳодиса маълум ҳудуд ва чегарада мавжуд бўлади. Масалан, фан ва ишлаб чиқариш ўз ичига санъатни қамраб ололмайди, тил эса ижтимоий онгнинг барча жиҳатларини ўзига қамрай оладиган ижтимоий ҳодисадир.

в) тилнинг глобаллиги, унинг ижтимоий хаёт ва онгнинг барча жабҳаларига кириб бора олиши, бошқа гурухлар, табакалардаги ҳодисалардан устуворлигини таъминлади. Масалан, умумхалқ тили ижтимоий жиҳатдан бир хил эмас. Унинг ижтимоий тузилиши жамиятнинг ижтимоий тизимиға боғлиқ. Шу сабабли касбий тил, жаргонлар, оддий халқ тили, олий табакадагилар тили, адабий тил сингари тушунчалар мавжуд. Бироқ ижтимоий диалектлар, шевалар ҳеч қачон алоҳида тил сифатида шаклланмайди;

г) туб илдизлари маънавий маданиятга бориб тақалгани учун тил ижтимоий онгнинг бошқа шакллари (маънавият, хукуқ,

ахлоқ, фан, санъат, дин) орасида алоҳида ўринга эга. Тил ижтимоий онгнинг асосидир;

д) тил ижтимоий онгнинг бошқа шакллари сингари ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттиради ва у орқали шаклланади. Бироқ ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги билвосита эканлиги билан ажralиб туради;

е) ўзида ижтимоий ҳаётнинг билвосита ифодаланиши боис тил ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан фарқли ўлароқ, мафкурага, яъни ижтимоий онгнинг дунёкарашга оид шакллари масалан, сиёsat, хуқуқ, ахлоқ, эстетика ва динга тобе эмас;

ж) тил тараққиёти кўп ҳолларда жамиятнинг ижтимоий тарихидан мустақил ҳолда кузатилади.

Шундай қилиб, тил ҳалқларнинг ноёб мулоқот воситаси вазифасини бажаради. У авлодларнинг тарихий алмашинуви ва ижтимоий формацияларнинг алмашинуви жараённада ҳалқ, миллат бирлигини таъминлайди. У одамларни вақт ва замон, жуғрофий ва ижтимоий муҳитдаги бирлигини ҳам таъминлайди (Корнелов 2000: 14-15).

1.2. Тилнинг мавжудлик шакллари

Тил тизими нутқда ўз ифодасини турлича топиши мумкин. Тил тизимининг маълум бир ижтимоий онг вакиллари (ҳалқ, этник, ижтимоий гурӯҳ) томонидан қабул қилинган варианти шу ижтимоий гуруҳнинг тил нормасини ташкил қиласди.

Энг аввало, умумхалқ тили фарқланиб, у барча мавжуд нормаларнинг умумлашган шаклидир. У ўз таркибига қўйидагиларни олади:

Адабий тил;

Сўзлашув тили;

Худудий диалектлар;

Диалектларга мансуб бўлмаган тил бирликлари;

Турли-туман ижтимоий диалектлар (касбий тиллар, жаргонлар, маҳфий корпоратив тиллар, табакавий тиллар).

Умумхалқ тилининг алоҳида вариантлари ҳам тилнинг мавжудлик шакллари хисобланади. Улар бир-бирларидан

материал, тил бирликларининг таркиби, ижтимоий мақоми (ишлатилиш доираси), мөйөрий даражаси билан фарқланади.

Тил вариантиларининг ўзаро муносабатлари тури тилларда турличадир. Одатда, муайян халқнинг адабий тили маълум бир диалектнинг ёки ўзаро яқин диалектларнинг умумий нормаларига асосланиб яратилади. Масалан, адабий француз тили франци диалекти асосида, испан адабий тили кастилия диалекти, инглиз адабий тили англо-сак ва ют диалектлари асосида (англар, сакслар ва юtlар Британ оролларига тахминан 450 – йилларда Германия худудларидан кўчиб келишган), рус адабий тили ўрта рус Москва диалектлари асосида шаклланган, ўзбек адабий тили қарлук лаҳжасига кирувчи шеваларга асосланган.

Адабий тил шаклланган давридан бошлаб, ўзи асосланган диалектлардан олган меросни сақлаб келади. Масалан, Италия ерларининг узоқ муддат давомида майда феодалликларга бўлинниб турганлиги сабабли ягона давлат шаклланган даврларда ҳам итальян тили узоқ пайт майда диалектларнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб келди. Буни академик Г.В. Степанов образли қилиб, «итальян диалектлари ўрмони» деб атаган эди (Степанов 1976: 88).

Натижада, XIV асрда тоскан-флорит диалектлари асосида шаклланган адабий итальян тили мамлакатнинг бошқа худудларидаги диалектлардан анча фарқ қилди. Худди шундай манзара олмон адабий тили ва олмон диалектлари (куйи немис диалекти, «платтдойч», жанубий немис диалекти ва Берлин диалекти) ўртасида ҳам кузатилади.

1.3. Тил белгилар системаси сифатида

Тил одамларнинг ўзаро мулокотга киришувида фойдаланиладиган, уларнинг онгида сақланадиган, бироқ конкрет фикрларидан, хиссиётларидан, истакларидан холи бўлган материал бирликлар тизимиdir (Джонсон – Лэрд 1988: 234-235).

Тил бу белгилар тизими. Белгилар эса муайян маънони ва уни ифодалаш воситасининг умумлашмасидир.

Инсоният жамиятида мулокот, ўзаро фикр алмашинувнинг рўй бериши, яъни қандай воситалар билан ахборотни бир-бирларига узатиш, бу воситаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қандай қўлланилиши, қандай ўзгаришларга дучор бўлиши ҳақидаги фан *семиотика* (грекча «сема» - белги) деб аталади (Кравченко 2001: 20).

Семиотика фанининг асосчиси америкалик файласуф Ч.Пирс (1839-1914) биринчилардан бўлиб, ўзи асослаган фанинг текшириш объектини (жамиятда фойдаланадиган турли белгилар системаси), белгиларнинг моҳиятини ва ўзаро муносабатларини аниқлаб, тасниф қилди.

Тилшунос олимлардан семиотика фанининг ривожланишига Фердинанд де Соссюр катта ҳисса қўшди. У тилни белгилар системаси сифатида таърифлайди. Агар Ч.Пирс семиотика фанининг асосчиси ҳисобланса, Соссюрни, том маънода, тилни белгилар системаси сифатида ўрганадиган умумий тилшуносликнинг бир бўлими – лингвосемиотика фанининг асосчиси деб аташ мумкин.

Тил белгиси моддий тузилмадир. У воқелиқдаги предметни, хусусиятни, муносабатларни англатади. Тил белгиларининг мажмуи белгилар системасининг вужудга келишига олиб келади. Ушбу система муайян фикрий (мантиқий) мазмун (ифодаланмиш) ва фонематик жиҳатдан бир-бирларидан ажrala оладиган белгилар (ифодаловчи) йигиндисидан иборат. Лисоний белгининг бу икки аспекти инсон онгида доимий боғлангани ҳолда турғун бирикүвни ҳосил қиласи ва ижтимоий аҳамиятга молик маънони англатади. Бу иккала аспектнинг ажралмаслиги, ягона бутунлиги асосида борлиқнинг муайян бир бўлаги, яъни алоҳида воқеа ва ҳодисалар инсон онгида ўз аксини топади ва лисоний ифодаланади (Лосев 1982: 30-31).

Белгининг ҳар иккала аспекти бир-бирига боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, аммо тил тизимининг умумий ассиметрия қонунларига бўйсунади.

Энг типик лисоний белги сўздир. Чунки инсоний билимларнинг барчаси ва предметларни образлари орқали билиш аждодларнинг фикрлаш жараёнининг натижаси сифатида сўзларда ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, сўз бирлиги кумулятив маънога эга, у яъни илгаридан жамланиб келинаётган ахборотлар йиғиндисидан иборат.

Айрим сўз бирликларида ифодаланган маъно инсоният тўплаган тажрибаларнинг, уларни ўраб турган оламдаги факт ва ҳодисаларнинг схематик инъикоси бўлиб, улар тавсифловчи, таърифловчи белгиларни, яъни тўлиқ маъноли сўзларни ҳосил қиладилар.

Бошқа тил белгилари ифодалайдиган маънолар (олмошлар, предлоглар, боғловчилар) тил белгилари орасидаги ички муносабатларни, мураккаб лисоний белгилар – гаплар таркибида фикрнинг турли муносабатларини ифодаловчи ахборотдан иборат.

Алоҳида ички тизим орқали ифодаланадиган маънолар, масалан, ўзига хос маъно англатувчи белгилар сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи морфемалар бўлиб, улар маъно ифодалайдилар ва шу сабабли уларни айрим ҳолларда «ярим белгилар» деб ҳам аташади (Back, Harnish 2000: 44-46).

Сўз белгисининг асосий фарқловчи хусусиятларидан бири у ифодалайдиган маънонинг (ифодаланмишнинг) босқичли принцип асосига қурилганидир. Зоро, ҳар қандай сўз белгиси ифодалаган шакл фонемалардан, ҳар қандай тилда чегаралangan микдордаги «семасиологиялашган» (И.А. Бодуэн де Куртенэ) товушлардан ташкил топади. Улар турли бирикувлар орқали объектив борлиқдаги, инсон фаолиятининг барча жиҳатларига оид тушунчаларни номловчи бирликларни ясайдилар. Сўз бирлигининг қуий босқичида турувчи иштирокчилари фонемаларнинг фарқловчи белгилари бўлиб, улар факат перцептив (ҳис қилиш, идрок қилиш) функциянига эмас, балки дистинктив (фарқловчи) функцияни ҳам бажарадилар. Дифференциал белгили фонемалар ўзига хос «белгиларнинг белгиси» (К.Л.Бюлер, О.С.Ахманова, Ю.С.Степанов), «фигуралар» (Л.Ельмслев) деб ҳам талқин қилинади.

Шундай килиб, сўз белгиси умумий билишга оид вазифадан ташқари, тилнинг кичик структуравий (фонема, морфема) ва катта (сўз бирикмалари, гап) бирликларини идентификациялаш (ажратиш) вазифасини ҳам бажаради.

Бу бирликлар тил белгиларининг мураккаб тизими сифатида икки томонлама ифодаланиши билан характерланади, зеро, улар дастлаб воситалар системасида (предмет ва ҳодисаларнинг маъносини англатиш учун), кейин эса нутқда коммуникантлар ўртасида ахборот узатиш, прагматик таъсир ўтказиш учун ишлатилади (Макеева, Целенко 1998).

Лисоний белгилар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва шунингдек, бир-биридан ажralган ҳолда ишлатилмайди. Ҳар қандай тил элементи у ёки бу система, микросистема, қатор доирасида сайқалланган намуналар асосида икки турдаги структуравий ўзгаришлар, яъни парадигматик ва синтагматик бирикув қонуниятларига кўра кўлланилади.

Хуллас, лисоний белги қуйидаги хусусиятларига нисбатан тасниф қилиниши мумкин:

1. Белги ясаш тамойилига (усулига) кўра:

а) белги ясашнинг семиологик усулига кўра (лексик морфемалар, тўлиқ маъноли ва ёрдамчи сўзлар);

б) иккиламчи маъно англатувчи белгилар (Э.Бенвенист).

Улар семантик интерпретация тамойилига биноан фарқланадилар (булар қаторига барча дискурсив – нутқий бирликлар киради);

2. Фикрнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигига кўра лисоний белги тўлиқ (гап) ёки тўлиқсиз (сўз, сўз бирикмаси) бўлиши мумкин;

3. Нутқ ҳаракатига боғлиқ ва боғлиқ эмаслигига нисбатан лисоний белги виртуал (нутқда фаоллашмаган) ёки актуал (фаоллашган) бўлиши мумкин. Масалан, сўз белгиси маъносини фаоллаштириш уч босқичда амалга ошади:

а) сўз-лексема, семантик жиҳатдан бўлинмас виртуал белги (масалан, «уй»).

б) сўз бирикмаси семантик жиҳатдан алоҳида белгилардан ташкил топади (масалан, «эски уй», «ота уйи»);

в) сўз қўлланиши–жумлада тўлиқ фаоллашган сўз белгилари (масалан, «Бу уй арzon сотилади»).

Мисолларда келтирилган охирги иккى лисоний белгі ўзаро оппозицияга эга: виртуал сўз белгиси (лексик системада) – актуал сўз белгиси (нутқ актида); Улар ўртасидаги оралиқ узв маълум даражада фаоллашган сўз белгиси – тил лексик тизимининг элементи (бирлиги).

4. Асосий хусусиятлари умумийлигига кўра (категориал маъносига, нутқда бажарадиган функциясига, қўлланиш доирасига кўра) тил белгилари семиологик синфларга ажратиладилар:

а) характерловчи – тўлиқ маъноли сўзлар;

б) идентификацияловчи – атоқли отлар;

в) квантитатив – сонлар;

г) действив белгилар – субъектив, объектив ва ички структурал муносабатларни ифодаловчи сўзлар (кишилик, кўрсатиш ва бошқа олмошлар);

д) боғловччи сўзлар (релятив) – предлоглар, боғловчилар.

Нуткий хусусиятга эга структураси ва ифодалаган маъносига кўра турли-туман бўлган, нафақат вазиятни, балки «фикр маҳсули» бўлган ҳодисаларни, фактларни ифодаловчи тўлиқ лисоний белгилар алоҳида семиологик гурухни ташкил қиласди.

1.4. Тил систем – структуравий тузилма сифатида

Моддий системаларнинг илк тарихий тадқиқоти И.Кантнинг «Умумий табиий тарих ва само назарияси» китоби билан бошланган бўлиб, у бу китобида олам ягона системадан иборат эканлигини ва бу система нафақат ўзгариб туриши, балки ривожланишда ҳам эканлигини ҳамда уни ҳаракатга келтирувчи куч ўзаро тортишиш ва узоклашиш қонуни эканлигини эътироф этган эди.

Фаннинг турли соҳаларида системаларнинг ўрганилиши «система» тушунчасини аниқлаш вазифасини қўйди. Хўш, «система» тушунчаси нимани, кандай воқеликни, ҳодисани ифодалайди? Умумий система назариясининг асосчиси Л. фон Берталанфи (1947,1956) бу тушунча заминида ўзаро муносабатдаги бирликлар мажмуаси ётишини баён этади.

Элементлар умумийликда тизимни ташкил қиласиган обьектлардир. Элемент тизимда ўзига хос хусусиятларни сақлаган бўлинмас бирлиkdir, деган фикр илгари сурилади. Бироқ бўлинмаслик нисбий тушунчадир. Элементнинг ўзи ҳам системадан иборат ва у ҳам ўз навбатида элементлардан ташкил топади. Бошқача айтганда, элемент тўлиқ маънода системадан ташқарида мавжуд эмас. Аммо элементларни тизимнинг алоҳида қисмларидан фарқлаш зарур. Системанинг қисми вазифасини ҳар қандай беихтиёр ва табиий равишда ажralиб турган элементлар гурухи ташкил қилиши мумкин. Бошқача айтганда, система ичida субсистемалар (кичик системалар) вужудга келади (Bates 2005: 110-111).

Системани вужудга келтирувчи элементлар бир хил ва турли-туман бўлиши мумкин. Бир хил элементларнинг сифати ва хусусиятлари ўхшаш. Турли-туман элементлар эса, аксинча, бундай ўхшашликка эга эмас.

Элементларнинг сифат ўхшашлигини шартли ва нисбий деб аташ мумкин. Табиатда бутунлай ўхшаш бўлган бир хил обьектлар мавжуд эмас. Шу сабабли сифати ўхшаш элементлар ҳақида гап юритилса, уларнинг умумий хусусиятлари назарда тутилади. Бинобарин, лексик маънонинг тавсифи нафақат алоҳида сўз маъносининг таърифини, балки унинг бошқа лугавий бирликлар билан турли муносабатларга киришишини ҳам ўз ичига

олади. Сўзлар ўртасидаги умумий боғланишлар асосида ҳар бир сўзнинг луғавий тизимдаги ўрни аниқланади.

Луғат сатҳининг системали тузилиши моҳияти сўзлар орасидаги семантик боғлиқликларнинг турли-туманлиги билан изоҳланади (Неъматов, Расулов 1995; Искандарова 1999). Бу боғлиқликлар сўзлар воситасида ифодаланаётган воқелик предмет-ходисаларининг умумийлиги туфайли (уларнинг ўхшашиклари, бир турга кириши, бажарадиган вазифалари умумийлиги ва сўзларнинг ўзаро муносбатда бўлган бир хил предмет, ходиса, хусусият, белгини ифодалашида) намоён бўладиган ички лингвистик яхлитлиги туфайли вужудга келади. Аммо бу ҳолда ўзаро семантик яхлитликка эга бўлган у ёки бу предметни ифодалаш вазифасини турли лисоний белгилар бажаради.

Луғавий сатҳда юзага келадиган семантик муносабатларнинг энг универсал тuri *парадигматик* ва *сintагматик муносабатларdir*.

Парадигматик муносабатлар бир сўз туркумига мансуб ва маъно жиҳатидан бирмунча умумийликка эга бўлган сўзлар орасида вужудга келади. Бундай сўзлар мажмуасига кирувчи бирликлар гап таркибида бир хил позицияларда бир-бирларининг ўрнида ишлатилишлари мумкин. Синтагматик муносабатлар ёрдамида бирликлар ўзаро боғланадилар ва нуткий тузилма хосил килиш учун ўзаро бирикадилар.

Парадигматик ва синтагматик муносабатлар луғавий бирликларнинг семантик хусусиятлари билан ўзаро узвий боғланган. Парадигматик муносабатлар сўзларни семантик синфларга бўлиш учун асос вазифасини бажаради. Бир парадигматик синфдаги бирликларнинг жумла таркибида бажараётган вазифалари ўзаро ўхшашидир. Синтагматик муносабатлар асосида эса парадигматик синфлар бирликлари коммуникатив мақсадларни бажариш учун ўзаро бирикадилар. Бу икки хил муносабатлар асосида ҳар бир сўз ифодалаётган маънонинг парадигматик ва синтагматик аспектларини аниқлаш мумкин.

Луғавий маънонинг парадигматик аспекти у мазмунан боғлиқ бўлган сўзлар гурухининг умумий маъноси билан аниқланади. Сўз парадигматик маъносининг миқдори у доимо

муносабатга кириша оладиган лексик гурухнинг миқдорига боғлиқ. Масалан, «ер» сўзи ифода этаётган маъно бўлаклари турига нисбатан қуйидаги лексик гурухларнинг ҳар бири билан муносабатга кириша олиши мумкин:

1. замин, тупрок, қатlam, қават;
2. шудгор, мулк, дала;
3. оҳактош, лой, кум;
4. қуёш, ой, юлдуз;
5. мамлакат, ватан, давлат;
6. қуруқлик, қирғоқ, орол ва ҳоказо.

Маънонинг синтагматик аспекти гапда лексемаларнинг ўзаро бирикувига асосланади. Мазмундор нутқда сўзлар энг аввало улар ифодалаган маъно орқали бирикадилар. Шундай экан, бир сўзнинг бошқа бир сўз билан бирикуvida ҳар сафар унинг янги семантик хусусиятлари намоён бўлади. Масалан, «*ер атрофида айланмоқ*», «*ерни кемадан кўрмоқ*», «*тақир ер*», «*ҳайдаланадиган ер*», «*ердан намуна олмоқ*», «*ерни деҳқонларга бермоқ*» каби сўз бирикмаларида «ер» сўзининг турлича маънолари намоён бўлади.

Агар маънонинг денотатив ва сигнификатив аспектлари нолисоний омиллар орқали аниқланса, парадигматик ва синтагматик аспектлар ички лисоний ҳодисадирлар. Лекин бу ҳолда ҳам лисоний номланаётган реалияларнинг хусусиятлари – таъсирини бутунлай инкор қилиб бўлмайди.

Сўзларнинг тематик гурухлари ёки семантик сатҳ сўз орқали ифодаланган, экстралингвистик умумийликка асосланган, маъно жиҳатидан ўзаро боғланган лексемалардан ташкил топади. Бу масала М.М.Покровский, Г.Ипсен, Й.Трир, Л.В.Щерба, А.И.Смирницкий ва бошқа олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Ўтган асрдаёқ рус тилшуноси М.М.Покровский «сўзлар ва уларнинг маънолари бир-бирларидан ажратилган ҳолда яшамайдилар, бироқ бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмагани ҳолда турли гурухларга бўлинниб бирикадилар» деган эди (Покровский 1956: 176-177).

А.И.Смирницкийнинг қайдича, тилда «макон», «замон», «сон», «ҳайвонлар дунёси» каби кенг тушунчалар мавжуд бўлиб, уларнинг семантик майдони қийинчиликсиз, «ўз-ўзидан

ажралади». Лекин, шунинг билан биргалиқда ушбу тематик синфлардаги сўзларнинг айримлари, кўпмаънолилик хусусиятига эга бўлганлиги сабабли, турли семантик гурухлар таркибига кириши эҳтимоли йўқ эмас (Смирницкий 1965: 176-177). Масалан, инглиз тилидаги wood сўзи «ўрмон» маъносида forest «ўрмон», grove «дараҳтзор», thicket «чакалакзор» кабилар билан бир гурухга кирса, «ёғоч» (материал) маъносида эса stone «тош», metal «металл», iron «тунука» каби сўзлар қаторидан жой олади.

Тилнинг тизимли ва структуравий хусусиятга эга эканлиги маълум. Тилшуносликда «система» ва «структур» тушунчаларининг мазмуни қоришириб юборилмаслиги лозим. Система ўзаро боғлиқликдаги элементлар мажмуасидан иборат бўлиб, бу мажмуа яхлитликни ташкил қиласи ва ундаги иштирокчиларнинг ҳар бири алоҳида ҳамда ўзаро муносабатда тавсифланадилар. Структура эса ушбу сиситемадаги элементларнинг муносабатлари асосида юзага келадиган тузилмадир (Н о г н 1988: 113-114).

Система ва структура тушунчаларининг шу йўсиндаги таърифи О.Ахманованинг лисоний атамалар луғатида ҳам ўз аксини топган (Ахманова 1969: 412-413; 458).

1. Луғатда «система»га тил бирликларининг ботиний таркибдаги мажмуаси деб қаралади. Бу бирликлар турғун (инвариант) муносабатлардадир, масалан, ушбу тил учун хос бўлган ва нуткй қурилмаларни ҳосил қилувчи синтактик қолиплар тўплами. Ушбу таъриф тилнинг фонетик тизимини сўз ва морфемаларни фарқлаш учун хизмат қилувчи нутқ товушлари тўплами сифатида аниқлашга ундейди. Худди шунингдек, ушбу тил ёки лаҳжа учун хос бўлган гап турлари ва қолипларини қурувчи сўз шакллари тўплами грамматик тизимни ташкил қиласи. Ифода планига қирувчи фарқлар умумлашмасига эса семиологик тизим сифатида қаралади. О.С.Ахманова «система» тушунчаси доирасига, шунингдек, грамматик категорияни ифодаловчи шакллар ва форма ясаш парадигмаси кабиларни ҳам киритади.

2. Луғатда «структур» тушунчасининг мазмуни қуйидагича изоҳланади: 1) тилнинг товуш, фонологик, морфологик ва морфонологик таркибларига хос бўлган умумий, инвариант хусусиятларнинг бир-бири билан боғлиқлиги, яъни қуий сатҳ

бирликларининг юқори сатҳ бирликлари тузилишига иштирокига нисбатан. Бу ҳолда «товуш структураси», «лексик структура», «морфологик структура» атамалари қўлланилади; 2) структура атамасининг иккинчи маъноси «гап структураси», «сўз структураси», «маъно структураси» каби бирликларда намоён бўлади (Ахманова 1969: 458).

Прага лингвистик мактабида «структураси» атамаси анча тор мазмунда талқин қилинади. Прага лингвистик луғатида берилган таърифдан маълум бўладики, ушбу тушунчани О.С. Ахманова ажратган биринчи маънода қўллаб бўлмайди: «Тил структураси» тушунчаси «сўз-гап» га нисбатан мавжуд бўлган барча фактларни қамраб олади. Бу гапнинг умумий тузилиши ёки умуман маълум тилнинг грамматик тузилиши бўлиш мумкин. ... Умумий грамматик тизим бир қатор алоҳида тизимларда намоён бўлади. Шу сабабли тусланиш системаси, турланиш системаси, фонологик система ҳакида гапирилиб, «структураси» тушунчасини тил грамматик қурилишининг умумий хусусиятларини аташ учун сақлашади» (Вахек 1964: 218).

Хуллас, система ва структура тушунчалари айнан бир ҳодиса эмас. Лекин бу фарқقا ҳар доим ҳам эътибор берилавермайди. Кўпинча улар синонимлар сифатида қўлланилади. Буни, масалан, қўйидаги икки таърифни қиёслаганда сезиш мумкин.

Биринчи турдаги таърифда система ва структура тенглаштириллади, бири иккинчисининг йиғиндиси сифатида қаралади. Масалан, Э.Косериунинг ёзишича, «тил ўзаро боғлиқ структуралар системасидир» (Косериу 1963: 172). А.А.Реформатскийнинг таъкидича, «...ҳар бир тилнинг ўз фонетик, грамматик ва лексик тизими мавжуд. Таркибидаги бирликларнинг қўлланишидаги ўхшашлик мажбурий бўлган системаларнинг умумлашмаси тилнинг структурасини ташкил қиласди» (Реформатский 1967: 270).

Система ва структуранинг иккинчи таърифи тилнинг динамик ва статик ҳолатлари қарама-қаршилиги билан боғлиқ ҳолда берилади. Масалан, Б.Потье қўйидаги таърифни келтиради: «Агарда ажратилиши ва таҳлил қилиниши мумкин бўлган воқелик қисмларини белгиловчи элементлар мажмуасини «структураси» деб билсак, унда «система» структура элементларининг маълум

пайтда қўлланишидир» (Pottier 1966: 112-113). Олим ўз таҳлили амалиётида структура тушунчасини таҳлил қилинаётган бирликларини ажратиш, масалан, a` dans шу қатордаги a`, hier, chien, faire, dans элементларидан фарқлаб, ягона бир категорияга киритиш учун қўллайди. Тизимлаштириш ушбу элементларининг бажараётган вазифаларини аниқлаш ва уларнинг қўлланишдаги маъноларини ажратиш имконини беради. Айтилган a` ва dans муносабати тизимдир, бу тизим тилда мавжуд ва нутқий фаоллашув жараёни юзага келадиган мазмуний силжишларни аниқлаш имконини беради (Ўша асар, 144-б).

Б.Потье таклиф қилган «система (=система)» ва «система (=структуря)» қарама-қаршилигини фарқлаш Густав Гийом психосистематика таълимотидаги система тушунчасининг қўлланишига мос келади. Г.Гийом системани икки томонлама яъни *динамик* ва *статик* кўринишда тасаввур қилади. Лекин Б.Потье структурани *статик*, системани эса *динамик* тушунчалар сифатида талқин қилса, рус тилшуноси В.А.Звегинцев бу тушунчаларнинг статик ва динамик ҳолатларини тескари кўринишда тасаввур қилади. Унинг ёзишича, «система ва структура ... сўзсиз, бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки ҳодисалардир. Система ҳакиқий статик тушунчадир ва шунга биноан унинг воситасида тилнинг синхрон ҳолати ёритилади, структура эса динамик тушунча сифатида қўлланиши лозим ва унинг асосида тилнинг диахроник ҳодисалари (тадрижий жараёнлар) ўрганилиши керак» (Звегинцев 1962: 144).

Яна бошқа бир рус тилшуноси Н.Д.Арутюнова тил белгиларининг шакл ва мазмун жиҳатидан таркиб топишини ёритиш учун батамом бошқа атамаларга эҳтиёж борлиги ҳакида гапиради (Арутюнова 1988: 214).

Ушбу тушунчалар ва атамаларнинг турли олимлар томонидан берилган таърифларини қиёслаш асосида қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) умум қабул қилинган атамаларнинг ўзига хос таърифланиши ва қўлланиши маълум йўналишга оид бўлган ғояларга асосланади; бу ҳолда атамаларнинг таърифи дастурий ишлар ёки луғатларда берилади.

2) атамаларнинг ўзига хос изоҳланиши у ёки бу муаллифнинг индивидуал ёндашуви натижасидир.

Биринчи холда атамаларнинг бу йўсинда қўлланишини изоҳлаш мумкинdir, аммо иккинчисидаги умумий атамага янги мазмун баҳш этиш ҳаракатини оқлаб бўлмайди. Инчинун, «система» тушунчасини бир турдаги элементлар мажмуаси сифатида изоҳлаш, «структурा» ни эса ушбу элементларни таркиблаштириш ва улар ўртасида мавжуд бўлган муносабатларни тасаввур қилиш даражасида таърифлаган маъқулдир (Янко 1999: 50-51).

1.5. Тил структураси ва унинг ўрганилиши

Структуравий таҳлил ва структураларни қолиплаштириш табиий ва гуманитар фанлар учун бир хилда муҳимдир. Структура тушунчасининг шаклланишида ва барча фанларда қўлланишида психология фанида юзага келган руҳий структура (Gestalt) атамаси муҳим рол ўйнади. Кейинги даврларда лингвистик структурализм ғояларининг бошқа гуманитар фанлар, масалан, фалсафа ривожига таъсири ҳакида фикрлар билдирилмоқда (Скрелина 2002: 59).

Хуллас, структура ғояси инсон билимлари тўпламидан муҳим ўрин эгаллади. Қатор фанларни умумлаштирувчи кибернетика ҳам аслида системалар, уларнинг структураси ва ушбу системаларни қолиплаштириш муаммолари билан шуғулланади. Шу сабабли «структурा» тушунчасининг моҳиятини аниқлаштириш ҳаракати давом этмоқда (Шалина 2005).

Ушбу тушунчанинг умумийлиги унинг таърифини фалсафий мазмун ифодаси нуқтаи назаридан изоҳлашни талаб қиласди. Тилшуносликда ҳам, худди бошқа соҳалардагидек, ушбу тушунча изоҳи у ёки бу фалсафий таълимот таъсирида бўлиши мумкин (Киёсланг: Гумбольдт 1985: 370-381; Протасов 1999: 142-143; Радченко 2002: 140-144; Backhouse 1994: 12-14).

Бинобарин, семасиологиянинг асосчиларидан бири бўлган В.Брёндалъ «структурा» тушунчаси Соссюр талқинидаги «система»га ва Сепир талқинидаги «лисоний мақсад модели»га мос келиши ҳакида гапириб, куйидагича таъриф берган: «Психологияда структура (нем.gestalt, инг. pattern) тушунчаси янгича мазмунда, яъни элементларнинг оддий бирикмасига қарама-карши яхлитликни аташ учун қўлланмоқда. Бу

яхлитликдаги элементлар бир-бирини тақозо этади ва ўзаро алоқаси асосида мавжуддир» (Брёндаль 1965: 97).

Л.Ельмслев тил структурасини «тобеликлар занжири ёки аникроқ айтилганда, функциялар тўри» сифатида аниқлайди. «Ўз ички тузилиши жиҳатидан босқичли бўлган» тил структураси таҳлилини Ельмслев «дедуктив асосда, кетма-кет мавхумлиқдан конкретликка интилган ҳолда бажарилиш»ни таклиф қиласди ва олим бу усулни **империк метод** деб атайди (Ельмслев 1965: 101).

Прага структуралистлари тил структурасини вазифавий ёндашув асосида талқин қилмоқчи бўлганликлари хақида тўхталган эдик. Уларнинг вакили В.Скалечко, Л.Ельмслев таърифини изоҳлаб, қуидагиларни ёзади: «Ельмслев тилшунослиги ҳам муаммони чегаралаш ўйлидадир. Биринчидан, унда семасиология ўта чекланган. Семасиология муаммоси структура муаммосига тобелаштирилган: семасиологик вазифа лисоннинг вазифаларидан биридир, вазифа эса тил таркибий қисмларининг муносабатидан бошқа нарса эмас. Турли тилларнинг фарқи ҳам уларни шакллантирувчи тамойилларнинг турлича яратилганлигидадир. Демак, фарқланиш масаласи структура муаммосига тенглаштирилади» (Скалечко 1965: 154).

В.Скалечконинг қайдича, структурани шакл сифатида талқин қилиш айрим масалаларга бир томонлама ёндашишга олиб келади. Масалан, тил ва борлиқ муносабатини (семасиологик муаммо), тилларнинг ўзаро муносабатини (лисоний типология), тил ва унинг қисмлари ўртасидаги муносабатни (тил структураси). Прагалик олимлар «тил бошқа ижтимоий структуралардан ажралган мустақил структура» деган фикрга қўшилмайдилар (Скалечко 1965: 151). Тилни лисоний жамоанинг мулокот ва экспрессив – ифода эҳтиёжини қондирувчи тизим сифатида талқин қилиш тил структурасининг бошқа структуралар билан алоқасини эътироф этишга олиб келади. Демак, тил тараққиётини лисоний жамоа тараққиёти тарихидан ажратиб бўлмайди.

АҚШ тилшунослигига (Chomsky 1993: 17-20) тил структураси муаммоси қўйилмайди, чунки америкаликлар асосан нутқ фаолияти тадқики билан шуғулланадилар; дискрептив тилшуносликда ҳам худди генератив грамматикадек тил структураси ва системаси назарий муаммо эмас. Амалий тадқиқотларда структура тушунчаси лугат тушунчасига қарама-

қарши қўйилади (Хэмп 1964: 209-210) ва матн таҳлили асосида мантиқан шакллантириладиган модел сифатида қабул қилинади. дастлабки босқичларида асосий мақсад тилнинг кузатилаётган ҳолатини тавсифлаш бўлиб, унинг сабабларини аниқлаш ёки изоҳлаш эса назардан четда қолди. Тадқиқотчининг вазифаси нутқ элементларини қайд қилиш ва таснифлашдан иборат эди. 3.3.Хэрриснинг ёзишича, «дискрептив тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларда бирор бир шевадаги мисолларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш амаллари бажарилади. Тўпланган нутқий бирликлар мисоллари тадқиқот материалыни ташкил қиласди, унинг таҳлили эса элементларнинг нутқий тузилмада жойлашувинии ёритиш билан чегараланади. Таҳлил қилинган материал тилнинг деспректив модели сифатида қаралади» (Хэррис 1965: 216).

Тўпланган материалнинг, категория ва уларнинг муносабатларининг тавсифи дискрептив тилшуносликда рамзлар воситасида берилади. Бу нутқий узвийликни ёритиш имконини беради. Тил дескриптив моделининг тузилиши нутқ доирасидан бошланади.

Дескриптив таҳлил натижаларидан қониқмаган генеративистлар (Климова 2000) ҳам тил структураси таҳлилига бирор бир янгилик киритишмади, чунки трансформация грамматикаси дескриптивизмни давом эттириб, уни тўлдиради.

Тилнинг генератив (яратувчан) модели дескриптив фояларга асосланади ва нутқий тузилмалар ҳосил қилишга хизмат қиласди. Бу модел олдиндан берилган, «туғма» структура сифатида изоҳланади. Бу фикрнинг тўғрилиги тавсифланадиган объектга нисбатан аниқланмасдан, балки унинг тузилишининг аниқлиги билан белгиланади. Бундай ёндашув балки тўғридир, чунки тадқиқотчининг дикқати шакллантирилаётган тизимга қаратилиб, унинг қўлланиши эса эътиборга олинмайди. Бу йўсиндаги таҳлил методи мавхум хуносаларга олиб келиши мукаррардир.

Шундай қилиб, генератив тилшунослик соҳасида америкалик тилшуносларнинг асосий эътибори лисоний ҳодисаларнинг формал таҳлили услубларини яратишга қаратилди.

Бу борада Э. Косериунинг фикрини эслатмоқчимиз: «Америка структурализми тадқиқот услубидир, Европа структурализми эса мавхум назарий тузилмадир (фараз)» (С.О.Coseriy 1963: 146). Америка тилшунослигининг прагматик

тус олиши эса Л.Блумфильд ва бошқалар таянган фалсафий позитивизм ғояларининг таъсири деб хисобланади (Blount, Sanches 2003: 111-112).

Тилнинг структур қурилиши муаммоси «структур» тушунчасининг умумфалсафий муаммоларига бориб тақалади, чунки ҳар бир назариянинг умумметодологик асосларини аниқламасдан туриб, таҳлил методлари ва амаллари борасида бирор бир тавсия бериш мушкулдир.

Фалсафа фанида «структур» тушунчасига қатор таърифлар берилган. Булар орасида В.И. Свидерский келтирган таъриф кўпчиликка маъқулроқ: «Дунёда структурага эга бўлмаган ҳодиса ва жараён йўқ. Бу харакатнинг моҳияти билан боғлиқдир, зеро, у нафакат материалнинг турли сифатдаги, кўринишдаги ҳолатини яратади, балки уларнинг умумий алоқасини, ҳамкорлигини, бир-бирини тақоза этишини таъминлади» (Свидерский 1962: 18).

Ўзаро алоқадаги ҳар қандай ҳодиса, жараённи элемент сифатида қараган В.И.Свидерский ушбу алоқанинг характеристи, уни ҳосил қилувчи восита, қонуниятни структура деб хисоблайди: «структур» тушунчаси сифатида биз яхлитнинг алоқа воситаси тамойили ва қонуниятини ҳамда ушбу яхлитлик доирасида элементлар муносабатини тушунамиз» (Ўша асар, 18-б).

Структурага элементларнинг яхлит доирасидаги алоқа усуллари ва қонуниятлари сифатида қаралиши ҳар бир элементнинг яхлитликдаги ўрнини таъкидлаш имконини беради. Юкорида айтилганидек, гешталтъпсихология оқимида элементларнинг яхлитликка нисбатан роли йўққа чиқарилди. Бу ғоя тилшуносликка ҳам синггиб кириб, система элементлари муносабатининг абсолютлаштирилишига олиб келди. Масалан, бундай ҳолни глоссематикада ҳам кузатиш мумкин. Бу оқимда воқеий лисоний элементлар сифатида «товорушлар ёки белгилар воситасида ифодаланадиган муносабатлар элементлари» қаралади (Ельмслев 1965: 103). Натижада, «муносабатлар тўплами» «тилшуносликнинг предмети» деб эълон қилинади (Ўша асар, 104-б).

Дескриптив тилшуносликдаги таҳлил жараёни ҳам ушбу ғояга таянади. Бу ерда ҳам элементларнинг тавсифи унинг атрофидаги бўлаклар билан бўлган муносабати, алоқасига асосланади.

Структурунинг устунлиги муаммоси ҳақидаги баҳс давом этмоқда.

Тил системасини аниқлашда ифодаланмиш (денотат) ёки ифодаловчи (сигнifikат) нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин. Биринчи ҳолда маънонинг лисоний категория эканлиги ҳақидаги фикр баҳс уйғотади (Монеч 2000: 69-70; Пирс 2000: 16-17).

Биринчи ёндашувга эргашиш натижасида тилшуносликни психологиядан, инсон мулоқот қобилиятининг психологик хусусиятларидан четлаштириш ҳолати юзага келди. Тил «тоза муносабатлар» тизими, белгилар тизими сифатида талқин қилина бошланди. Бундан ташқари, маънони лингвистик категориялар сафидан чиқариб ташлаш истаги кучайди. Худди шундай фикрда бўлган файласуфлардан бири – А.Г.Волков маънони лисоний ҳодисалар категорига киритмаслик, тилнинг моддий белгилар системаси бўлиши ҳамда бу белгилар структурадаги вазифаларига биноан маълум хусусиятга эга бўлиши ҳақидаги ғояга мос келади деб кўрсатган эди (Волков 1966: 68). Бу олим маънони «нолисоний, тилнинг белгили структураси билан боғлиқ бўлмаган» категория сифатида қарамоқчи бўлади: «демак, лисоний белгига маъно йўқ, у онгда ҳосил бўлади (психик ҳодиса) ва тилшунослик, мантиқ, психология фанлари учун умумий объектдир» (Волков 1966: 69).

Бошқа бир ёндашувда маънонинг лисоний категория эканлиги тўлиқ эътироф этилади ва лисоний таҳлил бирликларининг маъно хусусиятларини қамраб олади деб кўрсатилади. Бу борада, албаттa, фаранг тилшуноси Г.Гийомнинг номини эсламасликнинг иложи йўқ. У ҳар бир элементнинг ифодаланмишлар тизимидағи ролини унинг маъноси орқали аниқлашга унрайди. Демак, элементнинг тизимдаги ўрнини аниқлаш унинг бошқа элементларга муносабатини аниқлашдан олдин туради.

Тил, Гийомнинг таърифича, ифодаланмишлар ва ифодаловчиларнинг умумийлиги асосида таркиб топган системадир. Ифодаланмиш тасаввур доирасига кирса, ифодаловчи эса ифода доирасидадир. Бу ҳолда тил нутқнинг имконияти ва яширин заҳираси бўлиб хизмат қиласи.

Г.Гийомнинг морфология доирасига оид таҳлил услублари унинг шогирдлари томонидан синтактис сатхига тадбиқ этилди (Moeschler 1998: 14).

«Тил системаси» иборасини баъзан «тил структураси» ибораси билан баравар ишлатадилар. Масалан, А.А.Реформатскийнинг фикрича, «Система бу бир хил, ўзаро боғлиқ бўлган элементларнинг бирлигидир». «Структура» деганимизда турли элементларнинг ягона яхлитликдаги бирлиги тушунилади (1967: 25; 31). Агар системани ўзаро боғлиқ бўлган турли элементларнинг бирлиги деб тушунсак, гап тилнинг умумий системаси ҳақида эмас, бир тил ичидаги бир неча системалар ҳақидагина кетиши мумкин. Бу ҳолда бир неча кичик системалардан иборат бўлган тилни «системаларнинг системаси» деб тан олсак, бу атаманинг ишлатилиши юқоридаги қоидага хилоф бўлар эди.

Г.С.Шурнинг фикрича, «Муайян объектнинг элементлари (умумлашмаси) структура деб аталади. Бу структурада мавжуд элементларнинг умумий ўзаро боғлиқлиги система деб аталади» (1964).

Ю.С.Степановнинг қайдича, «структурда дейилганди, элементларнинг ўзаро боғлиқлиги тушунилади». Тилнинг структураси бу унинг фонемалари, морфемалари, тузилмалари ва улар орасидаги муносабатлардир. Тил структураси унинг яширин асосидир. У мавжуд тилга нисбатан абстракт тушунчалар орқали ўрганилади»(1966: 8).

Г.П.Мельников тил тизими таърифида тизимлилик назариясининг умумий хуносаларига таянади: «Система дейилганди, ўзаро боғлиқ қисмлардан-элементлардан ташкил топган, муносабатларнинг аниқ схемасига, яъни структурасига эга бўлган ҳар қандай мураккаб бирликлар тушунилади. Шундай экан структура схеманинг кўрсаткичларидан биридир» (1967:98).

Шундай қилиб, «система» ва «структурда тушунчалари бир-бирларига яқин турсаларда, бир хил маъно англатмайдилар. Луғатларда таърифланишича, «система» сўзи грекча бўлиб «ташкил қилувчи қисмлардан иборат бўлган бутунлик» деган маънони англатади. «Структура» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «тузилиш», «курилиш», «жойлашиш» деган маъноларни

ифодалайди. «Система» сўзи «структуря» сўзига нисбатан кенгроқ маънога эга.

«Тил системаси» - тил бирликлари, категориялари, сатҳларининг типик муносабатлариидир.

«Тил структураси» бу бирликларнинг қисмлари ва сатҳлари орасидаги муносабатларни ифодаловчи тушунчадир.

«Тил бирлиги» дейилганда, тилнинг бир-бирларидан бажарадиган вазифаси, тузилиши ва тил системасидаги ўрни билан фарқ қиласидиган доимий элементлари тушунилади. Тилнинг номинатив бирликлари - сўзлар, коммуникатив бирликлари - гаплар, тузувчи бирликлари (номинатив ва коммуникатив бирликларни тузувчи) – фонема ва морфемалар, сўз шакллари ва сўз биримлари мавжуд.

«Тил категорияси» дейилганда, бир хил тил бирликларининг гурухлари тушунилади. Категориялар умумий белгига асосланган ҳолда ажратилади. Масалан, отларда ва сифатларда род, сон, келишик категориялари, феълларда замон, майл, нисбат категориялари мавжуд.

1.6. Тил сатҳлари тушунчаси ҳақида

Тил материалини муайян белгиларга кўра таснифлаш гояси лингвистика фанига ҳеч қаҷон бегона бўлмаган (масалан, тил материали анъанавий равишда фонетика (фонология), морфология, синтаксис қисмларига бўлиб ўрганган). Аммо «тил сатҳи» тушунчаси дастлаб Америка дескриптив лингвистикасида илмий жиҳатдан асос топди. Дескриптивистлар ҳозирги замон тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, тилнинг тузилишини босқичли боғлиқликларнинг мураккаб тизими сифатида эмас, балки оддий кетма-кетлик ҳолида тасаввур қилишади.

Америка дескриптив лингвистикасида сатҳларга ажратиш гояси «Тил структурасининг ичидағи турли элементларнинг ўзаро муносабатлари ва тилни тасвирлаш методикаси» (Кацнельсон 1962: 2) сифатида муайян таълимот кўринишини олди.

Сатҳларга ажратиш концепцияси олий ва қуий сатҳлар мавжудлигини ҳам эътироф этади. Қуий сатҳ дейилганида нисбатан содда бирликлар, масалан, фонемаларнинг айрим кичик

системалар ташкил қилиши, олий даражада дейилганида эса мураккаброқ бирликлар, масалан, сўзларнинг тузилиши назарда тутилади.

Тил тизими турли даражадаги муайян мураккабликка эга бўлган бирликлар ва улардан фойдаланиш қоидалари йигиндисидир. Тил тизимига турли қолиллар ва схемалар хос бўлиб, улар асосида турли мураккаб бирликлар, сўз бирикмалари ва жумлалар ясалади.

Тил бирликлари тузилишига кўра икки томонлама бирлик – маълум мазмун англатувчи товушлар комплексидан ясалиши ёки ушбу икки томонлама бирликнинг фарқини кўрсатувчи алоҳида товушлардан (фонемадан) иборат бўлиши мумкин. Тилдан алоқа воситаси сифатида фойдаланиш, яъни уни нутқ жараёнида ишлатиш тил элементларидан ахборотни ифодалайдиган ва узатадиган алоҳида тизимлар яратишга олиб келади. Нутқ жараёнида ҳосил бўладиган бундай системалар алоҳида жумлалар бўлиб, нутқ системаси сифатида тил бирликларидан ташкил топади.

Тил бирликлари ҳам мураккаблик даражаси ва вазифасига кўра фарқланадилар: фонемалар морфема ва сўзларнинг талаффузини ҳосил қилсалар, морфемалар сўзларни ҳосил қиласади. Сўзлар эса муайян қоидалар асосида эркин нутқ бирликларини – конкрет ибора ва жумлаларни ҳосил қиласади. Бундай ҳолда юқори даражадаги бирликлар куйи даражадаги бирликлар хисобига ривожланмайди (Солнцев 1972: 5).

Тил тизимининг сатҳлардан иборат бўлиши ҳакидаги ғояни кўллаган олимлардан Э.Бенвилист (1965: 434-439; 1974: 64) тўрт сатҳли тузилишни таклиф қиласади: фонемалар, морфемалар, сўзлар ва гаплар сатҳлари. Тил бирликларининг хусусиятлари уларнинг бошқа бирликлар билан муносабатга киришувида намоён бўлади. Бундай муносабатларни умумий кўринишда уч турга бўлиш мумкин: *синтагматик, парадигматик ва иерархик муносабатлар*.

Синтагматик муносабатлар бирликларнинг кетма-кет тартибда бирикишидаги муносабатлариdir (уларни баъзан бирликларнинг комбинаторлик муносабатлари деб ҳам атасади).

Ассоциатив ёки *парадигматик* муносабатлар бирликларнинг айрим хусусиятлари умумийлиги ёки ўхшашлиги асосида муайян гурухларга бўлинниб, муносабатга киришувиdir.

Иерархик муносабатлар нисбатан оддий бирликларнинг мураккаброқ бирликлар билан бирикиши жараёнида юзага келади. Бу муносабат «яхлитлик ва бўлак» ўртасидаги муносабатни акс эттиради.

Иерархик бирликлар «...дан иборат», «...дан ташкил топади» каби иборалар билан ифодаланиши мумкин.

Кўрсатилган уч турдаги муносабатларга киришув барча тил бирликларининг энг умумий хусусиятлари ҳисобланади.

Ҳар бир сатҳ нисбатан бир хил (бир хил мураккаблик даражасига эга бўлган) бирликларнинг мажмуасини ташкил қиласди. Улар ўзаро синтагматик ва парадигматик муносабатларга киришувлари мумкин, бироқ иерархик муносабатларга кириша олмайдилар (фонемалар фонемалардан, морфемалар морфемалардан, сўзлар сўзлардан ташкил топмайди).

Тилнинг ҳар бир бирлигига хос ички яхлитликка ва белги ёки белгилар бирикмасининг синтагматик, парадигматик ва иерархик муносабатларига асосланган ягона мезоннинг қўлланиши тил тизимида маълум кўринишдаги сатҳларни ажратиш имконини яратади.

Фонетик – фонологик сатҳ бирлиги фонемадир. Фонема мавхум бирлик ҳисобланади ва у функционал ўхшаш ва фонетик жиҳатдан бир хил товушлар йиғиндиси, умумлашмасидан иборат. Бошқача айтганда, фонема мавхум бирлик сифатида умумийлик хусусияти ва ўз вариантларига эгадир. Конкрет товушлар фонемаларнинг вариантларидир ва улар «фонлар» ёки «аллофонлар» деб юритилади. «Фонема» атамаси эса аниқ фонемалар синфининг қисқача номидир. Фонема ва фон инвариант ва конкрет шаклдаги (маълум вазифа бажараётган товушнинг) ягона бирликтининг турли ифодаланишидир. Товуш фонеманинг ажралмас бўлаги эмас, балки у конкрет фонеманинг ифодасидир.

Фонема морфема ва сўзнинг товуш қобиғи таркибиға киради, морфема ва сўзлар таркибида вариантлар кўринишида ифодаланади. У ички бутунликка ва фарқловчи хусусиятларга эга бўлиб, энг кичик белги сифатида мавжуд (Березин, Головин 1979: 147)

Морфем – морфологик сатҳ асосини морфемалар ташкил қиласди. У сўз ва грамматик формалар таркибиға киради,

талаффузда фонемалар йигиндисидан иборат ва грамматик шакллар таркибида варианtlарга эга бўлади. У ҳам ички бутунликка эга бўлиб, (барча варианtlар учун мазмун бирлиги) маҳсус белги билан ифодаланди. Бу белги мустақил мазмунга эга эмас.

Сўз ясаш сатҳида тил тизимида мавжуд бўлган сўзларнинг структураси («сўзлар қандай ясалган») ва янги сўзлар ясаш имкониятлари («қандай ясалади?») ҳақида фикр юритилади.

Тилнинг сўз ясаш имкониятлари ушбу тизимни алоҳида сатҳ сифатида ажратишга туртки бўлади. Сўз ясаш моделлари морфологик гурухларни (сўз туркумларини) ташкил қилишда иштирок этади, сўзлар орасидаги муносабатларни умумлаштиради, нутқ таркибида қайта воқеланди, модел ички яхлитликка эга (маъно, восита ва ифода усусларининг яхлитлиги). Морфемаларнинг асосий вазифаси сўз ясаш ва сўз шаклларини ўзгаришишdir.

Синтаксис сатҳида сўз бирикмалари ва гап тузилиши, уларнинг семантикаси ўрганилади.

Лексик – семантик сатҳ таҳлилида лексикология ва семасиология фанлари боғлиқлиги намоён бўлади. Лексикология тилнинг умумий лугат таркибини, семасиология эса лексик маънони ўрганади. Лексик-семантик тизимга лугавий ва фразеологик бирликларнинг маъно - мазмун муносабатлари, улар ташкил қиласидан гурухларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлик характеристи (лексик-парадигматик) ва тилнинг бошқа куйи тизимлари билан боғлиқ томонлари, тил бирликларининг семантик ўзгаришидаги вариантилийк каби масалалар тааллуклидир.

1.7. Тил ва нутқ фаолияти

Тил ва нутқ ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу масала алоҳида бир миллий тилни ёки умуман тилларни назарий таърифлашдаги бошлангич нуқтадир. Тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш аксарият тилшунослар томонидан тан олинади, аммо уларнинг моҳиятини, чегарасини аниқлаш мезонлари ҳақидаги фикрлар турли-туман.

Ф.Соссюр тил ва нутқни нутқ фаолиятининг икки ажralmas бўлаги деб хисоблаб, уларни «бир пайтнинг ўзида физик, физиологик ва психик, бундан ташқари, индивидуал ва ижтимоий муносабатларга дахлдор» жараёнлар деб таърифлаган эди (Соссюр 1977: 48).

Тил, Соссюрнинг фикрича, нутқ фаолиятининг ижтимоий ва психик томонларидир, нутқ эса унинг индивидуал ва психофизик томонлари, ёки «одамлар нимани гапирса, ўшаларнинг йигиндишидир».

«Тил фаолият маҳсули эмас, балки фаолиятнинг ўзидир» (Звегинцев 1964, ч. 1: 91) деган ғояни илгари сурган В. фон Хумбольдтдан фарқли ўлароқ, Соссюр «тил фаолият эмас, балки сўзловчи томонидан пассив қайд қилинадиган тайёр маҳсулот, нутқ маҳсулидир» дейди. Унинг таъкидлашича, «тилнинг воқелиги, ўз табиатига кўра нутқка нисбатан кам эмас» (Соссюр 1977: 53).

Л.В.Щерба худди Ф.де Соссюр сингари нутқ фаолиятини алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб, уни «гапириш ва тушуниш жараёни» деб тушунади. Олимнинг фикрича, тажрибадан биз фақат нутқ фаолиятини кузатамиз ва кейинчалик ундан «тил материали» ажратиб олинади. Тил материалига эса «гапириладиган ва тушунадиганларнинг барчаси», шунингдек, «матнлар», яъни адабиёт, кўлёзмалар, китоблар ҳам киради.

Бу ўринда Л.В.Щербанинг тил материали ҳақидаги тушунчалари Соссюр «нутқ» деб таърифлаган тушунчага яқин эканлигини пайқаш қийин эмас.

Л.В.Щерба яна шуни таъкидлайдики, гапириш ва тушуниш актлари материали ва шунингдек, кейин мутахассисларнинг илмий хуносалари асосида лугатлар ва грамматикалар яратилади. Уларни оддийгина тил деб эътироф этсан ҳам бўлаверади, бироқ биз уларни «тил системалари» деб атаемиз (Щерба 1974: 25).

Соссюрдан фарқли ўлароқ, Щерба тилни ёки тил системасини конкрет эмас, балки мавҳум ҳодисалар қаторига киритади, бироқ ҳар иккала тилшунос тил ижтимоий ҳодиса эканлигини қайд этишади.

А.И.Смирницкий тил ва нутқ муносабатларини таҳлил қиласар экан, нутқий фаолият тушунчасини четлаб ўтади, аммо у Соссюр ва Щербага қараганда умумий инсоният нутқи

тушунчасига кўпроқ мазмун бағишлишга харакат қиласи. Жумладан, олим нутқ куйидаги шаклларда мавжудлигини алоҳида таъкидлайди:

- 1) ташқи товушли белгили оғзаки нутқ;
- 2) ташқи график белгили ёзма нутқ;
- 3) ҳеч қандай реал белгиларга эга бўлмаган ботиний нутқ (Смирницкий 1957: 10).

А.И.Смирницкийнинг фикрича, нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларда мавжуд бўлиши унинг объектив томонини ташкил этади ва улар ташқи нутққа тегишли бўлади, ички нутқ эса факат субъектив шаклда мавжуд бўлади ва тафаккурдаги фикрни ифодалайди. Шунингдек, «инсон нутки сон-саноқсиз ва чекланмаган миқдордаги турли-туман нуткий ҳаракатлар натижасидир» ва унинг турлича кўринишида айнан бир хил компонентлар ва бу компонентларнинг қўлланишидаги қонуниятлар аниқланади. Турлича нутқ бўлакларининг мажмуаси ва бу компонентларнинг ишлатилиши тўғрисидаги қонуниятлар ва қоидалар умумийликда муайян бир системани ташкил қиласи, яъни ўзаро бир-бирларига боғланган бирликлар мажмуасини ва улар орасидаги муносабатларни ҳосил қиласи. Бирликларнинг бундай тизими тилдир (Смирницкий 1957: 11-12).

Олимнинг фикрича, нутқ умуман олганда «тадқиқот учун хом материалдир», тил эса бу «материалга асосланган тадқиқот предметидир».

Ф. де Соссюр, Л.В.Щерба ва А.И.Смирницкийлар факат бир масалада ҳамфирдирлар, яъни тил нутқдан ҳосил бўладиган маҳсулотдир ва у тилшунослар учун илмий тадқиқ предметидир.

Айрим тадқиқотчилар тил ва нутқ муносабатига бошқача ёндашадилар. Уларнинг фикрича, нутқ тилдан ҳосил бўлади, яъни тил мутахассисларнинг лингвистик фаолиятининг натижаси эмас, балки нутқда ўз ифодасини топадиган объектив мавжуд ҳодисадир. Масалан, Т.П.Ломтевнинг фикрича, «Тил шундай маъно-мазмунни англатадики, унинг мавжуд бўлиши ва ифодаланиши нутқ орқали амалга ошади» (Ломтев 1976: 58).

Ўрганилаётган масала бўйича билдирилган турли-туман нутқай назарларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, тил нутқий фаолиятнинг ҳосиласидир, бироқ турли тушунчаларни ифодаловчи бу атамалар турли маъноларда ишлатилиб

келинмоқда. Тил бир томондан нутқ ҳосил қилинадиган ва тушуниладиган курилма сифатида талқин қилинса, иккинчи томондан, мутахассислар нутқ фактларидан хулоса қиладиган қоидалар тизими, бирликлар мажмуасидир. Бу тушунчаларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзаро бир-бирларига боғлиқдир, чунки тил курилма сифатида моҳиятни англатади, бу моҳиятни унда мавжуд бўлган қоида ва бирликлар орқали билиш мумкин.

Нутқ, биринчидан, фикр-мулоҳаза билдириш жараёни, иккинчидан, у тил курилмаси фаолияти натижасидир.

Тил ва нутқ ҳакида билдирилган бундай фикрларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, улар ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалардир ва айни пайтда, улар ўргасида муайян фарқлар ҳам мавжудки, буларни алоҳида эслатиш лозим бўлади.

Тил потенциал ҳодиса бўлиб, кишилар онгига болаликдан ўзлаштирилган гапириш қобилияти ва нутқ орқали ифодаланган фикрни тушуниш воситаси сифатида мавжуд бўлади.

Нутқ эса мавжуд имкониятни воқелантириш ва сўзлашув қобилиятини аниқ муҳитда амалга ошириш жараёнидир.

Нутқ ҳар бир алоҳида кишини индивид ва шахс сифатида характерловчи энг самарадор воситалардан биридир. Инсонлар мулоқоти нутқ орқали амалга оширилади. Унинг ёрдамида одам ўз фикрини, хиссиётларини, кайфиятини, истакларини ифодалайди. Нутқ индивидуал ҳодиса бўлса-да, аксарият ҳолларда биз бир-бирилизни тушунамиз. Тушуниш сўзлашиш фаолиятида айrim ўзига хос ва умумий хусусиятларнинг мавжудлиги туфайли юз беради. Бундай хусусиятлар муайян тил жамоаси ишлатадиган бирликлар (фонемалар, морфемалар, сўзлар, гаплар) ва улардан фойдаланиш қоидаларининг умумийлигидадир. Умумий бирликлар ва қоидалар тил тизимига мансуб бўлиб, уларнинг индивидуал нутқда ишлатилиши нутқнинг структуравий асосини ташкил қиласи. Айнан шу асосда нутқнинг мулоқот жараёнидаги вазифаси амалга оширилади.

Гапириш ва тушуниш жараёни одамлар орасида фикр алмашинув, хиссиётларини билдириш, ахборот узатиш эҳтиёжи туфайли рўй беради ва буларнинг ҳаммаси ижтимоий муносабатларга асосланади. Нутқнинг айнан мана шу ижтимоий асосини тил тизими ташкил қиласи. Демак, нутқ умумий ва

ижтимоий хусусиятга эга бўлган тилга нисбатан индивидуал муносабатдаги ҳодисадир.

Шундай қилиб, нутқ «ҳамма вақт маълум мақсадга йўналтирилган ва вазиятга боғлиқдир» (Звегинцев 1973: 238). Айни пайтда, тил бирликлари ва қоидалар вазиятга боғлиқ эмас. Улар нутқий бирликларни ташкил қилиш воситаси бўлиб хизмат қиласи ва ўз навбатида сўзловчидан мулоқот вазиятидаги экстралингвистик шарт-шароитларга мослашувни талаб қиласи. Нутқнинг мақсадга йўналтирилганлик характеристери сухбатдошга ва унинг тушунилишига асосланган. Хуллас, нутқнинг мақсадга йўналтирилганлиги экстралингвистик вазиятга боғлиқ, аммо тил бундай хусусиятларга эга эмас.

Тил кўп ўлчамли ҳодисадир. Унинг бирликлари ўртасидаги боғлиқликлар, алокалар ҳам турли-тумандир. Тил бирликлари ўртасида бундай муносабатларнинг мавжудлиги уни яхлит бир бутунликка, системага айланишга олиб келган.

Тил бирликлари орасидаги боғлиқликларнинг турли-туманлиги тил тизимида беҳад кўп жумлавий тузилмалар ясаш имконини беради ва нутқда айнан бир фикрни вазиятга қараб турлича усусларда баён қилиш имкониятини ҳам яратади.

Тилнинг кўп ўлчамлилигига қарама-қарши ҳолда нутқ кетма-кетлик хусусиятига эга, яъни у маълум замонда (оғзаки нутқ) ва маконда (ёзма матн) амалга оширилиши мумкин. Нутқ элементлари ифодаланаётган фикр кечишига қараб жумлалар матнда маълум бир тартибда кетма-кет жойлашади. Худди шундай кетма-кетлик нутқни идрок қилиш жараёнида ҳам кузатилади. Биз нутқ ахборотини айнан ана шундай кетма-кетлиқда, бирликларнинг маълум қоидаларга бўйсунгани ҳолда ифодаланиши асосида идрок қиласиз ва тўғри тушунамиз.

1.8. Тил ва маданият

1.8.1. Тил - миллатнинг тарихий-маданий мероси сифатида

Тил – инсоният томонидан аждодлардан мерос қилиб олинган «маънавий бойлик», таркибида турли элементлар, қоидалар, барча сатхлардаги муносабатлар сақланаётган имкониятлар хазинасиdir.

Тил бутун борлигича тарихий ҳодиса. Кўп тилликнинг умуммаданий хусусиятларини ва умуминсоний тил муаммосининг таржима жараёнига оид томонларини ўрганган Женева университетининг профессори Ж.Стайннернинг чукур ишонч билан таъкидлашича, «ҳар қандай лисоний акт маълум вақт оралиғида кечади. Вақт доирасидан ташқарида ҳеч қандай семантик шакл юзага келмайди. Ҳар қандай сўзни қўллаётib, дейиш мумкинки, биз унинг олдинги тарихини уйқудан уйғотгандек бўламиз, уни аввалгидек тарихан жаранглашга мажбур қиласиз. Ҳар қандай матн алоҳида тарихий бир замонда вужудга келади... Матнни тўлиқ ўқиш унда ифодаланган мазмунни, нутқнинг ҳаққонийлигини белгилайдиган мақсад ва вазифаларини қайта тиклаш демакдир» (Steiner 1975: 24). Тил факатгина мавхум синхрон ҳолатда қаралса ва лугавий бирликларнинг факат ички структуравий муносабатлари ҳисобга олинса, ҳеч қачон нутқий тузилмалар асл мазмунини англаб бўлмайди. Лисоний мазмун тарихан шакл топган қоидалар мажмуаси, норма, узус кабилар билан боғлиқдир. Тил ва замон бир-бирига боғлиқ ҳолда мавжуд ва бу жаҳоннинг турли минтақаларида яшаётган одамларнинг дунёқарашларини шакллантирувчи омиллар сарчашмаларига мурожаат қилиш имкониятини беради.

Ж.Стайнер Европа халқларининг анъанавий маданиятини ўрганиб чиқиб, бу маданиятларнинг хусусиятларини илмий шарҳловчи ўзига хос ғояни ўртага ташлади. Унинг фикрича, Европа маданияти ва цивилизациясини қадимий Ўрта Ер денгизи маданияти намуналаридан «транскрипция» қилиб олинган мерос деб талкин қилиш мумкин. Бу мухитда пайдо бўлган барча янгиликлар эса худди шу мумтоз андозаларга асосланади. Мавжуд бўлган тушунчалар атрофида янгиликлар яратиш имкони ҳам чексиз. Ҳозирги замон Гарб санъатида (П.Пикассо,

И.Стравенский, Т.Элиот, Ж.Джойс, Р.Лоуэлл, Э.Паунд ижодларида) Ж.Стайннернинг анъаналарнинг маданий тараққиётга таъсири ҳақидаги кўйидаги фикри дикқатга сазовордир: «Эҳтимол, маданий анъаналар бизнинг синтаксисимизда мустаҳкамроқ ўрнашиб қолгандир ва бизнинг ҳаётимиз, биз буни истаймизми ёки йўқми, бизнинг шахсий ва ижтимоий ўтмишишимизнинг таржимаси бўлиб қолаверади» (Steiner 1975: 467).

Тил ва маданият муносабатини маданият кўп аспектли ходиса эканлигини хисобга олиб ўрганиш зарур. Шу сабабли тилнинг мураккаб тизим сифатида маданиятнинг турли қисмларига турлича муносабатда бўлиши аниқланган. Бирок, тилнинг маданият бўлакларига (шунингдек, ижтимоий структурага) таъсири ҳал қилувчи характерга эга эмас.

Инсоннинг лисоний маданияти унинг маънавий оламида муҳим ўринни эгаллайди. Унда тарихий даврларнинг, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятлари намоён бўлади. Муҳими, бу хусусиятлар тил структурасида, унинг лисоний курилишидаги ўзгаришларда, лугат ва фразеология таркибидағи семантик силжишларда, шунингдек, рамзий-стилистик воситалар тизимидағи янгиликларда, нутқий мулоқот нормаларида ва, умуман, тил маданиятининг ижтимоий-психологик вазифалари қаторининг кенгайишида ҳам ўз ифодасини топади.

«Тил маданияти» тушунчасининг мазмуни турли тарихий даврларда турлича кўриниш олиши эҳтимоли йўқ эмас (Щерба 2000: 114-115).

Тил маданияти – энг аввало ижтимоий амалиёт жараёнида шаклланган ва жамият томонидан эътироф этилган тил нормалари, унинг лугат бойлигидир. Уларнинг вазифаси тил воситасида фикрлашнинг мантиқий равонлигини, мазмунан аниқлигини таъминлашдир. Тил нормаларининг бузилмаслигини, муҳимлигини таъминлаш орфография, орфоэпия, фонетика, морфология, синтаксис, семантика каби соҳалар зиммасига юкланди. Нутқ узуси шунингдек, социолингвистик факторларнинг харакатчанлигига ҳам боғлиқ. Масалан, адабий фаолият доирасининг кенгайиши, миллий тил варианtlарининг умумлашуви, адабий тил ва диалектлар орасидаги фарқларнинг камайиши, тилнинг «касбийлашуви», яъни маълум фаолият соҳаси

талабларига мослашуви кабилар ҳам тил маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида ўз аксини топади (Маматов 2005).

Умуман олганда, тил нормаларини аниқлаш ва фарқлашда қуйидаги ҳолатларга асосланиш мумкин: 1) тил кўп қатламли, кўп қисмли қурилмадир, бироқ у яхлит воқелик сифатида доимий ривожланишда бўлади ва хар доим мулоқот жараёнининг қийинчиликсиз рўй беришини таъминлаш қобилиятига эга; 2) тил нормалари тил тизимида мавжуд бўлган имкониятлар ичидан танлаб олинган бирликлар мажмуасидир; 3) тил нормаси муайян узусга асосланади; 4) тил нормаларидаги ўзгаришлар мазкур тилда сўзловчи жамият аъзоларининг коммуникатив эҳтиёжлари ўзгариши туфайлигина юзага келиши мумкин; 5) тил воқелигига мулоқот мухитига мос ҳолда фарқланадиган норма қатор ўзига хос белгиларга эга бўлган ўлчамдир; 6) тил нормасини фарқлаш ва унинг хусусиятларини тушуниш учун фарқловчи белгилар икки асосий турда бўлишини унутмаслик зарур: а) соҳалардаги фарқлар бўйича (диалект нормаси, сўзлашув нутқи нормаси, адабий тил нормаси); б) хусусиятига кўра фарқлаш (вариантли ва вариантсиз нормалар, зарурий ва факультатив нормалар ва ҳоказо).

Тил маданияти – социолингвистик ҳодиса сифатида мажмуавий характерга эга. «Тил маданияти» тушунчасининг ўзида, биринчидан, тил тизими ва коммуникатив фаолият ўртасидаги муносабатларнинг, иккинчидан, тил тизимида ижтимоий ва нуткий фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари диалектик табиати ўз аксини топган.

Тил маданиятининг юқорида қайд этилган тамойилларига шахснинг умумий хусусиятларининг таркибий қисмлари деб ҳам қараш мумкин. Сўзловчи шахснинг тил маданияти макомини ўрганишда эса, унинг ижтимоий-маданий қоидаларга қандай риоя қилиши ҳисобга олинади. Бу қоидаларни белгилашда шахснинг ёши, жинси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва иқтисодий ҳолати кабилар инобатга олинади.

«Тил маданияти»дан фарқли ўлароқ, лисоний «мулоқот маданияти» тушунчаси қуйидаги хусусиятлари билан характерланади: 1) бу тушунча лисоний фаолиятнинг икки тури, яъни нутқ яратиш ва уни тушуниш жараёнларини назарда тутади; 2) тўлиқ нуткий ахборотларга тааллукли бўлади (маълум мавзуга

оид матнлар); 3) матнда бир эмас, бир неча тилдаги ахборотларнинг ишлатилиши кузатилади.

Кейинги даврларда лисоний мулокот маданиятига турлича нолисоний факторларнинг таъсири кучаймоқда. Булар қаторига жамиятдаги ижтимоий ва қасбий муносабатларнинг мураккаблашуви, меҳнат фаолиятининг ўзгариши, адресатга нисбатан дикқат-эътиборнинг ошиши, ифода воситалари заҳирасининг бойиши кабилар киради. Мулокот маданияти коммуникантлар характеристи билан ёки мулокот вазиятига иложи борича кўпроқ элементларнинг қўшилиши билан боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳаёт қўзгуси бўлган луғатнинг лисоний – маданий ривожланишига олиб келади. Ҳозир у кундалик ҳаётдаги эвфемизмлар ва сиёсий мулокот жараённида кенг қўлланилаётган коннотатив баҳолаш бирликлари ҳисобига фаол ривожланмоқда. Масалан, инглиз тилида *fat* сўзи (ёғли, семиз) эвфемистик усулда бошқа сўзлар билан алмаштирилмоқда. Мабодо, гап кийимнинг ҳажми (размери) ҳақида кетса, қуйидаги ифода воситалари қўлланилади: қизлар учун – churbette, ўғил болалар учун – husky, эркаклар учун – portly, аёллар учун – womens` sizes. Қиёсланг: Аёлларнинг кичик размерли кийимларини ифодалаш учун – «misses» or «junior». Бундан ташқари, лисондаги ифода имкониятларнинг кенглигини сўзларнинг кўп вазифалигида ёки полисемантик хусусиятлари намоён бўлишида ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, ўзбек тилшунослари М.Миртожиев ва Н.Махмудовлар «олтин» сўзининг нутқий тузилмаларда эпитет (сифатлаш) вазифасида қўлланишида ифодаланадиган маъно хусусиятларини қўйидагича изоҳлашади: Ердаги олтин соч ва порлоқ юлдузлар нурини ичамиз (Х.Олимжон) гапида муаллиф сочнинг рангини ифодаламокчи бўлса, «Шу олтин дамларни сезардим танҳо» (Файратий) гапида шоир «қадрга эгалик» ва «хузур- ҳаловатли» онларни эслатмоқчи. Худди шунингдек, «Иним Йўлчи, олтин бошинг бор» (Ойбек) ва «Кам бўлманг, олтин сўзларни айтдингиз» (И.Рахим) тузилмаларида қимматлилик, ақллилик, насиҳатомузлик мазмунларига ишора бор (Миртожиев, Махмудов 1992: 42-43).

Тилнинг маданий мазмунини ифодаловчи муҳим хусусиятлар қаторига унинг эркин ишлатилишини (ўзи ифодалайдиган нарсага нисбатан ҳеч қандай физик ва биологик

рамзийликнинг йўқлиги), маҳсулдорлигини (жумлалар тузиш имкониятининг чекланмаганлиги), семантик универсалликни (ифодалайдиган фикрнинг мавзуси чекланмаганлиги), қатламларнинг силжишини киритиш мумкин. Охиргиси ахборотни макон ва замонга нисбатан бефарқ узатиш мумкинлигини ифодаловчи универсал хусусиятларидан биридир (Anderson 1976: 297-331).

Тил умумий ва хусусий категориялар билан иш юритиш қобилиятига эга. Бироқ, борлиқни тил воситалари билан ифодалаш у ёки бу предмет ва ҳодисанинг белгиларини турлича идрок қилиниши натижасида турлича кечади.

1.8.2. Тил маданияти назарияси ҳақида

Тил тараққиётининг ҳозирги босқичида меъёрлашув, намуналашиш, табақаланиш, «интеллектуаллашув», глобаллашув, интернационаллашув ва демократлашув каби турли жараёнлар кечмоқдаки, уларнинг умумий тил тизимиға, у нутқий мулоқот фаолиятига таъсири бир хилда кечмайди.

Меъёрлаштириш ёки стандартлаштириш сўзлашув тили ва ёзма тил услубларини бир қолипга тушириш, улар орасидаги фарқни йўқотиш ҳаракатидир. Бунда адабий тилнинг диалектларга таъсири ва ўзаро таъсир натижасида худудий диалектларнинг аста-секин йўқолиши кўзда тутилади. Бу хилдаги жараённинг бошланиши бадиий адабиёт тилининг «камбағаллашуви», унинг грамматикаси ва лугатининг намуна ва норма вазифасини бажара олмай қолишига сабаб бўлади, инсонлар бадиий адабиётдан кўра матбуот, радио, телевидение, реклама тилига кўпроқ дуч келишади. Натижада оммавий ахборот воситалари тили билан адабий тил нормаларини мувофиқлаштириш муаммоси келиб чиқади. Бундай глобал ҳодисаларнинг асосий сабаби меҳнат фаолияти жараёнидаги интеграциядир ва бу эса, ўз навбатида, мулоқот фаолиятини жадаллаштирувчи қандайдир бир «умумий тил» яратиш заруратини илгари суради.

Тилнинг табақаланиши эса социолектлар (муайян худуддаги бир гурух, бир ёшдаги, бир хил маданият даражаларидағи одамларнинг мулоқотидаги ўзига хосликлар), «профессиолектлар» (маълум шаклдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи

кишиларнинг мулокот тили) каби қатламларнинг фарқланишидир. Тил тараққиётидаги бу анъана илмий-техникавий тараққиётнинг, янги касблар, замонавий коммуникация воситаларининг вужудга келиши натижасидир. Масалан, ҳозирги даврда дунёдаги барча тилларнинг лугат таркибида янги атамаларнинг яратилиши, синоним, омоним сўзларнинг кенг тарқалиши, контекстуал маъно ролининг ошиши билан боғлиқ луғавий табақаланиш ҳодисаси кенг тарқалмоқда.

Тилнинг «интеллектуаллашуви» - умумий мулокот тилига илмий тилга хос хусусиятларнинг кенг миқёсда кириб келишидир. Бу ҳолатда лисоний мулокотнинг аниқликка, бир маънолиликка, ифода воситаларини тежашга бўлган интилиши кузатилади. Бунинг сабабларидан бири фан ва техника тараққиёти, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларнинг тобора чукурлашиб бораётганлигидир. Интеллектуаллашув тил системасининг лексик, фонологик ва морфологик қатламларида ўз аксини топади. Масалан, ҳозирги немис тилида бу ҳодисани қуйидаги жараёнларда кўриш мумкин: 1) лугат таркибига маҳсус илмий-техникавий атамаларнинг кўп миқдорда кириб келиши (масалан, «Plast»- дастлаб бу термин органик кимёга мансуб эди, ҳозирги пайтда у «сунъий мато» маъносини англатади.); 2) тилда мавжуд бўлган лугат бирликларининг маҳсус семантик маънога эга бўлиши.

Тилнинг интернационаллашуви – умумий тилнинг бир неча тилларда мавжуд бўлган, бир хил шакл ва маънода ишлатилувчи янги сўзлар билан бойишидир. Тилларнинг интернационаллашувида инглиз тили муҳим ўрин тутади. Лотин, юонон ва бошқа тиллар асосида ҳам янги интернационал сўзлар вужудга келмокда. Масалан, олмонча: «Autopilot» - автопилот, «Antikriegs film» - урушга қарши фильм; ўзбекча: «мониторинг», «лицей», «траффик», «гендер» кабилар.

Тилнинг демократлашуви – бу ёзма ва сўзлашув тилининг бир-бирларига яқинлашувидир. Бу ҳодиса сўзлашув тилидаги бирикмаларнинг ёзма нутқида кириб келишида ўз аксини топади. Масалан, немис тили ёзма нутқида мустахкам ўрин олган «Fernschen» - «телевидение» сўзи ёшларнинг сўзлашув тилида «Television» сингари кўлланилади, асос сўз «Tele» эса айрим кўшма отларнинг ясалишида ишлатилади: «Tele - Theater» -

телеатр, «Tele -Klub» - телеклуб; Қиёсланг: ўзбекча «Телебат», «Телеўйин».

Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи **«тил маданияти»** масаласининг ўрганилиши долзарб муаммо эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш мумкин.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари масаласини ўрганар эканмиз, маданиятнинг кўп киррали ва кўп аспектли ҳодиса эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўз навбатида, тил ҳам мураккаб қурилма сифатида маданиятнинг турли қисмлари билан бир хил муносабатларга киришавермайди. Аммо, тилнинг маданиятнинг турли элементларига таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас (Сафаров 2006).

Инсоннинг тил маданияти унинг маънавий оламида мухим ва залворли ўрин эгаллади. Унда тарихий босқичнинг, тизимнинг, у ёки бу ижтимоий-иқтисодий қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топади. Улар тил қурилишида унинг асосий лисоний хусусиятларнинг ўзгаришларида, стилистик воситаларнинг идрок қилинишида, мuloқotnинг ўзига хос (маҳсус) шаклларида, шунингдек, тилнинг ижтимоий фаолиятдаги вазифаларида ҳам ўз ифодасини топади. Шу сабабли «тил маданияти» тушунчаси турли тарихий давларда турлича мазмунга эга бўлган.

Тил маданияти, энг аввало, илмий хулосалар ва ижтимоий амалиёт натижалари асосида ўрнатилган, лисоний фикрлашнинг аниқлигини таъминлайдиган тил нормалари, унинг лугат бойлиги, фразеологик захирасидир.

Тил маданияти ҳодисасини унинг тараққиёти нуқтаи назаридан ўрганиш учун қуйидаги тадқиқ йўналишларига мурожаат қилиш лозим:

1) орфография (замонавий тизимни архаик хусусиятлардан тозалаш мақсадида орфографияни илмий асосларда ислоҳ қилиш борасидаги тадқиқотлар);

2) нутқнинг товуш (оҳанг) томонини ўрганишга оид тадқиқотлар (бу тадқиқотлар факат орфоэпиягагина доир эмас, балки талаффузнинг мuloқotни амалга оширишдаги вазифасини ҳам қамраб олади);

3) морфология. Тил маданияти муаммоси грамматикага ҳам дахлдордир, бироқ грамматик тизимда тил маданияти бошқача йўналиш олади. Зеро, тил маданияти назарияси мустақил равишда морфологик норма яратишга қодир эмас. Норма тил тизимининг ўзида вужудга келади, тил маданиятининг унга таъсири билвоситадир;

4) синтаксис. бу соҳани тил маданияти доирасида ўрганишда оғзаки ва ёзма нутқ синтаксиси ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади;

5) тил маданиятини стилистик фарқлар нуқтаи назаридан ўрганиш;

6) тил маданиятини семантик нуқтаи назардан ўрганиш луғат таркибини меъёрлаштириш ва атамалар тизимини тараққий эттириш имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ.

Нутқ узусига боғлиқ бўлган социолингвистик ҳодисалар қўйидагилардан иборат:

1) адабий тил фаолият доирасининг кенгайиши;

2) миллий тилнинг алоҳида вариантиларининг ички интеграцияланиши; адабий тил ва маҳаллий диалектлар орасидаги фарқлар тобора камая боради. Бу кўплаб мамлакатлардаги урбанизация жараёнининг жадаллашуви, жамият тизимининг ўзгариши туфайли рўй беради.

3. Нутқ узуси адабий тил нормаларига катта таъсир ўтказа бошлаган янги зиёлилар авлодининг шаклланиши.

Барча табиий тиллар фикр ифодалашнинг универсал системалариdir. Тил ёрдамида маданият ривожининг турли босқичларида турган ҳар қандай жамоа барча турдаги коммуникатив эҳтиёжларини қондиради. Ҳозирги замон адабий тилларининг характерли хусусиятларидан бири, масалан, юқорида зикр қилинган «интернационаллашув» ва «интеллектуаллашув»dir. Бунинг натижаси ўлароқ, барча мамлакатларда, нафақат миллий ўз-ўзини англаш ва она тилига, унинг маданиятига, балки тилларнинг луғат таркибини бошка тиллар орқали бойитишга ҳам эътибор кучайди (Бушуй 2003: 120-124). Масалан, Жанубий - Шарқий Европа тилларида XX аср давомида ижтимоий-сиёсий атамалар тизими шаклланишига назар солсан, у ўхшаш ўзгарувчан коммуникатив вазиятлар шароитида юзага келган ҳамда янгидан вужудга келган маънавий ва моддий

маданиятга оид тушунчалар ҳисобига бойиганлигини кўрамиз. Аммо бу жараён турли тилларда турлича йўллар билан кечди. Масалан, болгар тилида лугат таркибининг бойиши кўпроқ рус тилидан кириб келган сўзлар ҳисобига рўй берди. Румин тили француз тили, янги грек тили қадимий юон тили ҳисобидан бойигани кузатилди. Албан тилида эса, она тили элементларидан янги сўзлар ясаш анъанаси, серб-хорват тиллари рус тилидан ўзлаштириш ва она тили захирасидан фойдаланган ҳолда янги сўзлар ясалиши билан характерланади. Диққатга сазовор томони шундаки, болқон тилларининг ўзаро муносабатлари уларнинг ижтимоий-сиёсий лексикасида қарийб ўз аксини топмади ва ушбу тилларда инновацион жараёнлар кўпроқ нолисоний факторларнинг таъсири ҳисобига кечди.

Тилларро муносабатларга тил маданияти назарияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ўринда академик Л.В.Щербанинг қуйидаги ибратли фикрини келтирмоқ жоиз: «Янги тушунчаларни номлаш учун тилнинг ўзида сўз топилмаса, ўзга тиллардаги тайёр сўзлардан, айниқса, улар байналминал кўринишда бўлса, фойдаланишдан чўчимаслик керак. Мабодо, янги тушунчани ўз воситалари билан ифодалаш имконияти бўлса (сўз ясаш ёки кўшма сўзлар тузиш), албатта, ўз лугат таркибини бегона элементлар билан тўлдирмаслик яхши. Бироқ, бу икки ҳолатнинг чегаралари шунчалик нозикки, уни маҳсус лингвистлик, адабиётшунослик сезгиси билангина пайқаш мумкин. Бироқ, бу сезги албатта мистик характерга эга эмас ва у филологик тарбия натижасида шаклланади» (Щерба 2000: 117).

Ҳозирги пайтда жаҳонда миллий тилларни атамалар яратиш ҳисобидан бойитиш борасида катта тажриба тўпланди. Масалан, малай тили қуйидаги принциплар асосида ясалган атамалар орқали ўз таркибини бойитмоқда:

1. Дастлаб умумфойдаланишда бўлган сўзлар асосида атамалар яратиш. Масалан, «бирга қочмоқ» маъносидаги малазийча «selarī» сўзи илмий тилдаги «параллел» маъносида ишлатилади;

2. Мумтоз малазий тилининг лугат бойлиги семантик ўзлаштирма сўз манбай вазифасини бажаради. Масалан, «жисм» - олдин «тана, вужуд»ни англатиб, ҳозирда «осмон жисми» маъносидаги тушунчани ифодалайди.

3. Илмий атамаларнинг бир қисмини атамаларга айланган диалектга оид сўзлар ташкил қиласди. Масалан, кедаҳ ва келантан диалектларидағи «охир», «якун» маъносидағи «sut» сўзи илмий терминологияда бошқа маънода ишлатилади. Шунингдек, семантик деривация, калькалаш, фонетик ўзгартириш ва бошқа сўз ясаш усусларидан ҳам фойдаланилади (Istilah pendiekan Melayu- Inggeris... 1996).

Тил маданияти социолингвистик ҳодиса сифатида мажмуавий хусусиятга эга. Тил маданияти деганда, адабий тилнинг асосий қонуниятларини ва ўзига хос хусусиятларини, унинг ижтимоий нормаларини (орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик воситаларини) онгли ва мустаҳкам ўзлаштириш тушунилади. Бунга адабий тилнинг функционал услубларини ҳам киритиш мумкин. Тил маданияти доирасига тилнинг жамиятда тутган ўрнига боғлик бўлган ҳодисалар ҳам мансубдир. Барча диалектлари билан муносабатда бўлган адабий тил маданийлашади.

Тил маданияти масалаларини ўрганишда ҳар бир адабий тил ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиши ва бу хусусиятларнинг мулоқот мухити ва вазияти билан боғлиқлиги ҳисобга олинади. Адабий тил нормалари ҳам динамиқдир ва унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ифода воситаларининг вариантилигидадир.

Тил маданияти учун ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, миллий онг, маданий омилларнинг таъсири тилнинг ички тизими ўзгаришлари фаоллиги, меъёrlаштириш сиёsatининг таъсиранлиги катта аҳамиятга эгадир.

Тил нормасига таъсир қилувчи ички жараёнлар қаторига, биринчи навбатда, сўзлар полиморфизмининг чекланганлигини ва аналитик конструкциялар салмоғининг ошиб бораётганлигини киритиш мумкин. Бу жараёнлар таъсирида муқобиллар миқдори ошиб бормоқда. Уларни баҳолаш ва энг маъқул варианtlарини танлаш бугунги кундаги кўплаб мамлакатларнинг меъёрийлаштириш борасидаги сиёsatининг долзарб масаласи ҳисобланади.

«Тил маданияти» тушунчаси умумий «маданият» тушунчаси доирасида унинг бошқа соҳалари билан боғлаб ўрганилади.

Ўтмишда тил маданияти энг аввало пуризм (тилни ёт унсурлардан тозалаш) ғояси билан боғлик ҳолда ўрганилган ва у назарий тилшунослик тамойилларидан анча йироқ бўлган. Ҳозирги пайтда тил маданияти мустақил илмий предмет сифатида шаклланаяпти.

Тил маданиятининг асосий ўлчови сифатида, қандайдир бир мавҳум меъёр (софлик) эмас, балки тилнинг ўз асосий вазифаларини бажара олиш қобилияти қабул қилинди. Ҳозирги замон тил маданияти фани ўз олдига эркин ва аниқ нутқий мулоқотни таъминлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Масалан, Европада бу ишга Прага тилшунослик мактаби ўзининг катта хиссасини қўшди (тилга функционал ёндашув, тил тизимининг динамик мувозанати ҳақидағи таълимотлар).

«Тил маданияти» тушунчасини унда сўзловчи шахслар маданияти билан боғлаб ўрганиш зарур. Чунки «тил маданияти» тушунчасида бир томондан тил системаси ва нутқ фаолиятининг, иккинчи томондан, тил ва нутқ орқали юз берадиган ижтимоий ва индивидуал фаолиятнинг диалектик муносабатлари ўз аксини топади.

Тил маданиятининг бу томонлари алоҳида шахс фазилатларининг мажмуасини ташкил киласди. Шу сабабли, тил маданиятини шакллантириш шахсга таълим ва тарбия бериш жараёнида муҳим босқичлардан бири хисобланади. Шу нутқта назардан куйидаги масалалар муҳокамаси муҳимдир: 1) шахснинг таълим ва тарбияси жараёнида тил маданияти қандай рол ўйнайди? 2) таълимнинг турли босқичларида тил маданиятини ўргатиш борасида қандай вазифалар илгари сурилади?

Сўзловчи шахс ва тингловчи нутқий мулоқот жараёнида ўзаро тўрут турдаги *социолингвистик муносабатлар тиллапояси*ни эгаллаши қайд қилинган, булар – *юқори, менг, паст ва нейтрал*.

Бундай даражаланишда нутқий мулоқот иштирокчиларининг «ижтимоий масофа»си (social distance) ҳам ўз ифодасини топади. Бу кўпинча мулоқот жараёнининг «юқоридан пастга» қабилида, сухбатдошни менсимаслик, буйрукона оҳангда рўй беришига олиб келади. Бундан ташқари, сухбатдошларнинг бир-бирларини яхши танимаслиги оқибатида рўй берадиган «бетакаллуф» мулоқот тури ҳам мавжуд. Мулоқотда иштирок этувчи шахсларни бир-биридан ажратиб

турувчи бу ҳолатлар нутқий мулокот муносабатларининг даражасини белгилайди. Масалан, ўғилнинг ўз отасига муносабати «пастдан юқорига» ва «ўзаро яқинлик» даражаларида баҳоланади. Буларнинг ҳаммаси тил маданиятини белгиловчи мухим омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган муносабат даражаларининг бирор бир тилда тўлиқ ифодаланиши қийин масала. Масалан, К.М.Хорненинг кузатишларига кўра, инглиз тили учун кўпроқ «бетакаллуф нейтрал» даражага характерлидир (Horne 1995: 77-87). Француз-немис ва испан тиллари эса бу борада «яқин - нейтрал» («close - neutral») ва «узок нейтрал» («distant - neutral») даражаларидан фойдаланишади. Айни пайтда, корейс тили юқорида келтирилган даражаларнинг олтитасидан фойдаланиши билан бошка тиллардан фарқ қиласди: «узок-юқори» («distant-superior»), «яқин-тeng» («close-equal»), «узок-паст» («distant-inferior»), «узок-нейтрал» («distant-neutral»), «шахссиз-нейтрал» («impersonal-neutral»), «яқин-нейтрал» («close-neutral»). Яван тилида эса, нутқ даражаларининг сони тўққизтага етади. Яван тиллари доирасида юқори мансабдор шахсларнинг болалари нутқ маданияти даражаларини колледжга ўқишига кириш пайтларида ёк эгаллаб оладилар.

Нутқий мулокот даражасини ифодаловчи воситалар турли-тумандир. Шундай бўлса-да, ҳар бир тилда, одатда, қайсиидир бир усул устувор характерга эга бўлади. Масалан, тай тилида асосан расмий (protocol) иборалар ишлатилса, яван тилида бундай ҳолда шунга мос лексика танлашга интилишади. Корейс тилида эса, бошқа ифода воситаларидан фойдаланиш истисно қилинмаса-да, грамматик кўрсаткичларга таянилади (Horne 1995: 85-86). К.М.Хорне таклиф қилган бу модел ҳозирги пайтда ижтимоий-маданий ўзгаришлар нутқ даражаларидағи фарқларни камайишига олиб келаётган япон ва бошқа тилларда содир бўлаётган айрим силжиш, янгиликларни аниқ тавсифлашга ёрдам беради.

Нутқ маданияти тил воситаларидан муайян нутқ вазиятига мос ҳолда фойдаланишни тақозо қиласди. Сўзловчи турли функционал услублардан эркин фойдаланиши лозим. Ижтимоий коммуникатив фаолиятни муайян қонун-қоидалар асосида ривожлантириш, тил маданияти ва тил сиёсатига оид назарий ва

амалий масалаларни ҳал қилиш умуммаданий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири хисобланади.

Нутқ маданияти гояси доирасида ривожланаётган назарий йўналишлар қуидагилардир:

- 1) нутқ нормаларининг вариантлилиги;
- 2) нормаларни баҳолашга вазифавий ёндашув;
- 3) адабий тил нормаларининг шаклланиши ва ривожланишида ташқи ва ички (лисоний ва нолисоний) факторларнинг алоқаси;
- 4) миллий тил таркибида адабий тил элементларининг ўрни, роли ва бошқалар.

Нормативлик масалаларига тил бирликлари вазифалари нуқтаи назаридан ёндашув маданий мулоқот фаолиятининг лисоний тарбия дастурига айланishiга, лисоний хиссиятнинг шаклланишига, мулоқот малакасининг ривожланишига, ҳар қандай нутқий вазиятларда жамиятда ўрнатилган қонун-коидаларга мос равишда образли ифода воситаларидан унумли фойдаланишига олиб келади. Бундай ёндашув тил нормасини, адабий тилни, унинг функционал алоқаларини ва диахроник ўзгаришларни тарихан, ижтимоий ва лингвистик жиҳатдан англашни тақозо қиласи. Н.Махмудов таъкидлаганидек. «маданий нутқ учун факат грамматик тўғрилик эмас, балки танланган ифода вариантининг ижтимоий мақбуллиги, ўринлилиги ҳам муҳимдир» (Махмудов 2007: 13). Тил маданияти нутқ маданиятига нисбатан кенг тушунча; Биринчиси, нафақат эшитиладиган нутқка, балки матнга ҳам тааллуқлидир. Нутқ маданияти эса аввал эшитиладиган ва кейин идрок қилинадиган ҳодисадир. Бироқ улар орасидаги барча зиддиятлар лисоний фаолият жараёнида ечилади. Бу жараёнда тил заҳираларига goҳ фаол, goҳ онгли муносабатлар кўзга ташланади ва айнан улар тил маданиятининг моҳиятини ташкил қиласи.

Тил маданияти тушунчасининг мазмуни ҳам кўп кирралидир. Масалан, миллий (масалан, немис тили) адабий тилнинг нутқ маданияти шу миллатнинг анъаналари ва ҳозирги эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир ва улар миллий маданиятининг умумий шарт-шароитлари ва улар тарқалган худуддаги тил курилиши билан ифодаланади. Масалан, Швецарияда немис тилининг соғлиги немис стандарт тилининг соғлиги деб эмас,

миллий хусусиятларга эга бўлган швецар узусининг немис адабий тили меъёри деб тушунилади.

Шундай қилиб, маданият деганда, инсоният жамияти томонидан яратилган ва шу жамият амал қиласиган хулк-авторлар мажмуаси тушунилади. Тил умумийлиги дейилганда эса, тарихан шаклланган, бир хил лисоний бирликлардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланиладиган тилга нисбатан мавжуд умумий социал баҳолашлар системаси тушунилади.

Инсоннинг умумий маданияти тил маданияти билан узвий боғлик. Инсон умумий маданиятининг ривожидаги энг муҳим ютуқлардан бири ўз тилидаги қолоқ элементларни йўқ қилишга интилишдир. Бу шахснинг ўз фикрини самарали равишда оғзаки ва ёзма баён қила олиш, тилнинг замонавий лексик ва фразеологик воситаларидан, стилистик заҳираларидан фойдалана олиш қобилиятини ифодалайди.

Тил маданиятининг тараққиёти ҳам ижтимоий, ҳам лингвистик омилларга боғлик. Ижтимоий омиллар каторига жамиятнинг муайян даражадаги тараққиёти, иқтисоддаги, ҳалқаро миқёсдаги, фан ва маданият соҳасидаги интеграциялашув анъаналари киради. Бу омиллар лингвистик факторлар билан бирлашиб, ягона бутунликни ҳосил қиласи, яъни миллий тилни, биринчи навбатда, адабий тилни илмий англаш орқали тил маданиятининг тўлиқ назарияси яратилади.

Тил маданиятининг назариясини ва амалиётини, социолингвистик асосларини қўйидаги вазифалар фаоллаштиради:

- тил маданиятини тадқиқ қилишни маданият тушунчасининг умумий доирасида ташкил қилиш.

- тилни онгли равишида маданийлаштиришга интилиш (Германия, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Франция, Туркия).

- фуқароларнинг адабий тилга нисбатан мустаҳкам ва ижобий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган тил ва маданият сиёсатини қўллаб - қувватлаш, чунки тил маданияти борасидаги ҳар қандай фаолият, сўзловчи шахснинг тилга муносабатини эътиборга олиши лозим. Бундан ташқари, ушбу фаолият муайян, олдиндан мавжуд бўлган қоида, йўл-йўриқлар, объектив баҳо шартларига ҳам таянади.

Шундай қилиб, норма шаклланиши жараёни куйидагилардан иборат:

1. Дескриптив (тавсифловчи) босқич;
2. Нормани түғрилаб бориш босқичи (бу босқич баҳолаш ва кодлаштиришни ҳам ўз ичига олади);
3. Перформатив босқич (тил тизимини воқеликни етарли даражада ифодалай олиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш).

Илм-фан, техниканинг бекиёс ривожи ижтимоий ҳаёт фаолиятларининг жадаллашув жараёни мураккаб ижтимоий муносабатларни ва моддий воқеликнинг барча соҳаларини лисоний ифодалашда янги муаммоларини юзага келтиради. Шу сабабли ҳозирги пайтда турли халқлар маданиятининг ўзаро муносабатларини ифодалаган тил муаммоларни тадқиқ қилаётib, ҳар бир жамиятда тиллар, маданиятлар тараққиётининг ўзига хос ва умумий хусусиятларини, қонуниятларини ҳисобга олиши талаб қилинади.

Тиллар ва маданиятлар ўзаро муносабатларининг энг умумий қонуниятлари қаторига турли тилларнинг ўзаро алоқаларга киришувини ва бир-бирларини бойитишларини киритиш мумкин. Бирок бу турдаги алоқа тиллар ва маданиятларнинг нафақат тараққиётига ёки бойишига, балки айрим ҳолларда ривожланишига тўсик бўлиши мумкин. Буларга куйидагилар киради:

1. Ҳеч қандай асоссиз бошқа тиллардан сўзларнинг ўзлаштирилиши;
2. Миллий тил ва маданиятнинг соғлигини, миллий хусусиятини сақлаш ниқоби остида туристик қарашларнинг тарғиб қилиниши. Бундай анъаналар охир-оқибатда тилларнинг «иҳоталаниб» қолишига сабаб бўлиши мумкин.
3. Нормалар ва илгор анъана, ғояларнинг бузилиши.
4. Нозарур ҳолатларда лисоний варианtlар доирасини кенгайтириш ва фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтганда, тил маданияти нафақат инсониятнинг маънавий, маданий ҳаётида, балки кўп миллатли ва кўп тилли жамиятнинг ижтимоий соҳаларида ҳам залворли аҳамиятга эгадир.

2-БОБ. ТИЛШУНОСЛИК ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАН ҚИСҚА МАЪЛУМОТЛАР

2.1. Тилшунослик фанининг шаклланиш босқичлари

Лингвистиканинг асосий обьекти инсонларга хос бўлган тилдир. Тил тизими қонуниятлари, унинг фаолияти ва тараққиёти ушбу фаннинг предмети ҳисобланади.

Фанларнинг (аввало фалсафанинг) алохида илмий фаолият тури сифатида ажралиб чиқиши билан умумлингвистик муаммолар мутафаккирлар учун қизиқарли тадқиқ предмети сифатида намоён бўлди. Хусусан, қадимги Юнонистон файласуфлари нарсаларнинг номланиши табиатдан ёки келишув асосида эканлиги борасида баҳс юритишиб келишган. Ўрта асрларда диний уламолар эса авлиё Юҳаннонинг Инжилдаги «Ибтиода сўз бор эди» деган барчага таниш кириш иборасининг мазмуни ҳақида қизғин мунозаралар олиб боришган.

Славян ёзуви асосчиси Константин Кирилл (827-869) Венециядаги баҳсларда «уч тиллilar» қараши асоссиз эканлигини кўрсатиб берди. «Уч тиллilar» юонон, лотин ва қадимги иврит тилларини барча тилларга нисбатан устун деб эътироф этишган ва диний соҳада бошқа тиллардан фойдаланишни тақиқлашган.

Грамматикага доир илк ишлар дастлаб ҳар қандай тил тизими учун хос деб ҳисобланган. Кўпгина халқларнинг мутафаккирлари бир тил грамматикасини иккинчисига нисбатан тадбиқ қилишни табиий ҳол деб қабул қилишган. Қизиқарли томони шундаки, XVIII асрда юонон-лотин тилларидағи кўпгина феъл замонларини рус тили грамматикаси кўчириб олгани каби, XX асрнинг 50- йилларигача туркй тиллар грамматикаларида ҳам рус тили грамматикаси анъаналарига хос бўлган феълнинг замон шакллари ҳақидаги маълумотларни қайд этишга ҳаракат қилинган.

Грамматиканинг умумийлигини мантикан асослаш мумкинлиги ҳақидаги фикр машҳур француз «Умумий (универсал) рационал грамматика»сида ўз аксини топди. Ушбу асар 1660 йилда Париж яқинидаги Пор-Рояль аббатлигига чоп этилганлиги туфайли шу ном билан машҳурдир. Ушбу грамматика муаллифлари бўлган Клод Лансло ва Антуан Арно тилларда

умумий қонуниятлар мавжудлигини эътироф этишди ва ана шу лисоний умумийликни топишга эътибор қаратиши. Бу вазифани амалга ошириш учун улар, бир томондан, юкорида эслатиб ўтилган «устун» тиллар учлиги – қадимги иврит, грек ва лотин тилларини «вульгар» («коддий») тиллар ҳисобланган француз ва немис тиллари билан таққослашган бўлишса, иккинчи томондан, дедуктив-мантикий фикрлаш орқали қоидалар яратиш билан шуғуланишган.

Аммо факат буюк олмон тилшунос-мутаффаккири Вильгельм Хумбольдтнинг (1767-1835) XIX асрнинг 20-30-йилларида яратган асарларида гина умумлингвистик муаммоларни ёритиш кенг қамровли тус олди. Хумболт томонидан тадқиқ қилинган янги муаммолардан бири тил тараққиёти муаммоси ҳисобланади: Тил, унинг фикрича, ўзаро умуман фарқли бўлган қатор босқичлардан ўтувчи доимий тараққиёт ҳолатида бўлади. Хумболт «тилларни тараққиёт ҳолатида ўрганиш» билан «тил организмини ўрганиш»ни фарқлай билиш зарурлигини таъкидлаб ўтади. Мана шу фикр негизида аслида «диахрония» ва «синхрония» тушунчалари назарда тутилган эди.

Хумболт тил «организми»нинг барча элементлари орасидаги ўзаро алоқани кўрсатиб берди. Мухтасар қилиб айтганда, у биринчи бор тилнинг тизимлилиги ҳақидаги фикрни шакллантириди. Олим тил ва тафаккур муносабатига катта эътибор қаратиш билан бир қаторда, тил ҳодисаларининг иккиёклама характеристини эслатиб ўтади ва «тил бир вақтнинг ўзида акс эттирувчи ва белги» эканлигини тасдиқлайди (Звегинцев 1964, 1-қисм: 77).

Тилнинг инсонга хослиги туфайли индивидуал ва бутун халққа тегишли бўлганлиги учун ижтимоий эканлигини эътироф эта туриб, Хумбольдт тилдаги субъективлик ва объективлик яхлитлигини ҳамда тарихий тараққиёт ва фаолият ҳамоҳанглигини таъкидлаб ўтади. Хумбольдт тил ва маданият, тил ва ёзув муносабатлари ҳақидаги масалага эътибор қаратди ва тилнинг билиш қуроли сифатидаги ўрнини кўрсатиб берди.

Хумбольдтнинг foялари Август Шлейхер (1821-1868), Александр Афанасьевич Потебня (1835-1891), Иван Александрович (Ян) Бодуэн де Куртенэ (1845- 1929) каби йирик тилшуносларнинг лингвистик қарашларига катта таъсир кўрсатди.

Хұмбольдт тилнинг фаолият эканлигини таъкидлаб ўтади. Лекин у тилни фаолият қороли сифатида қўлланиши ва лисоний фаолиятнинг ўзи ўртасидаги аниқ чегарани ажратиб бера олмади. «Тил-нутқ» дихотомиясини лингвистикага бир неча йиллардан сўнг, замонавий лингвистикага асос солиш борасида И. А. Бодуэн де Куртенэ билан бир қаторда турган олим Фердинанд де Соссюр (1857-1913) киритди.

Соссюрнинг муҳим хизмати – *тилни белгилар тизими сифатида* тушунишнинг асосий тамойилларини шакллантирганлиги, синхроникни аниқ чегаралаганлиги, яъни тилни ўзгариш ва тараққиёт жараёнида таҳлил этганлиги ва *тилнинг тизими характери* ҳақидаги масалани аниқ кўя билганлигидадир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Соссюр тил тизими ҳақида Хұмбольдт ва айниқса Шлейхер каби организм сифатида эмас, балки айнан тизим сифатида фикр юритади.

Тилшунослик фанининг предмети тушунчаси тарихий нуқтаи назардан ўзгарувчан характерга эгадир. Маълумки, тил ҳақидаги фан тўғри ёзиш ва ўқиш ҳақидаги таълимотлар билан бошланган эди. Ушбу таълимот *грамматика*, яъни «ёзув санъати» деб аталган. Аммо ана шундай аниқ амалий мақсадга эришиш жуда кенг қамровли масалаларни ҳал қилишни талаб этди. Масалан, тил ўзгарувчанлиги, тиллардаги фарқлар, қадимий матнлар ёки хорижий тилдаги ёзувни ўқишга ўргатиш каби масалалар шулар жумласидандир. Ёзувнинг яратилиши эса товушлар ва ҳарфлар муносабати ҳақидаги масалани ҳал қилишни такозо этди. Бундан ташқари, товушларнинг барча турлари эмас, балки фақат маънени ажратишга хизмат қиласиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товуш белгилари учунгина ҳарфлар яратиш зарур эди.

Сўз ўзгариши ва гапдаги сўзларнинг боғланиш қоидаларини билмасдан туриб тўғри ўқиш ва ёзиш мумкин эмас. Шундай қилиб, аста-секинлик билан грамматика «ёзув санъатидан» сўзларнинг ўзгариши ва боғланиши, товушлардан сўзлар тузиш ва уларнинг маънога эга қисмлар (морфемалар)дан ташкил топиши ҳақидаги фанга айланиб борди.

Маълумки, бундай ёндашувда тилнинг жуда муҳим элементи – сўз тил ҳақидаги фан қизиқиши доирасидан четда қолади. Шундай бўлсада, амалиёт луғатлар тузиш заруратини

туғдирди. Натижада, тил ҳақидаги фан ўз таркибига лексикология фанини, яъни лугат таркиби ҳақидаги фанни ҳам киритди. Тұғри үқишишта тил тизими ва ёзувни билиш етариғи әмас. Тилнинг қандай ҳаракат қилиши ва фаолиятины англаш ҳам жуда мухим хисобланади. Шу асосда тил фаолияти муаммолари – аввалига намунашын нутқ таълимоти бўлган риторика ва кейинчалик, услублар ҳақидаги таълимот – стилистика билан боғлиқ ҳолда тил ҳақидаги фан предмети таркибига киритилди.

Лингвистиканинг бугунги ҳолати дедуктив ва индуктив ёндашувларнинг лингвистик тадқиқотларда амалда бирлаштирилиши ва кузатишлар, тажрибалар ва олинган маълумотларни йиғишни ўзаро боғлашни талаб этмоқда.

Келажакда «умумий тилшунослик» фанининг икки мустақил тармоққа бўлиниши кўзда тутилмоқда. Тармоқлардан бири умумий тилшунослик бўлиб у дунёнинг турли тиллари доирасида олиб борилган кузатишларни умумлаштириш ва ана шундай умумлаштирилган хулосалар асосида тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққиётига хос умумий қонуниятларни аниқлаш каби вазифаларни ўз олдига кўйса, умумий тилшуносликнинг иккинчи тармоғи бўлган назарий тилшуносликда эса тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққиётининг моделлари яратилади.

Умумлингвистик тадқиқотлар тизимида типологик лингвистика ўзига хос ўринни эгаллайди. Дунёдаги турли тилларнинг қиёсий таҳлили муайян белгиларга кўра тилларни, уларнинг товуш ва грамматик тизимлари, лугат бойлиги ва услубий турларини маълум типларга бирлаштириш имкониятини беради.

Хумбольдт давридаёқ тилларнинг морфологик структурасидаги фундаментал ҳусусиятларни эътиборга олишга асосланган типологик таснифлаш кенг тарқалган эди. Ушбу таснифга мувоғиқ тилларнинг қуйидаги типлари ажратилган:

1. Сўз таркибидаги ёрдамчи морфемалар ишлатилмайдиган *аморф тиллар*;
2. Ёрдамчи морфемаларнинг ўзакда сезиларли ўзгаришларни юзага келтирмасдан унга агглютинативация (яъни елимлаш) йўли билан бирикадиган *агглютинатив тиллар*;

3. Ёрдамчи морфемалар ўзак билан жуда яқин бирикадиган ва бунда ўзакда ҳам, ёрдамчи морфемада ҳам сезиларлы ўзгаришлар юз берадиган *флектив тиллар*.

Ушбу типлар гурухига яна бир типни, яъни полисинтетик тилларни киритиш мумкин. Бу тиллардаги ўзак ва ёрдамчи морфемалар бирикиб, муайян даражада сўз–гап ягона тузилмасига айланади (Америка хиндулари тиллари ва Осиёдаги баъзи тиллар – чукот, коряк ва ҳ.к.). Ушбу таснифлашни таниқли американлик лингвист Эдуард Сепир (1884–1939) аниклаштирган ва бунда у кўпгина нотаниш тиллардан тўплланган фактларни инобатга олган.

Умумий ва амалий тилшунослик ўзининг назарий аспектларида яқин алоқададир. Тарихдан тилшуносликнинг мақсади тил ва тўғри ёзишни ўргатишга қаратилганлигини айтдик. Кейинги даврларда ушбу вазифалар каторига инсоннинг машина ва компютер билан ўзаро мулоқоти билан боғлик вазифалар ҳам кўшилди.

Шундай қилиб, умумий тилшунослик лингвистиканинг назарий ядроси ҳисобланади. Тил назарияси инсоният мулоқотининг мухим воситаси сифатида ҳар қандай табиий тил доирасида олиб бориладиган тадқиқот ишининг асосини ташкил этади. Дунёнинг турли тиллари структураси, фаолияти ва тарақкиётида юз берадиган ҳар қандай ҳодисанинг тўлақонли таҳлилини амалга ошириш ишончли назарий асос ва методологик тамойиллар билан таъминланиши зарурдир.

2.2. Қиёсий-тарихий тилшунослик

Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бошланғич куртакларини Гуманизм ва Уйғониш даврлари, XVII аср, Ж.Б. Вико (1668-1744) фаолияти ва XVIII асрлар тилшунослигини қамраб олган янги давр ғояларидан излаш зарур. Янги давр Европа тилларини ўрганишининг қизғин фаоллашуви билан харakterланади. Ўша пайтда ҳарф ва товушни мос туширишга йўналтирилган кўпгина орфографик ислоҳотлар амалга оширила бошланди ва товушлар (яни тилнинг иккиласми қисмларга бўлиниши)га нисбатан эътибор кучайди. Бирламчи бўлиниш борасида эса, янги грамматикалар яратилишига қарамасдан, уларда бирор бир янги фикрлар учрамади. Шунингдек, сўз туркумларини Аристотел ва Варрон каби таҳлил килиш анъанаси давом этди.

Бу даврда мамлакатлараро алоқалар ривожи натижасида ўрганилаётган тиллар доираси кенгайиб борди. Тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги етакчи гоя «бобо тил» сифатида қадимги иврит тилини эътироф этиб, тилларнинг тараққий этиши ҳақидаги моногенетик қарашни тарғиб қилди. Бу қарашни асослаш мақсадида тиллардаги луғат таркибининг яқинлигини эътиборга олишган. Шу соҳадаги анъанавий ишлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Постелнинг (1538) «*Die Originibus seu de Hebraicae linguae et gentis antiquitate? Atque variarum linguarum affinitate?*» ва қадимги иврит тили негизида шаклланган 12 тилнинг рўйхати келтирилган Библиандернинг (1546) «*Die ratione communī omnium linguarum et litteraturam commentaries*» асрлари.

Бобо тилни (прототип) аниқлашга бўлган бошқа ҳаракатларни ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Джамбуларий Флоренция диалектининг этруск тилига боғлиқлигини кўрсатишга ҳаракат қиласи. Ван Горп эса Одам Атонинг тили тевтон, яни фламанд тили бўлган деб ҳисоблади ва ҳоказо.

Тилларнинг ўхшашлиги ва қариндошлиги ҳақидаги фикрлар ҳам кўпинча аралашиб кетади. Европада ҳақиқий компаративизм Канинисус арабларга аллақачон маълум бўлган семит тиллари қариндошлиги ҳақидаги фикрни тарқатгандан сўнг шаклана бошлади. Пиза қадимги сурия тили ва баск тилларини қиёслайди. 1599 йилда И.Ю.Скалигер «*Diatriba de Europearum linguis*» номли

асарини чоп қиласы ва унда «худо» сүзининг шакларидан келиб чиқкан ҳолда типологик классификацияни тузади.

Умумий назарияларга келганды эса, Бэкон, Скалигер ва Франческо Санчесларни эслаб ўтиш мумкин. Бэкон ўзининг «De dignitate et augmentis scientiarum» номли асарида тил ва тафаккур муносабатини фалсафий нұқтаи назардан таҳлил қиласы. Юлий Цезар Скалигер 1900 йилгача ва ундан кейинроқ бўлган даврларда тузилган мумтоз грамматика асарларининг «ғоявий отаси» ҳисобланади. Худди ана шу даврда (XVII ва XVIII асрлар) кейинги қиёсий тарихий тадқиқотларга асос солинган.

Янги давр лингвистлари (Вожл, Менаж) тилдан мантиқий қонуниятларга бўйсунмайдиган норматив қоидаларга асосланган ҳолда фойдаланиш ҳақида сўз юритишади. Шунингдек, улар барча тилларга хос бўлган хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қилишади. Лекин бу тиллар рўйхати чекланган бўлиб, булар энг аввало лотин, француз ва айрим ҳолларда юонон ва қадимги иврит тилларидир. Немис, испан ва итальян тиллари икки-уч марта эслатиб ўтилса, валлон тилидан келтирилган мисол факат бир марта учрайди. Шу нұқтаи назардан француз тили беихтиёр муайян устунликка эга бўлади. Тадқиқотчилар келишик категориясини ҳамма тиллардан излашга ҳаракат қилишади. Бунга улар келишик категориясининг лотин тилида борлигини асос қилиб кўрсатишади. Лекин бу кўпгина қарама-карши фикрларнинг вужудга келишига олиб келади.

Янги давр тилшунослигида «Янги фан» асари муаллифи Дж.Б.Вико (1668-1744)нинг концепцияси муҳим ўрин эгаллайди. Бу асарда тилларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назария келтирилган. Виконинг фикрига кўра, аввал товушга тақлид, кейин ундов сўзлар, кейин юкламалар пайдо бўлган ва натижада улар мустақил сўз туркумларининг вужудга келишига сабабчи бўлган. Вико тил тараққиётининг уч босқичи ҳақидаги фикрни илгари суради. Биринчиси – «Худолар тили» бўлиб, уни Вико «иероглиф ёки муқаддас» деб атаган. Бу босқич одамлар хали нутқдан фойдалана олмаган давр учун зарур бўлган. Иккинчиси – «Қаҳрамонлик ёки поэтик» босқич тили бўлиб, у ҳам биринчиси каби овозсиз, лекин ёзма шаклда бўлиши мумкин бўлган. Учинчиси – «Эпистоляр» омма тили бўлиб, у амалий мулоқот

учун хизмат қилган. Виконинг фикрича, бу уч тил ва ёзувнинг уч тури бир вақтда пайдо бўлган.

Турли ҳалқларга хос бўлган ҳар хил тилларнинг мавжудлигини Вико об-ҳаво шароити, урф-одатлар ва замондаги фарқлар билан тушунтиради.

Вико қарашларини лингвистик нуктаи назардан баҳолаш учун уч масалани фарқлаш зарур: ушбу қарашларнинг XVIII асрдаги аҳамияти, уларнинг таъсири ва умумназарий аҳамияти. Биринчи масала бўйича салбий жавоб бериш мумкин, Вико компаративистикага ҳеч қандай таъсир кўрсатган эмас, бироқ унинг адабиёт, стилистика ва эстетика соҳаларида Италия маданиятига қўшган ҳиссасини унутмаслик керак.

XVIII асрда барча соҳалар вакиллари (шоирлар, файласуфлар, сиёсатчилар, иктисадчилар ва х.к.) тил ҳақида бирор нарса ёзишга уринишган. Энг катта ҳажмдаги иш олиб борилган ягона соҳа фонетикадир. Шу даврда орфография ҳақида ҳам баҳслар давом этади. Англияда Стил ритм ва интонация ҳақида китоб чоп қиласди. Грамматик тадқиқотлар давом этади ва тобора кенг кўриниш ола боради. Тадқиқ қилинган тиллар рўйхати ҳам ўсиб боради. 1786 – 1787 йилларда П.С.Паллас Петербургда Европа ва Осиёнинг 200 тилидаги 285 та сўздан иборат бўлган лугатини чоп этади.

Ушбу фалсафий асрнинг энг илгор вакили сифатида Кондельякни кўрсатиш мумкин. Унинг тилнинг эркинлиги ҳақидаги назарияси алоҳида қизиқиш уйғотади. Кейинчалик Бреал ушбу назарияни жуда юқори баҳолаган ва бу фикрни Соссюр ҳам қўллаб-қувватлаган.

Санскрит тили ҳам фаол ўрганила бошланди. Лекин европалик лингвистлар қадимги хиндларнинг фонетикага доир қарашларини бирдан баҳолай олишмади ва пайдо бўлаётган компаративистика товушларни эмас, балки ҳарфларни тадқиқ этган. Ажойиб тарзда амалга оширилган морфологик таҳлил ҳам европалик грамматиклар томонидан XIX асрнинг бошларигача тан олинмаган.

Хуллас, қиёсий тарихий тилшунослик тарихида куйидаги тўрт даврни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) қиёсий тарихий метод пайдо бўлишидан «ёш грамматиклар»- гача бўлган давр (1816-1870 й.и.),

- 2) «ёш грамматиклар» (1870-1900 йй.),
- 3) «ёш грамматиклар»дан Ф.де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» китобининг чоп этилиши ва хетт ёдгорликларининг ўқилиши амалга оширилишигача бўлган давр (1900-1916 йй.) (1915-1917 й.й.).
- 4) Ф.де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» китобининг чоп этилишидан хозирги кунгача бўлган давр.

1816 йилда Франц Бопп (25 ёшда) «Санскрит тилида тусланиш тизимининг грек, лотин, форс ва герман тилларида тусланиш билан қиёсий таҳлили (Рамаяна ва Моҳобхоратнинг айрим парчаларининг аслиятдаги матнидан аниқ ва метрик таржималар ва Ведалардан баъзи қисмлар мисолида)» китобини чоп этди. У ушбу китоб билан қиёсий–тарихий методга асос солди.

Бопп қардош тиллардаги феълларнинг қўшимчаларини қиёслади ва европа тилларида нафақат алоҳида ўхшаш ҳодисалар, балки грамматик тизим бирлиги ҳам мавжудлигини аниқлади. «Ҳинд–европа тиллари» деган тушунча унга тегишилди. Франц Боппнинг асосий мақсади – бир тилдаги факт ва шаклларни бошқа тил факт ва шакллари ёрдамида тушунтиришдан иборат бўлган.

Боппдан мустакил тарзда худди шу даврда (1814–1818 йй.) даниялик тилшунос Расмус Раск (1787–1832 йй.) «Қадимги шимолий тил соҳасидаги тадқиқотлар ёки исланд тилининг келиб чиқиши» китобида герман, литва, славян, лотин ва юонон тилларининг қардошлигини исботлаб берди

Қиёсий–тарихий тилшуносликнинг юзага келиши даниялик лингвист Якоб Бредсдорф (1790–1841 йй.) («Тилга хос ўзгаришлар сабаблари ҳақида») ва немис тилшуноси Якоб Гримм номлари билан боғлиқ бўлиб, улар қиёсий–тарихий метод ёрдамида герман тилларини тадқиқ этишди. Янги методнинг асосчилари қаторига, шунингдек, Александр Христофорович Востоков (1781–1864 йй.) («Славян тили ҳақида фикрлар»–1820 ва ҳ.к.) ҳам киради У туғма гунг бўлгани учун маъруза ўқий олмасди, шунинг учун Румянцев музейи кутубхонасида мудирлик қилган.

Умумий тилшуносликнинг асосчиси В. Хумбольдт саналади. У тилнинг илмий назариясини қиёсий–тарихий метод асосида яратса бошлаган. Унинг асосий иши –«Инсоният тилларининг қурилишидаги фарқлар ва унинг инсоннинг

маънавий тараққиётига таъсири» асари 1836 йилда вафотидан сўнг акаси Александр Хумбольдт томонидан чоп этилган.

XIX асрнинг 1850–1860 йилларида бу метод Август Шлейхер (1821–1868) ва Ҳейман Штейнталъ (1823–1899)лар томонидан ривожлантирилди. 1861–62 йилларда Шлейхернинг асосий илмий иши дунё юзини кўрди ва унда ўтган 50 йил давомида бажарилган хинд–европа тилларининг қиёсий–тарихий тадқики умумлаштирилди. Штейнталъ тилларнинг келиб чекиши, тилларни таснифлаш ва тилшунослик тарихи ҳақида илмий ишлар ёзди.

1870–1900 йиллар қиёсий –тарихий метод тараққиётининг иккинчи босқичи бўлиб, «Ёш грамматиклар» тадқиқотлари билан боғлиқдир. «Ёш грамматиклар» тилни тарихий ҳодиса деб ҳисоблашган ва бу фикр Ҳерман Паул томонидан «Тил тарихи тамойиллари» китобида қайд қилинган. Бу фикрни Шлейхернинг тилни биологик ҳодиса сифатида қараш («тил – табиий организм») фикри билан солиштириш мумкин. Ёш грамматиклар, шунингдек, товуш ўзгаришларидаги қонуниятларни аниқлашган, улар тирик тиллар ва диалектлар ўрганилиши лозим деб ҳисоблашган.

Ёш грамматиклар вакиллари сифатида Ҳерман Пауль, Август Лескин, Карл Бругман, Ҳерман Остгофг, Вильгельм Шерерларни кўрсатиши мумкин.

Ёш грамматиклар тил фактларини аниқ кузатишган бўлсада, улар умумий назарий муаммоларни олға суришга журъат этишмади. Масалан, «Париж лингвистик жамияти» низомида куйидаги банд бўлган: «жамият тилнинг келиб чекиши ва халқаро сунъий тилнинг яратилиши соҳасида иш олиб бормайди».

«Ёш грамматиклар» Шлейхернинг лингвистик биологизм тоясига қарши чиқишган бўлишса-да, сунъий йўл билан яратиб бўлмайдиган тилнинг тирик организмга ўхшаш томонлари ҳақида ҳам сўз юритишган. Ёш грамматиклар фонетик ўзгаришларни чукур тадқиқ этишди, ундаги қатъий қонуниятларни, аналогияларни, ўзлашмаларни ва неологизмларни ажратиб кўрсатишиди. Улар таълимотига индувидуализм ва психологизм тоялари хос бўлган. Шундай қилиб, улар тилдаги ўзгаришлар сабабларини жамиятдаги ўзгаришлардан эмас, балки инсон рухиятидаги ўзгаришлардан излашган. Масалан, улар замонавий

рус тили уни ўрганмаган бола учун ўлик тилдир, лекин ўлик тил хисобланган лотин тили эса бу тилни мукаммал билган филолог–классик учун тирик тил сифатида намоён бўлади, деб хисоблашган.

Херман Пауль тарихийликнинг ролини бўрттириб, «тилшунослик фани тўлигича тарихийдир» ва тил тизими ҳакидаги ҳар қандай тарихий бўлмаган иш илмий иш эмас деб таъкидлаган. Ёш грамматикларнинг яна бир камчилиги уларнинг факат алоҳида шакл ва категорияларни ўрганишгани ва уларда тил тизими деган тушунчанинг мавжуд бўлмаганлигидадир.

Қиёсий–тарихий метод тараққиётининг учинчи босқичи А.А. Потебня, Гуго Шухардт, Бодуэн де Куртене, Ф.де Соссюр, Енс Есперсен ва бошқа олимлар фаолияти билан боғлиқдир. Бу даврда социологик тилшунослик (яъни тилнинг ижтимоий вазифаларини мулоқот воситаси сифатида ажратиш), диалектология ва диалектография соҳалари тараққий қилди. Шухардт сўзни у англатган предметлар билан боғлиқликда ўрганишга чақиради. Унинг «Сўз ва нарсалар» асари (1912) шу номли лингвистик мактабнинг яратилишига туртки бўлди. Австриялик тилшунос Рудольф Мерингер томонидан чоп этиладиган «Сўз ва нарсалар» журнали ушбу мактабга шундай ном берди. Шунингдек, неолингвистика (Италияда XX асрнинг 20–йилларида) оқими вужудга келди: бу оқим талқинича, тил ижтимоий ҳодиса эмас, балки индивидуал ҳодисадир; ягона тил мавжуд эмас, балки диалектга хос бўлган изоглосслар бирлиги бор, холос. Асос хинд–европа бобо тилидаги бир қатор изоглоссларнинг кашф этилишидир.

Тўртинчи давр (хозирги давр).

Туркия ва Сурия худудларида қудратли давлатчилик мавжуд бўлган. Бу ерда хеттлар истиқомат қилишган. Археологик қазишмалар пайтида олимлар миххат белгилар туширилган ўн минглаб лойдан ясалган лавҳаларни топишган. Матнларнинг кўпчилиги акгад тилида ёзилган бўлиб, бу тил Қадимги Шарқда ўзига хос «лотин тили» вазифасини ўтаган. Лекин номаълум тилда ёзилган матнлар ҳам кўп эди. Олимлар бу тил –хетт тили деган хulosага келишди. Хетт тили сирларини эса қиёсий–тарихий метод тамойилларини қўллаган буюк чех олими Бедржих Грозний очишига муваффак бўлди.

Хетт тили маълумотлари хинд-европа тиллари тарихини чуқурроқ ва аникроқ ўрганишга ва киёсий-тарихий методни ривожлантириш ва мукаммалаштиришга ёрдам беради. Хетт тили сирларини очиш олимларга эрамиздан олдинги XVIII асргача бўлган қадимий давр қаърига кириб бориш имкониятини берди. Чунки хетт тилининг келиб чиқиши (демак, хинд-европа тили ҳам) шу давр билан белгиланади.

Хетт тилидаги «вадар» ва рус тилидаги «вода» ва хетт тилидаги «небис» ва рус тилидаги «небеса» бир хил маъноларга эга. Рус тилида ва хетт тилида 3 саноқ сони «три» деб талаффуз қилинади. Хетт тили рус, инглиз, юон, литва ва бошқа хинд-европа тиллари билан қариндош бўлиб чиқди.

Бу даврда, шунингдек, синхрон тилшунослик, глоттохронология, структурализм ва бошқа йўналишлар ҳам тараққий эта борди.

Глоттохронология – қардош тиллар ёшини яъни уларнинг бўлиниш тарихини аниклаш методидир. У 1951-52 йилларда америкалик лингвист М. Свадеш томонидан таклиф қилинган. Бу метод, шунингдек, «лексикостатистик» деб ҳам аталади. Барча тиллар учун лугат бойлигининг янгиланиш тезлиги деярли бир хилдир. М.Свадеш келтирган маълумотларга кўра, 215 та сўздан иборат бўлган сўзлар рўйхатидан минг йил давомида 15-24% фоизи ўзгариб, қолганлари ўзгаришсиз қолади.

Структурализм тилшуносликдаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади тилшуносликни бошқа фан соҳаларидан чегаралаш ва тилни тизимлилик тамойиллари асосида ўрганишдир.

1925 йилда Прагада Вилем Матезиус (1882-1945 йй.) «Прага лингвистик тўғараги»га асос солди ва кейинчалик бу тўғарак структуралистлар мактабига айланди. Структурализмнинг 3 мактаби мавжуд: 1) Прага структурализми (функционал лингвистика), 2) Америка структурализми (дескриптив лингвистика), 3) Копенгаген структурализми (глоссематика).

Прага мактаби қуйидаги қарашларни ҳимоя қилган: 1) лингвистика – мустақил фан; 2) тил фактларини тилнинг тизимлилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур; 3) тил – функционал тизимдир.

Америка структурализмининг асосчиси Ф. Боас (АҚШлик этнограф ва тилшунос)дир. Унинг фаолияти ёзувга эга бўлмаган Америка ҳиндуларининг тилларини тасвирилаш билан боғлиқ бўлган. Шу асосда дескриптив, яъни тасвирий тилшунослик вужудга келган. Тилни таҳлил этишда структурализм тарафдорлари шаклга эътибор қартишиб, тилнинг маънога эга томонини назардан четда қолдиришган ва инсон тилини ҳайвонлар тили ёки механикага тенгглаштиришган (Сепир, Блумфильд).

Учинчи мактаб – Копенгаген мактабидир. Бунда глоссематика (лотинча *glossa* сўзидан) йўналиши вужудга келади. Бў йўналиш номи даниялик тилшунос Луи Ельмслев томонидан берилган. 1943 йилда Ельмслев «Лингвистик назария асослари» китобини чоп этади. Глоссематика тилни ташқи белгилар тизими, абстракт муносабатлар схемаси сифатида таҳлил этади. Глоссематиклар «унча қулай бўлмаган тилларни» «қулайроқ тиллар» билан «маданий жиҳатдан унчалик қадрли бўлмаган»ларини «маданий қадрга эга бўлганлари» билан алмаштиришга чақиришади. Глоссематика тарихийлик ва тиллар ўртасидаги қардошликни инкор этади.

Глоссематикада назария уступордир, тил структуралари умумлаштирилади, тилшуносликнинг мантиқ ва семиотика билан синтези амалга оширилади. Бунинг барчаси ушбу оқимнинг ижобий хислатларидир. Бошқа томондан эса, унда талайгина салбий хусусиятлар ҳам бор. Масалан, лингвистикнинг математика, фалсафа, мантиқ ва бошқа фанларга тобелиги, структура ва муносабатнинг абсолютлаштирилиши, фонеманинг товуш сифатига эга бўлмаслиги ва «бўш бирлик» – сенема сифатида кўрилиши, шунингдек, сўз ва гапнинг факат формал жиҳатдан таҳлил қилиниши ва х.к. Бу жиҳатдан глоссематика тил вокелигидан ажралган назарий қарашлар тўпламига айланиб қолади. Чунки тилнинг моҳияти унинг мулоқот функциялари, фикр таъсири ва ифодасида намоён бўлади.

Глоссематиклар сўзни жуда формал тарзда ҳар қандай ҳарф ёки икки интервал билан ажратилган ҳарфлар кетма-кетлиги сифатида белгилайдилар. Глоссематиклар гапни ҳам шундай формал тарзда белгилашиб, уни нуқта (сўроқ ёки ундов белги) билан чегаралашади, холос.

2.3. Қиёсий–типологик тилшүнослик

Қиёсий–типологик тилшүнослик XIX аср бошларидан немис олимларидан Ф. Бопп, Я. Гримм, В. Ҳумбольдт, А.Ф. Потт, рус олими А.Х. Востоков ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижаси ўлароқ дунёга келган бўлса-да, бу олимлар ўз ишларидан олдин ўтган испан олими Ш. Дъярмати, немис олимлари Фр. ва А.В. Шлегель, инглиз У. Джонс ва даниялик Р.К. Расклар кузатишларига таянишган. Лингвистик типологиянинг пайдо бўлишига тилларни ўрганишдаги туб бурилиш, яъни қиёсий грамматика ва лугатларнинг яратилиши, тиллар ўртасидаги қардошликтин ўрнатиш, бобо–тилни тиклаш кабилар замин бўлиб хизмат қилди. Айнан шу давр ўрганилаётган тилдаги ҳодисаларни тарихий ёндашувда таҳлил этишнинг бошланиши деб эътироф этилади.

Лингвистик типология учун дастлабки таянчни яратишда қиёсий–тарихий методнинг асосчиси бўлган немис олими Я. Гриммнинг хизматлари катта. У 1830 йилларда герман тилларининг биринчи қиёсий грамматикасини яратди. У қиёсий–тарихий методни муайян (немис) тилнинг конкрет тарихига нисбатан кўллаш намунасини берди ва тил тарихини ҳалқ тарихи билан боғлашга ҳаракат қилди.

Шу билан бир қаторда, XVIII аср бошларидан фаолият юритган голланд лингвисти Ламберт Тен Кате ишларини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Унинг ишларидан Я. Гриммнинг «Немис тили грамматикаси» дунё юзини кўришидан 100 йил бурун гот, немис, голланд ва исланд тиллари грамматик структураларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган эди (Десницкая 1955:32).

1786 йилда В. Джонс санскрит тилининг грек, лотин, гот, кельт, қадимий форс тиллари билан яқин қариндошлиқда эканлигини ва бу тилларнинг дастлаб битта умумий манбадан келиб чиққанлигини кўрсатиб ўтади.

1820 йилда А.Х. Востоков ўзининг «Қадимий ёзма ёдгорликлар асосида тузилган ва славян тили грамматикасига кириш сифатида хизмат килувчи славян тили ҳақида қараашлари» асарини чоп этди ва бу асар бутун Европада машҳур бўлиб, фанда буюк ҳодиса сифатида эътироф этилди (Чемоданов 1956:8). Унда

А.Х. Востоков биринчи бор черков–славян тили ёдгорликларининг хронологиясини аниқлади, унинг қадимги рус тилидан фарқларини кўрсатиб ўтди, қадимий славян ёзувидаги *юсларнинг* товуш белгиларини ва уларнинг поляк тилидаги бурун унлилари ва бошқалар билан ўзаро муносабатини аниқлади.

А.Х. Востоковнинг «Қарашлари» немис олими Ф. Бопп томонидан санскрит тилининг тусланиш тизими ҳақидаги китоби чоп қилинганидан тўрт йилдан сўнг (ушбу китобнинг дунё юзини кўриши лингвистик типология тарихида қиёсий–тарихий тилшуносликнинг бошланиш даври ҳисобланади), даниялик Расмус Раскнинг исланд тилининг келиб чиқиши ҳақидаги тадқиқотининг чоп этилишидан икки йил кейин ва Якоб Гриммнинг «Deutsche Grammatik» асарининг биринчи томи яратилиши билан кариб бир вактда фан ютуғига айланди. Шундай қилиб, бу асар дунё лингвистик типологиясида қиёсий–тарихий методни қўллаган дастлабки намуналардан бирига айланди (Чемоданов:1956: 8–9).

Лингвистик типология тараққиётининг кейинги босқичлари А. Шлейхер («тилларнинг қардошлиқ дарахти»ни излаш), Ф. Диц (роман тиллари қиёсий–тарихий тилшунослиги асосчиси), Ф. Миклошич (славян тиллари компаративистикаси), А. А. Потебня (славист–қомусшунос), Ф. И. Буслаев (тил ва халқ тарихи ўртасидаги боғлиқлик), И. И. Срезневский (рус ва ҳинд–европа тиллари), младограмматика йўналишида иш олиб борган лингвотипологлар: К. Бругман, Г. Остгоф, Б. Дембрюк, А. Лескин (Германияда), К. Вернер, (Данияда), М. Бреаль (Францияда), Ф. де Соссюр (Швейцарияда), У. Д. Уитни (АҚШда), Ф.Ф. Фортунатов, Бодуэн де Куртенэ, А. А. Шахматов (Россияда) ва бошқа шу каби буюк номлар билан боғлиқдир. XX асрнинг бошларидан эса лингвистик типология тараққиётида А. Мейе, Э. Бенвинист (Франция), В. Пизани (Италия), В. Порциг (Германия), Ю. Курилович (Польша) ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди.

Агар энг янги даврга эътибор қаратсақ, лингвистик типология назарияси дунёнинг турли–туман тилларининг тизими ва структурасини мажмуавий тарзда ўрганишга қаратилган кенг муаммолар доирасини қамраб олиши билан характерланади.

Фонологик қатламга оид типологик тадқиқотларда эътиборни қиёсланаётган тилларнинг фонемик тизимидағи үхашашлик ва фарқларга эмас, балки бу тиллардаги фонологик тизимларнинг ташкил топиш тамойилларига қаратиш зарур бўлади. Бу ҳақда А. А. Реформатский шундай ёзади: «Биз она тили ва ўрганилаётган тиллардаги алоҳида ажралган товушлар эмас, балки, тизим таркибида олинган бутун бир фонетик категорияларни солиштирганимизда, хар бир фонетик тизимнинг бутунлай ўзига хосликка эга эканлигини кўрамиз. Бу эса хар қандай тилга хос бўлган хусусият – хар бир тилнинг такрорланмас индивидуаллигининг намоён бўлишидир» (Реформатский 1970: 510).

Ҳакиқатдан ҳам тилларнинг индивидуаллиги, айниқса, фонетикада яққол намоён бўлади (Lyons 2002: 24-25).

Инглиз тили фонетик тизими ўзбек тили фонетик тизими билан қиёсланганда, бир қатор умумий хусусиятлар билан биргалиқда, кўпгина фарқловчи белгиларни ҳам намоён этади. Инглиз тилига яққол намоён бўладиган вокализм хосдир: унлилар тизими 21 фонемадан ташкил топган бўлиб, улардан 12 таси монофтонг ва 9 таси дифтонглардир.

Ўзбек тили унлилар тизими эса анча соддароқ: ўзбек тилида 6 та унли фонема бор.

Славян тиллари фонетик тизимлари борасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, славян тилларининг баъзиларида вокал тиллар (бу энг аввало серб-хорват тили) ҳам учрайди. (Дикушина 1952: 17 б.)

Инглиз тилида унлиларнинг, тилнинг горизонтал ҳолатда жойлашишига қараб уларнинг олдинги, орқа ва аралаш турлари, тилнинг вертикал жойлашишига қараб, паст (очиқ), юқори (ёпик) ва ўрта баландликдаги турлари фарқланади. Бундан ташқари, инглиз тилида унлилар миқдор белгисига қараб, яъни узун - қисқалиги ва артикуляциянинг муқимлигига кўра муқим артикуляцияга эга унлилар – монофтонглар ва уларга қарама-қарши кўйиладиган дифтонгларга ажратилади.

Лабланган ва лабланмаган унли фонемаларни қиёслаш инглиз тилида паст даражада акс этган (Kim 1979: 377-378).

Юқорида санаб ўтилган такқослашлардан биринчи иккитаси ўзбек тили фонетик тизимида кузатилади. Бунда олдинги қатор

унлилари орқа қатор унилари билан таққосланади. Ўрта қатор унлиларига келганда, рус тилида ўрта қатор фонемалари мавжуд бўлиб, улар ясалиш усулига кўра инглиз тилидаги аралаш қатор фонемаларига яқин туради.

Шундай қилиб, қатор ва баландликка кўра қарама-карши қўйишни маълум маънода рус ва инглиз тиллари учун универсал ходиса деб ҳисоблаш мумкин. Буни эса шунга ўхшаш қиёсланаётган тилларнинг яққол намоён бўладиган лингвотипологик кўрсаткичлари сифатида кўриш мумкин (Lee 2002: 100-101).

Немис тилидаги вокализм рус тилидагидан, энг аввало, миқдор муносабатларига кўра фарқланади. Агар рус тилида 5 та унли бўлса, немис тилида улар 19 та. Буни эса немис тили вокализмини минимумнинг янада кенгайиши сифатида кўришимиз мумкин. Кенгайиш эса, ўз навбатида, (қаторлар) юмшоқлиги (узунлик) таранглиги, дифтонглик каби турли фарқловчи белгилар билан таъминланади.

Рус ва немис тиллари вокализмларининг типологик қиёсланиши муайян алоҳида субтизмларда таранглик ва дифтонгликнинг фақатгина оҳанглилик белгилари акс этганлигини кўрсатди.

Вокализм тизимида немис тилидаги [e] ва [ə] фонемаларининг жойлашишида зидлик мавжуд бўлиб, бунда [ə]нинг фонемик ўрни тўлиқ эмас.

Ундошлар гурухи таркиби ҳақидаги масала анчагина мураккаб ҳисобланади. Бу гурухда фарқловчи хусусиятларни ажратишнинг мураккаблиги тиллар ўртасида ундошлар таркиби борасида сезиларли номувофиқликлар борлигини асослашни қийинластиради. Компакт (тил орқа қисми) ундошлари, сирғалувчи ундошлари, бурун ундошлари, фрикатив ундошлари бўлмаган тиллар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, консонант минимумини фактларни тушунтиришга йўналтирилган мантиқий тузилма сифатида кўриш мумкин.

Консонантлик доирасида абсолют универсаллик факат юқори ва қуйи ундошларни таққослашга тегишилдири. Юқори ундошлар тилнинг уч ва олд қисми ҳамда бошқа нутқ ва оғиз бўшлиғи органлари иштироқида талаффуз этилади. Унлиларда

бўлганидек, бундай бирламчи фарқлаш тилнинг вертикал ва горизонтал харакатлари билан боғлиқ. Немис ва ўзбек тиллари ундошларини таққослаш, немис тили ундош фонемаларини ўзлаштириш ўзбек тилида сўзловчи ўқувчидаги сезиларни қийинчиликлар туғдирмаслигини кўрсатди.

Немис тили талаффузини ўрганишда бу нарса ундошларнинг аллофоник ўзгаришлари билан боғлиқ хатоларнинг туғилишига сабаб бўлади. Шу қаторга [ts] ва [t_ç] аффрикатларнинг ўзига хослиги билан шартланган немис тилидаги [x] ва [G] ни фарқлашга доир қийинчиликлар ҳам киради (Kammucker 1998: 10-11).

Морфологик қатламнинг типологик хусусиятлари (масалан герман тиллари) ўрганилганда, энг аввало, аналитик кўрсаткичлар кўриб чиқилади. Лекин сўнгги даврда типологик таҳлил методикасининг мукаммаллашуви аналитизмнинг бир қатлами мезонларни кўпроқ морфологик ёки лексик ҳодиса сифатида кўришга ва уни қатламларнинг тил тизимида мустаҳкамлиги даражаси билан аниқланадиган аналитизмнинг яхлит тизимдан ташкил топган мезонлари билан алмаштирилишига олиб келди (Dijk 1997: 248-249).

Яхлит тизимли типология ажратиладиган (синтактик боғлиқликнинг энг паст даражаси билан) ва ажратилмайдиган (синтактик боғлиқликнинг энг юқори даражаси билан) тилларни чегаралашга таянади.

Бундай типлар у ёки бу тилда сўзлар ўртасидаги ифода муносабатлари синтактик воситаларининг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги асосида чегараланди. Ушбу мезон типологик нуқтаи назардан истиқболли ҳисобланган у ёки бу тилдаги ўтган типологик ҳолат қолдиқларининг бузилиш ёки сақланиш кўрсаткичлари билан тўлдирилади. Герман тилларининг асосий қисмида (исланд тилидан ташқари) ажратиладиган типга хос тараққиётга мойиллик кузатилади (Davidson, Hartman 2005:204-205).

Грамматик ҳодисалар ривожи динамикаси таҳлилига процессуал ёндашув грамматикадаги анъанавий европацентризм ва морфологизмдан тамоман воз кечиш (тилга статистик ёндашув натижасида) ва морфологик ва синтактик категорияларни фарқлашни кўзда тутади.

Морфологизмдан воз кечиши йўллари сифатида қўйидагилар белгиланади:

- а) тилнинг иерархик тузилиш динамикасини ҳисобга олиш;
- б) тилни тасвирилашнинг универсал–статистик тизимини яратиш.

Грамматик тасвирилаш доирасида бўлган грамматик категориялар тушунчаси шакл ва мазмун яхлитлигида таҳлил этилади. Тил белгиларининг шакл ва мазмуни ўртасида тўлиқ мослик мавжуд эмаслиги ҳодисасини абсолютлаштиришга қарама-қарши муайян тилнинг грамматик категориялари ва уларнинг катогриал шакллари (граммемалари) таркибини тилнинг уч хусусиятларига таянган холда ёритиш маъкулдир.

Тилнинг грамматик тизимида типологик нуқтаи назардан эътиборга молик ўзгаришларга синкетизм ҳодисаси киради. Бу ҳодиса бир турдаги граммемаларнинг бирлашиш натижасида йириклиашуви сифатида талқин этилади.

Синкетизмнинг типологик аҳамияти тил тараққиёти жараённида морфология ва синтаксис муносабатларидағи ўзгаришлар билан белгиланади (Eggins 1994: 19).

Грамматикани типологик-қиёсий тасвирилашнинг қўйидаги босқичларини ажратиб кўрсатиш жоиздир:

- а) матннинг сўз шаклларига кўра ажратилиши (грамматик шаклларнинг синтагматик идентификацияси – аниқлаштирилиши);
- б) мавжуд грамматик шакллар инвентарини аниқлаш имконини берадиган грамматик шакллар семантик ва формал варианларининг фарқланиши (грамматик шаклларнинг парадигматик идентификацияси);
- в) шаклларнинг мавжуд таркибини функционал-семантик мезонлар асосида таснифлаш (оппозитив таҳлил) (Goldman – Eisler 2004: 150-154).

Бу турдаги таҳлил тилнинг ҳар бир катогриясини типологик жиҳатдан алоҳида-алоҳида аниқлаштириш имконини беради. Масалан, майл катогрияси исланд ва немис тилларида тўрт аъзоли қарама-қаршиликда (индикатив, kommentativ, императив, ирреалис) қаралса, нидерланд, фриз ва швед тилларида бу қатор уч аъзоли (индикатив, императив, ирреалис) ва ниҳоят, инглиз ва африканс тилларида икки аъзоли оппозицияга эга

(индикатив, ирреалис). Немис тилининг майл тизимиға нисбатан энг яқинликни исланд тилида кузатиш мумкин бўлса-да, исланд тили немис тилида йўқолиб кетган қатор архаик хусусиятларни (кондиционалиснинг тугалланмаган морфологик шаклда ифодаланиш холатлари) сақлаб қолган. Швед тили тўрт ва уч аъзоли оппозициялар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди. Швед тили майл тизимининг синтагматик моҳияти индикатив / императив қисмида немис тилига, kommentativ / ирреалис қисмида эса инглиз тилига яқин туради (Haselager 1997: 176-178).

Барча герман тилларига ҳос бўлган претерит индикатив / флекстив ирреалис қарама-қаршилик қаторининг қисқариш анъанаси кузатилмоқда. Дания ва норвег тиллари (қисман фарер тили)нинг типологик хусусиятлари сифатида ирреалиснинг мавжуд эмаслиги, императивнинг маҳсулдорлиги ва замоннинг ягона феъл категорияси – майлнинг мавжудлигини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги инглиз ва африканс тилларида реалис шакли майлнинг икки хил оппозицияси (реалис/ирреалис) таркибида морфологик-синтактик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган синкреметизм маҳсули ҳисобланади. Реалис / ирреалис оппозицияси майлнинг тўрт аъзоли қарама-қарши қаторининг икки аъзоли қаторига кўчишида якунловчи босқич саналади. Инглиз тилида реалликни ифода этишнинг асосий воситаси сифатида реалис намоён бўлади ва у индикатив билан ифодаланади. Замонавий инглиз тилида нореалликни ифода этишнинг воситалари немис тилидагига қараганда камроқдир.

Герман тилшунослигига герман тилларидаги замон ва майл категорияларининг ўзаро муносабат типологияси муаммоси мухокамага қўйилади. Бу эса лисоний тип тушунчаси, замон категориясининг турли хусусияти кўрсаткичларининг (флекстив, аналитик, агглютинатив) ўзаро муносабати билан изоҳланади. Замон ва майл категориялари муносабатларини ифодаловчи шакллар катта ўзгаришларга юз тутган ва бу ўзгаришлар натижада ҳатто майл категориясининг вазифалари тўлиғича замон категорияси доирасига ўтган. Бутун майл тизимининг қайта курилиши ва турли формал шакллар тизимининг кучсизланиши натижасида шарт майли тараққиёти юзага келди (Jackendoff 1993: 104-105).

Герман тилларида бир томондан, майлнинг категориал белгилари ўртасидаги муносабат, иккинчи томондан эса, замон парадигмаси, феълнинг шахс-сони ва сўз шакли структураси типологик характерга эга бўлади. Таҳлилнинг ўзи эса изоформизм назариясига бориб тақалади. Бунда лисоний тизимларнинг ички структуравий ўхшашикларини ўрганиш асосий ўринни эгаллади. Аммо сатҳлараро изоморфизм муаммоси турли сатҳларга тегишли бирликлар фаолияти моделлари ўртасида тўлиқ мослики аниқлаш билан боғлик бўлади. Ушбу назария ботиний ва зоҳирий структуранинг муносабатлари, бир сатҳга тегишли бирликларнинг тиллараро мослиги, универсалиялар, кардош ёки кардош бўлмаган тиллар гурухларининг умумий структуравий яқинлиги каби масалалар тадқиқида кўлланилади (Hill 1998: 10-11).

Худди шунингдек, синтаксис қурилиши типологияси ҳам тилларни қиёслаб ўрганишда анча самарали бўлиши мумкин.

Қиёслаш мезонларини излаш типологик тилшунослик учун долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Тилларни қиёслаш учун этalon вазифасини ўтай оладиган моделни яратиш универсаллик талабларини қониқтирибгина қолмасдан, муҳим фарқловчи белгиларни унчалик муҳим бўлмаганларидан чегаралашни ҳам кўзда тутади.

Типологик синтаксисни яратишдаги энг катта қийинчилик шундаки, умуман олганда, гап қиёслашнинг етарлича аниқ ва қатъий бирлиги бўла олмайди. Турли структуррага эга бўлган тилларда гапнинг ҳатто асосий хусусиятлари ҳамда субъект ва предикат муносабатларининг грамматик ифодаси типи ҳам сезиларли даражада фарқли бўлиши мумкин (Langacker 1987: 310-312).

Сўз синфларининг функционал кўлланилиши ушбу сўзлар бирикиши воситасида синтактик гурухлар – сўз бирикмалари ясалиши билан гап структурасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам типологик қиёслаш учун формал ва функционал хусусиятларга эга бўлган ва гапдан кўра кичикроқ структурани танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, турли–туман икки бўлакли структураларни ва уларнинг рўйхатини аниқлаш тилшунослар эътиборини ўзига қаратиши лозим. Синтактик биномлар структураси, турли тилларда у ёки бу типларнинг

такрорланиш даражаси ва уларнинг синтактик кенгайиш имкониятлари етарлича ёритилмаганлиги шубҳасизdir. Шу билан бирга структуравий типология муаммолари нафақат назарий, балки бевосита амалий аҳамият касб этади (Langacker 1988: 80-81).

Сўз бирикмалари структурасини морфологик категориялар ва тил луғат таркибининг лексик–грамматик таснифиға асосланиб таҳлил қилиш мумкин бўлади. Шу ўринда типологик таҳлилда якка фактларни эмас, балки тилнинг алоҳида ҳодисалари ўзаро боғланган «кичик тизимлар»ни таққослаш фойдалироқ эканлигини айтмоқчимиз. Шунинг учун ҳам структуравий тадқиқотлар тилдаги шакл ва белгилар диструбуциясини аниқлаш билан биргалиқда амалга оширилиши лозим.

Турли тиллар материаллари таҳлилида мавхум ўлчам сифатида аниқланган синтактик моделлар ҳар бир алоҳида олинган тил структуравий хусусиятларига нафақат уларнинг структуравий, балки сифат–функционал белгилари асосида ҳам «боғланиши» лозим. Бунда сифат белгиси тушунчаси катта ўрин тутади. Ҳар бир муайян тилдаги морфологик ва синтактик категориялар мувозанати, грамматик категорияларнинг парадигматик жиҳатдан бирикканлиги, қатор турли–туман трансформациялар даражаси ва сифими тилнинг типологик хусусияти ҳақида аҳамиятга молик материал бериш имконига эгадир. Келгуси типологик қиёслаш учун асос бўла оладиган белгилар асосида тил тизимининг дастлабки тавсифини амалга ошириш ва, бир томондан, тилларни типологик қиёслашнинг мақсадлари, иккинчи томондан, тилларни типологик таснифлашни фарқлай билиш мухим ҳисобланади. Тасниф учун қандай структуравий белги асос қилиб олинишига қараб, дунё тилларининг бир эмас, бир нечта классификацияси берилиши мумкин (Langacker 1997:250). Масалан, немис тили содда гапларидаги феъл–объект муносабатларининг структуравий–синтактик, композицион ва семантик хусусиятлари предлог – от гуруҳи функцияси билан боғлиқ. Предлог–от гуруҳи кенгайтирувчи ва кенгаювчи элементларга бўлинади. Элементлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар гуруҳ даражасида, бутун гурухнинг функционал ўрни эса гап даражасида аниқланади. Шунингдек, ушбу гурухнинг препозицион кенгайиши унинг

асосий компонентлари С1 ва С2 (субстантив 1 ва 2) доирасида ва тегишлилик асосида амалга ошириладиган «А» элементи иштирокида кўриб чиқади. С1 ва С2 компонентлари предлог-от гурухининг ташкил қилувчилари бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам грамматик, ҳам семантик жиҳатдан бошқа отларга нисбатан препозицион ўринни эгаллаб, уларга тобе бўлади. «А» элементининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда С1 ва С2 компонентлари тегишлилик ва аниқланувчилик ҳолатида намоён бўлади. «А» элементи икки от ўртасида келганда, «тартибга солиш ҳолатлари кўриб чиқилади (Нушаров 1985: 4-11). Худди шу асосда гапнинг синтактик-семантик тузилишини ҳам таҳлил қилиш мумкин.

Таққослаш ва лингвистик типологиянинг кейинги тараккиёти кўп жиҳатдан тил таҳлилида катор муҳим умумназарий муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқ бўлади. Шулардан бири бу тилшунослик ва бошқа фанларда «оппозиция» ва «таққослаш» тушунчаларининг ноаник қўлланилиш муаммоси бўлиб, бунда «тизим» оппозициялар туркуми ёки алоқалар ва муносабатлар туркуми сифатида тушунилади. Бундай вазиятдан чиқишига оппозиция ва алоқаларни тенглаштириш орқали эришиш мумкин. Нима учун бошқа объект билан фарқланиш ёки тенглаштирилиш у билан таққосланиш демакдир, деган савол туғилиши табиийдир. Бир нарса бошқа биридан, уларнинг умумий хусусиятлари бўлишига қарамасдан фарқланиши мумкин ва бунда у билан муайян муносабатда, масалан тўлдириш муносабатларида ҳам бўлиши инкор этилмайди.

Алоқа муносабатларнинг хусусий ҳолати ва ҳар қандай алоқа муносабатни тақозо этади, лекин ҳар қандай муносабат ҳам алоқа эмас. Элементлар ўртасида алоқа мавжуд бўлганда бир элементнинг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига (сабаб алоқаси) олиб келади. Элементлар ўртасида муносабат бўлган ҳолатда эса бир элемент хусусиятларидаги ўзгаришлар бошқа элемент хусусиятларининг ўзгаришига олиб келмайди. Бу ҳолатда фақат муносабатлар ўзгаради. Чунки муносабатлар элементлар хусусиятларидан ажralган ҳолда мавжуд бўлмайди. Натижада, алоқа умумий функцияларга эга элементлар ўртасидаги муносабат тури сифатида намоён бўлади.

Юқорида таъкидланган фикрлар асосида лингвотипологик оппозиция тизим атрибути (кўрсаткичи) эмас, балки структура атрибути ва уни моделлаштиришнинг мумкин бўлган бир усули ва тасвирилаш методи эканлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

2.4. Синхрон - диахрон тилшунослик

Тил тизимининг тараққиёти ва тарихий босқичлардаги ўзгаришлар доимий равишда долзарб муаммолар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда. Турли йўналиш вакиллари тил тизимининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги, лисоний ўзгаришларнинг сабаблари ҳамда ушбу ўзгаришларнинг жамиятнинг моддий ва маданий ҳаётидаги ривожланиш билан боғлиқ масалалар хусусида баҳс юритиб келишмоқда (Laveday 1996: 131-132).

Ҳар қандай тилшуносликка оид тадқиқот қанчалик синхрон, яъни тил ҳодисаларининг ҳозирги ҳолати ҳақида бўлмасин, у қисман тарихий бўлади, чунки тадқиқ қилинаётган материал маълум вақт оралиғида ўзгаради. Тадқиқотларнинг бундай тарихий кўриниш олишига сабаб лисоний муносабатларнинг танланган андозага ҳар доим ҳам мос келавермаслигидир.

Андозага тушмаётган фактлар олдинги тизими муносабатларнинг қолдиғи ёки ҳануз тизими қаторга киришга ултурмаган янгидан шаклланган ҳодиса бўлиши мумкин. Аммо «лисоний аномалия (меъёрдан четга чиқиш)» деб ном олган охирги турдаги ҳодисаларни ўрганмасдан четга суриб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас (Leech 1987: 76).

Тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган «синхрония» ва «диахрония» тушунчалари И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Ф. де Соссюрлар томонидан илгари сурилган гоялар қарама - қаршилигининг аксидир. М.М.Гухман бу ҳақда гапириб, структурал йўналишларнинг шаклланиши Ф.де Соссюр ва И.А.Бодуэн де Куртенэ таълимотларининг ривожлантирилиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлаган эди.

Хорижий тилшуносликда икки асосий йўналиш тараққиёти аниқ қўзга ташланади ва булар Бодуэн ва Соссюр анъаналарига асосланган йўналишлар. Биринчиси бевосита Прага мактабида ва бу мактабга мансуб бўлган тилшуносларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган, ҳамда қисман Буюк Британия тилшунослигига ҳам ўз давомини топган.

Иккинчи йўналиш Женева мактаби вакиллари ва гlossematiklar тадқиқотларида изчил амалга ошириб келинганини. Бодуэн де Куртенэнинг гоялари Санкт-Петербург ва Москва олимларининг (Л.В.Щерба, Е.Д.Поливанов, Л.П.Якубовский,

В.В.Виноградов, С.И.Бернштейн, қисман Москва фонологик мактаби) тадкиқотларида ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказди.

Синхрония диахронияга нисбатан тўлиқ қарама-қарши кўйилади ва тил аниқ муносабатларнинг мавхум системаси сифатида тавсиф қилиниши мумкин бўлган ягона асос ёки гоя сифатида талқин қилинади. Л.Ельмслевнинг глоссематик тадкиқотларида ҳам ҳар қандай бошқа фикрлар рад қилиниб, айнан шу гоя олға сурилган. Чунки Л.Ельмслев учун тил бу шакл, схема, ўзаро муносабатларнинг соф структураси, уларни алгебраик ёзув ёки геометрик қурилмалар тарзида ифодалаш мумкин. Шундай экан, на тилнинг товушларда, белгиларда ва маъноларда моддийлашуви, на бу товушларнинг, белгиларнинг ва маъноларнинг ўзгариши системага таъсир қила олади: «... реал тил бирликлари на товушлар, на белгилар ёки ёзма шакллар, на маънолар эмас; реал тил бирликлари товушлар ёки белги ва маънолар орқали берилган муносабатлар элементлариdir. Масаланинг моҳияти товуш ёки белгилар, маънода эмас, балки уларнинг нутқ занжиридаги ва грамматик парадигмалар ичидаги ўзаро муносабатларидаидir. Айнан мана шу муносабатлар тил системасини ҳосил қиласди, айнан мана шу ички система муайян бир тил учун бошқа тиллардан фарқли ўлароқ, характерлиди. Айни пайтда тилнинг товушларда ёки ёзма белгиларда, маъноларда ифодаланиши унинг системасига таъсир қилмайди ва улар системага ҳеч қандай путур етказмасдан ўзгаравериши мумкин» (Звегинцев 1960, ч. II: 49).

Л.Ельмслевнинг диахронияни инкор қилиши унинг тил назарияси ҳақидаги фикрларининг мантиқий давомидир. «Тарихи йўқ» тилларни (Америка хиндулари тиллари) тадкиқ қилиш асосида вужудга келган Америка дескриптив тилшунослигида яратилган тадкиқотларда синхрония ва диахрония масаласи эътибордан четда қолган. Америкалик тилшунослар ўз вазифаларини тил фактларини тушуниришда эмас, изохлаш ва ҳисобга олишда деб тушунадилар. «Америка структурализми» очеркининг муаллифлари дескриптив тилшуносликка оид тўпламнинг тузувчиси ва изохловчиси М.Джоснинг кўп бора тақорорланган қўйидаги фикрини келтиришади: «Биз тил структурасига тааллуқли бўлган ҳеч қандай «нега» деган саволга

жавоб бермаймиз» ёки «Биз тушунтиришга эмас, аниқ тасвирлашга интиламиз».

Тил қурилиши тадқиқига диахроник, тарихий ёндашувни инкор қылган Л.Блумфильднинг фикрича, «Тилни тасвирлаш учун тарихий жиҳатдан ҳеч қандай маълумот шарт эмас» (Блумфильд 1968: 33). Масалан, маъно ва шаклни аниқлаш мақсадидаги морфологик таҳлилнинг қийинчиликлари ҳақида гапириб, Л.Блумфильд қўйидагиларни ёзди: «Тил тарихи аниқ бўлган ҳолатларда маълум бўладики, тил тараққиётининг дастлабки босқичларида ҳеч қандай ноаниқликлар мавжуд бўлмаган; масалан, бир неча юз йиллар олдин *gooseberry* сўзи **grose- berry* шаклида бўлган ва унинг *goose* сўзи билан ҳеч қандай боғлиқлиги аниқланмаган. Кўриниб турибдики, бундай фактлар бизга ҳозирги замон инглиз тилида ахвол қандай эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмайди» (Блумфильд 1968: 224). Аммо фактларни тушунтиришга боғлиқ лингвистик муаммоларга тўхтаган Л.Блумфильд ўз асарининг кейинги саҳифаларида ўрганиладиган тил ҳодисасининг моҳиятини фақат тарихга мурожаат қилиб аниқлаш мумкин деган қарши фикрга келади: «Гилдаги ўзгаришлар бизни шу сабабли қизиктирадики, фақат улар бизга тил ҳодисаларини тушунтириш имкониятини беради» (Блумфильд 1968: 311). Блумфильднинг фикрича, тилни тасвирлаш бизни мураккаб сигнал (ишора) системаси ҳақидаги фикрларга бошлайди, чунки тил ана шундай системадир. Натижада, у «ҳар қандай ҳолатда тил лексик–грамматик малакаларнинг барқарор тизими вазифасини ўтайди» деган хаёлга келади. Шундай бўлсада, «ҳар қандай тилда секин ва тўхтовсиз ўзгаришлар жараёни давом этади» (Блумфильд 1968: 311).

Кўриб ўтганимиздек, Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомияси, синхрония ва диахрония ҳақидаги фикрлари Копенгаген ва Америка структурализмидан бир-бирларидан фарқ қиласидиган турлича йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Л.Ельмслев томонидан илгари сурилган глоссематика нафақат синхроник, балки диахроник назариядир. Л.Блумфильд билдирган фикрларга биноан Америка дескриптив лингвистикаси тилни тасвирлашда тарихий фактлардан фойдаланишни инкор қилмайди, аммо бу йўналишда тадқиқотлар олиб боришни мақсад қилиб ҳам қўймайди.

Л.Ельмслевнинг эътирофича, у Ф. де Соссюрнинг гоясидан ўзининг назарий хulosаларини тасдиқлаш учунгина фойдаланган (Қаранг: Звегинцев 1960, ч. II: 53). Америкалик дескриптивистлар эса Ф. де Соссюрнинг ана шу фикрларидан назария яратишдан кўра кўпроқ синхрон тадқиқнинг дискриптив методикасини яратиш учун фойдаланганлар.

Ф.де Соссюрнинг илмий меросига қизикиш, охирги йилларда унинг илгари маълум бўлмаган тадқиқотларининг нашр қилиниши билан янада ортди. Шунингдек, унинг «Умумий лингвистика курси» номли асарида кўтарилган масалаларга ҳам эътибор кучайди. Таъкидлаш жоизки, жуда кўп ҳолларда женевалик олимнинг тилшунослик фани тараққиётига қўшган ҳиссаси қайта баҳоланаётган. Ҳар ҳолда, эндиликда «Соссюр тушунмади», «Соссюр тушуниб етмади» каби хulosалар қарийб учрамасдан, улар ўрнига «Соссюр бошлаб берди», «Соссюр олдиндан кўра олди» каби жумлалар ишлатилмокда. Кўпчилик ҳатто янги йўналишларда юзага келган гояларнинг илдизини Соссюр билан боғлашмокда. Соссюр меросига бу тахлит ёндашув унчалик тўғри бўлмаса керак. Л.Ельмслев Соссюр назариясининг шаклланиш даври ҳақида қўйидаги фикрини билдирган эди: «Соссюрнинг кузатишлари тилшунослар олдида батамом янги йўналишларни очди, шу сабабли Соссюрнинг ўзи ҳам анъанавий тасаввурлар билан курашишга мажбур бўлганлигидан ҳайрон қолмаслик керак; умумий тилшуносликка оид маърузалари унинг лингвистик назарий қарашларини шакллантиришдан кўра ўзи яратган пойдевор мустаҳкамлашга зид таянчларга эришиш учун шахсий курашини ифодалайди» (қаранг: Звегинцев 1960: 52)

Афтидан, Соссюр назариясида учрайдиган кўпгина қарама-карши фикрларнинг сабаби «шартли тадқиқот амалларининг етарлича аниқ чегараланмаганлиги ва тадқиқот обьектининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олмаганлигидадир» (Мурат 1964:154) деган хulosага келиш унчалик ҳақиқатга мос келмайди. Чунки Соссюр тадқиқотнинг методи ва обьектини чегаралаш масаласини қўймаган: «тилни икки йўналишда таҳлил қилиш ва бир йўналишда тилнинг мавжудлигини ва тараққиётини аниқлаш ўртасидаги фарқни аниқ тасаввур қилиш масаласи Прага мактаби эълон қилган «Тезис»ларга хосдир. Бироқ бу фарқларни Ф.де

Соссюр тадқиқотларига мансублигига боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ» (Горнунг 1964:10).

Синхрон ва диахрон тилшуносликнинг метод ва тамойиллари ҳақида гапириб, Соссюр бу икки йўналишни тил ва нутқ доирасида ўзаро зид қўяди. Унингча, тилшунослик тадқиқотларининг ягона обьекти – тил. Унинг «Курси»даги охирги жумла «Лингвистиканинг ягона ва ҳақиқий обьекти ўз ичидаги ўзи учун ўрганиладиган тилдир» деб тугалланиши ҳам бежиз эмас.

Тилнинг нутққа қарши қўйиб ўрганилишида синхрония тилнинг ҳақиқий воқелиги сифатида қаралади: «Аниқ равшанки, синхрон аспект диахрониядан муҳимроқ, чунки сўзловчи омма учун фақат у ҳақиқий ва ягона воқеликдир. Бу тилшунос учун ҳам ҳақиқатдир; агар у диахроник йўналишни танласа, тилни эмас, фақат унда айрим ўгарувчан ҳодисаларни кўради» (Қаранг: Звегинцев 1960: 384). Дастробаки маълумоти бўйича младограмматик бўлган Ф. де Соссюр тилдаги ўзгаришларни инкор қила олмайди; у уларни диахроник кўринишдаги нутққа хос деб хисоблайди. Тил системаси таълимотининг асосчиси Соссюр онгли равишда тил системаси жойлашган «худуддан» вақт факторини чиқариб ташлайди. Натижада, ундаги «синхрония, тил тизимишининг онтологик белгисига айланаб қолади, чунки тизим ўзгармас ҳодисадир» (Гухман 1964: 18). Бунда таҳлил методи тил ҳолатининг белгисига тенглаштирилаётганлиги аниқ кўриниб турибди.

Тилшуносликдаги Бодуэн йўналиши, Прага мактабининг вакиллари ва уларнинг издошлари (Р.Якобсон, А.Мартине, А.Ордикур, Б.Потье, Б.Тринка, Й.Вахек ва бошқалар) ишларида акс этган диахроник тадқиқотлардир. И.А.Бодуэн де Куртенэ тадқиқотнинг метод ва обьектини, тилнинг тараққиёт тавсифи ва ривожланиш тарихини аниқ чегаралаб берган эди. Биз унинг «Поляк тилининг тарихий очерклари» да қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «...тушунчаларни аниқ чегаралаш тамойилига риоя қилган ҳолда обьекти тараққиётни, турли тил ҳолатларининг маълум вақт жараёнида кетма-кет юзага келишини ёки поляк тилининг тараққиётини, бу тараққиётни озми-кўпми илмий таърифлаш ва тушунтиришдан фарқлаш лозим» (Бодуэн де Куртенэ 1963, т.II: 294-295).

Инсонлар ўртасидаги муносабат воситаси бўлиши учун тил ўз қисмларининг узвийлиги, бирликларнинг маълум миқёсдаги турғунлигига эга бўлиши лозим. Акс ҳолда, тил мулоқот воситаси эмас, балки тарқоқлик намунасига айланиб қолади. Бу эса, сўзсиз, ўз навбатида, жамиятда ўзаро англашилмовчиликка сабаб бўлади.

Умуман, тил тизимида юзага келадиган ҳар қандай ўзгариш – силжишлар маълум қонуниятларга бўйсунади. Бу қонуниятлар турли ички ва ташки сабабларга эга бўладики, ушбу сабабларни аниқлаш ҳамда тавсифлаш тилшунослар учун ҳам осон вазифа эмас. Тил тизимида фойдаланувчилар, яъни оддий сўзловчилар олдида эса бундай вазифа кўндаланг бўлмайди. Е.Д.Поливановнинг бу борадаги кузатишларида қизиқ маълумотлар келтирилган. Е.Д.Поливановдан тилда ўзгаришлар юз беришини эшитган бир япон зиёлиси ҳайрон қолди: «Тил ўзгариши мумкинми? Ахир биз гапиришни ўрганаётганимизда факатгина ота-онамиз сўзлашаётган тилни ўзлаштирамиз, уларга ҳам бу тил ота-онасидан мерос. Болаликда бизнинг тил ўрганаётгандаги вазифамиз, худди катталардек сўзлашишга ўрганиш бўлган, ўзга йўсинда тилда ҳеч қандай ўзгариш бўлишини тасаввур қила олмайман» (Поливанов 1968: 75).

Тил соҳиблари ўзларининг айнан аждодлари сўзлашган тилдан ҳеч ўзгаришсиз фойдаланаётганикларига иккиласланмасликлари ҳақида тилшунослар кўплаб мисоллар келтиришади. Айтиш жоизки, тил тузилишини имманент – турғун ҳолатда ўрганиш мақсадини кўзлаган илмий йўналишлар вакиллари (масалан, структуралистлар) тил тараққиётiga тарихий ёндашувдан онгли равища (мақсадли) воз кечадилар ҳамда шу йўсинда улар юқорида Е.Д.Поливанов эслатган «тил соҳиблари билан фикрдош бўлиб қолганликларини унчалик сезмайдилар ҳам».

Бу масала тўғрисида фикрларнинг турли хилда бўлиши у ёки бу муаллифнинг ҳодиса талқинига қандай ёндашуви билан боғлиқ (Косериу 1963: 143): айни бир вакт оралиғида кузатилаётган тил ҳодисалари талқини билан машғул бўлган тадқиқотчининг тил тизимининг харакатсиз ва турғун тизим эканлигига ишончи комил; кузатилаётган ҳар қандай меъёр ва нормадан чекиниш туристик (софлик) нуқтаи назардан тавсиф олади; тил ҳодисаларининг репроспектив қиёси тил тизимидағи

харакатлар ва ўзгаришлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини яратади ҳамда тил тизимидағи кузатилаётган ўзгаришларнинг даврий мөйөрига нисбатан ушбу ўзгаришлар кўрсаткичлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Тил тизими маълум вақт оралиғида ўзгариб боради, аммо шунинг билан биргаликда бу тизим ўзлигини сақлады, айнан шу парадокс (зиддиятлилик) моддий шаклли ҳодисалардан бири бўлмиш тилнинг табиатини тушуниш «калити»ни беради.

Умуман статистик «турғунлик» ва динамик «харакатчанлик» тушунчалари нисбий тушунчалардир. Шунингдек, улар ўртасидаги фарқ ҳам нисбий. Тил тизимининг ҳар қандай даврдаги ҳолатида турғунлик хусусиятлари мавжудлигини кузатамиз ва айнан шу хусусиятлар мажмуаси тилнинг асосий функцияси – алоқа воситаси эканлигини белгилайди. Аммо тил тизимида маълум даврда кузатилаётган турғунлик нафақат кечеётган лисоний ҳодисаларга оид бўлади, балки ҳаракатланиш, ўзгариш жараёнларининг ҳолатига ҳам ишора қиласи. Кўпчилик тадқиқотчилар, статика ва динамиканинг нисбийлигини инобатга олмай ушбу хусусиятларни тил ва нутқ тизимлари ўртасида тақсимлашга ҳаракат қиласи. Бунда тил узвлари ва бирликлари яхлит турғунликдаги тизим сифатида тасаввур қилинса, тил бирликлари фаоллашувини тақозо этувчи нутқ эса жараён талқинини олади. Аммо тил ва нутқнинг бу йўсинда фарқланиши, биринчидан, статик ва динамик ҳолатлар ҳақидаги тасаввурнинг нисбий эканлигини инобатга олмаса, иккинчидан эса, тил ва нутқнинг ягона бир лисоний ҳодисанинг ўзаро бир-бирини тақозо этувчи томонлари эканлигини инкор қиласи. Ҳолбуки, бу икки ҳодиса ягона бир фаолият асосида мавжуд бўлади ва ўзаро бир-бирини тақозо этади. Прага функционал мактабининг вакили князь Николай Сергеевич Трубецкой таърифлаганидек, тилнинг мавжудлиги аниқ нутқий ҳаракатларда намоён бўлади, ҳамда шу сабабли «нутқ ва тил ягона бир ҳодисанинг, яъни нутқий фаолиятнинг икки киррасидир» (Трубецкой 1960:7).

Демак, статистика ва динамика тушунчалари бир-бирини инкор қилувчи, зид характердаги тушунчалар мазмунига эга. Айни пайтда, улар нисбий тушунчалар бўлгани сабабли ўзаро ўхшашликка ҳам эгадирлар. Илмий таҳлилда статик ҳолатларга мурожаат қилиш тадқиқот объектининг қисмлари ўртасидаги

хусусий ва конкрет муносабатларни ажратиш имконини беради. Албатта, бу услуб у ёки бу ҳодисанинг мохияти ҳакида чукур билимга эга бўлишга имкон бермайди, аммо бу услубдан тадқиқотнинг маълум босқичларида фойдаланиш тавсия қилинади.

Тил ҳақидаги метафизик тасаввур унинг табиати тадқиқига бир томонлама ёндашув натижасидир. Айнан шу жиҳатдан синхрон тилшунослик вакиллари қиёсий-тариҳий метод тарғиботчилари билан бир қаторда турадилар.

«Ёш грамматикачилар»нинг назарий ғоялари тариҳийлик тамоилига таянади ва бу тамоийл назарий ғояларнинг асоси бўлиш билан бир қаторда тадқиқ методлари шаклланишида ҳам устувордир. Шу оқим вакили бу метод ҳакида гапираётib, тариҳий услуб илмий таҳлилнинг ягона тўлиқ намунаси эканлигини асосламоқчи бўлади: «Нотадрижий (тариҳий тараққиётни инобатга олмайдиган) деб қаралаётган илмий тилшунослик ҳам аслида тариҳийлик хусусиятига эга. Лекин тилнинг бу хилдаги таҳлили ҳам тўлақонли эмас, бундай тўлақонлиликка эришмаслик қисман тадқиқотчининг айби бўлса, қисман таҳлил материалининг мураккаблиги билан боғлиқ. Тадқиқотчи ҳодисалар мавжудлигини оддий таъкидлашдан воз кечиб, бу ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни аниқлаш ва уларнинг мохиятини англаш мақсадини қўйгани заҳотиёқ тарих бошланади» (Пауль 1960:42-43).

Лекин ҳодисаларнинг ўзаро алоқасини фақатгина диахроник жиҳатдан ўрганиш ниятида бўлган «ёш грамматиклар» фақат фактлар таъкиди чегарасидан чиқа олмадилар. Улар эътиборни фақатгина умум тизимдан ажратиб олинган, «иҳоталанган» лисоний ўзгаришларга қаратдилар. Ҳатто ушбу алоҳида ўзгаришларни умумлашган лисоний жараёнлар доирасида бириктирилиши ҳам (масалан, фонетик қонуниятлар ва анология, яъни тақриз қонуни доирасида) тил тараққиётининг яхлит бил тасвирини яратиш имконини бермади. «Ёш грамматиклар» лисоний ҳолатларни тавсифлаш ниятидан ҳеч қачон воз кечмадилар. Буни X. Паулнинг куйидаги сўзларидан ҳам сезиш мумкин: «Ушбу объектнинг (тил тизимининг – таъкид бизники-Ш.С., Т.Б.) хусусиятларига тариҳий ўзгарувчанлик нуқтаи – назаридан назар ташламасдан туриб лисоний ҳолатлар тавсифига

эришиб бўлмайди. Чунки фақат шуларгина тадқиқот ўзаро муносабатдаги элементлар (бўлаклар) мажмуасини қамраб олади». (Пауль 1960:50)

Кейинги саҳифаларда муаллиф ўз фикрини давом эттиради: «Тил тараққиётининг турли даврларга оид тавсифларининг мавжудлиги ушбу тавсифларни қиёслаган ҳолда юзага келган тарихий жараён ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради» (Ўша асар, 53 б.) Шунга қарамасдан, «ёш грамматиклар» оқими вакилларининг тадқиқотлари алоҳида олинган ҳодисаларни уларнинг тизимий муносабатларини инобатга олмаган ҳолда таҳлил қилиш билан чегараланиб қолди. Бундай «атомизм» Ф.де.Соссюор томонидан қаттиқ танқид қилинди ва ўша пайтда бажарилаётган қиёсий-тарихий йўналишдаги тадқиқотларнинг асосий камчилигини уларда «элементларни (айрим бўлакларни) боғловчи муносабатлар оддий кетма-кетликда, маълум қаторда бир-бiri билан ўрин алмашинувчи ҳолатида қарабиб, тизимий хусусиятлар инобатга олинмаслигида», деб билади (қаранг: Звеницев 1964; 1-қисм: 389).

Қиёсий-тарихий методнинг Ф.де Соссюор ва унинг издошлари томонидан бу қадар танқидга олиниши систем-структур йўналишда тил ҳодисалари таҳлилида тарихий ёндашувдан тўлигича воз кечишга сабаб бўлади. Уларнинг фикрича, қиёсий - тарихий услуг систем тилшунослик учун тамоман ёт. Ҳолбуки, Соссюорнинг ўзи систем тилшунослик ҳам маълум шароитларда ҳодисалар моҳияти ўзгаришини маълум вақт оралигига кузатиши мумкинligини эътироф этган. Аммо бу кузатувларда «ушбу ҳодисанинг моҳияти у билан муносабатда бўлган ҳодисалар тизими билан боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим» (Ўша асар, 382 б.). Диахроник тадқиқот систем таҳлилга мос келмаслиги ҳақидаги фикр структур тилшуносликда узоқ вақт давомида ҳукм суради. (Л.Ельмслев, Б.Малберг ва бошқалар). Тил ҳодисаларини маълум бир структурали тизим сифатида талқин қилиш бу тизимнинг тараққиёт босқичлари ва кўрсаткичларини тарихий ўрганишга ҳеч қандай монелик қилмаслигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаш анчалик куч ва ғайратни талаб қилди (Клычков, 1962; Скрелина, 1968 ва бошқалар).

Тил тизимини синхрон тадқиқ қилиш ғояси ҳозирги замон тилларини ўрганишда кенг микёсда кўлланилиб келмоқда. Ушбу

гоя негизида тил структурасини, унинг қўлланиш хусусиятларини ва нутқнинг айрим хусусиятлари доимийлигини ўрганиш имкониятларини берадиган янги лисоний таҳлил методлари шаклланди. З.С.Хэррис айтганидек, нутқий хусусиятлар доимийлиги дескриптив тилшуносликнинг тадқик предметидир: «Дескриптив тилшунослик маҳсус тадқиқот соҳаси бўлиб, унда нутқий фаолият тўлиғича ўрганилмайди, балки асосий эътибор нутқнинг алоҳида хусусиятларига қаратилади» (каранг: Звегинцев 1960, 2-қисм, 153 б.). Олим «нутқий хусусиятлар доимийлигини алоҳида хусусиятларнинг» нутқий тузилма таркибида такрорланишида кўради: «Дескриптив таҳлилнинг асосий мақсади нутқ жараёнида, айрим хусусиятларнинг ўзаро бирикиши (дистрибуция) ёки тарқатилиши қоидаларини аниqlашdir» (Ўша асар, 154 б.).

Бироқ синхрон тилшуносликда ҳам, худди тарихий – қиёсий йўналишда бўлгани сингари, тадқиқотлар асосан у ёки бу турдаги фактлар мавжудлигини қайд килишдан нарига ўтиш сезилмади. Натижада тилнинг моҳиятини билиш ўйли берклигича қолаверди. «Ёш грамматикачилар» тарихийлик тамойилларига таянган ҳолда, тил тизимидағи ўзгаришларни қайд қилиш билан чегараланишган бўлишса (бунда тил бажарадиган вазифалар, унинг мавжудлигини белгиловчи факторлар назардан четда қолган), синхрон, дескриптив тилшунослик, глоссематика оқимлари вакиллари эса тарихийлик тамойилини инкор қилган ҳолда тилнинг муқим ҳолатига хос ҳодисаларни таъкидлашдан нарига ўтишмади.

Тил тараққиёти жараёнида тадрижий таҳлилда мурожаат қилинадиган динамика (ҳаракатдаги) ва статика (турғун) тушунчалари синхрония ва диахрония ҳодисалари билан боғлиқ қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, динамик ва статик тушунчалари тил тизими хусусиятлари тавсифига оид бўлиб, кейинги тушунчалар эса (синхрония ва диахрония) ушбу тавсифни бериш учун қўлланиладиган методга қарашлидир. Тил тизими тараққиёти жараёнининг синхрон кесим (алоҳида олинган давр)ни ажратиш аслида сунъий бўлиб, бу услубни қўллаш тизимдаги ўзгаришларни кузатиш ва шу йўсинда «турғунликни ҳаракатли ҳолатда» кузатиш имкони туғилади. (Э. Бенвенист 1974: 5-10).

Юқорида келтирилган тушунча муаллифи Э.Косериу тилдаги ўзгаришларни синхрон кузатиш имкониятлари ҳақида

батамом қарама-қарши фикрларни билдирган. Олим, ўз ҳамкасби А.Росеттининг тилдаги фонетик ўзгаришларни синхрон таҳлил қилиш борасидаги уринишларини таңқид қылган ҳолда, ўзгаришларни синхрон услубда ёритиб бўлмаслигини, зеро, улар «вақтнинг икки нуқтаси оралиғига кечиши сабабли албатта диахроник кўринишга эга бўлишларини» қайд қиласи (Косериу 1963:150). Бошқа ўринда эса Э.Косериу «ўзгаришлар реал воқе » бўлгандиклари сабабли синхрон кўринишда ҳам акс топади» деб қайд этади.

Тилнинг синхрон тадқики тилшунослик фани учун ҳеч қандай янгилик бўлмаганлини В.М.Жирмунский эътироф этади: «Киёсий – тарихий метод пайдо бўлган XIX асрга қадар ҳам тилшунослик фани асрлар давомида Ғарбда ва Шарқда синхрон хусусиятга эга эди. Бу фаннинг айни бир пайтда, тавсифий ҳамда меъёрий бўлиши адабий тил нормаларини чегаралаш ва хорижий тил нормаларига ўргатиш каби амалий вазифаларидан келиб чиқкан» (Жирмунский 1958:43).

Бодуэннинг тилдаги статик ва динамик ўзгаришлар ҳакидаги фикрлари ҳам таъкидга арзиди: «Тилда худди табиатдаги каби ҳамма нарса тириқ, ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамма нарса ўзгаришда. Хотиржамлик, тўхташ, бутунлай қотиб қолиш – «калдамчи» ҳолатлардир; булар минимал ўзгаришлар шароитидаги ҳаракатнинг тасодифий ҳолатларидир. Тилнинг статик кўриниши унинг динамикасидаги, аникроғи, кинематикасидаги хусусий ҳолатдир» (Бодуэн де Куртенэ 1963, т.І: 349). Шунга асосан тилнинг синхрон кесими, ҳолати ҳақида бошқача тушунча пайдо бўлади. Тил тизимининг синхрон тавсифида «бир томондан ўтмишдан мерос қолган шакллар ва аллақачон тил тизимиға мос келмай қолган шакллар мавжудлигини, бошқа томондан эса, қабилавий ёки миллий тилнинг келажак ҳолатидан дарак берадиган, бу тилнинг ҳозирги ҳолатига мос келмайдиган шаклларни ҳисобга олиш зарур» (Бодуэн де Куртенэ, 1963, т.ІІ: 186).

Синхрониянинг бундай талқинини Прага лингвистик тўгарагининг «Тезис»ларида ҳам учратамиз. Унда таъкидланишича, «синхрон тасвирлаш эволюция ҳақидаги тушунчани бутунлай инкор қила олмайди. Чунки ҳатто синхроник жиҳатдан тадқиқ қилинаётган ҳолатда ҳам бошланғич босқич

эндигина шаклланиб келаётган босқич билан алмашиб туриши күзга ташланиб туради. Биринчидан, архаизмлар сифатида қабул қилинадиган синхрон элементлар, иккинчидан, маҳсулдор ва каммахсул шакллар орасидаги фарқлар диахроник ҳодисалардир ва уларни синхроник таҳлил доирасидан чиқариб ташланиши мумкин эмас» (Қаранг: Звегинцев 1960, т. II: 70). Шу билан бирга Прага лингвистик тўғарагининг вакиллари «ёш грамматикачилар»га қарши ўз дастурларини зълон қилишганларида замонавий далилларнинг синхрон таҳлилига алоҳида эътибор бериб, уни «тилнинг моҳиятини ва характерини тушунишнинг энг яхши усули» деб таърифлагандилар (Қаранг: Звегинцев 1960, ч. II: 69).

Бироқ Прага мактаби ғояларига содик бўлган ҳар қандай тадқиқотчи функционал таҳлил тамойилларини диахронияга кўчириш имкониятига эга бўлади. Синхронияни диахронияга бутунлай қарама-қарши кўйишга, синхроник ва диахроник методлар ўртасига ўтиб бўлмас ғовлар кўйилишига йўл кўйиб бўлмайди. Прага мактаби тилдаги ўзгаришларни системага нисбатан рўй берган тасодифий ёки тартибсиз ўзгаришлар эмас, балки системага боғлиқ бўлган, уни қайта қуришга ёки мустаҳкамлашга олиб келадиган ўзгаришлар деб ҳисоблайди. Система мавжудлиги шароитларини ҳисобга олмай бажариладиган ҳар қандай тадқиқот эса мукаммалликдан йироқдир.

Баён қилинган тамойиллар Н.С.Трубецкой ва Р.О.Якобсоннинг тадқиқотларида (Troubetskoy 1933; 1960; Jakobson 1931), шунингдек, Прага лингвистик тўғарагининг бошқа вакиллари, уларга қўшилган, анъаналарини давом эттирган тилшуносларнинг ишларида ўз назарий ва амалий ифодасини топди (de Groot 1931; Мартине 1960). Тил сатҳларининг изоморфизми ҳакидаги фонологияга оид материаллар таҳлили натижасида шаклланган ғоя, назарий қарашларни бошқа сатҳлар таҳлилига тадбиқ этиш имконини яратди.

Масалан, А.Мейенинг *dans la langue tout se tient* иборасида тўлиқ ўз ифодасини топган «динамик бирдамлик» тушунчаси тил тизимидағи элементлар орасидаги умумий боғлиқликлар манзарасини яратиш учун ишлатилади. Бундай боғлиқликда системанинг бир бўғинида сатҳлардан бирида содир бўлишига

олиб келади. Натижада, тилшуносликда илгари мавжуд бўлмаган морфонология, морфосинтаксис каби бўлимлар пайдо бўлди.

Шундай қилиб, фонология структуравий диахроник тадқиқотлар ўтириланадиган қайроқтош вазифасини бажарди.

Демак, синхрония ва диахрония, статика ва динамика тушунчалари талқинида икки йўналиш, икки хил ёндашув шаклланди. Биринчиси, Соссюрнинг антиномиясини (тўғри деб қабул қилинган икки ҳол ўргасидаги зиддият) давом эттираяпти, иккинчисида эса уни инкор этиш ғояси устувор. Тўғри, тил табиати ва қурилишининг умумий концепцияси ҳисобга олинмаган ва Соссюр ва Бодуэн қарашларининг бир-бирига боғлиқ томонлари инобатга олинмаган ҳолларда диахроник структурализм Соссюр талқинидаги синхрония ва диахрония қарама-каршилигини бартараф этиш кудратига эга эмас, деган фикр туғилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Масалан, Э.Косериунинг қайдича, диахроник структурализм лисондаги ўзгаришлар тизимга боғлиқлигини исботлайди. Аммо шу билан «Соссюр диахрониясидаги «атомизм» ва турли манбалилик йўқотилгандек ҳамда диахрония ҳам «тизимли» эканлиги исботланганда туюлади, бироқ реал қарама - қаршилик сифатида тушуниладиган антиномия барибир сақланади» (Косериу 1963: 297).

Ҳар ҳолда, статика ва динамика ҳамда синхрония ва диахрония ўргасидаги чегаралар ҳам сақланса, эслатилган антиномияни бартараф қилишга ҳеч хожат қолмайди. У ўз - ўзидан йўқолади. Таъкидлаш жоизки, тилнинг динамик концепциясини тарғиб этган Прага тилшунослари ҳар доим синхронияни статикадан фарқлаш лозимлигини уқтиришган ва доим (1929 йилдаёқ), ҳатто тил тизими таҳлилидаги ҳар қандай ёндашувда ҳам, қотиб қолган, ўлик структураларга, системаларга мурожаат қиласдан, узлуксиз ривожланишда бўлган энг кичик микроскопик ҳолатларга ҳам дуч келиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаган эдилар (Й.Вахек. Қаранг: Звегинцев 1960: 113; Булыгина 1964: 51).

Шундай бўлса-да, айнан прагалик тилшунослар синхроник ва диахроник чегаравий тасвирга эга бўлган тилнинг функционал моделини яратишга муваффақ бўлдилар. Ҳамма гап тадқиқотчилар ўз олдиларига қандай мақсад қўйишларида ва

қандай вазифани бажаришларига боғлиқ. Тил ҳодисаларини фақат синхрон тадқиқ қилиш бу бир томонлама ва чалкаш жараёндир. Шунингдек, унга тарихий нұқтаи назардан ёндашиш ҳам тилнинг функционал тавсифини ёритишида чалкашлайларга, камчиликларга йўл қўйилишига олиб келади. Аммо синхрон ва диахрон таҳлилни боғлаб олиб бориш учун дастлаб уларни бир-бирларидан ажратиш лозим. Ф. де Соссюр таълимотининг дикқатга сазовор томони ҳам шундаки, у синхрон ва диахрон ҳолатларни ажратиб таҳлил қилиш йўлини кўрсатди. Аммо тилнинг бундай икки ҳолатини бир-бирларига боғлаб ўрганиш ҳар қандай лингвистик тадқиқот учун ҳам зарур шарт ҳисобланмайди. Ҳар қандай тадқиқот ўз мақсадига эга – бу тил ҳолатини тасвирилаш ёки унинг тараққиётини ўрганишdir. Фақат тилнинг моҳиятини аниқлашга оид масалаларнинг ечимида статик ва динамик зидлик тушунчаси принципиал аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лингвистик ҳодисаларнинг синхроник ва диахроник таҳлилини ажратиш эса методологик усул холос ва у тилнинг табиатини, ижтимоий ва тарихий моҳиятини тушунмасликдан далолат бермайди. Ўтган асрнинг ўрталарида (1957 йил) синхрон таҳлилнинг моҳияти ва тилни тарихан ўрганишга бағишлиб ўтказилган баҳсда эришилган хуносаларда, бир томондан, тилнинг моҳиятини, унинг мавжудлик шаклларини тушуниш ҳамда иккинчи томондан уни тадқиқ қилиш метод ва усулларини аниқ чегаралашнинг қанчалик аҳамиятга молик эканлиги қатъий уқтирилди. Шу билан биргалиқда, бу баҳсда синхрон таҳлил услубидан фойдаланиш ҳеч қачон тилнинг тўхтовсиз ривожланишда эканлигини инкор этмаслиги ҳам алоҳида таъкидланди.

З-БОБ. ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

3.1. Анъанавий лисоний таҳлил методларининг қўлланилиши

Луғат таркиби диахроник нуқтаи назардан тадқиқ қилинганда, маълум турдаги луғавий бирликларнинг семантик таркибидаги ўзгаришлар аниқланади.

Бирор бир сўз туб маъносини йўқотиб, факат кўчма маъносини сакласа, сўз маъносининг тўлиғича йўқолиши ҳодисаси рўй беради. Бундай ҳолларда кўчма маъно синхрон таҳлил нуқтаи назаридан асосий маъно деб қаралиши лозим. Маъно торайиши эса тарихан семантик силжишнинг бир туридир (масалан, ёшлар жаргонида Pille «таблетка» сўзи фақатгина «ҳомиладорликка қарши дори» маъносида ишлатилади). Маъно кенгайиши ҳодисасида ҳам худди шу хилдаги жараён юзага келади. Бунинг изоҳи сифатида қўйидаги мисолларни келтириш мумкин: Gefährte дастлаб «ҳамроҳ», яъни «биргалиқда, ёнма - ён йўл босаётган шахс», кейинчалик – «ҳамроҳ, ўртоқ, партнер (соучастник)», (ein) schenken – дастлаб «вино қўймок», кейинги даврдаги маъно кенгайишидан сўнг – «совға қилмок» маъносини касб этган.

Туб маъно қўшимча мазмун олиб кенгаяди ва натижада кўпмаънолилик юзага келади.

Ҳозирги замон олмон тилида луғавий бирликларнинг оғзаки нутқда юкори даражада экспрессивлик мазмунига эга бўлишининг сабаби кўпмаънолилик ҳодисаси ҳисобланади. Эмоционал – баҳо маъно бўёғининг мавжудлиги кўчма маъно туғилишига сабаб бўлса, бир неча рамзий – кўчма маъноларнинг бирикиши эса, сўз маъносининг кенгайишига олиб келади. Тилшунослиқда «лисоний бирликлар образлилиги» тушунчаси қўлланилганда, ушбу бирликлар воқеликдаги ҳодиса ва предметларнинг идрокий тасаввuri сифатида англашинилади (Маслова 2001: 14). Бинобарин, Hirsch сўзи экспрессивлик ифодаламаган ҳолда оддий «буғу», аммо рамзий маъно кўчиши шароитида «ёш одам, велосипед, мотоцикл» ва ҳатто «шоҳдор» маъноларида қўлланилади. Шу аснода И.В.Арнольд (1999: 74) айтган қўйидаги фикр ўз исботини топади: «Ёрқин образнинг ҳосил бўлиши бир-

биридан узок бўлган икки предметнинг ўхшашлигига асосланади. Предметлар киёси дикқатни жалб қиласидан, кутилмаган ҳиссиёт уйғотиши учун улар бир-биридан узок гурухларга оид бўлмоғи даркор».

Демак, ҳозирги замон олмон тилида коллоквиал (оғзаки нутқ) услубиётига оид лугавий бирликлар доирасида кенг тарқалган маъно кенгайиши жараёнига кўпинча экспрессивликни ифодаловчи воситаларининг янгиланиб бориши ҳамда кўчма рамзий маъноларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлади. Айрим лексемаларнинг маънолари ўзгариши жараёнида нейтрал маънонинг салбий баҳо маъно компоненти томонидан сиқиб чиқарилиши табиий ҳолдир. Масалан, «вандал» сўзи асрлар давомида, маъно салбийлашуви босқичидан ўтиб, «шафқатсизлик» рамзига айланди. Ҳозирги кунда ҳам олмон тилида «вандаллардек ёвузлик ва шафқатсизлик қилмок» мазмунидаги wie die Wandalen hausen фразеологик бирикмаси фаол қўлланади. Кўп маъноли сўз маъно бўлакларидан бирининг архаиклашуви охир-оқибат ушбу маънонинг йўқолишига олиб келади. Бир маъноли сўзлар маъносининг архаик тус олиши уларнинг истеъмолдан чиқишига сабаб бўлади.

Сўз маънолари тараққиётининг ўзига хос хусусияти яна шундаки, эскирган ва қўлланишдан чиқиб қолган лексемалар ҳам «қайта тирилиши» ва янги маъно касб этган ҳолда янги фаоллик даврини бошлаши мумкин, Масалан, Turnier сўзи «рицарлар мусобақаси» маъносида историзм, яъни эскирган сўзлар қаторидан жой олган, маълум даврга келиб у кенг маъно олиб, барча турдаги мусобақаларни англата бошлади.

Сўзларнинг янги грамматик вазифада қўлланиши ҳам уларнинг маъно таркиби ўзгаришига олиб келади. Буни биз, масалан, сўз бирикмаларининг, таркибли предлогларга айланишида кўрамиз: auf grund (aufgrund) «натижада» an Hand «кўлда», anhand «ёрдамида». Ушбу шаклларнинг икки кўринишида ёзилиши грамматикализация ходисасининг ҳануз давом этаётганлигидан далолат беради.

Ушбу бирикмаларнинг предлог сифатида қўлланиш, муқимлашиб эҳтимоли кучли, чунки олмон тилида шу алфозда ҳосил бўлган предлоглар сони анчагина: infolge «сабабли, натижада», unterwegs «ҳамроҳликда» ва бошқалар.

Маъно ўзгариши ҳодисасининг батафсил тадқиқи номинатив бирликлар маъно хусусиятларига таъсир ўтказувчи факторларнинг айрим пайтларда кутилмаган тарзда ўзаро боғланишини намоён қиласди. Маъно ўзлаштиришнинг маъно заифлашиши, кучлантирилиши, кенгайиши, образлиликтининг кучайиши каби ҳодисалар билан муносабати асосида юзага келадиган семантик ўзгаришларнинг турлари кенг тарқалган. Бинобарин, «машинанинг орқа чироғи» маъносидаги Schlußlich қўшма сўзининг образли кўчма маънога эга бўлиши («оркада қолган одам») натижасида das Schlußlich machen «қаторнинг охирида, «думи»да юрмок» фразеологизми пайдо бўлади.

Иккиламчи номинатив (номловчи) бирламчи ҳисобланган ушбу фразеологизм лисоний ифода воситаларининг янгилиниш жараёнини акс эттиради. Чунки унинг маъноси мұқобил мослама маъносига нисбатан мукаммал ва қатор коннотатив узвларга эга.

Фразеологик маънонинг пайдо бўлиши турғун бирикма қисмларидан бирининг маъноси кенгайиши ҳолатидан ташқари, номинатив бирликнинг маъноси архаиклашуви билан боғлиқ бўлиши мумкин. Одатда бундай бирлик мазмунида туб ва кўчма маъно бирикади. Бу лисоний бирликлар тил соҳиблари томонидан руҳий – тассавур кечинмаларини намоён қилувчи имо - ишораларни англатади: die Haende ringen «қўлларини синдирамок», яъни «умидсизлик, тушкунликка тушмок».

Лугавий бирликларнинг маъно тараққиётини диахрон нуқтаи назардан таҳлил қилишда лексикологик ва когнитив ёндашувларни мослаштирувчи усул эътиборга лойиқ. Иккиламчи номинатив тузилмалар қаторига кирадиган метафоранинг когнитив мазмун-моҳиятини аниқлашнинг мақсади айрим хусусиятларни бир предмет ҳақидаги тушунчадан иккисига кўчишини ўрганиш бўлмасдан, балки ушбу хусусият-кўрсаткичларнинг маълум тарихий давр, алоҳида маданият учун аҳамиятини билишдадир.

Турли тарихий даврларга хос бўлган белги хусусиятларнинг ўзаро муносабатини тўғри аниқлаш учун «прототип метафора» тушунчасига мурожаат қилинади. Шунинг учун ҳам метафоранинг когнитив мазмуни ҳақида гапирганда, прототип маъно кўчиши ва ўзгариши назарда тутилади. Бу хилдаги таҳлил метафорик майдоннинг марказини аниқлаш ҳамда шу йўсинда маълум даврда

у ёки бу тушунча, ҳодисаларнинг инсонлар учун қанчалик аҳамиятга молик эканлигини билиш имконини яратади.

Воқеликдаги ҳодисаларга сифат бериш инсон фаолиятининг муҳим қисмидир. Ва худди шу тоифадаги фаолият метафора ижодида ўз аксини топади. Аммо тил тараққиётининг маълум босқичларида ушбу акснинг нормаси турлича бўлиши мумкин. Бинобарин, янги инглиз тилининг дастлабки даврида зоометафоралар (хайвон номлари кўлланишида ясалган метафора) ҳар иккала жинсдаги шахсларни бир хилда салбий баҳолаш воситаси бўлган бўлса, XVIII асрдан бошлаб, бу метафорик номлар асосан хотин - қизларга нисбатан ишлатила бошланди. Бу эса хотин-қизларни лисоний таҳқирлаш ёки камситиш (дискреминация)нинг яна бир мисолидир.

Инглиз тилининг кейинги тараққиёт даврларида зоометафораларнинг қўлланиш кўлами торая борди ва инсонларга метафорик баҳо беришда номлаш асоси сифатида уларнинг касби, машғулоти, ташқи жисмоний белгилари танлана бошланди. Демак, инсоннинг тирик табиатдан узоклашган сари ҳайвонларга нисбатан бўлган эмоционал муносабати кучсизланади ва қўпроқ «ички», ботиний хусусиятлар эътиборни торта бошлайди.

Прототип метафорани ифодаловчилар доирасига дастлабки даврда кўплаб турдаги ҳайвонлар номлари кирганилиги маълум, лекин XVIII – XIX асрларга келиб, бу вазифани бажаришда күшлар номининг устунлиги сезилиб қолди. Кейинги асрларда эса, бу устунлик йўқолиб, прототип метафоранинг ифодаловчиси билан бир қаторда, ифодаланувчи (номланаётган объект) ҳам янги турдаги ахборотни узатувчи манба сифатида хизмат қила бошлайди. Бу эса, ўз навбатида, инсонлар концептуал тизимидағи ўзгаришлардан дарак беради. Масалан, қадим даврлардан инсонларнинг дунё ҳақидаги тасаввuri ҳис-ҳаяжонга бой ҳолда кечган ҳамда кўпгина тушунчалар «қуш» метафораси воситасида лисоний воқелангандар.

Тил тизимидағи тарихий ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили билан шуғулланган тилшунослар, албатта, аналогия ҳодисасига тўхталиб ўтишади. Аналогия мавжуд бўлган эски намуна асосида янги шакл ва бирлик ясашдир. Ушбу ҳодиса тил грамматик курилишини мукаммаллаштирувчи, грамматик шакллар тизимини тил тараққиётининг ички қоида -қонуниятларига асосан

ривожлантирувчи воситадир. Хосланиш (аналогия) жараёнининг кўчиши маъно ва мазмун доиралари муносабатининг мос келиш тамойилига бўйсунади. Бу бир турдаги грамматик кўрсаткичларнинг бир хил маъно ифодаланишини ва худди шунингдек бир хил маъно бир турдаги шакллар томонидан ифода топишини назарда тутади. Ушбу ҳодиса феъл бошқарув тизимида ҳам яққол намоён бўлади, зеро, бир лексик – семантик гурухдаги феълларнинг тўлдирувчилар билан бирикуви қарийб бир хил шаклда амалга ошади.

Хуллас, муҳокама қилинаётган масалани турли ёндашувлар асосида талқин қилиш мумкин. Бу, биринчидан, алоҳида лексемаларнинг маъно тараққиёти, уларнинг омоним, кўпмаънолиги хусусиятларининг алоҳида даврдаги белгилари таҳлили бўлса, иккинчидан, бошқарув алоқасини юзага келтирувчи шакллар вариантилигининг структур – семантик таҳлилидир. Бинобарин, феъл бошқарув тизимида юзага келадиган қатор аналогия қонуниятининг бузилиш ҳолатларига сабаб тилнинг тарихий ҳодиса сифатида доимий равишда харакатда бўлишидадир. Феъл бошқаруvida маълум даврда юзага келадиган ўзгаришлар ўтган давр қоидаларининг таъсирида ёки янги даврда лексик маънонинг кенгайишига боғлиқ бўлиши мумкин. Янги бошқарув шаклининг пайдо бўлиши эски шаклнинг бутунлай йўқолишини тақозо этмайди, аксинча маълум давр жараённида ҳар иккала шаклнинг ҳам истеъмолда бўлиш ҳоллари кўплаб учраб туради.

Тил бирликларининг вариантилиги (таркиб ва маъно жиҳатидан) уларнинг луғавий муҳимлиги, алоҳидалиги доирасида кечади. Бундан ташқари, вариантилиникнинг маъно ва ифода планларида бир хилда кечмаслигини унумаслик лозим. Биринчи ҳолда таркиби тузилишини ўзгартирмасдан, фақатгина маъно ўзгаришлари (қандайдир даражада мазмун инвариантлигини сақлаган ҳолда) назарда тутилса, иккинчисида, фақатгина шаклий ўзгаришлар назарда тутилади. Бу икки турдаги ўзгаришлар кўпинча ўзаро боғлиқ ҳолда юзага келади, бири иккинчисини талаб қиласи.

Маъно жиҳатидан бир қаторда турадиган объектни (масалан, объект адресат объект- сабаб: объект- мақсад: объект мазмун кабилар) ифодалаш воситаларининг вариативлиги «ташқи

вариативлик» деб аталади. Бу ҳодиса феъл тизилмаларининг денотатив маънени сақлаган ҳолда структуравий ўзгаришларга учрашида намоён бўлади. Бундан ташқари, ифода воситалари вариантлари миқдорининг ошишига феъл масаланинг ўзида юзага келаётган «ички» ўзгаришлар сабаб бўлиши мумкин «ички вариантилилек» деб ном олган ушбу ҳодиса юз берганда феъл маъноларидан у ёки бунисининг фаоллашуви кузатилади.

Тил тараққиёти жараёнида пайдо бўладиган ҳодисалардан яна бири «келишиклар синкетизми» (коришуви) ҳодисаси бўлиб, унда турли келишик шаклларининг мазмунан бир-бирига яқинлашуви ёки такрорлаши назарда тутилади. Масалан, олмон тили тарихида феъл бирикмаларида қаратқич ва тушум келишиклари сабаб адресат ажратиш маъноларини ифодалаётганда, ўзаро муқобиллашадилар, аслида, ушбу маънолардан айримлари тарихан икки ёки ундан ортиқ келишикка бир хилда хос бўлган. Масалан адресатни ифодалаш хусусияти датив ва аккузатив учун бир хилда бўлган. Бу эса, ўз навбатида, қаратқич келишикли бошқарувчи эга бўлган айрим феъл гурухларини батамом тушум келишигидаги от билан бирикувчи гурухга ўтиши билан якунланади.

Роман тилшунослигига синхрон ва диахрон ёндашув лисоний ҳодисаларнинг тил сатҳлариаро муносабатларини ёритиш мақсадида қўлланиб келинмоқда. Бинобарин, Ж.Рини (Rini 1999) морфологик ҳодисаларнинг испан тили тараққиётида тутган ўрнини махсус ўрганган.

Маълумки, тилшуносликда баъзан анология ҳодисаси ўта кенг талқин қилинади. Муаллифлар барча турдаги морфологик ўзгаришларни ушбу термин билан аташга ҳаракат қиласидилар. Аслида, морфология тизимиға оид барча даврий ўзгаришларни анология ҳодисаси таркибиға киритиш нотўғри. Бу, биринчидан, турли кўриниши ва мазмундаги морфологик ўзгаришларни чалкаштириш ва улар ўртасидаги вазифавий фарқларни инкор қилишга сабаб бўлса, иккинчидан, морфологик ўзгаришларга сабаб бўладиган диахроник жараёнларнинг фарқловчи хусусиятларини чегаралаб қўяди.

Анология марфологик ўзгаришларнинг фақатгина бир турида (сўз шаклларининг қисман ўхшашлиги) намоён бўлади. Анология атамасига мос ҳолда (юнонча *analogia* «тенглик,

мослик») ушбу ҳодиса доирасига бирор бир элемент мавжуд шаклининг кенгайиши ёки умуман янги шакл ясалиши кабилар киритилади. Масалан: Туб шакл 1 dog «ит» туб шакл 2 cow «сигир» ясама шакл dog s «итлар» : X = cow – s «сигирлар».

Охирги ясама форма cows анатология усулида ясалган (қадимги инглиз тилидаги kine ўрнига).

Янгидан пайдо бўлган шакл олдингисини умуман такрорламасдан, бутунлай бошқа кўриниш олса, олимлар «анатологияга мос ясалиш» (analogical creation) атамасини қўллашади. Бунда анатология қатори тўрт қисмли бўлиши мумкин:

ham	chees
hamburger	x = cheeseburger
steak	fish
x = steakburger	x = fishburger

Тенглашув ўзгаришлари анатология ҳодисасидан фарқ қилиб, у икки таянч шакл ва уларнинг ясамалари ўртасидаги муносабат билан боғлиқ ҳолда юзага шарт эмас.

Бу жараён сўзларнинг грамматик шаклларининг аниқ парадигмаси қаторида кечади ҳамда табиатан семантик – синтактик ва морфологик ўхшашиклар билан боғлиқ. Тенглашув жараёни сўз парадигмаси доирасида кечади ва домино ўйинидагидек шакллар кетма-кетлиги кўринишини олади. У сўз таркибида мавжуд бўлган морфонологик ўзгаришларнинг тамоман йўқолишига олиб келиши мумкин ҳамда унинг асосий натижаси парадигмалар симметрияси ва шакллар бир хиллигини ҳосил қилишдадир. Фонологик жараёнлар тенглашув билан боғлиқ кечади.

Тил тараққиёти жараёнида юзага келадиган шаклий ўзгаришларнинг яна бир тури «кориштириш» (blending) ҳодисаси деб ном олган. Бу бир хил ёки яқин маънога эга бўлган шаклларнинг ўзаро «беллашувининг» «битимли» натижা билан тугашидир. Масалан, инглиз тилининг айрим вариантларида feet «оёқлар» шакли меъёрга мос келадиган ўзакдаги унлини ўзгартириш йўли билан ясаладиган feet кўплек формаси билан коришади. Окибатда, feets кўплек шакли туғилади (худди шу

аснода болалар нутқида afraid «қўрқиши» ва scared «қўрққан» қоришиб, ascared ясамаси ҳосил бўлади).

Синхрон-диахрон методи славян тилшунослигига ҳам кенг миқёсда қўлланиб келинмоқда. Бу борада энг кўп мунозараға сабаб бўлаётган ҳодиса - товуш алмашиниш ҳодисасидир. Рус тилида товуш алмашинуви (сўз шакли таркибида) тарихий (яъни маълум даврда пайдо бўлиб кейинчалик турғунлашган ҳолда сақланган) ҳамда ҳозирги замон тил тизимиға оид «тириклик хусусиятларига эга бўлиши билан» фарқланади.

Москва фонология мактаби вакиллари ушбу ҳодисани фонетик ва нофонетик гуруҳларга ажратадилар. Биринчи гуруҳдаги алмашинув жараёнида морфема таркибидаги фонемалар сони ўзгармайди, ўзгариш фақатгина бир фонема вариантининг бошқаси билан алмаштирилиши билан тугайди. Иккинчисида эса, алмашинув нофонетик мазмунда бўлиб, бир фонеманинг бошқаси билан алмашинувини ҳамда морфема таркибининг ўзгаришини тақозо этади. М.Б.Попова (1998:15-16) товушларнинг нофонетик кўчишини тарихий ёки морфологик алмашинув сифатида талқин қиласди.

Аслида, айтилган икки турдаги алмашинув ўртасида катта фарқ йўқ. Фақатгина улар бирор бир тил товушлар тизими ёритилишида ягона бир ҳодисани (товушлар алмашинувини) икки хилда тавсиф қиласди. Худди шу ҳолатни биз айрим пайтларда «тарихий» ва «тирик» товушлар ўзгариши тизими таснифида ҳам кўрамиз. Масалан, /д/ /д/ алмашинувини олайлик. Феъл ўзагида кечадиган ўзгаришни (иду - идёшь) тарихий алмашинув сифатида танқид қилишса, от ўзагидаги шу турдаги кўчишга эса икки хилда, гоҳ фонетик, гоҳ нофонетик талқин беришади. Бизнингча, охир кўринишдаги ўзгаришга фонетик тус бериш унчалик маъкул эмас, зеро бундай талқин сўз охиридаги *e*_товушидан олдин қаттиқ ундош туриши хақидаги қоидага зиддир (қиёсланг: пере /д/ этим, бе /з/ этого, во /т/ этот) ва ҳоказо. Келтирилган мисолларда турли сўзлар бирикишидан юзага келадиган товуш ўзгаришларини фонетик моҳиятдаги ҳодисалар қаторига киритиб бўлмайди.

Одатда, рус адабий тили тизимиға хос бўлган фонемалар алмашинувига фаол фонетик жараён сифатида қарайдилар (масалан, ургули /о/ нинг ургусиз /а/ га ўтиши ҳамда жарангли ва жарангсиз ундошларнинг ўзаро ўрин алмашиши кабилар).

Аммо ушбу ҳодисанинг ўзгача талқини ҳам мавжуд. Масалан, М.Б.Попова (1998) /о/ ва /а/ товушларининг ўрин алмашинувини анъанага биноан фаол фонетик ҳодисалар қаторига қўшишни нотўғри деб хисобладиди. Синхрон ёндашув жихатидан бу алмашинув ушбу хусусиятга эга, чунки унинг юзага келиши фонетик қуршов билан боғлиқ эмас. Бу ҳодисанинг фаоллигини унинг рус тили морфологик тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллаши ҳамда маҳсулдор кўлланишда эканлигига кўриш мумкин.

Диахрония нуқтаи назаридан қараганимизда, ушбу турдаги алмашинув тарихий хусусиятни олади, зеро ушбу ҳодиса фонетик жараён сифатида аллақачон тугаган, якун топган (рус тилида «аканя» деб ном олган ҳодиса тўғрисида гап кетмоқда).

Рус тили тизимида яна бир турдаги товушлар алмашинуви мавжуд бўлиб, бу алмашинув «иканье» («и» лашув, яъни маълум гуруҳдаги ўринларнинг «и» товушига кўчиши) номини олган. Юмшоқ ундошлардан кейинги ўриндаги унлиларнинг /е/ /и/ беды – беда), /а/ /и/ (пять - пяти), /о/ /и/ (вёл - вела) ургунинг тушишига нисбатан ўзгаришлари доимо фаол фонетик жараён сифатида талқин қилиниб келинмоқда, ҳолбуки, /а/ /и/, /о/ /и/ алмашинуви тарихий хусусиятга эга. Айни пайтда, /е/ /и/ алмашинуви фаол фонетик ўзгаришни эслатади. Худди шунингдек, шовқинли жарангга эга бўлган ундошларнинг сўз охирида жарангизлашиши тарихий хусусиятга эга, аммо улар ҳозирги замон тилида фаол бўлганликлари учун ҳам баъзан «тирик», «ҳаракатдаги» жараён сифатида эътироф этилади.

Шундай қилиб, фаоллик хусусиятлари билан фарқланаётган товуш алмашинувининг келтирилган лингвистик таҳлили бизни барча турдаги товуш ўзгариши қаторларини тарихийлик нуқтаи назардан ўрганиш лозим деган ғоянинг тўғри эканлигига ишонтиради. Фонемалар алмашинувини тадқиқ қилишда кўпроқ ушбу ҳодисанинг морфонологик жихатларига эътибор қаратиш маъқулроқ. Ушбу ҳодисанинг «тарихийлик» ёки «нотарихийлик», «тирик ҳолатда» бўлишига нисбатан фарқлаш эса унчалик маъқул эмас, чунки бу хусусиятлар тилнинг товушлар тизими бирликлари табиатини билиш учун катта аҳамиятга молик эмас.

Ҳарқалай тил тизимининг энг муҳим ва марказий қисми синтаксисдир. Синтаксис мулоқот жараёни учун бевосита

«курилиш материали» тайёрлайди. Синтактик қолипларни «түлдириш йўли» билан шаклланган бирликлар мулоқот бирлигига айланадилар. Шу сабабли ҳар қандай турдаги методнинг тадбиқ қилиниши ҳақида гап кетганда, унинг гап курилиши, синтактик тузилмалар тадқикида қўлланиши масаласига тўхтамасликнинг иложи йўқ.

Маълумки, рус тили синтаксиси соҳасида бажарилаётган тадқикотларнинг қарийб барчасида акад. В.В.Виноградовнинг синтактик таҳлил борасида илгари сурган ғоялари қайд этилади.

В.В.Виноградов таълимотида икки мухим йўналиш ажралиб туради:

1) тил бирликлари бажараётган вазифа (функция)ларга алоҳида эътибор қаратиш;

2) синтаксис бирликлари тавсифига категориал ёндашув.

Олим сўзларнинг ўзаро бирикиши фақатгина уларнинг лугавий маъноси билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бу ерда морфологик маъно ҳам мухим ўрин туттганини қайд этган. Бу билан В.В.Виноградов синтагматика ва синтаксисни фарқлаш лозимлигини асослади ва XX асрнинг охирги чорагида рус тилшунослигига ушбу фикр тўлигича ўрин эгаллади.

В.В.Виноградов таълимотининг яна бир мухим ғояси модаллик категориясини гап мазмунида бир томондан коммуникатив ва конструктив (гап курилиши тизими) маънолар, иккинчи томондан, тил ва нутқ муносабати доирасида юзага келадиган ҳусусиятлар умумлашмасида шаклланишини асослаш билан боғлиқдир (каранг: Лавров 1999).

Тарихий синтаксиснинг алоҳида миллий соҳа сифатида шаклланиши рус тилшунослигининг XX асрда эришган энг катта ютуқларидан бири эканлиги эътироф этилган. Маълумки, Ф.И. Буслаевнинг синтаксисга оид ғоялари мантикий-грамматик асосга эга бўлиб, тил тизимининг синхрон ҳолатига оид ҳодисалар таҳлилига йўналтирилган эди. Машҳур украин тилшуноси А.А. Потебняни шарқий славян тиллари тарихий синтаксиси илмий тадқикига асос солганлар қаторига киритиш қийинроқ. Аммо унинг тил тараққиёти тафаккур ривожи билан боғлиқ эканлигини ва бу боғлиқлик нутқ тафаккурининг асосий ҳосиласи гап тузилишида намоён бўлиши ҳақидаги фикри тарихий синтаксиснинг ҳозирга даври учун ҳам мухимдир.

Умуман, XX асрнинг биринчи ярмида Россияда синтаксисга эътибор кучайди. Бу борада, айниқса, А.А.Шахматовнинг синтаксис қурилишини мустақил тадқиқот предмети ҳамда тарихий тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганиш лозимлиги ҳакидаги фикри муҳим роль ўйнади.

Тарихий синтаксис фанининг ривожига катта ҳисса кўшгандардан бири В.И. Борковский бўлиб, унинг томонидан тарихий таҳлилга статистик методнинг тадбиқ қилиниши илмий янгиликдир.

Худди шунингдек, Б.Н.Головин ва унинг издошлари тилнинг синтаксис қурилишини тарихий тараққиёт жиҳатидан тадқик қилишда эҳтимолли статистика методини кенг жорий қилишиди.

С.А.Рыловнинг фикрича, рус тарихий синтаксисида ҳал қилинмаган бир неча муаммолар мавжуд. Булардан бири қадимги рус тили даври синтаксис тизимини қайта тиклаш муаммоси ҳануз ўз ечимини кутмоқда. Тарихий синтаксиснинг яна бир долзарб муаммоси содда гап грамматик қурилиши тараққиёти масаласи билан боғлиқ. Гап грамматик структураси тараққиётини нутқий фаоллашув нуқтаи назаридан ўрганиш ҳам муҳим масаладир.

Олимлар рус тили морфология тизимининг ўрганилишини тўрут босқичга бўлишади (Березин 199: 29-34). Биринчи босқичда А.А.Потебня асос солган функционал ёндашув ҳамда И.А.Бодуэн де Куртенэ (1845 - 1929) таклиф килган типологик тадқиқ ҳукмронлик қиласди. Иккинчи босқичда Ф.Ф.Фортунатов (1848 - 1914) яратган формал-грамматик таҳлил услуги кенг тарқалди. Олим тамал тошини кўйган формал грамматика гоясини унинг шогирдларидан бири А.А.Шахматов (1964-1920) кенг ёйишга ҳаракат қилди. Грамматика тизими «оғир»лигини синтаксис «елкаси»га миндириган А.А.Шахматов морфологияни синтаксис учун хизмат қилувчи соҳага айлантириди, асосий эътиборни грамматик шаклларнинг синтактик муносабатлар ҳосил қилишдаги ўрнига қаратди.

Академик Л.В.Щербанинг (1880-1944) «О частях речи в русском языке» (1928) мақоласи эълон қилиниши билан морфологик тадқиқотлар тараққиёт жараёнининг учинчи босқичи бошланди. Ўтган асрнинг 50-йилларигача давом этган бу даврда асосий эътибор морфологиянинг сўз ясаш тизимига оид

томонларига қаратилди. Сўз ясаш морфологияси Г.О.Винокур, В.В.Виноградов ва уларнинг издошларининг илмий ишларида батафсил ёритиб берилди.

3.2. Миллий тилшунослик мактабларида қўлланилаётган методлар (Америка тилшунослик мактаби мисолида)

3.2.1. Америка тилшунослигининг таянч пойдевори

Америка тилшунослари назарий фояярининг шаклланишида ушбу қитъада яшовчи туб элатларнинг тилларини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари муҳим роль йўнади (Boas 1911).

Америка қитъасида яшовчи аборигенлар тилларини тадқиқ қилиш ҳаракатлари ҳали қитъанинг Европаликлар томонидан забт этилишининг илк даврларидаёқ (XVI – XVII асрлар) бошланган эди. Бу даврда маҳаллий тиллар тизимиға оид кўплаб этнолингвистик материал тўпланди ҳамда дастлабки луғатлар, матн грамматикасига асосланган амалий грамматика қўлланмалари тузилди. Ушбу нашрларнинг назарий ва амалий аҳамияти катта, зеро, уларда тез орада бутунлай йўқолиб кетган тиллар ҳақидаги маълумотлар тўпландган.

Кейинги даврларга келиб, хиндулар тиллари тузилиши ҳақидаги назарий фикрлар умумлаштира борилди. Бинобарин, XVIII асрда тадқиқотчилар айrim тиллар луғавий-грамматик тизимларида ўхшашликлар мавжудлигини аниқладилар ва уларнинг «генетик қариндошлиги» ҳақида фикрлар юритила бошланди.

Америка тилшунослигига шу даврда эришилган асосий натижалар қўйидагилардан иборат:

- Т.Пикеринг томонидан ёзувсиз тилларнинг талаффузи ва эшитилишига кўра фонетик алфавитининг яратилиши;

- А. Галлатин томонидан 1836 йилда Шимолий Американинг шаркида яшовчи хиндулар тиллари таснифининг нашр қилиниши. Кейинчалик (1848 йилда), олим ушбу таснифга Калифорния худудидаги элатлар тилларига оид материални ҳам киритди;

- Д.У.Паузэл томонидан хинду тиллари таснифининг янги тури (тилларнинг яқинлик даражасини инобатта олган ҳолда) яратилиши;

- Қызил танли элатлар оғзаки ижодиётига оид материалнинг тўпланиши (Haas 1978: 120-121).

Ҳинду тиллари тадқиқининг янги босқичга кўтарилиши машхур этнолингвист Ф.Боаснинг фаолияти билан боғлиқ. У биринчилардан бўлиб, ҳинду тилларининг ички шаклий тизимиға эътиборни қаратди ва ушбу тиллар тузилишига нисбатан Ғарбий Европа тиллари грамматик категориялари нуктаи назаридан ёндашув нотўғри эканлигини исботлашга ҳаракат қилди.

Ҳинду тиллари тизимини батафсил ёритишга интилган Ф.Боас аслида структур таҳлил услубининг (structural school) асосчиларидан биридир. У яратган услуб кейинчалик бошқа ёзувсиз тиллар тадқиқига тадбиқ этилди.

Ф.Боас фаолиятига хос бўлган ва кейинчалик бошқа тилшуносларнинг ишларида ўз аксини топган яна бир нарсага эътибор қаратиш лозим бўлади: айрим тиллар тизимида ўзига хос ареал ҳодисалар борки, уларнинг мавжудлиги тилларнинг генетик (кариндошлиқ) жиҳатидан узоқ ёки яқин бўлиши билан боғлиқ эмас.

Ҳинду тиллари тадқиқига катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири Э. Сепир бўлиб, у грамматик қўлланмалар тузиш ишини давом эттирди ва Калифорния, Аризона ҳудудлари тилларига оид материал тўплаб, уларнинг грамматикасини яратди.

1920-30 йилларга келиб, Пауэл таклиф қилган тиллар генетик таснифи қайта кўрилиб чиқилди. Чунки тўпланган фактлар Пауэл қариндошлигини инкор қилган қўпгина тиллар тизимининг ўзаро яқинлигини тасдиқлаш имконини берди. Масалан, Шимолий Америка ҳинду тилларини Э. Сепир олти катта гурухга ажратди.

Шунингдек, Сепир (1993) ҳудудий жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган ҳиндулар тилларини ҳам қиёсий ўрганиш муаммоси билан шуғулланди. Натижада, олим Осиёдаги сино-тибет (Тибет-хитой) тилларининг ҳинду тиллари- хайда, тлингит ва атапаска тиллари гурухи билан умумийлиги (кариндош) ҳақидаги фаразни таклиф қилди.

Л.Блумфильд алгонкин гуруҳидаги тилларни қиёсий тадқиқ қилиш ва протоморфемаларни тиклаш билан машғул бўлди.

Н.Хомский асос соглан генератив тилшунослик таълимоти (Chomsky 1993) ҳам ҳинду тилларини ўрганишга ўзига хос таъсир

кўрсатди. Ушбу таълимот тарғибидаги тилнинг психология, жамият ва маданиятга алоқадорлиги ҳақидаги гоялар этнолингвистик тадқиқотлар ривожига яна бир турткни бўлди. Аммо лисоний таҳлил предмети сифатида фақатгина она тили бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрнинг ҳеч қандай асосга эга эмаслиги маълум бўлди. Бу фикр тилшуносларнинг фаолият доирасини чегаралаб қўйиши ва тил универсалияларини аниқлаш муаммоси фаоллашуви натижасида кам ўрганилган тиллар тизимиға бўлган қизиқишни кучайтириди. Типологик ёндашувнинг самараси тиллараро умумийлик хусусиятларини излашда намоён бўлди. Тиллар қиёслангандан, алоҳида бир элементлар (масалан, ёрдамчи феъл, флексия ва ҳоказо) қиёси билан чегараланиш хавфлидир.

Ҳақиқий типология тилларни яхлит бир бутунлик, тўлиқ тизим сифатида қиёслашни тақозо этади. Худди шундай ёндашувнинг самарали жиҳатларини асослаганлардан бири Ф.Боасдир. У тилларни қиёслашда уларнинг тизимий хусусиятларига таяниш лозимлигини уқтириб ўтади ва шу тамойил асосида қатор хинду элатлари тилларини қиёслаб ўрганади.

Америка тилшунослигининг хинду тилларининг фонетик, грамматик, луғавий хусусиятларини ўрганиш борасидаги хизматларини алоҳида таъкидлаш билан бир қаторда, бу соҳада ҳануз ўз муҳокамасини кутаётган муаммолар, тадқиқ этилмаган ходисалар мавжуд эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

XIX аср охири Америка тилшунослиги учун янги гоялар, йўналишларнинг шаклланиш даври бўлди (Haas 1978 a: 207-219). Шу давр тилшунослиги тараққиётига Ч.Дарвиннинг эволюцион тараққиёт назариясининг таъсири кучлидир. Ч.Дарвин гояларига кўр-кўрона эргашиб натижасида гуманитар фанлар вакиллари ҳам батамом нотўғри, нореал хулосаларга кела бошладилар. Бунинг мисоли тариқасида биз юқорида эслатган Америка тилшуноси Д.Х.Пауэл назариясини келтириш мумкин. Пауэл жамиятнинг уч босқичли тараққиёти ҳақидаги дарвинча таълимотга таянган холда, тилларнинг типологик таснифини тўғридан тўғри жамиятнинг ёзвойилик, варварлик ва цивилизация даврлари билан боғлашга ҳаракат қиласди. Унингча, флектив тиллар тузилишга эга бўлиб, жамиятнинг варварлик босқичига мос келар эмиш.

Аналитизм ривожланган тиллар соҳиблари эса (масалан, инглиз тили) мантиқан фикрлаш қобилиятига эга ва ушбу тилларда жамият ўз тараққиётининг юқори поғонасида эканлиги ўз аксини топар эмиш. Пауэлнинг фикрича, тил тизимининг юқори босқичдаги ривожи ўз аксини «тежамкорлик тамойилида» топади, яъни аналитик тиллар маъно ва грамматик муносабатларни ифодалашда кичик миқдордаги шаклий воситаларга мурожаат қиласидар. Олим айнан шу жиҳатдан инглиз тилини хинду тилларига қарши қўяди. Ф.Боас 1911 йилда эълон қиласан «Америка хиндулари тилларини ўрганишга кириш» китобида тиллар таснифига ва уларни қиёслаб ўрганишга нисбатан бундай ёндашувнинг нотўғри эканлигини алоҳида таъкидлаган (Boas 1911).

Қиёсий-тариҳий методнинг тараққий этиши ва ундан хинду тиллари қиёсий тадқиқида фойдаланиш имкониятининг туғилиши натижасида тил тизимини синхрон кўринишда ўрганиш ва тасвирилашнинг қанчалик муҳим эканлиги яна бир карра исботланди.

Л. Блумфильднинг таъбирича, фақатгина тил тизимининг синхрон тавсифи қиёсий тилшунослик учун ишончли асос бўлиши мумкин. Олим «Language» («Тил») номли рисоласида (Bloomfield 1968) тил тизимининг синхрон-қиёсий таҳлил методи тамойилларини батафсил ёритиб беришга ҳаракат қиласди.

Э. Сепир аксинча, тил тизимининг тариҳий тараққиётини ўрганиш тарафдори. Бу фикрга биз ҳам қўшиламиз. Зеро, фақатгина синхрон таҳлил билан чегараланиб қолиш тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги моҳиятини тўлиқ намоён этиш имконини бермайди. М. Ҳааз ҳам ушбу фикрни қўллади ва бу мақсадда «социолект» тушунчасидан фойдаланишни тавсия қиласди. Социолект – «маълум бир ижтимоий муҳитда кечадиган мулокот жараённида қўлланиладиган тилдир» (Haas 1978a: 216). Бир ижтимоий гуруҳдан иккинчисига кўчиш янги «социолект»ни билиш билан боғлиқдир. Социолектлар ўзаро муносабатда бўладилар ва маълум давр оралиғида ўзгариб турадилар.

3.3. XX аср Америка тилшунослигининг тараққиёти

3.3.1. Трансформацион-генератив грамматика сабоқлари

XX аср Америка тилшунослиги тараққиётида трансформацион-генератив грамматика (ТГГ) оқимининг ўрни алоҳидадир. Бу оқимнинг пайдо бўлиши ва ривожини ўрганиш учун Америка тилшунослигига 1950 йилларда юзага келган муҳитни эътиборга олиш лозим бўлади. Бу даврда тилшунослик фанида (бошқа гуманитар соҳаларда бўлганидек) структурализм ғоялари хўкмрон эди.

Структурализмнинг 1950 йиллар бошида инқирозга юз тутиши сабаби, биринчидан, унинг фалсафий асоси мустаҳкам эмаслигига бўлса (ушбу оқимнинг фалсафий асосини эмпиризм ташкил қиласди), иккинчидан, тилшуносликнинг «ички» муаммолари билан боғлиқ эди. Бу муаммолар қаторига мураккаб таркибли элементлар таҳлилиниң кийинлиги, мълум назарияга, ғояга асосланган таҳлил билан руҳий сезги асосида бажарилган таҳлил ўртасидаги фарқ қабилар киради (Newmeyer 1980: IX-XX).

Трансформацион грамматика йўналиши грамматик тизимга муносабатни бутунлай ўзгартириб юборди. Грамматика фани эндиликда тўпланган материалнинг оддий тавсифий таҳлилидан иборат бўлиб қолмасдан, балки унга нисбатан универсаллик (умумийлик) хусусиятларини ёритиш талаби қўйила бошланди.

Грамматик таҳлилга трансформация қоидаларининг сингдирилиши натижасида синтактик тузилмаларни бошқа назарий йўналишларга нисбатан анча оддий усулда тавсифлаш имкони яратилди. Масалан, «бевосита иштирокчилар» таҳлил услугига биноан нутқий қурилмалар (сўз бирикмаси, гап) бир-бирига поғонали равишда бирикишидан ҳосил бўлади деган холоса мавжуд. Бунда ҳар қандай мураккаб таркибли лисоний тузилма оддий «бир қаторда устма-уст келмайдиган бирликлар-бевосита иштирокчилардан иборат» (Апресян 1990: 332) деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, трансформацион грамматика бир-биридан узоқ жойлашган бирликларни тавсифлаш имконини берди, шунингдек, дарак ва сўроқ гаплари, тасдиқ ва инкор тузилмалари ҳамда актив ва пассив - мажхул даражка шакллари ўртасидаги семантик яқинлик муносабатларининг сабабларини аниqlаш шароитини туғдирди.

Трансформацион грамматиканинг дастлабки босқичида грамматик мутаносиблик ҳамда синтаксиснинг маънодан холи эканлиги ҳақидаги ғоялар устунлик қилган эди.

Трансформацион грамматикага хос айрим фикрлар ундан олдинги йўналишларда кисман бўлса-да, учраб туришини ҳам инкор этмаслик керак. Бинобарин, генератив фонология Э.Сепир ва Л.Блумфильдларнинг фонологияга оид фикрлари ҳамда Америка антропологик тилшунослиги ғоялари ва Прага тилшунослик мактабида шаклланган структурализм анъаналарининг умумлашмасидир.

Тил қобилиятининг шаклланиши ҳақидаги биҳейвиоризм ғояларини инкор қилган трансформацион грамматика намояндадалири (биринчи навбатда, унинг асосчиси Н.Хомский), бу қобилият заминида болалар томонидан тил тизимининг ўзлаштирилишини таъминловчи мавхум механизмлар ётади деган фикрни билдирадилар.

Ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда тилшунослик соҳаларига қизиқиш тобора ортди. Шу даврда тилшунослар жамияти аъзоларининг сони кўпайиши билан бажарилаётган тадқиқотлар, илмий лойиҳалар сони ҳам ошиб борди. Ҳудди шу даврда трансформацион грамматиканинг тадқик доираси ҳам кескин кенгайди. Синтаксис сатҳига ва бошқа тизимларга оид ҳодисалар тадқиқи масалалари «кун тартиби»дан ўрин олди. Бундай масалалар қаторига «қоидалар мувофиқлиги» ва трансформация амаллари натижасида ҳосил бўладиган «занжир» қаторларида бевосита иштирокчиларнинг жойлашуви киради. Шунингдек, инкор, буйруқ ва савол мазмунларини ифодаловчи ботиний морфемаларни ажратиш, категориялаштириш амалиёти каби масалалар муҳокамага қўйилди.

Трансформацион грамматиканинг ilk даврида инкор этилган семантика эндилиқда бу назарияда ўз ўрнини топа бошлади. Янгидан пайдо бўлган «генератив семантика» тушунчаси доирасида кўйидагиларни аниқлаш мақсади кўзланди: 1) ягона бир гапнинг турли мазмун ифодалаш имкониятини аниқлаш; 2) маъно аномалияси холатларини ажратиш; 3) гапларнинг паррафрастик (маънони сақлаган ҳолда тузилишини ўзгартириш) муносабатларини ўрганиш; 4) лисоний қобилиятга хос бўлган бошқа семантик хусусиятларни фарқлаш. Бундан

ташқари, генератив семантика йўналиши доирасида семантиканинг айрим анъанавий ғоялари (масалан, маънонинг лугатда акс топишига оид фикрлар) инкор этилиб, лисоний маънонинг фақат инсон онгидаги акс топувчи белги-хусусиятларига эътибор берилди.

Генератив семантиканинг кейинги босқичларида диккат синтаксис сатҳига кўчди ва синтактик қурилишида семантик қоидаларнинг ўрни ҳамда трансформация ўзгаришларида маъно муносабати каби масалалар муҳокама қилина бошланди. Худди шу пайтда, трансформацион грамматиканинг муҳим масалалари бўлган лисоний қобилият ва лисоний қўлланиш, лисоний универсалия ва лисоний мослашув каби ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари қайтадан муҳокама мавзусига айланди.

1960 йилларнинг охирига келиб, тадқиқотчиларнинг асосий эътибори синтаксиснинг мавҳумлашган моделларига қаратилди. «Ботиний структура»нинг мавҳумлик даражасини, яъни ботиний ва зоҳирий (нутқий) тузилмалар ўртасидаги узок-яқинлик масофасини аниқлаш муаммоси долзарблашди. Олиб борилган изланишлар натижасида, ботиний структураларнинг ҳаётйлигини тасдиқловчи далиллар топилгандай бўлди. Булар категорига куйидагилар киритилади:

1) ботиний структурада гап маъно хусусиятлари барча турларининг акс этиши;

2) кичик категорияларга ажратиш ва танлов тамойилларини қўллашнинг тежамкорлиги;

3) назарий жиҳатдан муҳим умумийликларнинг мавжудлиги;

4) синтактик хусусиятлари мослигига нисбатан турли категорияларни умумийластириш (Newmeyer 1980: 117-118).

Вақт ўтиши билан трансформацион грамматиканинг ўта мавҳумлаштирилган тушунчаларига нисбатан ишончсизлик кучая борди. Натижада, ботиний ва семантик структураларни ягона бир ҳодиса сифатида талқин қилиш ҳаракати пайдо бўлди, луғавий бирликларнинг маъно структураси ташкил топишидаги ролига алоҳида эътибор қаратилди. Шу йўсинда феълдан ясаладиган отларни (иш-харакат номлари) феъл ёки сифат трансформацияси натижаси сифатида қарамасдан, балки алоҳида лексик бирлик кўринишида лугатларга киритиш талаби қўйилади.

Синтаксисни мавхумлаштиришга қарши күйилган талаблардан яна бири хар қандай маъно тавсифини тил бирликларининг ботиний ва зоҳирий хусусиятлари муносабатини инобатга олмасдан бажариб бўлмаслиги ҳақидаги фикрдир (Mc Cawley 1970: 227). Натижада, 1981 йилда Ч.Филлмор генератив семантиканинг янги муқобили – «келишиклар грамматикаси»ни (The Case Grammar) таклиф қилди. Унга биноан гапнинг маъно структурасини феъл-предикат атрофида жойлашган «семантик келишиклар» жамламаси ташкил қиласди.

Тавсиф (интерпретатив) семантика ва унга қарама-қарши йўналиш - генератив семантика «тўқнашуви»да биринчисининг устунлиги сезилиб қолди. Тавсифий семантика тарафдорлари қатор асосий масалалар бўйича бир хил фикрда бўлишди: улар ботиний ва зоҳирий структуралар ўртасидаги муносабат кўп босқичли эканлигини эътироф этишиб, бу муносабатларнинг юзага келишида лугавий бирликлар ўз ўрнига эга эканлигини қайд қилишди.

Генератив семантика доирасида эса лугавий бирликларнинг синтактик деривациядаги ўрни уччалик аҳамиятга молик эмас, деган фикр хукмрон. Бундан ташқари, грамматик қоидаларнинг ифодаланаётган мазмун билан боғлиқлиги ҳамда деревациянинг олдинги босқичларини инобатга оловчи умумий қоидалар мавжудлиги ҳақидаги фикрлар билдирилади.

Дарҳақиқат, генератив семантика таълимоти АҚШ ва ундан ташқарида кенг миқёсда оммалашиб борди, чунки ушбу таълимот тарафдорлари мамлакатнинг қатор университетларида фаолият кўрсатишар эди. Жумладан, Чикаго ва Беркли университетлари олимлари томонидан бажарилган илмий лойиҳалар асосида грамматик ҳодисаларнинг прагматик хусусиятларини инобатга оловчи талқини намуналари яратилди.

Ч.Лакофф «Ноаниқ (аниқ ифодаланмаган) грамматика» гоясини илгари сурди. Унга биноан гап қурилишини грамматик шакл жиҳатидан тўғри ёки нотўғри кўринишларга ажратиш уччалик тўғри эмас, яхшиси, «ифода жиҳатидан маъқул ёки яроқли» иборасини қўллаган маъқул. Шунингдек, «ботиний структура» ва «умумий (глобал) қоида» тушунчалари ҳам етарлича эътиrozларга сабаб бўлди. Генератив семантиканинг таназзули сабаблари унинг далил ва фактларни тўплаш ва

тавсифлаш билан чекланиб қолиши ҳамда ушбу тавсифий тадқиқ доирасининг ҳаддан ташқари кенгайтирилишидадир.

Генератив семантика назарий моҳиятини анча йўқотган бўлса ҳам, унинг айрим ғоялари кейинги тадқиқотларда ўз ўрнини топди. Булар қуидагилар:

- грамматикада трансформациядан бошқа механизмлар фаолияти мавжудлиги;

- гап грамматик қурилишида луғавий бирликларнинг роли;

- нутқий ҳаракатларнинг прагматик белгилари.

Америка тилшунослигига тавсифий семантиканинг етакчи ўринга чиққанлигини юқорида эслатган эдик. Бу оқимнинг асосий вазифаларидан бири трансформация қоидаларини тўлдирувчи турли хил синтактик шартларни аниқлашдир. Бу шартлар, ўз навбатида, лисоний тузилмалар шаклини «назорат» қиласидар ва чеклайдилар.

Бундай чеклашнинг асосий турлари:

1. Трансформация турларини чеклаш (структурани танлашда ва саклашда тушириб қолдириш қоидасини кўллашда);

2. Трансформация амалини кўллашдаги чеклашлар (замон шаклини саклаш шарти, субъектнинг ўрнини алмаштираслик шарти ва ҳ.к.);

3. Асосий қоидалар кўламини чеклаш.

Худди шу даврда формал грамматика қамровига кирмайдиган уч янги йўналишнинг оммалашувини ҳам қайд этиш зарур:

-прагматика йўналиши (айникса, перформатив назарияси);

- идрок этиш (лисоний ҳодисаларнинг моҳиятини инсоннинг идрок этиш қобилиятига боғлиқ томонларини изохлаш);

-функционал-вазифавий (лисоний ҳодисаларни мулоқот факторлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш (актуал бўлиниш; тема; эмпатия ва ҳоказо));

-муносабатлар грамматикаси (relativity) йўналишининг шаклланиши.

3.3.2. Воқеа ва ҳодисаларни лисоний ифодалаш усуслари таҳлили

Кўйилган муаммо дастлаб лисоний бирликларнинг pragmatik мазмунуи нуқтаи назаридан муҳимдир. Бу мазмуннинг шаклланишида ургу, интонация ва оҳанг каби ҳодисалар муҳим роль ўйнайди. Ушбу фонологик ҳодисалар ягона пропозициянинг варианtlари ёки алломорфларини ифодалаш учун хизмат қиласидилар. Пропозиция алломорфлари турли лисоний муҳитда турлича намоён бўладилар. Пропозиция варианtlарининг ўзгариб туришини предикатив бўлакнинг турли гурухларга оид феъллар билан ифодаланишида кўриш мумкин. Масалан, эпистемик (билиш маъносидағи) феъллар («бильмоқ», «эсламоқ» ва ҳоказо), қаузатив («уйғотмоқ», «ишлатмоқ» ва ҳоказо) феълларининг куршови психолигик таъсир («ишонтиrmоқ», «маслаҳат бермоқ», «тушунтиrmоқ» ва ҳоказо) гурухидаги предикатлар куршовидан тамоман фарқ қиласиди.

Юқорида келтирилган феъллар иштироқида ҳосил бўладиган нутқий тузилмаларнинг умумий ҳусусияти уларда сабаб муносабатларининг ифодаланишидадир. Ягона бир пропозиция негизида ҳосил бўладиган алломорф нутқий тузилмалар ифодаланаётган мазмуннинг ҳаққонийлиги даражаси билан фарқ қилишади: «Сюзан велосипедни ўғирлагани ҳаммани ҳайратга солди», «Сюзаннинг велосипедни ўғирлагани ҳаммани ҳайратга солди».

Ушбу алломорфлар ягона бир воқеа ҳақида хабар бермоқдами ёки уларнинг референтлари турлими?

Висконсон университетининг профессори Ф.Дрецке (Dretske 1979: 372) бу саволга жавобни номинализация (отлашув) ҳодисаси мазмунидан излайди. Ҳар қандай номинализациянинг референти воқеа, ҳодиса, ҳолат каби воқелик бирликларидир. Шу сабабли Susan`s stealing the bycicle («Сюзаннинг велосипедни ўғирлиши») ва Susan`s stealing the bycicle («Сюзаннинг велосипед ўғирлаши») каби отлашган тузилмалар воқеликда кечган турли ҳодисаларни ифодалайдилар, деган фикр мавжуд. Агар шундай бўлса, мантикий урғунинг ўрни билан фарқ қиласидан номинализациялар гап мазмунининг ҳаққонийлигига таъсир ўтказади.

Трансформацион ўзаришларнинг натижаси номинализация юзага келаётган контекст билан боғлиқ. Масалан, замон предикати кўрсаткичининг киритилиши юқоридаги гапларнинг ҳаққонийлик мазмунига таъсир қиласиди. Susan`s stealing the bycicle was

yesterday; Susan's stealing the bycicle was yesterday. Бу гапларда ҳаққонийлик шарти бир хилда сақланган. Агарда Сюзан ҳақиқатдан ҳам велосипедни ўғирлаган бўлса, уларнинг ҳар иккаласининг ҳам мазмуни ҳақиқийдир.

Лекин худди шу гаплар мазмуни сабаб маъноси билан бойитилса, вазият умуман ўзгаради. Бинобарин, «Сюзаннинг велосипедни ўғирлагани Жоржни ранжитди» ва «Сюзаннинг велосипедни ўғирлагани Жоржни ранжитди» нутқий тузилмаларида Жоржнинг ранжиганлигига турли сабаблар бор (Биринчидан, Жорж Сюзан ўғирлик қилгани учун ранжийди, иккинчидан, ранжишнинг сабаби велосипед ўғирланганлигига). Демак, бу холларда билдирилаётган фикрнинг ҳаққонийлик шартлари ҳар хил.

Сабаб гаплари мазмунининг ҳаққонийлиги содир бўлган (ёки бўлаётган) сабаб воқеа маъносини шакллантирувчи омиллардан бири - номинализация (отлашган) гурухнинг тўлиқлик даражасидир. Масалан, бирор киши ресторандаги ҳамёнини шубҳали равишда йўқотса, ушбу шубҳани ифодалаш (изхор килиш) учун воқеа содир бўлган вақтни кўрсатиш маъқулроқдир. Чунки, шубҳа факат ҳамён йўқолганлиги сабабли туғилмасдан, балки унинг йўқолганлиги айнан пул тўлаш пайтида маълум бўлганлиги билан боғлиқ. Воқеа сабаблари занжирсимон, чунки E.1 ва E.2 воқеалари ўзаро боғлиқ ва улардан бири сабабдир. Бу ерда сабаб ва воқеа ўзаро муносабатда бўлишиб, содир бўлаётган ҳодисанинг турли хусусиятларини ташкил этишади (facets or features of events).

Ф. Дрецкенинг қайд этишича, сабаб ва оқибат умумий конунияти доирасида пропозиция алломорфлари воқеа алломорфларини ифодалайдилар (propositional allomorphs designate allomorphs events). Лекин айрим тадқиқотчилар олимнинг бу фикрига қўшилмайдилар. Бу муаммо тадқиқига анча вақтини сарфлаган Мичиган университетининг профессори Ж.Ким «Сабаб, таъкид ва воқеа» номли мақоласида (Kim J. Causation, emphasis, and events... 1979). Дрецкенинг ягона бир пропозиция алломорфларининг референти турли хил бўлиши ҳақидаги фикри ишончли эмаслигини исботлашга ҳаракат қиласиди. Дрецке келтираётган маъновий фарқлар ягона бир воқеа тўғрисидаги турли фикрлар ва ҳукмлар бўлиши мумкин, зеро,

ҳамёнинг ресторонда йўқолганлиги ва ҳамённинг маълум пайтда йўқолганлиги ҳақидаги хабарлар ягона бир воқеа борасида турлича ҳукм чиқариш натижасидир. Бу эса сабаб контекстининг (X causes Y) етарли даражада экстенсионал (аниқ ифода топиши) эмаслигидан дарак беради. Демак, сабаб муносабати ифода этилаётган юқоридаги нутқий тузилмалар ягона пропозициянинг икки кўринишдаги алломорфидир. Уларнинг референти – ягона бир воқеа.

Ж.Ким таклиф қилган назарияга кўра сабаб муносабатидаги воқеалар бир хилдирлар. Олимнинг фикрича, бу воқеа (X, P, T) структурасига эга ва бу ерда X-объект, P -хусусият, T – вақт (замон). Socrate's drinking hemlock at dusk caused his death. «Сукрот аzonда цикута (захарли сув ўти) ичганлиги сабабли ҳалок бўлди» гапи drinking hemlock «цикута ичди» ёки at dusk «азонда» бўлакларининг қайси бирига асосий ургу тушишига нисбатан турли структураларга мос келади. Агарда «цикута ичди» бўлаги ургуни олса, «азонда» t (вақт) структурасига киради (Socrate's drinking hemlock at dusk). «Азонда» бўлаги алоҳида ургу оҳангидга талаффуз этилганда, t- структураси сакланади. Сабаб структураларидаги фарқ нутқий тузилмаларнинг ҳақиқийлик даражасини белгилайди.

Сабаб ва оқибат ҳодиса структураларидир (event structures). Шу сабабли уларнинг фарқланиши нафақат лисоний ифода воситаси билан боғлиқ, чунки бекорга Ф.Дрецке турли сабабларнинг пайдо бўлишини турли негизларга эга деб ҳисобламайди.

Пропозициянинг турли коммуникатив муҳитда намоён бўлиш масаласини Калифорния университети профессори З.Вендлер алоҳида ўрганган. У «Telling the facts» (1979) номли мақоласида турли пропозитив муносабатларни воқелантирувчи that сўзи билан бошланадиган эргаш гапларнинг структурасини таҳлил қилган.

З.Вендлернинг мақсади ақлий ҳаракат ва ҳолат феъллари обьекти структурасидаги фарқларни топиш билан боғлиқ. Ментал ҳаракат феъллари гуруҳига таъкид, қайд, фараз мазмунидаги лексемалар киритилган, билиш фаолиятига оид феъллар эса ментал ҳолат лексемалари деб ҳисобланади.

Фараз қилинаётган пропозицияда that «нима» ва бошқа сүрөт олмошли эргаш гапнинг иштироқи учрамайди. Масалан, «Мен ўйлайманки, (фиримчча, қайдимчча), сен нима учун (кимга) келдинг?» қабилидаги гап грамматик жиҳатдан тамоман нотўғри.

Билиш феълларидан сўнг бундай тузилманинг бўлиши қоидага хилоф эмас: «Нима учун (кимга) келганингни биламан (тушунаман)».

Ментал ҳолат феълларининг обьекти маъно жиҳатидан «сабаб», «натижা», «оқибат» каби отларга мос келади ва ушбу отлар билан алмаштирилиши мумкин: «Мен бу фактларни биламан»; «Менга ишнинг натижаси маълум» кабилар.

Ментал ҳаракат феълларининг обьекти «фикр», «назария», «фараз» мазмунидадир. Масалан, инглиз тилидаги to believe «ишонмок» феъли opinion «фикр», theory «назария», assertion «танқид» кабилар билан боғланади.

Шу йўналишда бажарилган тадқиқотлар натижасида Америка тилшунослигида тилнинг қўлланиши назарияси шаклланди. Бинобарин, С.У.Курода (Kuroda 1969) тил қўлланиши билан боғлиқ вазифаларни аниқлашга уринди. У «вазифа» атамасини «қўллаш» (usage) ва «мақсад» атамаларидан фарқлаган ҳолда тилнинг жамиятдаги ва инсон фаолиятининг турли соҳаларидағи ролига эътиборни қаратиш лозимлигини уқтиради. С.У.Курода назариясининг асосий гоялари қўйидагилардан иборат:

1. Асосий эътибор тилнинг бажарадиган вазифалари нимадан иборат ва бу вазифа қай даражада туб лисоний эканлигини аниқлаш;

2. «Мухим, асосий вазифа» тушунчаси киритилади. Тил бажарадиган вазифалар даражаланади ва улардан энг муҳими юқори погонага қўйилади;

3. Тил қўлланишининг тадқиқи асосини унинг коммуникатив вазифаси ташкил қиласди;

4. Лисоний коммуникация нутқий ҳаракатлар назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва коммуникатив вазифа иллокуция билан боғлиқ деб хисобланади.

Худди шу нутқай назардан тилнинг коммуникатив вазифаси тасдиқ мазмунидаги нутқий ҳаракатда ўз ифодасини аниқ топади деган фикр танқид қилинади. Тилнинг бу вазифаси бевосита


буйруқ иллокуциясига эга бўлган нутқий бирликларда тўлиқ намоён бўлиши қайд этилади.

Тасдик (ассертив), буйруқ (императив) ва ахборот узатувчи (declarative) нутқий ҳаракатларини қиёслаган С.У.Курода уларни адресатга йўналтирилган ёки йўналтирилмаганлигига нисбатан фарқлашни таклиф қиласди. Масалан, тасдик нутқий ҳаракатининг адресати бўлиши шарт эмас. Ахборот узатилаётганда эса албатта адресат бўлиши талаб қилинади. Буйруқ мазмунига эга бўлган нутқий ҳаракат тингловчи ва «бегона», мулокотда бевосита иштирок этмаётган шахс учун бир хилда таъсир кўрсатиши мумкин.

Кўрсатилган фарқлар тилнинг бажарадиган вазифаларида ўз аксини топади. Коммуникатив вазифа буйруқ нутқий ҳаракатида намоён бўлишини айтдик, тасдик нутқий ҳаракати билан боғлиқ вазифа «камалга оширувчи», «намоён этгувчи вазифа» (objectifying function) деб аталади. Ушбу вазифанинг киймати шундаки, унинг воситасида сўзловчининг фикри ўз лисоний ифодасини топади. Назарда тутилаётган адресатнинг аниқланиши эса пропозициянинг хусусиятларини тушуниш билан боғлиқдир.

Намоён қилиш вазифасининг зарур бўлакларидан бири коммуникатив баёндир. Тилнинг ушбу вазифаси асосан адабий жанр матнларида намоён бўлади (баён муаллифининг бевосита иштирокисиз, бир пайтнинг ўзида бир нечта персонажларнинг мулокоти баёни). Одатда, тилнинг ушбу вазифасини объектив вазифа сифатида талқин қилишади.

Шундай қилиб, бажарадиган вазифаларнинг ўзаро алоқаси куйидагича тасаввур қилинади:



объектив вазифа

Ушбу шаклда бажариладиган вазифаларнинг муносабатлари ўз аксини топган: тилнинг объектив вазифаси муҳимроқ. Чунки у намоён этиш вазифасининг асосини ташкил қиласди.

3.4. Тил структураси назариясининг тараққиёти

Америка тилшунослари тил структураси назариясини дастлабки ўринда гап структураси ва унинг воситасида етказилаётган ахборот нуқтаи назаридан шакллантирилар ва ўргандилар.

Бинобарин, З. Ҳаррис (Harris 1976: 237-255) гап структурасининг назарий жиҳатдан муҳим бўлган қўйидаги асосий хусусиятларини қайд этади:

1) сўзларнинг гап структурасидан ўрин олишини қатъий назорат қилувчи қоидалар мажмуасининг мавжудлиги;

2) ўзаро синтактик муносабатдаги сўзларнинг матнда қўлланиш тартибининг ўзгариши эҳтимоли (бундай ўзгариш матнда мавжуд бўлган бошқа сўзлар таъсирида юзага келади);

3) ахборот ташиш жиҳатидан муҳим ва шу сабабли матнда қўлланиши шарт бўлган айрим сўзларнинг тушиб қолиши (reduction).

Муҳим хусусият сифатида қаралаётган бу хусусиятларнинг нисбатан оддийлиги ва уларнинг гап тавсифи учун етарли эканлиги инобатга олинса, тил структураси унинг воқелиги шартлари билан боғлиқлигини кўрсатади ҳамда бу холда тилнинг формал тузилиши ҳақида бирор бир фарқни олға суришга ҳожат йўқ.

З.Ҳаррис ҳар бир гап оператор -аргумент тузилишига эга деб ҳисоблади. Оператор вазифасини предикатив сўзлар ва боғловчилар бажарадилар. Масалан, Marry`s phoning entailed John`s arriving «Мэрининг қўнғироғи Жоннинг келишига сабаб бўлди» гапининг структураси қуйидагича белгиланади: entailed (phone, Marry arrive, John) ва бунда entailed икки аргументли (phone ва arrive), phone ва arrive бўлаклари эса бир аргументни талаб қилмоқда (Marry ва John).

Шундай қилиб, гапларнинг турларига нисбатан операторлар аргумент вазифасини ўташи мумкин ҳамда айнан биргина оператор ўз аргументи сифатида турли гурухдаги сўзларни танлаш имконига эга (масалан, John caused this ва John's phoning caused this тузилмаларини қиёсланг). Гап структурасидаги барча ўринлар тўлдирилиши шартлигини ҳисобга олган ҳолда артумент сўзлар гурухини ажратиш мумкин.

З.Харрис операторларни бирикадиган аргументлари миқдорига нисбатан фарқлайди ва синтактик бирикиш ҳодисасини «оператор-аргумент» қолипи кўрсаткичларига асосан ўрганади. Шунинг билан биргалиқда олим ушбу қолипнинг матн билан боғлиқ ҳолда воқеланишини ҳам қайд қиласди. Масалан, икки ўринли melt «эритмоқ» операторнинг биринчи аргументи fire «олов, ёнгин» ҳамда иккинчи аргумент вазифасида «house» сўзининг келиш эҳтимоли унчалик кучли эмас. Лекин бу эҳтимол Fire melted a hous made of snow «ёнгин (олов) қордан ясалган уйни эритди» гапида кучаяди.

Синтактик бирикишнинг бу таркибдаги ўзгаришлари натижасида янги гаплар тузиш имкони яратилади ва грамматиканинг бу хусусияти лугат таркибида сўз бойлигининг сўз ясаш ҳисобидан кўпайишига ўхшаб кетади. Синтактик бирикувнинг турли даражадаги кўринишлари миқдор жиҳатидан чегараланган лугавий бирликлар воситасида ҳар қандай миқдордаги ахборотни ифодалаш имконини беради.

Тил тизими ифода воситаларининг кўлланишининг даражаланиши фактат шу билан чегараланмайди. Лисоний трансформациянинг кўпгина турларига хос хусусиятлар у ёки бу аргументнинг маълум оператор билан бирикиши имконияти билан боғлиқ. Бундай бирикиш эҳтимоли қанчалик кўп бўлса, маълум элементларнинг тушиб қолиши (редукцияга учраши) эҳтимоли ҳам кучаяди. Масалан, ехрест «кутмоқ» операторининг иккинчи аргументи одатда қисқартирилган оператор воситасида ифодаланади: шунга асосан We expect John «Биз Жонни кутаяпмиз» тузилмасини We expect John to be here гапининг редукцияси деб қараш лозим. То be here қисмининг «ноллашуви» (zeroing) натижасида ҳосил бўлган гапни We expect their departure at 6 «Биз уларнинг соат 6 да жўнашини кутаяпмиз» қабилидаги тўлиқ гап билан бир қаторга қўйиш имконини беради.

Худди шундай ҳолатни then «ўша пайтда» операторининг қуидаги гаплар таркибида ноллашувида ҳам кузатамиз: He took sick and then died «У касал бўлди ва шундан сўнг ўлди»--- He took sick and died «У касал бўлди ва ўлди».

Қўлланиш эҳтимоли юқори бўлган аргументларнинг ноллашуви турли хилдаги гаплар учун ҳос ҳодисадир, лекин бу ҳодиса юз беришидан қатъий назар гаплар ўз маъно хусусиятларини мумкин қадар тўлиқ сақлайдилар.

Ушбу ҳодиса матн таркибида қўлланувчи метаоператорларнинг тушиб қолишида ҳам кузатилади. Бу турдаги операторларнинг (metatexual operators) маъноси асосан матн таркибида намоён бўлади. Масалан, He likes Mozart and Bach, but I prefer the latter «Унга Моцарт ва Бах ёқади, лекин мен кейингисини маъкул кўраман» гапида сўз тартиби воситасида ифодаланётган ахборот муҳимдир. Олмошлар ва айрим пайтларда, боғловчилар матннинг турли ўринларида қўлланилаётган бирликларнинг ягона референтга боғлиқлигига ишора қилишлари маълум. Бундай ҳодисаларнинг асосий хусусияти шундаки, метатил ахбороти ҳеч қандай грамматик воситасиз ифодаланиши мумкин. Бу эса лисондаги тежамкорликнинг бир кўринишидир.

Масалан, The man whom I saw left «Мен кўрган одам кетди» гапини қуидаги трансформалар ҳосиласи деб қараш мумкин.

- 1) The man left – «Одам кетди»
- 2) I saw the man – «Мен одамни кўрдим»
- 3) Иккинчи гапда айнан биринчи гапдаги шахс назарда тутилади.

Хуллас, тил тизимининг бу йўсингдаги таҳлили асосида тилни динамик ҳодиса сифатида талқин қилиш ҳаракати ётади. Тил тизими таҳлилига бундай ёндашув ушбу тизимнинг маълум босқичдаги тараққиёт ҳолатини ўрганиш учун муҳимдир.

3.5. Мазмуний синтаксис йўналиши

3.5.1. Шакл ва маъно муносабати

Америка тилшунослик мактабининг синтаксис назарияси билан шугулланувчи вакиллари ҳар қандай лисоний шакл ўзгаришлари, сўзсиз, маъно ўзгаришига олиб келади деб ҳисоблайдилар. Улар ҳатто узоқ даврдан буён инглиз тили грамматикасида хукмон бўлган *it*, *that*, *there* каби бирликлар фақатгина грамматик мазмунга эга деган фикрни ҳам инкор этишади ва ҳар қандай сўз ёки лисоний тузилма семантик жиҳатдан таҳлил қилиниши лозимлигини уқтиришади. Уларнинг эътирофича, лисоний маънога нафақат воқеа, ҳодисалар ҳақида хабар берувчи тузилмалар, балки сўзловчининг нутқий вазиятдаги ўрни, мулоқот иштирокчилари ўртасидаги муносабат, етказилаётган хабар ҳақидаги фикр кабиларга ҳам эгадирлар. Бундан ташқари, Ҳарвард университетининг профессори Дуайт Болинжер шаклан турли, лекин мазмунан бир хил бўлиши мумкин бўлган лисоний ҳодисаларни санаб ўтади (Bolinger 1977: 24-25). Булар қуидагилар: нисбат шакллари трансформаси, *that* ёки *(va)* which элементли гаплар; *refuse* «инкор қилмоқ», *remember*, *recall* «эсламоқ» каби феълларнинг инфинитив ва герундий тузилмалари; *someone* ва *somebody* «бирор киши» туридаги бирликларнинг фарқи; *remind* «эслатмоқ» феълининг маънолари фарқи («бирор кишини эслатмоқ» ва «бирор кимни эсламоқ») кабилар. Болинжернинг фикрича, ушбу ҳолатларда мавжуд бўлган семантик фарқларни айрим тадқиқотчиларнинг сезмаслигининг сабаби «кобилият» ва «нутқий ижро» тушунчаларининг аралаштириб юборилишададир.

Олимнинг фикрича, *any* «ҳар қандай» ва *some* «бирор бир» элементли синтактик тузилмаларнинг маъно жиҳатидан фарқи нафақат пресуппозиция, феъллар, лугавий инвариантлик ҳодисалари билан боғлиқ, балки уларнинг хусусий маъносидаги фарқдадир. У *any* ва *some* автоном бирликларининг маъновий фарқини уларнинг турли жавобларни талаб қилувчи сўрока гапларда қўлланишида намоён бўлишида кўради. *Some* кўпроқ тасдиқ маъносидаги жавоб кутилганда ишлатилса, *any* инкор жавобни танлайди. Албатта, бу фикрда бошқа олимларнинг

таъсири ҳам сезилиб туради: ушбу сўзлар ўртасидаги маъновий фарқнинг шаклланишида сўз ургусининг ҳам роли мавжуд. Айрим тадқиқотчилар any ва some элементларини тасдиқ ва инкор учун грамматик жиҳатдан бефарқ бирликлар қаторига ҳам киритишади.

Гапнинг маъновий ва синтактик деривацияси таҳлили учун инкорнинг ўнг ёки чапга силжиши (negative left or right shifting) масаласи муҳимдир. Ўзаро боғланган шакл элементларидан бирининг инкори маълум мантиқий шароитда бу элементларнинг иккаласининг ҳам инкор этилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли инкор шакли уларнинг қайсига бирикиши бефарқдир. Худди шу ҳодиса инкорнинг чапга силжиши ҳолатларига дикқатни жалб қилди. Аммо инкорнинг силжиши учрайдиган гаплар турлари қиёслангандан, бу силжиш кўпинча ўнгга қараб йўналиши аниқ бўлди.

Шундай қилиб, *not any* ва *no* элементларининг ўрин алмашиш имкониятлари ўрганилганда қуидагилар маълум бўлди:

1. Not any (neg... any) қатор «очик» имкониятларнинг инкор этилишидир; по (=Alf... no) олдинги инкорнинг тасдифидир;

2. Демак, по мантиқан тасдиқ гапларда қўлланилади ва бу ҳолда гапнинг бирор бир қисми инкор қилинади ва бу қисм бутун бир гуруҳдан ёки алоҳида бўлақдан иборат бўлади (Қиёсланг: They were (busy) eating nothing «улар ҳеч нарса емаётган эдилар»; He took a bath with no soap «у ҳеч қандай совунсиз ювинди»);

3. Бундан ташқари, по инкор юкламаси мантиқан инкор гапларда қўлланилади ва бу ҳолда феълнинг тасдиқ маъноси сўзловчи томонидан қатъий таъкидланади;

4. Таркибида по инкор юкламаси бўлган гаплар мазмунида сўзловчи учун аллақачон маълум бўлган фактларга ишора бор;

5. Шу сабабли бўлса керакки, по гаплари таркибида мавхум ва умумлашган отлар, кўпллик сон шакллари учрайди, конкрет отлар ва бирлик шаклларининг қўлланиш миқдори нисбатан кам;

6. Ташқи инкор мазмуни мавжуд бўлган ҳолда nothing «ҳеч нарса», nowhere «ҳеч қаерда», nobody «ҳеч ким», nothing of the sort «ҳеч қандай нарса» каби ноаниқ олмошлари ва your old man «сенинг кари чолинг» туридаги камситиш иборалари гап синтактик курилишида муҳим вазифа ўтайди бошлайдилар ҳамда асосий ургуни олувчи ўринни эгаллайдилар;

7. No юкламасининг мантиқан асосий феълни инкор этишига халақит берувчи синтактик тўсиқлар бор, аммо «формал» инкор усули ушбу тўсиқларни бартараф этиш имконини беради;

8. Not any бирикмасидаги not юкламаси феъл билан бирикишга интилади ва бу ҳолда инкор юкламасининг гап таркибида қўлланиш қоидаларига амал қилинади (contraction and position roles).

Синтактик қурилмаларнинг семантик талқини уларнинг лисоний табиатини аниқлаш учун қанчалик муҳим эканлигини *It is hard to say «айтиш қийин»*, *It is hot down here «бу ер иссиқ»* каби қурилмалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу гаплардаги it олмоши оддийгина бирор бир грамматик ўринни эгаллаб қолмасдан, балки маълум мазмунга ҳам эга. Буни аниқлаш учун it қўлланилган тузилмаларни, у иштирок этмайдиган тузилмалар билан қиёслаш лозим. Одатда, it олмоши анафорик референтга (худди *she, they* олмошлари каби) эга бўлади. Анафорик it олдиндан маълум бўлган фактга ишора қиласди ва инкор мазмуни ифодаланилаётганда, it олдин тасдиқланган ахборотга ишора қиласди.

Фактив феъллар иштирокидаги гапларни таҳrir қилган Болинжер ушбу гапларда it референтга эга, деб ҳисоблайди. Шунинг билан биргаликда *understand* «тушунмоқ», *doubt* «шубҳа қилмоқ» каби нофактив ва *love* «севмоқ», *hate* «нафратланмоқ», *admire* «мафтун бўлмоқ» каби ҳис-ҳаяжон феъллари билан it олмошининг боғланиши олдиндан маълум хабар ёки ҳис этилган тўйғу ҳакида сўз юритиш билан боғлиқ. Бундан ташқари, Болинжер it олмошининг «ишонтириш» маъносидаги айрим феъллар билан факат ўтган ёки келаси замон шаклидаги тузилмаларда бирикишини ҳам таъкидлайди. Бўлакларга ажralган гаплар (*cleft sentences*) таркибида эса it средний род оти ва артикль бирикмаси ўрнини олади.

Шунингдек, таркибида *there* элементи мавжуд бўлган гапларнинг мазмуний хусусиятлари ҳам ўзига хосдир. Ушбу элемент локатив (ўрин) маъносига эга бўлиш билан бир қаторда, нолокатив мазмунни (айникса, *there is* бирикмасида) ифодалайди. Умуман, *there* нинг маъносини аниқлаш учун матнга мурожаат қилиш лозим бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам *there*

бирлигининг кўлланиши унинг асосий маъноси – локативлик билан боғлиқдир.

Гап структурасининг таркибий қисмлари таҳлили ўзаро ўрин алмашиб имкониятига эга бўлган элементларнинг (масалан, инфинитив тўлдирувчи ва that - clause) мазмунидаги фарқини аниқлайди. Фараз қилинишича, гап алоҳида қисмининг маъноси тўлиқ гап маъносига мос келиши лозим ва факат шундагина киритма тузилмалар хосил бўлади. Масалан, I believe the report «Мен хабарга ишонаман»= the report is true «хабар тўғри»--- I believe the report to be true «Мен хабарнинг тўғри эканлигига ишонаман». Лекин I believe George «Мен Жоржга ишонаман» гапи Georg is ready «Жорж тайёр» тузилмасига мос келмайди ва шу сабабли I believe George to be ready («Мен Жоржнинг тайёр бўлишига ишонаман») гапи юкоридагиларнинг хосиласи эмас.

Гаплар мантикий ва мазмуний жиҳатдан мос келмаслигининг тўрт асосий шарти ажратилади:

1. Мантикан мос келмаслик;
2. Қарама-қарши фикрлар ифодаси;
3. От ва предикат семантикасининг мос келмаслиги;
4. Нутқий мулоқот мухити.

Бу шартлар асосидаги таҳлил гап маъносини фақатгина ботиний структурага таянган ҳолда тавсифлаш мумкин эмаслигидан дарак беради.

Гап синтаксиси таҳлилига мазмун нуқтаи назаридан ёндашувнинг самарасини инфинитив аникловчи вазифасини бажарувчи гаплар мисолида хам кўриш мумкин. Одатда, He's noble to suffer (у изтироб чекиш учун ўта олижаноб, яъни «у олижаноб одам ва изтироб чекмаслиги керак») ва It is noble of him to suffer («изтироб чекмоқ унинг олижаноблигидир») қабилидаги гапларни маъно жиҳатидан муқобил хисоблашади, аммо ушбу фикрни инкор этиш имкони бор. Масалан, куйидаги уч гапни қиёслайлик:

1. It was foolish for Mary to go there «Меренинг у ерга бориши ахмоклик эди»;
2. It was foolish of Mary to go there;
3. Mary is foolish to go there.

Бу гапларда foolish сифати грамматик жиҳатдан нимани аниқлаяпти: шахсними ёки ҳаракатними?

Биринчи гапда It is for Mary to go there пропозицияси аниқланмоқда ва шу сабабли ҳаракатни аниқловчи сифатларнинг (lucky, beneficial) қўлланиши маъқулроқ. Учинчи гапда Mary бўллаги аниқланмоқда ва шахсни аниқловчи сифатлар (sensibly, unwise кабилар) ишлатилиши мумкин.

Иккинчи гапдаги «сифат + от тузилмаси» икки хил хусусиятга эга: а) гап шахс ҳақида кетаётганда, ҳаракатни аниқловчи сифатнинг қўлланиши мумкин эмас; б) гап ҳаракат ҳақида бўлса, аксинча, шахсни тавсифловчи сифатлар қўлланилмайди; в) шунинг билан биргаликда, шахс ва ҳаракатни бир хилда аниқлаш қобилиятига эга бўлган сифатлар гуруҳи ҳам мавжуд.

Учинчи гапдаги инфинитив (to go) ва сифатнинг (foolish) муносабатига келсак, бу ерда икки қарама-қарши тузилманинг ўзаро бир-бирига сингиб кетишига гувоҳ бўламиз: биринчисида инфинитив тўлдирувчи вазифасини бажаради (ва to go мақсад маъносини ифодалайди), иккинчисида эса, инфинитив шарт, тобелик маъносини ифодалайди. Ушбу тузилмаларда сифат қарама-каршиликни шаклланитрувчи воситага айланади. Худди шу ўринда ишлатиладиган that – clause яъни эргаш гап эса тўлдирувчи вазифасини ўтайди ва асосий пропозициянинг мақсадига ишора қиласди.

Болинжер таълимотининг асосида турган семантик-сintаксис таҳлили турли мураккабликдаги муаммолар ечимини излаш имконини беради. Шу жумладан, инфинитивнинг буйруқ шаклида қўлланиш ҳодисасини ҳам Масалан, Ж.Катц ва П.Постал Eat the meat «Гўштни енг» ва You will eat the meat «Гўштни ейсан» бир хилда буйрукни ифодаловчи гаплар, деб ҳисоблайдилар. Болинжер эса императив қаторида турли маънодаги нутқий ҳаракатлар (масалан, шарт, истак, умид, маслаҳат, таклиф кабилар) ижро этилишини инобатга олиб, уларни умумий бир ҳодиса сифатида талқин қилиш чалкашликларга сабаб бўлишини уқтиради.

3.5.2. Гапнинг семантик таркиби (мазмуний тавсифи)

Америка тилшунослигида гапнинг мазмуний асосини тавсифлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада,

айниңса, Р.Жекендофф ва унинг издошлари бажарган тадқиқотлар эътиборга лойиқдир. Р.Жекендофф «Асосий мавзу (тематик) муносабатлари» (Thematic relations) назариясининг асосчисидир (Jackendoff 1976; 1972).

Ушбу назарияга биноан гапнинг мазмуний тавсифи ушбу гап воситасида ифодаланаётган (узатилаётган) ахборотнинг формал хусусиятларини ёритишидир. Ахборотни узатиш воситалари ўзида тил тизимининг маъновий хусусиятлари билан бир қаторда, синтаксисга оид қонуниятларни ҳам мужассамлаштириши лозим. Шундай экан, эслатилган назарий ёндашув ҳам шакл ва мазмун доиралари мувофиқлашувини тақозо этади.

Гап мазмуни (худди лугавий бирликлардагидек) ўзаро муносабатда бўлган белги-хусусиятларнинг жамланишидан таркиб топади. Мутахассислар (J. Katz, J. Fodor 1963: 170-210) икки турдаги муносабатларни ажратишни таклиф қиласидар: а) чекланган ўзгаришлар (restrictive modification), яъни бирор бир хусусиятнинг кўшилиши грух, синф референтлари чегарасининг торайишига олиб келади. Масалан, «тўриқ от» тушунчаси «от» тушунчасига нисбатан тор маънога эга. Ушбу ҳолатдаги чекланган ўзгаришларнинг форма ифодаси: [от] [тўриқ];

б) вазифавий умумлашув (functional composition), бу муносабат мавжудлигига ягона бир маъно хусусияти бутун бир қатор хусусиятлар вазифасини ўтайди. Бундай маъно вазифасининг ҳосил бўлишини феъллар мисолида кўриш мумкин. Масалан, see «кўрмок»: SEE(x,y), сўз бирикмаси see the horse «отни кўрмок»:

SEE (x,THE HORSE); гап The man sees the horse “(Бу) одам отни кўраяпти”: SEE(THE MAN, THE HORSE).

Одатда, инглиз тили феълларининг катта қисми таҳлилида асосий мавзу (тематик) муносабатларини тавсифловчи беш турдаги маъно вазифалари ажратилади.

GO (x,y,z) вазифаси x (мавзу)нинг ҳаракати y (манба)дан z (манзил, мақсад) га йўналишини ифодалайди. Масалан, The hawk flew from its nest to the grown «Кирғий уясидан ерга учиб тушди». Вазифа мавзу, манба ва мақсад ўртасидаги муносабатларни кўрсатади: GO(THE HAWK,ITS NEST, THE GROUND).

Харакатнинг белгилари чекланган ўзгаришлар воситада ифодаланади. Масалан, fly «учмок» ҳаводаги ҳаракатни (through the air) ифодалайди ва бунинг формал ифодаси қуидагича:[GO (x,y,z)]

[through the air]

ВЕ (x, y) вазифаси x (мавзу) нинг y (жой) даги ҳолатини (state of affairs) тавсифласа, STAY(x,y) вазифаси эса воқеа (event) содир бўлаётганлигига ишорадир. ВЕ аниқ ҳаракатни ифодаловчи феълларнинг (be«бўлмоқ» contain «сақламоқ», lie «ётмоқ», surround «ўрамоқ», stand «турмоқ») асосий тематик хусусиятларини акс эттиради. STAY дуратив ёки давом феълларнинг (stay, remain, keep, etc) хусусиятларини ифодалайди.

GO, BE, STAY вазифалари теманинг макондаги ўрнини тавсифловчи локатив феъллар мазмунини ифодалайди. Ўз даврида Ж.Грубер билдирган фикрларга (Gruber 1965) таянган Р.Жекендофф теманинг макондаги ўрнига ишора қилувчи феъллар қаторини кенгайтиришга ҳаракат қиласди. Бунинг учун у «жойлашув турлари» (types of location) тушунчасини қўллади. Р.Жакендофф жойлашувнинг уч турини ажратади: ўрин олиши (қисқартмаси –Posit), посессив (Poss) ва идентификациялаштирувчи – аниқловчи (Ident). Булардан биринчиси теманинг қаердан ўрин олишини қўрсатади, посессивлик эса – унинг кимга тегишлилигини ва учинчиси теманинг нимадан иборатлигини кўрсатади.

Яна иккита вазифа феълни агенс билан боғлайди. CAUS (x,e) вазифаси e (event) воқеанинг юзага келишини тавсифлади; x эса воқеани юзага келтирувчи агенс. LET (x, e) воқеа содир бўлиши жараёнидаги тўсикларни бартараф этиш ҳаракатидир.

Масалан, LAURA took the bird from the cage; CAUSE (LAURA, GO), POSIT (THE BIRD), THE CAGE, Z «Лаура қушни кафасдан олди».

Р.Жекендофф таҳлил этилган турдаги гапларни ўзаро қиёслаш қоидасини таклиф қиласди: агарда z шароитида E воқеаси содир бўлишига шароит яратилса, бу воқеа содир бўлади. Ушбу хулоса қуидаги формал изоҳни олади:

[CAUSE(x, e)] – E.

Худди шунингдек, NOT [LET(x,e)] ---NOTE, яъни бирор киши Е воқеасининг содир бўлишига йўл қўймаса, Е бўлмайди.

Айтиш жоизки, келтирилган хулоса қоидалари грамматик қоидалар эмас ва семантик вазифа мазмунига эга эмас. Улар оддий когнитив жараёнларни акс эттирадилар.

Асосий муносабатлар назарияси доирасида бошқа гурухлардаги феълларни ҳам тавсифлаш мумкин. Бинобарин, бу назария қатор феъллар маъносида мақсад, истак (intent) мазмун бўлаги мавжудлигини исботлашда қўл келади. Бу мазмун sail «сузмок», run «югурмоқ», try «ҳаракат қилмоқ», ask «сўрамоқ» каби феълларнинг турли предлоглар билан бирикишида намоён бўлади. Асосий муносабатлар назарияси психология фанининг айрим йўналишларида мавжуд бўлган қарашларига мос келади. Бу, айниқса, инсон тафаккур фаолиятининг конкретликдан мавхумлаштиришга йўналишининг ифодасидек кўринади.

3.5.3. Грамматик меъёрийлик ва маъно мослиги

Америка тилшунослигида гап тузилишининг грамматик меъёри ва семантикасининг мослиги масаласи доимо долзарбdir. Бинобарин, Жанубий Калифорния университети тилшунослик бўлимининг ходими Жон А.Ҳокинз (Hawkins 1978) референт маъноси ва грамматик меъёрийлик муносабатини инглиз тилидаги аниқ ва ноаниқ артиклларнинг маъно ва бирикиш хусусиятлари воситасида таҳлил қиласи. У артикли референтининг грамматик-семантик тавсифини таклиф қиласи. Бу тавсиф артикли ва аниқловчининг грамматик меъёрий гаплар таркибида бирикишида юзага келадиган тўсиқларнинг сабабларини тушуниш имконини беради. Олим артикли муаммосини биз муҳокама қилаётган муаммо умумийлигида тадқиқ этишга ҳаракат қиласи. Бу муаммо ечимини топиш мақсадида, жумладан, ўзаро мос келмайдиган трансформациялар қоидасига мурожаат қилинади. Бу қоидалар грамматик жиҳатдан меъёрий гаплар таркибида намоён бўлмайди, бир қоиданинг кўлланиш шарти бошқасиникига тўғри келмайди. Масалан, бир қоидага биноан маълум гап таркибида бирор бир қисмнинг бўлиши талаб қилинса, иккинчисида эса, аксинча, талаб қилинмаса бу қоидалар ўзаро мослашмайди. Худди шундай ҳолат икки қисмнинг бир-бирига яқин ва узоқ жойлашиши қоидалари

фаоллашувида ҳам кузатилади. Грамматик мос келмасликнинг семантик ва синтактик сабаблари ҳам мавжуд.

Шу аснода прагматик таҳлилга мос келадиган аниқлик назарияси шаклланади. Ж.Ҳокинзнинг талқинича, аниқ артиклнинг маъноси – тингловчига маълум кўрсатма беради. Бу кўрсатмага биноан гап референтини сўзловчи ва тингловчи билимлари доирасидаги умумийликка боғлаш лозим. Тингловчининг объектни маълум гурухга «жойлаштириши» сабаби у бу объектнинг ушбу гурухга монандлигини билишидадир. Умумийлик тушунчаси аниқ артиклъ қўлланишининг барча шароитларини изоҳлаш имконини беради. Масалан, Bring the wickets in after the game of cricket «Крикет ўйини тугагандан сўнг дарвозани ўйга киритинг» гапи барча дарвазаларга оид бўйруқ сифатида англашилади. Шунингдек, More the sand away from my gateway «Кумни йўлдан ол!» гапида the sand умуман кум тушунчасини англатади. Аммо The king of France is bald «Франция қироли кал» гапида The king of France бир элементдан иборат бўлиши керак.

Аниқлик ва ноаниқлик семантик қарама-каршилиги аниқ артиклъ (the) ва ноаниқ артиклъ (a) ёки ноаниқ олмош (some «қандайдир») бирликлари қарама-каршилигидир. Аниқ артиклъ ҳеч қандай истисносиз бутун бир гурухга оид бўлиши мумкин, ноаниқ артиклъ ва олмош истисноталаб, улар гуруҳдаги барча объектларга оид бўла олмайдилар. Шу сабабли Fred Lost a leg in the war «Фред урушда оёғидан ажралди» меъёрга мос (Чунки икки оёғининг биридан ажралган), лекин Fred lost a head in the war «Фред урушда бошидан (бошларининг биридан ажралди» гапи гайритабиийдир. Фреднинг боши ўзи биргина бўлгани учун референтликдан бошқалари чиқариб ташланади. Балки мазкур гапни «Фред кимнингдир бошини йўқотди» деб тушуниш мумкинdir. Лекин бу ўта гайритабиий эшитилади.

Яна бир мисол. I didn't buy the house because a window was broken / because some windows were broken «Мен бу ўйни сотиб олмадим, чунки унинг деразаси синган эди/ бир нечта деразалари синган эди» гапи грамматик меъёрга мос, лекин I didn't buy the house because a roof was leaking «Мен бу ўйни сотиб олмадим, чунки томларидан биридан чакка ўтиб кетган» гапи меъёрга мос эмас, зеро, уйда деразаларнинг сони кўп бўлиши мумкин, лекин

том биргина. Демак, «том» бу ерда эксклюзив референтлик хусусиятига эга эмас.

Грамматик мөйөрнинг аниқлик ва ноаниқлик қарама-қаршилиги негизида бузилишини түғри талқин қилишда қыйидаги турдаги бирикишларда бўлган тўсиқларнинг семантик изоҳи талаб қилинади: The (an – мумкин эмас) only student at the party was Harry «Кечадаги ягона талаба Харри эди»; The (a – мумкин эмас) wisest king was Pharaoh «Энг аклли қирол Фиръавн эди»; Fred bought the (a-мумкин эмас) bigger dog of the two «Фред икки итдан каттарофини сотиб олди» ва бошқалар. Ушбу тўсиқлар артикль маъноси аниқловчи мазмунидаги қарама-қаршиликдир. Масалан, биринчи гапдаги only «ягона» кечада Харридан бошқа студент бўлмаганлигини кўрсатади, An ноаниқ артикли қўлланилганда эса бошқа студентлар ҳам кечада иштирок этганилигига ишора пайдо бўлади.

Худди шунингдек, a wisest king «энг доно қирол» бирикмасида сифатнинг орттирма даража шакли Фиръавндек доно бошқа қирол бўлмаганлигини кўрсатади. Ноаниқ артикль эса wisest king дискрепциясини (тавсифини) қониқтирувчи бошқа обьектлар ҳам мавжудлигига ишорадир.

Шундай қилиб, only сўзи ва орттирма даража маъноси ноаниқ артикль референти маъноси билан қарама-қарши муносабатдадир. Юқорида келтирилган барча мисолларда артикль қўлланиши ва аниқловчининг нутқда фаоллашув қоидалари бир-бирини инкор этади. Бу инкор асосан семантик хусусиятга эгадир. Артиклнинг қўлланишига боғлиқ ҳолда юзага келадиган грамматик мөйөрнинг бузилиш ҳоллари таҳлили семантика ва грамматика ўртасидаги муносабатларни ўрганиш учун мухимдир.

Жон Ҳокинз грамматик мөйөр қоидаларини аниқлашда бир пайтнинг ўзида синтактик ва семантик омилларга мурожаат қилиш лозим, деган холосага келади. Артиклнинг аниқловчи бирикишидаги тўсиқларнинг сабабларини семантик изоҳлаш имконияти мавжудлиги синтаксиснинг автоном, семантиканан ажралган ҳолда воқеланиши ва ўрганилиши мумкин эмаслигининг исботидир.

3.6. Замонавий лисоний таҳлил методлари

3.6.1. Дистрибутив таҳлил методи

Дистрибутив таҳлил (ДТ) методи тил сатҳлари бирликларининг уларнинг синтагматик хусусиятлари, яъни нутқий қаторда бир-бираига нисбатан жойлашуви, ўзаро бирикувини инобатга олган ҳолда таснифланишидир.

Тил бирликларини ДТ асосида таснифлаш жараёнида у ёки бу бирликнинг қандай лисоний контекст муҳитида ва қайси турдаги бирликларнинг куршовида учраши эътиборга олинади. Яна шуни унумаслик лозимки, бу куршов ва контекст тил нормалари талабига жавоб бермоги даркор.

Маълум бирликнинг барча турдаги синтагматик алоқалари ва семантик - синтактика қуршов имкониятлари умумлашмаси унинг дистрибутив (лат. *distributio*; инг. *distribution* – тақсимланиш, тарқалиш) қобилиятини белгилайди.

ДТнинг асосий тамойиллари Америка дескриптив (тавсифий) тилшунослик мактаби вакиллари гояларида назарий жиҳатдан шаклланди ҳамда улар томонидан амалиётга тадбиқ этилди. Ушбу йўналиш намояндалари Б.Блок, Ж.Трейгер, З.Ҳеррис ва бошқалар ДТни тил тизими илмий таҳлилиниң энг асосий методи сифатида тарғибот қилишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг фикрича, фақатгина дистрибутив «ўлчовлар» асосидагина тил тизими ҳодисаларини тўлиқ кўринишда тавсифлаш мумкин. Шу сабабли улар дистрибуция (тарқалиш, тақсимланиш) тушунчасини ўта кенг маънода изохлаш тарафдори бўлдилар.

Америка тилшунослари дистрибуция ҳодисасининг икки турини фарқлашни таклиф қиласдилар: 1) қўшимча ёки тўлдирувчи дистрибуция; 2) қиёсий қарама-қаршилик дистрибуцияси. Булардан биринчисида бирор бир элементнинг нутқий қаторда фақатгина унинг ўзигагина хос бўлган қуршовда учраши назарда тутилади. Масалан, рус тилидаги **ы** ва **и** унлиларининг куршовини қиёсласак, **ы** фақатгина қаттиқ ундошлардан сўнг учрайди, **и** эса юмшоқ ундошлар ва сўз бошида келади.

Иккинчи турдаги дистрибуцияда икки ёки ундан ортиқ бирликларнинг нутқий қаторда бир хил ўринни эгаллашига қарамасдан, турли маънолар ифодаланиши назарда тутилади.

Масалан, инглизча ship «кема» - sheep «қўй», son «ўғил» - soon «тезда».

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тил бирликларининг қиёсий дистрибуциясини аниқлашда синтагматикадан кўра парадигмага оид кўрсаткичлар инобатга олинмоқда. Парадигматик қаторларни ажратиш масаласи ҳозирги замон тилшунослигида алоҳида йўналиш тусини олганлиги сабабли дистрибуция турларини фарқлашга унчалик ҳожат қолмади.

Дистрибутив таҳлил амали унчалик қийин эмас, асосий талаб қилинадиган нарса кузатилаётган ҳодисаларнинг аниқ хисобини олиш ва тизимлаштиришdir. Бундай таҳлилни фонология тизими материалида бажаришнинг осонлиги ушбу тизим бирликларининг сон жиҳатидан аниқлиги ва чегараланганилигидир.

Дистрибутив таҳлил методининг морфологик ҳодисаларга нисбатан тадбик қилиниши бир оз қийин кечади. Чунки ушбу сатҳ бирликлари сон жиҳатидан фонемаларга қараганда кўп эканлиги барчага маълум. Морфологияда ҳам дистрибутив тасниф бирликларнинг ўзаро бирикиш ҳолатларини бевосита кузатиш йўли билан тўпланган фактлар асосида бажарилади. Бу турдаги тасниф усули анъанавий тилшунослик учун ҳам ёт эмас (масалан, шакл ясаш тизимида). Бинобарин, немис тилида мавжуд бўлган отларнинг турланиш гурухларини олсан, ажратилаётган лексик-грамматик синф от негизларининг шакл ясовчи морфлар билан бирикишини инобатга олган ҳолда таснифлаш натижасидан бошқа нарса эмаслигини кўрамиз. Худди шу кўринишдаги дистрибутив гурухлар қадимги инглиз тили от тизимида ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги замон рус тилида отлар турланишида уч синфининг фарқланиши ҳам шу тамойилга асосланади.

ДТ ни лугавий бирликларнинг сўз ясаш имкониятларини аниқлаш ва шу асосда турли гурухларни ажратиш мақсадида қўллаш мумкин.

Масалан, рус тилидаги *писать*, *читать*, *учить*, *любить*, *говорить*, *плясать*, *шалить*, *видеть*, *думать* каби феъл негизлари агентивлик суффикслари – *тель*, - *чик* (*щик*), -*ец*, -*ун* билан қуйидаги тартибда бирика оладилар (Абдураҳмонова 2007):

	-тель	-чик (щик)	-ец	-ун
писать	+	(+)	+	-
читать	+	(+)	+	-
Учить	+	-	-	-
любить	+	-	-	-
ценить	+	-	-	-
летать	-	+	-	(+)
грузить	-	+	-	-
возить	-	+	-	-
петь	-	-	+	+
ловить	(+)	-	+	-
говорить	(+)	-	+	-
плясать	-	-	-	+
шалить	-	-	-	+

Жадвалдан кўриниб турибдики, «иш – харакатни бажарувчи» (агентивлик) маъносидаги отларни ясашда суффикслар тақсимоти турлича. Аммо айрим ҳолларда сўз ясовчи негизларнинг суффикслар билан бирикиш имконияти бир хил бўлиши ҳам кўринади ҳамда ушбу умумий хусусиятга нисбатан бу негизлар дистрибутив синфларга тақсимланадилар (масалан, *писать*, *читать* бир синфни ҳосил қилишса, *учить*, *любить*, *ценить* – иккинчисини, *грузить*, *возить* бирлеклари умуман бошқа бир синфга кирадилар).

Дистрибутив таҳлилнинг синтаксис тизимиға оид ҳодисалар таснифидаги ўрни алоҳида аҳамиятга молик.

Синтаксиснинг асосий бирлиги – гапдир. Гап турли сўз шаклларининг ўзаро муносабатга киришиши ва бир-бири билан бирикиши асосида шаклланадиган тузилмадир. Лекин структур синтаксисда эътибор гап тузилмаларининг мазмунидан кўра кўпроқ уларнинг модел – қолиллари ва шаклий тузилишига қаратилади. Шу сабабли ДТ методининг кўлланишида ҳам алоҳида олинган сўз шаклларининг гап таркибида ўзаро жойлашиши эмас, балки бутун гурухга хос хусусиятлар таҳлил қилинади. Бу эса, ўз навбатида, тадқикот материалини маълум даражада олдиндан «қайта ишланиши» ни талаб қиласади.

Одатда, бундай «қайта ишланиши» сифатида матннинг рамзий ёзуви, яъни таҳлил этилаётган сўзшаклларини алоҳида

харфлар билан белгилаш усули таклиф қилинади. Лингвистик адабиётларда сўз туркумларини латин алфавитидаги харфлар воситасида белгилаш умумий қоидага айланган. Жумладан, **от-** N, **феъл – V, сифат – A, равиш – Adv** кабилар.

Шу йўсинда матннинг умумий тавсифи формал кўриниш олади. Агарда, масалан, гап асосий қисми бўлакларининг ўзаро муносабатини аниқлаш мақсади қўйилса, унда матннинг идеаллашуви қуидагилардан иборат бўлади: 1) нутқ вазиятидан келиб чиқсан ҳолда гапнинг тушириб қолдирилган бўлаклари тикланади (эллипсис бартараф қилинади); 2) гап тузилиши учун унчалик аҳамиятга эга бўлмаган ихтиёрий бўлаклар четлаштирилади (редукция ҳодисаси).

Масалан, «*Навоий Балҳда, Марвда, Астрободда яшайди. Хоразмга сафар қиласди*» (П. Қодиров. Тил ва Эл. Т., 2005. -135 б.) матнида биз «Навоий» бўлагини қайта тиклашимиз керак бўлади ва фақат шундагина иккинчи гап (**Nб**) + **Nж** + **V** кўринишини олади. (Бу ерда б- бош келишик, ж-жўналии келишиги). Худди шунингдек, «*Оқсаной Шахрисабзнинг марказида*» гапи структура жиҳатидан тўлиқ бўлиши учун феъл кесимнинг тикланиши талаб қилинади ва унинг формуласи **Nб+Nж + Nж+V**.

Гап таркибий бўлакларининг бир каторда кетма-кет ёки ўзаро тобеликда жойлашуви фарқига нисбатан «кетма-кетлик дистрибуцияси» структурал дистрибуциядан фарқ қиласди. Матнни идеаллаштириш ҳам ана шу фарқларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Юқорида келтирилган трансформациялар маълум қоидаларга биноан бажариладилар ва бу қоидалар гап синтактик тузилиши бўлакларининг тобелик «шажараси» тасаввуридаги тузилиши билан боғлиқдир.

Тобелик «шажараси» гап таркибининг занжирсимон ташкил топишидир. Бунда гап бўлакларининг бевосита ва босқичли ўзаро бирикиши таҳлил қилинади. «Шажара»нинг энг тепасидаги, яъни барча алоқа занжирлари бирикадиган ўринни кесим эгаллайди.

Рамзий ёзув алоҳида гапларнинг қолиплаштириш, уларни тузилиш таркибига нисбатан гурухлаш амалидир. Масалан, феъл-кесимли гаплар қуидаги қолиплар бўйича гурухланадилар:

Nб + V:

Бола ухляпти;

Nб+N+V:

Талаба китобни олди;

Nб +Nт+Nж+V:	Талаба китобни дўстига берди;
Nб+Nўп+Nт+V:	Аҳмад тошдан уй қурди;
Nб+Vў+V:	Аҳмад ерга қаради;
Adv+V:	Шу ерда ўйнайди.

Ушбу моделлар қиёслангандан, гап таркибидаги бўлакларнинг ўзаро бирикиш хусусиятлари маълум даражада феълнинг шакллари билан боғлиқлиги кўринади. Лекин бу боғлиқлик тўлиқ эмас, зеро, турли грамматик шаклга эга бўлган феълларнинг дистрибутив қуршови бир хил бўлиши тез-тез учраб турадиган ҳолдир. Бундан ташқари, ягона бир шаклдаги феълнинг ўзининг дистрибутив имкониятлари турлича бўлиш ҳолатлари кузатилади. Демак, айтилган мутаносиблик ва номутаносиблик ҳолатларини ўрганиш лозимдир.

Дистрибутив қуршов хусусиятлари феълнинг лексик маъноси билан боғлиқ, деган фикр туғилиши ҳам мумкин. Унда келтирилган моделлардаги сўзнинг қайси морфосинтактик синфга оидлигини кўрсатувчи рамзий белги ўрнига конкрет феълнинг ўзини ёзиш керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, феълларни бирикиш қобилиятининг умумийлигига нисбатан турли лексик-синтактик гурухларга тақсимлаш имконини яратади.

Бу гурухларни ажратишда субституция (ўрин алмаштириш) усулидан фойдаланиш ҳам самара беради. Бу усул мазмуни маълум қуршовда турли феълларнинг ўрнини алмаштиришдан иборат. Шу йўсинда гап структураси қолипларига қўшимча аниқликлар киритилади. Масалан, субституция амали натижасида «ёқтиромоқ» феълининг нафакат Nб + Nт + V қолипидаги гапларда (Саодат қўшиқни ёқтиради), балки Nб + Nж + V (Қўшиқ Саодатга ёқади) мумкинлиги аниқланади.

Албатта, дистрибутив таҳлил синтактик қатор бўлакларининг ўзаро бирикув хусусиятлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконини беради, лекин гап тузилиши таҳлили фақатгина асосий (ядровий) қисм таҳлили билан чегараланмайди. Гап таркиби ноядровий, ихтиёрий бўлаклар хисобидан бойийди, кенгайиб боради. Масалан, «Анвар китобни ўқиди» ядрорий тузилмасининг кенгайишини олайлик: «Анвар янги китобни ўқиди»; «Анвар янги китобни сахаргача ўқиди»; «Анвар янги китобни сахаргача қизиқиб ўқиди» ва ҳоказо.

Сўзсиз, бу турдаги тузилмаларнинг ҳам дистрибутив хусусиятини символлар ёрдамида кўрсатиш мумкин. Лекин бу ҳолда қолиплар сон жиҳатидан чексиз бўлиб қолиши, тежкамкорликнинг йўқолиш хавфи йўқ эмас.

Умуман олганда, дистрибутив таҳлилнинг устунликлари анчагина. Булар қаторига қўйидагилар киради:

1) хулосаларнинг таҳлил амалларига мос келиши (масалан, элементлар вазифаларининг ўхшашлиги ва фарқи уларнинг синтактик куршовига нисбатан аниқланади);

2) бажариладиган амалларнинг содда ва оддийлиги (бу эса, лозим бўлганда, уларни автоматлаштириш имконини беради);

3) қўлланиш доирасининг чегараланмаганлиги (дистрибутив таҳлилни нафақат турли сатҳларга оид бирликларга нисбатан, балки турли тиллар тизимларига жорий қилиш имконияти мавжуд. Бу эса тилларнинг типологик-қиёсий тадқики учун муҳим асос яратади).

Шунинг билан бир қаторда, ушбу турдаги таҳлил методи айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас:

1) дистрибутив таҳлил натижаларининг ишончилиги ўрганилаётган материалнинг катта миқдор ва меъёрда бўлишини талаб қиласди. Бу эса, таҳлил жараёнининг қийин кечишига, катта куч сарф бўлишига сабаб бўлади;

2) ушбу метод ёрдамида бажариладиган тасниф таҳлил килинаётган объектнинг моҳиятини тўлиғича акс эттирамайди. Масалан, айрим сўзшакллари вазифаларининг ўхшашлиги ёки фарқи баъзи куршовларда тўлиғича намоён бўлмайди.

3.6.2. Дифференциал таҳлил усули

Дифференциал (фарқловчи) таҳлил жараёнида тил ҳодисаларини ва бирликларини ўзаро фарқловчи маъновий ва шаклий хусусиятлар ажратилади. Ушбу хусусиятларни аниқлашда маълум бир сатҳга оид бирликларнинг парадигматик муносабатлари асос бўлади.

Ушбу таҳлил методининг асосий мезонлари қўйидагилардир: 1) алоҳида лисоний бирликлар маълум тизимларга уюшадилар; 2) ушбу тизимлар таркибида алоҳида парадигматик гуруҳлар ажралади; 3) тизимдаги ягона бир бирлик

биринчи гурухга тобе бўлиши мумкин; 4) у ёки бу бирликнинг айни пайтда, бир неча гурухга оид бўлиши унинг бошқа бирликлардан фарқловчи хусусиятларига нисбатан тавсифлаш имконини яратади.

Айтиш жоизки, лисоний бирликларни ушбу усулда фарқлаш тилшуносликнинг айрим соҳаларида (масалан, морфологик таҳлилда) азалдан қўлланиб келинаётган усулларга мос келади. Масалан, ишлайпти шаклини феъл грамматик шакли сифатида аниқлаш учун биз унинг мазмунидаги процессуаллик (харакат) маъносини субстанционалликка (қиёсланг: иш) зид қўямиз. Худди шунингдек, бошқа шакллар қарама-қаршилиги ҳам инобатга олинади: ишлаётib, ишлаб, ишлаган, ишлади, ишлайди, ишлайман, ишлаймиз, ишлайсиз ва ҳоказо.

Дифференциал таҳлил методининг умумий тамойилларининг шаклланиши дастлабки ўринда Прага тилшунослик мактаби намояндлари фаолияти билан боғлик. «Прагаликлар»нинг (Н.С.Трубецкой, Р.Якобсон, В.Скаличка ва бошқалар) харакати туфайли тил тизимининг барча сатҳларига нисбатан қўлланила бошланган «парадигма» тушунчаси билан бир қаторда «оппозиция» (қарама-қаршилик) тушунчаси ҳам жорий этилди.

Парадигма ўзаро муносабатдаги бирликлар қатори бўлса, оппозиция ўзаро қарама - қаршиликдаги бирликлар қаторидир. Бу қарама - қаршилик бир парадигматик синфдаги бирликлар ўртасида мавжуд бўлади. Парадигматик қатор бирликларининг сони чекланмаган, қарама - қаршилик қатори эса жуфтликдан (бинар гурухдан) иборат бўлади. Масалан, морфологик парадигма таркибига кирувчи феълнинг шахс шаклларини (ўқийман – ўқийсан - ўқийди) турли хусусиятларига таянган ҳолда қўйидаги қарама-қаршилик жуфтликларига киритиш мумкин:

1) 1- шахс – 2 шахс ёки 3 - шахс (1 шахс шаклининг гап таркибида қўлланиши ифода қилинаётган фикр муаллифини алоҳида ажратиш учун хизмат қилади, 2 - ва 3 - шахс шакллари қўлланилганда эса муаллиф ишорасиз қолади);

2) 2 - шахс – 1- шахс ёки 3 - шахс (2- шахс шакли узатилаётган ахборот аниқ адресатини кўрсатади, 1- ёки 3 - шахс шакллари қўлланилганда эса сухбатдош ноаниқ бўлиб қолади);

3) 1- шахс ёки 2 - шахс – 3 - шахс.

Н.С. Трубецкой «оппозиция» тушунчасини биринчилардан бўлиб кўллаган олимдир. У «Фонология асослари» асарида бу тушунчани фонологик тизим ҳақидаги таълимотининг асосий ғояларидан бири сифатида тарғиб қилди. «Ҳеч қачон шуни унутмаслик лозимки, - деб таъкидлаган эди олим, - фонологияда асосий ролни фонемалар эмас, балки маъно фарқловчи қарама-қаршиликлар ўйнайди. Ҳар қандай фонеманинг фонологик мазмунга эга бўлиши фонологик қарама-қаршиликлар асосида маълум тартибот ва структураларнинг аникланиси билан боғликдир» (Трубецкой 1960: 74-75).

Фонологик қарама-қаршиликлар уларнинг бутун оппозициялар тизимиға муносабатига қарама-қаршиликлар қаторидаги бирликларнинг ўзаро боғлиқлик даражасига нисбатан турли кўринишлар ва мазмун олиши мумкин. Айтилган муносабат ва хусусиятлар, ўз навбатида, фонологик тизимнинг бажараётган вазифаси, тил тизимида тутган ўрнига мувофиқ юзага келади. Бевосита фаоллашув жараёнида айрим қарама-қаршиликлар ўзгармасдан қоладилар (хар қандай ҳолатда ҳам бирликларнинг фарқловчи белгилари сақланади), бошқалари эса нейтраллашадилар, яъни ўз таъсирларини йўқотадилар (масалан, урғусиз бўғинларда **о** ва **а** нинг тенглашуви).

Шундай қилиб, Н.С. Трубецкой тил фонологик тизимини «қарама-қаршиликлар репертуари»дан иборат деб хисоблади. Унинг фикрича, хар бир фонема уни бошқа фонемалардан фарқловчи хусусиятлар тўпламидан ташкил топади. Фонемаларнинг фарқловчи белгилари оппозиция (қарама-қаршиликлар) муносабатлари асосида аникланади.

Р. Якобсон, Г. Фанк ва М. Ҳаллеларнинг (1962: 173-230) қайдича, барча тилларнинг фонемалари таркибида маълум миқдордаги қарама-қаршиликларни фарқловчи белгилар жамланади.

Р. Якобсон фонологик бирликларни дифференциал хусусиятлар фарқига нисбатан тизимлаштириш усулини бошқа тизимларга ҳам тадбиқ этиш таклифи билан чиқди. У рус тили келишиклари тизимини қўйидаги кўрсаткичларга асосан тавсифлаш мухимлигини исботлайди:

1) асосийлик ва ўткинчилик (охиргиси хабар қилинаётган ходиса жараёнида ўткинчи ролни ўйнайди);

2) йўналтирилганлик ва йўналтирилмаганлик (ҳаракатнинг обьектга йўналтирилганлиги);

3) кенг қамровлилик ва тор қамровлилик (объектнинг ҳаракатдаги иштирокининг кўлами).

Грамматик қарама-қаршиликлар ҳам худди фонологик қарама-қаршиликлар каби нейтраллашуви мумкин. Лекин бунда қарама-карши бирликлардан бири маҳсус белгига эга бўлиши, иккинчисининг эса белгисиз қолиши талаб этилади. Масалан, 1-ва 2-шахс феъл шаклларининг ҳаракат ва нутқ субъектлари мос келиши ёки келмаслиги хусусиятига нисбатан қарама-қаршилигига 2-шахс шакли белгисизdir.

Ушбу таҳлил методининг грамматик тизимга тадбиқ этилиш истиқболи катта. Унинг воситасида грамматик категориялар ва шаклларининг муҳим хусусиятларини аниқ ва изчил ёритиб бериш мумкин. Фарқловчи белгилар бўйича таҳлил усулини грамматиканинг барча соҳаларига тадбиқ этиш мумкин, лекин унинг маҳсулдорлиги, айниқса, синтаксис ҳодисаларининг семантик таҳлилида ёрқин намоён бўлади. Буни биз, масалан, А.М. Мухин томонидан асосланган синтаксема таҳлили мисолида кўришимиз мумкин (Мухин 1989).

Дифференциал таҳлил усули воситасида турли тузилишдаги синтактик бирликларнинг мундарижавий ва мазмун хусусиятлари ўрганилиши мумкин. Ушбу методнинг кўлланиш самардорлигини айрим турдаги гапларининг модал мазмуни таҳлили мисолида кўрсатишга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, модаллик категорияси гапнинг лисоний мақомини аниқловчи мураккаб категориялардан биридир. Ушбу категория семантик-синтактик муносабатлар мажмуасидан иборат бўлиб, куйидаги қарама-қаршилик жуфтликларида намоён бўлади:

1) Гапда воқеанинг реал, ҳақиқатдан содир бўлиши ифодаланади – гапда воқеанинг содир бўлиши мумкинлиги (имконияти мавжудлиги) ифодаланади, яъни бошқача айтганда, воқеа содир бўлишининг эҳтимоли ва зарурлиги.

Ушбу гапларининг мазмундаги фарқи бевосита турли замон ва майл шаклларининг кўлланиши билан боғлиқ. Масалан, реаллик ҳозирги ва ўтган замон хабар майли шакли воситасида ифодаланса (Сиз ўқияпсиз; Сиз ўқидингиз), эҳтимоллик эса шарт

ва буйруқ майлари, келаси замон шакллари воситасида ифодаланади (Ўқийсиз; Ўқинг; Ўқисангиз ва бошқалар).

2. Вокеанинг содир бўлиши сўзловчи хоҳиш-истаги билан боғлиқ эмас (объектив зарурат) – вокеанинг сўзловчи хоҳишига боғлиқ ҳолда содир бўлиши (субъектив зарурат).

Бу қарама-қарши мазмундаги гапларнинг фарқи ҳам турли замон ва майл шакллари кўлланишидадир, лекин фарқнинг бу шакллар билан боғлиқлиги изчил эмас. Фақатгина буйруқ майли шаклигина ҳеч қандай истиносиз, харакат бажарилишининг субъектив зарурийлиги, лозимлиги ҳақида хабар беради. Келаси замон ва шарт майли шакллари эса улар фаоллашаётган гапларда, турли матнларда, нутқий вазиятларда ҳаракат бажарилишининг субъектив ва объектив эҳтимоллигини бир хилда ифодалаш имкониятига эгадирлар. Қиёсланг: *Пайти келганда бу китобни ўқийсан* (*Сенда буни бажаришга имконият бўлади*); *Бу китобни зудлик билан (ҳозироқ) ўқийсан* (*Китобни ҳозироқ ўқишингни истайман*); *У бирор нарса ўқиса бўларди* (*Агар шунга шароит бўлганда эди*) – *У, яхиси, бирор нарса ўқиса бўларди* (*Яхиси, бирор нарса ўқисин*).

Дифференциал таҳлилнинг фонологик ва грамматик тизимларга жорий қилинишига таҳлил материалининг ўзи ҳам қулайлик яратади. Фонемаларнинг вазифаси маъно фарқлашдир ва бу вазифани бажариш учун фонемалар фарқловчи хусусиятларига мувофиқ ўзаро муносабатда бўладилар.

Худди шунингдек, грамматик категорияларнинг мавжудлиги ҳам фарқловчи хусусиятлари билан ажралиб турадиган грамматик шакллар фаоллашуви билан боғлиқдир.

Бу хусусиятлар кўпинча тил ботиний структурасидан жой оладилар ва шу сабабли уларнинг лисоний таснифи айрим қийинчиликларни туғдиради. Бироқ лисоний ходисалар ўртасидаги фарқловчи белгиларни қидириш ва уларни тизимлаштириш тишлиносликнинг назарий ва амалий эҳтиёжидир.

3.6.3. Компонент таҳлил

Компонент таҳлил (КТ) дифференциал таҳлилнинг лексик тизимга тадбиқ этилиши натижасида юзага келадиган таҳлил усулидир.

Лугавий бирликлар, худди бошқа сатҳлардагидек, тил тизимида маълум тартибдаги гурухларни ташкил қиладилар ва маънолари жиҳатидан (ушбу гурухлар доирасида) ўзаро парадигматик муносабатларда бўладилар. Бундай парадигматик дастурларни «мавзувий гурухлар» ёки «лексик-семантик гурухлар» (ЛСГ) деб атайдилар. Масалан, қуйидаги мавзувий гурухларни ажратиш мумкин:

1) ўй жиҳозлари номлари: стол, стул, шкаф, кресло, диван, сандик, тахмон ва ҳ.к.

2) метереологик ҳодисалар: шамол, қор, ёмғир, изғирин, тўфон, бўрон ва ҳ.к.

3) қон - қариндошлик атамалари: ота, бола, она, қиз, ўғил, aka, ука, тоға, жиян, хотин, қайнота ва ҳ.к.

4) ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар: хурсандчилик, хафалик, шодлик, мамнунлик, нафрат, завқ, шафқат ва ҳ.к.

5) инсон интеллектуал фаолиятини ифодаловчи феъллар: ўйламоқ, иккиланмоқ, фикрламоқ, билмоқ, фараз қилмоқ, тушунмоқ, эсламоқ, унумтоқ ва ҳ.к.

Ҳар бир мавзувий қатор ушбу гурухга кирувчи сўзлар ўртасида тақсимланадиган умумий «маъно доирасини» қамраб олади. Бу қатор доирасидаги ҳар бир сўз маъноси бошқасиникига мослашади. Улар семантик умумийликка эгадир ва айни пайтда, бир-биридан фарқ қиласи. Шу асосда уларни қарама-қарши қўйиш ва қиёслаш йўли билан ҳар бир сўзнинг маъносини компонентларга (бўлакларга) ажратиш мумкин. Ушбу дифференциал маъно хусусиятларини аниқлаш КТ нинг асосий мақсадидир.

КТ методи кисман луғатшунослик амалиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Маълумки, изоҳли луғатларда сўзларнинг маъноси уларнинг бошқа сўзлар билан бўлган семантик алоқалари асосида изоҳланади. Маъноларнинг бу усулда изоҳланиши турли сўзларни уларнинг семантик белгилари умумийлиги асосида маълум лексик-семантик гурухларга ажратиш имконини яратади.

Шунинг билан бир қаторда ушбу гурухланиш жараёнида қисман бўлса-да, сўзларнинг фарқловчи маъно хусусиятлари ҳам инобатга олинади. КТ да лугатшунослик амалиётининг ушбу тажрибасига таянилади ва фарқловчи белгилар тизимлаштирилади.

Юқорида айтилганидек, тил лугат бойлиги таркибидан маълум ЛСГ ларнинг ажратилиши КТ нинг зарурый илк босқичидир. Бу гурухлар таркибига маъно жиҳатидан маълум бил умумийликка эга бўлган, воқеликнинг алоҳида бир парчасини акс эттирадиган лугавий бирликлар киради. Воқеликнинг маълум қисмларга ажратилиши билан боғлиқ ментал фаолият кўп босқичли фаолиятдир. Шу сабабли турли кўринишдаги ЛСГ ларнинг ажратилиши ҳам кўп босқичлидир.

Масалан, тирик мавжудотларни атовчи бирликлар бирикадиган ЛСГ жонсиз предметлар номлари гурухига қарама-қарши қўйилади. Бу умумий гурух таркибида күшлар номлари лексик-семантик гурух, масалан, балиқ турлари атамалари гурухидан фарқланади. Худди шу каби, инсоний ҳис-туйғулар билан боғлиқ сўзлар гурухини кейинги босқичда ижобий ва салбий ҳис-туйғулар лексик-семантик гурухларига тақсимлаш мумкин.

Бирор бир лексик-семантик гурух таркибиغا киравчи сўзлар умумий семантик хусусиятга эга бўлиши сабабли ушбу хусусиятни ягона бир сўз билан аташ эҳтимоли туғилади. Кўпинча бу сўз ушбу ЛСГнинг ўзидан танланади ёки бу вазифани маҳсус шартли белги бажариши ҳам мумкин. Масалан, харакат феъллари ЛСГни ажратаетиб, умумий семантик белгини «ҳаракат қилиш» сўзи билан аташ ёки билан белгилаш умумий қайд этилган ходисадир.

Агар ажратилган ЛСГ бошқа бирор катта ҳажмдаги гурух таркибига кирса, ушбу ЛСГ сўзларининг икки ва ундан ортиқ умумий маъно хусусиятига эга бўлиши табиийдир. Бинобарин, салбий эмоция ЛСГ таркибидаги сўзлар учун «эмоционаллик» ва «салбийлик» семантик хусусиятлари умумлашуви бир хилда хосдир.

Маълум қатордаги сўзларни ягона бир ЛСГ таркибига бириктирувчи умумий семантик хусусият айни пайтнинг ўзида гурухларни бир-биридан фарқлаш учун ҳам асос бўлади (ушбу гурухларни ўзаро қиёслаш ва қарама-қарши қўйиш учун мантиқий

асос бўлган тақдирда). Буни биз салбий ҳис-туйғуни ифодаловчи сўзлар гурухида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатда «салбийлик» хусусияти «ижобийлик» хусусиятига қиёсан маълум бир ЛСГ ни ажратувчи семантик белгига айланади.

Компонент таҳлил жараёнида ҳар бир сўз маълум бир ЛСГ га тобе бирлик сифатида қаралади. Шу сабабли КТнинг обьекти алоҳида сўз бўлмасдан, балки тўлиқ таркибдаги лексик-семантик гуруҳдир. Лекин КТ охир-оқибатда алоҳида сўзларнинг маъно ҳажмини, унинг барча ҳолатларда намоён бўладиган семантик хусусиятларини аниқлаша мақсадини кўзлайди.

Сўзиз, КТнинг тадбиқ қилиниши миқдор жиҳатидан чегараланган ЛСГ ларда осонроқ кечади. Шу сабабли бўлса керакки, қарийб барча семасиологияга оид рисола ва ўкув кўлланмаларида мисол тариқасида кон-қариндошлиқ атамалари гурухига изоҳ берилади «Ота», «Она», «ўғил», «қиз», «амма», «хола», «амаки», «тога», «келин», «куёв», «ака», «ука», «почча», «янга» каби лексемалар «қариндошлиқ» маъно хусусияти умумийлигига асосан ягона бир гурухга бирикадилар. Аммо ушбу сўзлар бошқа турдаги маъно белгилари фарқига нисбатан қарама-қарши қўйиладилар: а) жинс: аёл (1) – эркак (2); б) авлод: бир авлод (3) – турли авлод (4): олдинги авлод (4) – кейинги авлод (5); в) қариндошлиқ даражаси: кондошлиқ (бевосита) (6)- билвосита қариндошлиқ (7).

Бундай қиёслаш асосида қуидаги дифференциал (фарқловчи) маъно хусусиятлари қатори ажратилади: Р1-2, 3-(4-5), 6-7 ва шу хусусиятлар асосида ушбу ЛСГга кирувчи барча сўзлар маъноси маълум турдаги фарқловчи белгиларнинг бирикмаси ёки тўплами сифатида ёритилади. Масалан, «она» сўзининг маъноси 2,4,6 хусусиятлар тўпламидан иборат (аёл жинсидан олдинги авлодга тобе бевосита қариндош); «хола» сўзининг маъносини эса Р 2, 4, 7 хусусиятларнинг бирикиши ташкил этади (аёл жинсидаги олдинги авлод, бевосита қариндош); «куёв» сўзи, ўз навбатида, Р 1,5,7 маъно хусусиятлар тўпламидан ташкил топади (эркак жинсидан кейинги авлод, билвосита қариндош).

Бошқа ЛСГ лар таркибидаги сўзларни ҳам худди шу йўсинда КТ дан ўтказиб, уларнинг маъно хусусиятларини аниқлаш мумкин. Бинобарин, салбий беихтиёр эмоция ЛСГ га

кирувчи сўзлар қуидаги хусусиятлар асосида ўзаро киёсланадилар (Ахманова ва бошқалар 1969: 65-77):

1) ҳис-туйғунинг пайдо бўлиш характеристига нисбатан:

а) бирламчи (ташқи таъсирга бевосита бўлган ҳис-туйғу жавоби): алам, ўқинч, қаҳр-ғазаб, жаҳл, зарда кабилар.

б) иккиласмчи (олдинги эмоционал ҳолат таъсирида туғиладиган ҳис-туйғу): нафратланиш, газбланиш, аччиқланиш, зарда қилиш кабилар;

в) яширин эмоция: ғазаб, аччиқ, қониқмаслик, норозилик кабилар.

2) ҳис-туйғунинг кечиши ҳолатига нисбатан:

а) пассивлик: алам, ўқинч, қаҳр, зарда кабилар;

б) фаоллик: ғазбланиш, нафратланиш, жаҳл қилиш кабилар;

в) назорат қилиш имконияти мавжудлиги: аччиқ қилиш, қониқмаслик, алам қилиш кабилар.

д) назоратнинг йўқолиши: қутуриш, зарда қилиш, қаҳр қилиш кабилар.

3) даврийлиги:

а) давомлилик: қаноатланмаслик, қониқмаслик, алам, ғазаб кабилар.

б) тугалланганлик: қутуриш, қаҳр, жаҳл, зарда кабилар.

Ҳар қалай, бирор бир ЛСГ таркибига кирувчи сўзларни умумий маъно хусусиятлари асосида таҳлил қилиш жараёнida ушбу сўзлар семантикасини тўлигича ёритиш имконияти анчагина чегаралланганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бундан ташқари, ЛСГларни ажратиш амали ҳам айрим ҳолларда қийин кечади. Шу сабабларга кўра ҳозирча бирор тил лугат бойлигини ташкил қилувчи сўзлар туркумларининг маълум гурухлар бўйича тўлиқ тақсимотини акс эттирувчи лугат ёки бошқа турдаги асар ҳозирча йўқ. Бироқ КТ маҳсулдор ва истиқболли лисоний тадқиқ методи эканлигини инкор этиб бўлмайди, зеро, ушбу метод воситасида кўплаб семасиологик муаммолар ечимига йўл топиш мумкинлиги ўз исботини аллақачон топган. Масалан, ушбу методнинг полисемия ва омонимия ҳодисаларига оид қатор саволларга жавоб излашда қўл келиши тажрибада синаб кўрилган. Украиналик тилшунос М.И. Задорожнийнинг фикрича, ташқи кўриниши бир

хил бўлган сўзларнинг алоҳида маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги ёки йўқлиги умумий маъно хусусияти мавжудлиги мезонида қаралади. Бундай ҳолларда сўзлар (ёки маъно компонентлари) ўртасидаги «семантик масофа»ни куйидаги формула ёрдамида ўлчаш мумкин:

$$Sab = 1 - \frac{Ma \cap Mb}{Ma \cup Mb}$$

Бу ерда Sab – а ва b маънолари ўртасидаги «семантик масофа», Ma – а маънонинг бўлаклари тўплами, Mb – в маънонинг бўлаклари тўплами,

~ - тўпламлар кесими белгиси (мос келадиган маъно хусусиятлари миқдори), ~ - тўпламлар бирикуви белгиси (барча маъно бўлаклари йигиндиси).

Ушбу формулага асосан алоҳида маънолар ўртасидаги семантик масофа нолдан биргача бўлиши мумкин. Масалан, «кўрмоқ» 1 (кўриш ёрдамида идрок этиш) ва кўрмоқ 2 (сезиш, англаш) ўртасидаги бундай масофа куйидагига тенг:

- 1) идрок қилиш – идрок усули;
- 2) кўриш воситасида;
- 3) тасаввурда;
- 4) идрокнинг натижалилиги.

КТ тадбик этилаётган сўзларнинг синтагматик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда бажарилса, лексик синонимлар таснифи осон кечади. Чунки лугат бирликларининг фарқловчи маъно хусусиятлари бир хил имкониятга эга бўлмайдилар. Уларнинг айримлари сўзларни кўринишдаги фаоллашувида фарқлаш имкониятига эга бўлса, бошқаларининг маънолари эса қарама-қарши каторларда нейтраллашуви ҳеч гап эмас. Бундай сўзлар матнда ўзаро ўрин алмашдилар. Тенг хуқуқли ўрин алмашинув синоним сўзларни аниқлашнинг асосий усулларидан биридир.

3.6.4. Трансформация методи

Трансформация методи ҳам лисоний бирликларнинг парадигматик муносабатларини ўрганишга йўналтирилган. Ушбу методнинг олдингилардан фарки шундаки, унинг асосида бир

тизим таркибидаги бирликларнинг бир-бирига ўтиши, бири иккинчисидан «туғилиши» ёки ясалиши ғояси ётади.

Тил бирликларининг қандай тузилиши, ўзаро ўрин алмашинувига оид мисол ва фактлар тилшунослар дикқатини олдиндан жалб этиб келар эди. Бу ҳодисалар, айникса, матн таҳрири жараённида бир синоним сўзлар ўрнида иккинчисини қўллаш, стилистик жиҳатдан маъқул кўринган синтактик қурилмаларни топиш амалиётида яққол кўзга ташланиб туради. Лекин бундай амаллар натижаларининг тилшунослик соҳасидаги аҳамиятини илмий асослаш биринчилардан бўлиб Санкт-Петербурглик олим акад. Лев Владимирович Щербага насиб этган экан. Олим тилшунослик назариясига тажриба (эксперимент) тамойилини жорий қилишни таклиф қиласди ва нутқий тузилмаларни турли кўринишларда ўзгартириш йўли билан назарий хулосаларининг тасдиқловчи ёки инкор этувчи материал тўплаш мумкинлигини исботлаб берди. Шундай қилиб, лисоний тажриба илмий тадқиқотнинг ва трансформацион методнинг асосий амалига айланди.

Трансформацион методнинг илмий тадқиқот методи сифатида тўлиқ шаклланиши ва унинг турли вариантларининг яратилиши америкалик тилшунослар З.Хэррис, Д.Уорс, Н.Хомскийлар номлари билан боғлиқdir. Дистрибутив таҳлилнинг камчиликларини бартараф этиш истагида бўлган тилшунослар трансформация усулига мурожаат қилишди. Бу усул ҳозирги пайтда синтаксисда кенг қўлланилмоқда ва синтактик тузилмаларнинг турли ўзгартириш қонуниятлари бу бирликларнинг умумий тизимда тутган ўрнини аниқлаш имконини бермоқда.

Ҳар қандай гап тузилиш ва таркиб жиҳатидан ўзгаришларга бўлган имкониятларига нисбатан тажриба синовидан ўтиши мумкин ва ушбу гап айнан шу трансформация имкониятлари ўлчови асосида у ёки бу синтактик турлар қаторидан ўрин олади. Бундан ташқари, ушбу синовлар жараённида гап бўлаклари, унинг ташкилий қисмларининг семантик хусусиятлари, синтактик муносабатлари ҳам аниқланади ва бу жиҳатдан трансформацион метод дифференциал маъно хусусиятлари таҳлилини тўлдиради, унинг исботловчи амалига айланади.

Трансформация методини лисоний тажриба усули сифатида гап бўлакларининг синтактик-семантик хусусиятларини аниқлашда кенг миқёсда қўллаш имконияти мавжудлигини қўйидаги мисоллар таҳлилида изоҳлаш мумкин: *Rachel was looking at him – with her honest brown eyes* «Рачел унга тикилиб турган эди – ростгўй қўй кўзлари билан» ва *Rachel was there – with her honest brown eyes* «Ростгўй қўй кўзли Рачел ўша ерда эди» гаплари қиёслангдана Rachel бўлагининг агентивлик маъносига эга эканлигини, иккинчисида эса бу фарқловчи семантик хусусият йўқлигини кўрамиз. А.М.Мухин (1980: 278) биринчи гапдаги агентив синтаксемани иккинчисидаги субстанционал синтаксемадан фарқлаш учун трансформация усулига мурожаат қилишни маслаҳат беради: *Rachel was looking at him----- He has been looked at by Rachel.* Иккинчи гап эса бундай мажхул даражага ўтказиш трансформациясига «бўйсунмайди». Худди шунингдек, олим *his hair was long* «унинг сочи узун эди» синтагмасидаги *was long* бўлаги квалитатив (сифатловчи) синтаксемалар қаторига киришини ушбу синтагманинг аниқловчили тузиљмага трансформация қилиниши имкониятида кўради: *his hair was long -----his long hair* «унинг узун сочи». Қиёсланг (Мухин 1990: 258): *the greatness of Charles Strickland was authentic* «Чарлз Стриклэндинг буюклиги ҳақиқий эди» ----- *The authentic greatness of Charles Stricland* «Чарлз Стриклэндинг ҳақиқий буюклиги».

Синтаксисда трансформация методидан икки асосий мақсадда фойдаланилади:

1) тизимлаштириш мақсадида (бир гапнинг иккинчисига «ўтиши» қоидаларини аниқлаётib, биз уни синтактик муносабатлар қаторида тутган ўрнини аниқлаймиз);

2) таснифлаш мақсадида (трансформация ўзгартиришлари жараёнида гап бўлакларининг «хулқ-автори»га қараб, биз уларнинг синтактик-семантик вазифаларини аниқлаймиз ва таснифлаймиз).

Ушбу икки мақсаднинг фарқига нисбатан трансформация методи қўлланилганда, трансформация синтези ва трансформация таҳлили амаллари фаоллашади.

Булардан трансформация таҳлили тасниф мақсади кўзланганда фаоллашади ва унинг асосида гаплар ва уларнинг

таркибий бўлакларини алмаштириш (ўзгартириш) йўли билан тил бирликларининг тизимиий хусусиятлари аниқланади ва улар маълум гурухларга тақсимланадилар.

Таҳлил ва тасниф мақсадлари кўзланганда, трансформациянинг қўйидаги амаллари бажарилади:

1) дастлаб кичик гурухдаги тузилмаларнинг трансформациялари доираси аниқланади ва бу тарнсформациялар жараёнида лугавий таркиб сақланиб, грамматик морфемалар ўзгариши мумкинлиги шарти қўйилади;

2) ҳосил бўлган трансформация шаклларининг гурух рўйхати тузилади (кейинчалик бу рўйхат тўлдирилиши мумкин);

3) барча турдаги трансформалар матн таркибида синовдан ўтказилади ва уларнинг фаоллашув имконияти аниқланади;

4) таҳлил қилинган тузилмалар трансформация фаоллашуви имкониятларига нисбатан маълум гурухларга тақсимланадилар.

Трансформация синтези тизимлаштириш мақсадини кўзлади. Ушбу кўринишда трансформациялар синтактик тузилмаларни ясаш (ҳосил қилиш) қоидалари мажмуасини аниқлаш имконини беради. Бу қоидалар асосида турли кўринишдаги гаплар ўзаро қиёсланадилар ва тизимлаштириладилар.

Трансформация синтезида ҳам трансформация таҳлилида қўлланилган амалларга мурожаат қилинади, аммо бу амалларнинг бажарилишида маълум шартларга риоя қилиш талаби бор. Чунончи, гаплар тузилишини ўзгартиришда лугавий таркиб сақланиши талаби билан бир қаторда мазмун инвариантлиги (ифодаланаётган воқеа-ходисанинг бир хиллиги) шарти ҳам қўйилади. Бу шартга биноан «Опаси укаси билан фахрланади» каби гапларни «Укаси опаси билан фахрланади» туридаги трансформмага ўтказиш таъкиқланади. Трансформация таҳлилида эса бу турдаги ўзгаришлар одатийдир.

Бундан ташқари, грамматик морфемалар ўзгартирилиши билан ҳосил бўладиган трансформаларнинг ушбу метод доирасидаги талқини ҳам мунозаралидир. Зеро, гаплар трансформациясини таъминловчи грамматик морфемалар ўз таркиби, табиати ва ажратиб олиш усулига нисбатан турли гурухларга оиддирлар. Агарда фаранг тилшуноси Ж.Вандрисе

(1937) изидан борсак, ушбу морфемаларнинг қуидаги турларини ажратамиз:

1) сегмент (бўлак) морфемалари (булар сўз ва гап қисмлари, яъни аффикс, ёрдамчи сўз кабиларни ифодалайдилар);

2) суперсегмент морфемалар, яъни гапнинг грамматик хусусиятини изоҳловчи, лекин бевосита гап таркибида ифода топмайдиган воситалар (масалан, интонация). Кейинги боскичда сегмент морфемалар ҳам бир неча турларга ажраладилар:

1) алоҳида сўз билан боғлиқ бўлган морфемалар (аффикслар);

2) алоҳида сўз билан боғлиқ бўлмаган морфемалар (предлог, послелог, боғловчи, юклама кабилар).

Турли гурухларга оид морфемаларнинг трансформация амалларининг бажарилишидаги ўрни ва роли мос келмайди. Шу сабабли уларнинг барчаси ҳам бир хилда трансформация синтези амаллари талабларига жавоб бера олмайдилар. Гапларнинг трансформалари муқобиллигини факатгина шакл ясовчи морфемалар таъминлайди, сўз ясовчилар эса бу қобилиятга эга эмас, деган фикр ҳам мавжуд (Исаченко 1963: 67-68). Лекин бу қоидадан чекиниш ҳоллари ҳам йўқ эмас: *У ҳаяжонланмоқда – У ҳаяжонда; Менинг дўстим санъатга қизиқади – Менинг дўстимнинг санъатга қизиқиши кучли.*

Бизнингча, трансформацион амаллар доирасидан сўз ясовчи морфемаларни тўлигича чиқариб ташлаш мумкин эмас. Бу синтаксис ва сўз ясаш тизимлари ўргасидаги боғлиқликни йўқотишга олиб келиши муқаррар. Турли грамматик морфемалар ўзгариши трансформаларнинг ҳар хилда бўлишига олиб келиши ҳақида гапирсак, маъқулроқ бўлар эди.

Лугавий бирликларнинг трансформация шаклларига таъсири генератив грамматикада бирмунча батафсил ва муҳтасар ёритилган. Ушбу грамматиканинг асосий ютуқларидан бири синтаксисни аниқ тизим сифатида тасаввур қилиш ва унинг бирликларини ўзаро муносабатда бўлган воқелик кўринишида ёритиш имкониятини исботлаб берганлигидадир.

Аммо ушбуни қайд этиш билан биргаликда, трансформация методини ҳар кандай нуқсондан холи усул сифатида тарғиб қилиш истагида эмасмиз. Аксинча, унинг амалиётда қўлланишида учрайдиган кўплаб тўсиклар ушбу метод ўз илмий моҳиятини

хануз тўлиқ топмаганлигидан гувоҳлик беради. Энг хавфлиси, трансформация амаллари айрим ҳолларда тажриба субъекти – тадқиқотчининг шахсий нуқтаи назари, танловдаги ихтиёрийлик доирасидан тўлиқ чиқа олгани йўқ.

3.7. МАТЕМАТИК ТИЛШУНОСЛИК

«Математик тилшунослик» - тил ҳақидаги фаннинг тўла хуқуқли соҳасидир, бу тушунча эндиликда барчага таниш ва унинг кўлланиш доираси «қиёсий тилшунослик» тушунчасидан кам эмас. Бунинг исботини биз математик тилшуносликнинг олий ўкув юртлари учун тасдиқланган намунавий ўкув режаларига мажбурий фан сифатида киритилишида ҳам кўришимиз мумкин.

Техника ва ахборот технологиясининг хозирги ривожланиш даврида фан тараққиёти учун математиканинг аҳамияти чексизdir. Шу сабабли барча фанларнинг ривожини математика ривожи билан боғлашмоқда ва математик асосга эга бўлмаган тадқиқотлар хulosаларининг гумонли эканлиги қайд қилинмоқда.

Айримлар математикани «фанларнинг қироличаси» сифатида таърифлашади. Ҳақиқатда эса «фанлар қироличаси» фалсафадир, математика унга тобе, зеро, математик назариялар фалсафадан (аникрофи – мантиқдан) ўзлаштирилган.

Тилшуносликка математик таҳлил усууларини тадбиқ килишининг ашаддий тарафдорлари структуралистлардир. Ҳатто уларнинг фикрича, структурализмнинг “туғилиши” сабабчиси ҳам математикадир. Буни биз структур тилшунослик ҳақидаги кўлланма муаллифи Ю.Д. Апресяннинг кўйидаги қайдидан аниқ кўришимиз мумкин: “... ҳар бир эмпирик фаннинг асосий вазифаларидан бири кўлланишдаги тушунчаларни ўз ўтмишидаги бўлган фанга оид тушунчаларга мослаштиришдир... структур тилшуносликнинг ўтмишидаги фан – математика” (Апресян 1966:38).

Математик тушунча ва амаллар тилшуносликка оид тадқиқотларда XIX аср ўрталариданоқ, яъни структурализм пайдо бўлишидан бирмунча олдин тадбиқ килина бошланган. Математиканинг бошқа фан соҳаларига тадбиқи кутилган самара бериши айнан ўша пайтларда ўз исботини топган.

Статистик усулнинг лингвистик тадқиқотлардаги аҳамияти барчага маълум. Унинг ёрдамида лисоний бирликларнинг қўлланиш коэффициенти, яъни нутқий (ёзма ва оғзаки) фаоллик даражаси аниқланади. Статистик таҳлил натижаларидан амалий мақсадларда, масалан, ёзма ёдгорликлар сирларини очища, криминалистикада (номаълум муаллифни аниқлашда), лугатлар тузишда, стилистик таҳлилда ва бошқа соҳаларда фойдаланилади.

Статистик таҳлил, сўз шакллари ва гаплар курилишининг аналитик қолилларини тузиш бир тилдан иккинчи тилга машина (автоматли) таржиманинг математик асосини яратиш имконини беради. Ҳозирги кунда турли хил таржима автоматлари пайдо бўлган ва ҳар бир шахс улардан фойдаланиш имконига эга. Аммо бу турдаги машиналарнинг қобилияти анчагина чекланганлигини ҳам унутмаслик лозим, уларнинг “тиши” фақатгина содда, унчалик мураккаб бўлмаган матнларга “үтади”.Faқатгина автоматик лугатларнинг (масалан Японияда кенг кўламдаги қўлланишда бўлган иероглифлар лугати) имкон даражаси анчагина кенг.

Математик методларни (баъзан уларни “аниқ” ёки “жиддий” методлар деб ҳам аташади) тилшуносликка тадбиқ этиш тарафдорлари тил тизимида товуш, сўз, морфема каби қийматлар (катталиклар) мавжуд ва уларни микдоран таҳлил қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бироқ ушбу қийматларнинг ўзаро нисбати математик хусусиятга эга бўлмаса керак ва шу сабабли бу нисбатни математик ишоралар воситасида ифодалаш қийин масала. Масалан, “нотинчликда” сўз формасини морфемалар йифиндисидан (но+тин+ч+лик+да=нотинчликда) иборат деб ҳисобласак, морфемаларни рамзий белгилар билан алмаштириш мумкин: но-(префикс) – п; тин – (ўзак) – ў; -ч -(суффикс) – с; лик – (суффикс) – с; -да – (флектив қўшимча) – ф; унда куйидаги тенглама хосил бўлади: п+ў+с+с+ф. Лекин бундай тузилмани математик формула сифатида талқин қилиш мушкул, чунки бу ерда математик ўзгариш амалларини (қўшилаётганлар ўрнини алмаштириш, бир қиймат ўрнига иккинчисини қўйиш, қавсдан чиқариш кабилар) бажариб бўлмайди. Демак морфемаларнинг ўзаро муносабати бутунлай бошқачадир.

Математика, биология, физика каби аниқ фанларга хос метод ва усулларни тўғридан-тўғри лисоний таҳлил доирасига

кўчириш методологик жиҳатдан нотўғридир. Бу йўсиндаги уринишни, масалан, математик глоттохронология методи қўлланишида кўришимиз мумкин. Ушбу метод тарафдорларининг фикрича, тил лугат бойлигининг янгиланиши маълум вақт даврийлигига маълум фоизда юзага келади. Шунга биноан икки қариндош тилнинг бир-биридан ажралиш даврини ёки умуман тилнинг бир тараққиёт ҳолатининг иккинчисига ўтиш вақтини аниқлаш мумкин эмиш.

Биринчисида қўйидаги формула таклиф қилинади: $d = \log c - 2 \log r$ (ажралиш пайти сақланган лугавий бирликлар фоизи логарифмини сақланиш коэффициенти логарифмига икки ҳисса кўпайтиришига тенг).

Иккинчи формула: $\log r = \log t + (1000 \text{ йил давомида сақланиш коэффициенти логарифми лугатлар ўртасида мослик фоизининг логарифмига тенг. Бунда лугатлар мослиги фоизи элемент хосил бўлгандан буён ўтган давр миқдорига тақсимланади). Масалан, археологик қазишлар жараёнида топилган кўмир таркибига асосланиб, ёнгин бўлиб ўтган вақтни аниқлашади. Лекин, лисон – ижтимоий ҳодиса, унинг тараққиёти «ўлик» дунё мавжудотларидан тубдан фарқ қиласи. Тил лугат таркиби қисқа муддатда катта ўзгаришларни бошдан кечириб, кескин янгиланиши ҳеч гап эмас. (масалан, XI асрда норманлар истилоси натижасида инглиз тили лугат таркибининг қарийб ярмини роман ўзагидаги сўзлар ташкил қила бошлади. Худди шунингдек, мустакиллик даврида ўзбек тили лугати янги атамалар хисобидан кескин бойиб бормоқда). Шунинг билан биргаликда, айрим тиллар лугат бойлиги асрлар давомида сезиларли даражада ўзгармасдан қолиши мумкин (масалан, литва тилида бу ҳодиса кузатилган). Бундан ташқари, тилларнинг ажралиш даврига оид ёзма ёдгорликлар бўлмаса (ёки улар кам миқдорда сақланган бўлса), ушбу тиллар лугат таркибини тўлиғича аниқлашнинг имкони йўқ. Демак, математик глоттохронология методининг қўлланиши ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди.$

Аммо глоттохронология методининг камчиликларини кўриб, уни бутунлай унтиш лозим деган хулоса пайдо булиши асло мумкин эмас. Лисоний таҳлилда математик амаллардан фойдаланиш имкониятлари кўп ва тилшуносликнинг «аниқ» фанлар билан бирга ривожланиши, ўз муаммолари ечимини

топишда аниқ фанларга хос методлардан самарали фойдаланиш имконига эга эканлигининг аллақачон гувохи бўлганмиз.

Куйида айрим лисоний ходисалар таҳлилида математик усуллардан фойдаланиш имкониятларини батафсилоқ ёритишга ҳаракат қиласиз.

3.7.1. Гап тузилиши формуласи

Анъанавий грамматикада гап тузилишининг асоси эга-кесим бирикувчи сифатида талқин қилинади. «Х ухляяпти» туридаги гапларда X – эга, «ухляяпти» - кесим ҳисобланса, «Х Yни кураяпти» туридаги гапларда эса X – эга, Y – кесимнинг кенгайиши. Бундай талқинда келтирилган гап формулалари бир ўринли ёки бир аргументли вазифага эга.

Мантиқий таҳлилда «эга-кесим» ёки бир ўринли структурага эга бўлган гаплар («Аҳмад ухляяпти») $f(x)$ формуласида ифодаланади, яъни f – «ухляяпти» мазмунини ифодаласа, X нинг мазмуни «Аҳмад» аргументидир.

Худди шундай формула «Аҳмад Тошматни кўраяпти» гапига ҳам мос келади: f нинг мазмуни кенгайтирилган кесим «Тошматни кўраяпти», ўзгарувчан қиймат X эса «Аҳмад» аргументини ифодалайди.

Бундай талқинда тушум келишиги шакли «Тошматни» «кўраяпти» кесимининг кенгайиши натижасидир ва «Тошматни кўраяпти» тузилмаси «Аҳмад» аргументининг мураккаблашган вазифасидир.

Баён қилаётган таҳлил услуги генератив грамматика йўналишидаги тадқиқотларда қўлланиладиган усулларга мос келади. Н. Хомский (1973) таклиф қилган гап тузилишининг генератив шакли ҳам «эга-кесим» схемасига мосдир. Н.Хомскийнинг фикрича, ҳар қандай гап тузилиши негизида $S = (V, D)$ схемаси ётади: S (sentence) – таянч рамз; V – терминал бўлаклар рамзи; D – ҳосил қилиш қоидалари.

Н. Хомский (1962 : 430 – 331) «Одам тўпни тепди» туридаги гапларнинг беш таянч рамздан ҳосил бўлишини куйидаги формула мисолида изоҳлайди:

1. $S \rightarrow NP+VP$ (NP – эга гурухи, VP – кесим гурухи).
2. $NP \rightarrow N$ (от).

3. N → одам.
4. NP → феъл + N.
5. Феъл – «тепди».
6. N –тўп(ни).

Ушбу гапнинг ҳосил бўлиш жараёни келтирилган қоидаларнинг кетма-кет намоён бўлиши билан боғлик:

1. S → NP+VP
2. N + VP.
3. Одам + VP.
4. Одам + феъл.
5. Одам + N + тепди.
6. Одам + тўп + тепди, яъни «Одам тўпни тепди».

Бу кўринишдаги тавсифда гап структурасининг барча бўлаклари эга гурухининг ёки кесим гурухининг таркибига кирадилар.

Генератив грамматикада ҳам (анъанавий грамматикада бўлганидек) гап бир аргументли функция сифатида талқин қилинади: эга гурухи аргумент, кесим гурухи эса бу аргументдан юзага келадиган вазифадир. Айтиш жоизки, замонавий мантиқда кўп аргументли функциялар ҳам мавжудлиги эътироф этилади.

«Аҳмад ухляяпти» гапи $f(x)$ икки аргументли тузилмадир ва бу ерда f функциясининг мазмунида ҳолат (state) ишораси бор. Ўзгарувчан қийматли f нинг вазифаси X «Аҳмад» аргументи мазмунини ҳам қамраб олади. Шунингдек, «Аҳмад Тошматни кўраяпти» гапи ҳам икки аргументли $f(x,y)$ вазифани ифодалайди. Бу ерда f функциясининг мазмуни «кўраяпти» ҳамда ўзгарувчан қийматлар x ва у ларнинг аргументлари – «Аҳмад» ва «Тошматни» ягона қолипни ташкил қилишади.

Кўп аргументли функцияни ифодаловчи гаплар ($n > 1$) муносабатлар тизими сифатида каралади. «Муносабатлар тизими» тушунчасини кўллашни А. Тарски (1951: 548-588) таклиф қилган.

Ушбу тизим $S = (A, P)$ кўринишдаги чекли кетма-кетлик (давомийликдир) ва бу ерда A – тизими P – тизимдаги элементларнинг у ёки бу муносабатларининг ифодасидир.

Муносабатлар тизимида эга бўлган ҳар қандай гапнинг умумий формуласи $S = (A, P, n, V, \phi, D)$: S – гап, A – алоҳида муносабатлар асосида боғланган предикатлар умумлашмаси ёки алоҳида функцияning аргументлари тўплами; P – предметларни

боғловчи муносабатлар; n – предикатли предметлар (аргументлар)нинг лисоний ифодаси; ϕ – предикатли предметларни ёки улар ўртасидаги муносабатларни лисоний ифодалашда фойдаланиладиган грамматик шакллар; D - юқорида айтилган лисоний ифода турларини аниқловчи қоидалар.

Икки ўринли муносабатнинг биринчи предметини «референт» деб аташса, иккинчисига эса «релят» атамасини беришади.

Г. Райхенбахнинг (1948) фикрича, бир ўринли бўлмаган муносабатни бир аргументли функция шаклида тасаввур қилиш кейинги предметнинг мураккаб функцияга сингдирилиши натижасидир. Бу ҳолда иккинчи аргумент яширин ифодага эга. Олим айтилган бир ўринли функция ифодасини қўйидаги формулада кўрсатади:

$$q(x) = f(x, y_1)$$

Бу ерда y_1 - $q(x)$ функциясининг яширин аргументидир.

Лекин Г.Райхенбах томонидан келтирилган гапни («Х Вильямнинг ўғли») икки ўринли функциянинг ифодаси сифатида талқин қилган маъқулроқ.

Биринчидан, гап структурасининг бу йўсингидаги талқини икки аргумент ўртасидаги муносабатни конверсив (тескари, биридан бирига кўчувчи) муносабат деб ҳисоблаш имконини беради. Конверсив муносабатлар саноқ бошига эга бўлганда юзага келади. Масалан, x ва y ўртасидаги муносабат « x у дан баланд» ёки « x у нинг ўғли» ифодаларида тўғри, деб ҳисобланса, « x у дан паст» ёки « x у нинг отаси» ифодаларида тескари, конверсивдир.

Муносабатларнинг конверсивлиги тушунчаси «катта-кичик» ифодасини бир бутунликка боғлаш имконини беради: « x у дан катта» ва « x у х дан кичик». Худди шунингдек «ақллироқ – ахмокроқ»: « x у дан ақллироқ» ва « x у дан ахмокроқ»; «яхшироқ - ёмон»: « X у дан яхшироқ» ва « x у дан ёмон».

Ҳар қандай гап эга-кесим тузилишидаги структура сифатида талқин қилинишида иккинчи предметни фақатгина кесимнинг кенгайтирилиши қўринишида тасаввур қилиш мумкин. Лекин бу ҳолда эга ва тўлдирувчини ягона бир муносабатдаги бўлаклар сифатида қараб бўлмайди.

Иккинчидан, гап структурасини муносабатлар тизими сифатида талқин қилиш икки предмет (аргумент) ўртасидаги

муносабатнинг симметрик ва носимметрик турларини фарқлаш имконини беради.

Агарда икки аргумент ўртасидаги муносабат симметрик бўлса, унда икки ўринли функциянинг ифодаси тўғри ва тескари йўналишда ўзгармасдан қолади. Масалан, «*х* у нинг акаси» ва «*у* *х* нинг акаси» тузилмаларида *х*, *у* эркак жинсидаги шахслар маъносини олади.

Икки аргумент ўртасидаги муносабат носимметрик бўлган тақдирда тўғри муносабатнинг ифода усули ўзгаради. Масалан, «*х* у нинг ўғли» тузилмасида *х* нинг *у* га муносабати лисоний ифодаси «*ўғли (дир)*». Бу тузилманинг конверсияси «*у* *х* нинг отаси» гапи билан ифодаланади ва бу ҳолда *у* нинг *х* га муносабати «отаси(дир)» шаклида ифода топади.

Уч ўринли муносабатни ифодаловчи гаплар *b* хилдаги тузилишга эга бўлишлари мумкин. Масалан гап *a*, *b*, *c* предметлари ўртасидаги муносабатни ифодалайди десақ, унда биргина $R(a,b,c)$ уч ўринли муносабат доирасида 3 бинар (жуфтлик) фарқлари муносабати юзага келади: $a b(r) - b c(r)$. Бу уч жуфтлик муносабатлари биргина уч ўринли муносабат $R(a,b,c)$ нинг олтига вариантини тузиш имконини беради.

Учала предикатли предметнинг ҳар бири ҳам таянч бўлиши мумкин; бу эса биргина муносабатнинг уч вариантдаги тузилишини яратади. Ҳар бир бинар гурух муносабатлар конверсияси имкониятига эга. Бу эса яна уч вариантни хосил қиласди. Қуйидаги муносабатлар эса муҳокама қилинаётган ҳодисанинг амалда тўрт вариантли бўлиши мумкинлигидан далолат беради:

- 1.1. $ab - ac - ac$. Автомат чойни қадоқларга жойлайди.
- 1.2. $ba - bc - ac$. Чойни автомат қадоқлайди.
- 2.1. $ac - ab - cb$. Автомат чойни қадоқлайди.
- 2.2. $ca - cb - ab$. Чой автомат (томонидан) қадоқланади.

Ушбу тузилмаларга уч ўринли муносабатларни ифодаловчи гап турлари мос келади.

3.7.2. Гапларнинг нормативлик ёки псевдонормативлик жиҳатидан таҳлили

Мантиқий ва лисоний семантика одатда қарама-қарши кўйилса ҳам, уларнинг ўзаро яқинлиги инкор қилинмайди. Лекин ушбу яқинлик икки кўринишда бўлади. Бир томондан, лисоний семантика, худди тишлиносликнинг барча соҳаларида гидек, тадқиқни формаллаштиришга кўпроқ интилади ва шу сабабли замонавий мантиқнинг формал усулларига мурожаат қиласи. Бошқа томондан, мантиқшунослар тилни тафаккур фаолиятининг воқёланиси сифатида талқин қилаётуб, дескриптив (тавсифий) гаплар билан чекланиб қолмасдан, бошқа турдаги хукмларга ҳам мурожаат қилишмоқда. Албатта, улар асосан табиий тил материалидан фойдаланишмоқда.

Лекин бу жараёнда айрим муҳим тўсиқларнинг пайдо бўлиши муқаррар. Сунъий тиллар, ифода усул ва воситаларининг аниқлиги билан ажралиб туради (шу сабабли улардан компьютер дастурларида фойдаланиладилар). Сунъий тилларнинг энг асосий камчилиги улар табиий тил каби бой ифода воситаларга эга эмас ва турли варианtlарга мослаша олиш каби хусусиятлар ҳам уларга хос эмас. Мантиқшунослар бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида кўп тармокли, имкониятлари кенгроқ сунъий тил яратиш умидидадирлар ва бу тилни хосил бўладиган нутқий тузилмалар миқдори жиҳатидан имкон борича табиий тилга яқинлаштиришни режалаштирганлар.

Қоидаларга келсақ, улар нормани жорий қилиш воситасидир ва бу қоидалар ўзига хос «келишув» натижасидир. Булар қаторига, масалан, жиноий кодекс қоидалари ва шахмат ўйини қоидалари ҳам киради. Аммо биринчиси бузилганда, жазо санкцияси кўлланилса, иккинчисида ҳеч қандай жазо назарда тутилмайди.

Ўз-ўзини тутиш муомала нормасини олиб кўрайлик. Бу турдаги нормани ифодаловчи гапнинг генератив қолипи қўйидагича:

xRa

Бу ерда x – норма субъекти, яъни алохидат шахс, шахслар груп, ижтимоий груп кабиларни ифодаловчи от ёки олмош; R – «албатта», «ижозат бераман», «тақиқлайман» каби сўзлар ёки

уларнинг синонимлари воситасида ифодаланадиган модель оператор; а – маълум бир харакат, хусусият ва ҳолат.

Бу келтирилган формула нормадаги гап учун асосийдир ва у таркибан турли кванторлар, актуализаторлар (фаоллаштирувчилар) хисобидан бойиши мумкин. Масалан, бу ўринни норма фаоллашадиган турли вазиятларни тавсифловчи тўлдирувчи эргаш гаплар эгаллади.

«Эртага ёмғир ёғиши керак» ва «У менга пулни қайтариши керак» қабилидаги гаплар қиёслангандан, уларнинг «алдамчи» нормативлик хусусиятларини кўрамиз. Биринчисида норма субъекти, яъни инсонга ишора йўқ, иккинчисида эса – норманинг мазмуни, яъни норма кўрсатмаси бўлган харакат ёки ҳолатга ишорани кўрмаймиз. (Лекин «У менга 10 сўм қайтариши керак» туридаги гаплар норма жиҳатидан тўлиқдир).

Деонтик мантиқда бир норматив операторни иккинчиси билан алмаштириш имкониятини берадиган тенг ҳукуқли бирликлар ажратилади. Уларни O (obligatory – «мажбурий»), P (permitted – «ижозат берилган»), F(fotbidden – «тақиқланган») ва N (not – «йўқ») сифатида белгилайдилар. Унда тенг ҳукуқлиликни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned}O_p &= NPN_p, \\P_p &= NF_p, \\F_p &= ON_p, \\F_p &= NP_p, \\O_p &= FN_p, \\P_p &= NON_p.\end{aligned}$$

Ушбу формулалар деонтик операторларнинг синонимик қатори кўринишини олиши мумкин: «тъқиқланган..» = «ижозат берилмаган» = «бажарилмаслиги шарт» кабилар.

Кўпгина баҳсли ҳолларда нормадаги гапларни аниқлаш мезони бир деонтик операторни маъноси мос келадиган бошқаси билан алмаштириш асосида бажариладиган трансформа харакатларининг маъқул келишидир. Масалан, «Сизда мантиқ дарслиги бўлиши керак» гапини таҳлил қилиб кўрайлик. Ушбу гап қайси матнда хосил бўлишига нисбатан нормага мос келиши ёки мос келмаслигини кўрамиз. Қиёсланг: 1) «Сизда мантиқ дарслиги бўлиши керак (чунки буни ўқитувчи талаб қиласди)»; 2) «Сизда мантиқ дарслиги бўлиши керак (чунки мен бу китобни сизнинг

хонангизда кўрдим)». Ушбу гапларнинг норма операторини унга тенг жумлагша алмаштириш йўли билан ўзгартирасак «Сизда мантиқ дарслигининг бўлиши таъқиқланмаган» тузилмаси ҳосил бўлади. Унда биринчи гапнинг мазмуни ўзгармайди ва у нормага мос гап деб хисобланади, иккинчиси эса ўз мазмунини йўқотади, чунки у норма талабига мос келмас эди.

Бу усул нормадаги гапларни субъектив ишонч мазмунидаги нормадан ташқари гаплардан фарқлаш имконини беради: «Сиз ўша ерда бир соатдан сўнг бўлишингиз керак», яъни: «Сиз ўша ерга бир соатдан сўнг етиб бора оласиз (етиб борасиз)».

3.7.3. Гап синтагматикасининг таҳлили

Синтагматик гурухлар нафақат сўз шакларини, балки синтактик ва вазифавий жиҳатдан бириккан сўз ва моҳиятига эга бўлган бўлакларини ҳам қамраб олади. Масалан, юкори босқичлардаги гурухларга оддий гап бўлакларидан ташқари ушбу гап бўлаклари вазифасини ўтовчи синтактик курилмалар ҳам кирадилар. Булар, масалан, сифатдош ва равишдош бирикмалари, эргаш гаплардир.

Юкори босқичдаги синфлардан тузилган моделлар парадигматик синфлар моделларидан оддийроқ, чунки биринчилари фақатгина синтактик тузилишни акс эттирадилар. Агарда, масалан, атрибутив синтагмаларда аниқловчи - Σ суперсинфига, аниқланмиш эса N суперсинфига кирса, унда ҳар қандай атрибутив тузилма бир структурада ифода топиши мумкин:

$$\sum N$$

Синтагматик синфларга нафақат оддий гаплар тузилишини тавсифлашда, балки бошқа предикатив хусусиятдаги мураккаб синтактик тузилмаларнинг моделини ажратиш мақсадида ҳам мурожаат қилишга тўғри келади, шу сабабли у ёки бу моделни тўлдирувчи суперсинфлар қатъий табакали даражаларга эга бўладилар.

Энг йирик синтактик тузилмалар модели биринчи даражали суперсинфлардан иборат бўлади. Уларнинг таҳлили натижасида биз иккинчи даражали суперсинфларни (яъни мураккаб синтактик тузилмаларни) ажратамиз ва кейинги синфлар таҳлили учинчи

даражадагиларини ажратиш имконини беради. Бу йўсиндаги таҳлил фақатгина парадигматик синфлардан иборат бўлган энг кичик тузилмалар ажратилганига қадар давом этаверади.

Айтилгандарни изоҳловчи мисолни келтирамиз. Қуйидаги матн берилган:

Кичкина бола китоб ўқияпти.

У хузур билан сахифаларни вараклаяпти.

Бу бола тез ўқийди.

Боланинг онаси у билан фахрланади.

Синтактик бирликлар тўпламининг 1 – даражадаги суперсинфларда акс этиши келтирилган мисоллар намунаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{array}{cccc} \Sigma & \Delta & \Psi & \Theta \\ \Delta & \Omega & \Psi & \Theta \\ \Sigma & \Delta & \Omega & \Theta \\ \Sigma & \Delta & \Omega & \Theta \end{array}$$


Бу ерда Δ - алоҳида гапнинг эгаси; Θ - кесим; Σ - суперсинф Δ билан мослашган аниқловчи; Ψ – суперсинф Θ нинг тўлдирувчиси; Ω - суперсинф Θ билан боғланган хол.

Эквивалентлик жиҳатидан мос келадиган суперсинфларни қатор кўйиб ва бўлакларнинг ихтиёрий эканлитини эътиборга олган ҳолда гапнинг қуйидаги моделини ҳосил қиласиз:

$$\boxed{(\Sigma) \Delta \quad \Theta} \rightarrow \boxed{(\Omega) \quad \Psi \quad \Theta} \quad | \quad \Omega$$

Ушбу модел жуда оддий. Асл матнларда мураккаброқ гаплар учрайди ва уларнинг модели анча мураккаб бўлиши табиий. Бинобарин, бадиий матндан олинган гаплар модели қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

$$(\Sigma) \quad \left(\begin{array}{c} \Delta \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot C) \end{array} \right) \quad \left(\begin{array}{c} \Xi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot C) \\ \Sigma \end{array} \right)$$



Бу матнда юкори доиранинг таркиби – эга гурухидир, пастдагисиники – кесим гурухи. Юқори доирасидан пастга кўрсатгич эга гурухининг кесим гурухидан олдинги ўринни эгаллашига ишора. II-даражадаги суперсинф I-даражадагига эргашади.

I-моделдаги эга ва тўлдирувчи от (N) ёки олмош (P_r) ва шунга нисбатан модел яна қайта изоҳ олади:

$$\Delta = \frac{N}{P_r}; \Psi = \frac{N}{P_r}.$$

Эганинг аниқловчиси сифат (a) ёки равиш (b) воситасида ифодаланади: $\sum = \frac{a}{b}$

Хол равиш ёки предметли от билан ифодаланади:

$$\Omega = \frac{B}{C \cdot B}$$

Мураккаб моделларни ҳам шу йўсинда тавсифлаш имконияти бор.

3.7.4. Тўплам назариясининг лисоний ҳодисалар тахлилига тадбиқ этилиши

Тилшуносликда тўплам назарияси ёрдамида грамматик тавсиф ва таснифларни асослаш мумкин ҳамда шу усул

воситасида грамматик тизимларни тиллароро қиёслаш имконияти кучаяди. Аммо ушбу назариядан нутқий бирималарнинг грамматик меъёрлар таъбига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаб бўлмайди, чунки тўплам назарияси аксиомаларига таяниб (тажрибавий) хуросалар чиқариш қийин масаладир. Бундан ташқари, тўплам назариясида грамматик тизим акс топувчи лисоний ҳодисаларни кашф этиш имконига эга бўлган амаллар кам. Аммо шунинг билан бир қаторда, ушбу назария формал тизимнинг энг умумий хусусиятларини аниқ тасвирлаш, ёритиш мақсадида бажариладиган тадқиқотлар учун методик асос бўлади.

Тўплам назарияси амаллари таърифлари, тавсифлари куйидагилардир:

Тўғри чизикларнинг кесишиш нуқтаси $x \cap y = \{z : z \in x \text{ ва } x \in z\}$; бу x ва y учун умумий бўлган элементлар тўпламини шакллантиради.

Бирикuv $x' + y' = \{z' : z \in x' \text{ ёки } z' \in y'\}$; бу иккала тўпламда ҳам мавжуд бўлган элементлар бирикувни (тўпламини) шакллантиради.

Айрим $x < y = \{z' : z \in x' \text{, лекин } z' \notin y'\}$; у фақатгина биринчи тўпламда мавжуд бўлган элементлар тўпламини шакллантиради.

Айриш ҳолларда киритма муносабати \subseteq га ҳам мурожаат қилинади: $x \leq y$, фақатгина агар $x \cap y = x$ бўлса, «муносабат» ва «вазифа» тушунчалар тўплами назарияси учун мухимдир ва бу тушунчаларни изохлаш мақсадида «тартиблашган жуфтлик» тушунчасига мурожаат қилинади: $\langle x, y \rangle = \{x, y\}$.

Навбатдаги таъриф Γ тескари Γ – муносабатни беради:

$\Gamma \Rightarrow \{ \langle z, y \rangle : \langle y, z \rangle \in \Gamma \}.$

x тўпламининг Γ га нисбатан образи жуфтликлар иккинчи элементларининг тўпламидир, ушбу жуфтларнинг биринчи элементи x га тегишли:

$\Gamma' x = \{z : \text{кандайдир } y \text{ учун, } y \in x \text{ ва } \langle y, z \rangle \in \Gamma\}.$

Лингвистик таҳлил учун зарур бўлган “кетма-кетлик” тушунчалик лисоний элементларни 1, 2, 3, ..., a тўлиқ сонларга қиёсловчи функция сифатида талқин қиласади.

Лисоний тадқиқотларда тўплам назариясига оид бўлмаган айрим маҳсус амалларнинг тадбиқ қилиниши ҳам етарли самара

бериши мумкин. Масалан: Конкатенация $x' \wedge y' = x + 1 \{ <\beta, u > : <\beta - (x) \text{ узунлиги}, u \in y \}.$

Интерконкатенация $x \cdot y = \{ u \cap v : u \in x, v \in y \}$

Масалан: $\{ \text{bet}, \text{det}, \text{pet} \} \cdot \{ -s, \text{ed} \} = \{ \text{bets}, \text{dets}, \text{pets}, \text{beted}, \text{deted}, \text{peted} \};$ бу амалга одатдаги күпайтириш амалининг күргина хусусиятлари хосдир.

Даражага күтариш: $x^0 = 1$

Хар бир $a \geq 0$ учун $x^{a+1} = (x^a \cdot x) + x^a.$

Бу амал узунликнинг барча кетма-кетликлари тўпламини ташкил қиласи ва бу тўплам x^∞ тўпламдаги элементлардан бўлган a дан катта эмас;

$$(t,e)^2 = \{0, t, e, tt, te, et, ee\}.$$

Тилнинг тўплам назариясига асосланган таърифларидан бири куйидагича:

L тўплами x^∞ га нисбатан тилдир, фақатгина ва фақатгина агар $L \leq x^\infty$ бўлса.

Тил тизимининг асосини грамматика ташкил қиласи. Агарда Γ асл математик тавсиф бўлса, ΓL нинг грамматикаси бўлади.

Хар қандай грамматика ягона бир таърифга эга бўлишига қарамасдан, амалда у таърифлар қаторига эга бўлади ва улардан биринчиси содда бўлмаган элементларни тавсифлайди, кейингисида эса содда ва содда бўлмаган таърифлардан бир хилда фойдаланилади.

Юкорида айтилганларга асосланиб, грамматик қурилиш намуналарини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидаги The moss covers the cliff «Кояни моҳ (пўпанак) қоплаган», Some bog surrounds the cliff «Кояни ботқоқлик ўраган» сода гапларини тузиш учун уч от, иккита феъл ва иккита детерминатив (артикль -the ва олмош – some) лугавий бирликлари етарли.

Икки муқобил грамматика намуналарини келтирамиз:

- | | | |
|---|---|---------------------------------|
| 1 | $S = \{ \text{klif}, m \text{ } \mathbf{\Theta} \text{ } s, b \text{ } \mathbf{\Theta} \text{ } g \}$ | (1)-(4) Худди 1 – грамматикадек |
| 2 | $D = \{ \ddot{\theta}\text{ə}, s\ddot{\text{e}}\text{m} \}$ | (5) $L_1 = Q \cdot V \cdot Q$ |
| 3 | $Q = D \cdot S$ | |
| 4 | $V = \{ k\ddot{\text{e}}v\ddot{\text{e}}z, s\ddot{\text{e}}raundz \}$ | |

$$5 \quad U = V \cdot Q$$

$$6 \quad L_1 = Q \cdot U$$

Албатта 2 – грамматика оддийроқ, аммо унда и кесим гурухининг аниқ тавсифи йўқ. Иккала грамматика ҳам 72 кўринишдаги гап ясаш имкониятини берувчи L_1 га асосланади.

Агарда гапларнинг турли ўринларига равиш билан ифодаланган бўлакларнинг киритилишини эътиборга олсак (3 – 4 грамматикалар), унда қўйидаги кўринишдаги грамматикани тузиш мақсадга мувофик:

5 – грамматика

(1) – (4) Худди 1 ва 2 – грамматикалардагидек

(5) $A = \{nau, olredI\}$

(6) $L_3 = A^1 \cdot Q \cdot A^1 \cdot V \cdot Q \cdot A^1$

Киритилган равиши бўлакларининг ихтиёрийлиги A^1 нинг таркибида бўш тўпламнинг элементлари мавжудлигига кўринади.

Гап таркибида сифатлар кўп миқдорда қўлланилиши мумкинлиги инобатга олинса, қўйидаги кўринишдаги грамматикалар ҳосил бўлади:

6 – грамматика

1) $S = \{klif, m \Theta s, b \Theta g\}$

2) $A = \{ould, gri:n\}$

3) $D = \{\delta\theta, \infty sem\}$

4) $Q = D \cdot A \cdot S$

5) $V = \{k\Delta v\theta, s\theta r a u n d z\}$

6) $L_4 = Q \cdot V \cdot Q$

7 – грамматика

(1)-(3) худди 6-грамматикадек

(4) $Q = D \cdot A^6 \cdot S$

(5)-(6) худди 6-грамматикадек, лекин L_4 L_5 билан алмашинади

7 – грамматика эса мумкин бўлган такрорларни чегаралайди.

Бундан ташқари, грамматик моделларда «узук» бўлакларни қайд этиш имконияти ҳам йўқ эмас. Масалан, инглиз тилидаги мослашувчи феъллар cover up «тўлиқ қопламоқ», cool off «тўлиқ советмоқ» кабилар қўйидаги муносабатда тасаввур қилинади;

$V = \{<k\Delta v\theta, \theta p>, <kul, ^f f>\}.$

Шундан сўнг ёрдамчи амал бажарилади:

$r/x = \{y^w z : <y, z> r \text{ ва } w \in X\}$

Бу ерда г муносабатни билдиради. Юқорида аниқланган V да ва the cliff нинг давом қилишига тенг x да, v/x cover the cliff up, cool the cliff off каби тузилмалар ҳосил бўлади.

8-грамматикада г/x амалидан фойдаланилади:

(1) – (3) Худди 1-грамматикадагидек

(4) $V = \{<k^vəz, əp>, kulz, of\}$

(5) $L_6 = Q \cdot (v/Q + Q(v/1)) \cdot Q$

Навбатдаги 9 ва 10-грамматикалар пассив (мажхул даражада) гапларнинг тузилишини акс эттиради:

9 – грамматика

(1) – (3) худди 1-

грамматикадагидек

(4) $V = \{k^vəd, s^rdundId\}$

(5) $A = Q \cdot V \cdot Q$

(6) $P = Q \cdot \{wəz\} \cdot v \cdot \{baI\} \cdot Q$

(7) $L_7 = A + P$

10 – грамматика

(1) – (5) худди 9-

грамматикадагидек

(6) $T = \{<q^v^q^1\},$

$q^1 wəz^v^bai^q : q \in Q$ ва

$q^1 \in Q$ ва $v \in V$

(7) $P = T^{CC} A$

(8) $L_7 = A + P$

Кўриниб турибиди, 9-грамматика гапнинг актив ва пассив шаклларини қиёслайди, 10- грамматика эса бу қиёсни Т муносабатни киритиш йўли билан бажаради. Бу амал лисоний ва математик мазмундаги трансформациядир.

Бинобарин, агар x the moss covered the cliff «Кояни моҳ қоплаган» гапи бўлса, унда y the cliff was covered by moss «Коя моҳ (пўпанак) билан қопланган » гапидир, демак $T(x)=y$ ва $T(y)=x$.

Келтирилган мисоллар тўплам назариясининг барча турдаги лисоний ҳодисалар таҳлили учун асос бўла олишидан хабар беради. Бу назариянинг математик таҳлилда тутган ўрни математика фанидан хабардор барча мутахассисларга маълумдир.

3.7.5. Матн яратилиш жараёни модели

Матн – мураккаб лисоний-тафаккур фаолияти маҳсулидир. Унинг яратилиш жараёнини математик моделлаштириш тилшуносликнинг замонавий соҳалари – математик ва инженер

тилшуносликнинг асосий вазифасига айланди. Бундай моделни тузишда матн таркибидаги лисоний ва нолисоний ҳодисаларни бир хилда эътиборга олиш лозим, яъни шуни унутмаслик лозимки, матн таркибидаги нолисоний ҳодисалар моделда мустақил, лисоний категориялар билан боғлиқ бўлмаган холда фаоллашув имкониятига эгадирлар. Матн яратилиш жараёнининг математик моделини таклиф қилган муаллифлардан бири А. Хёчернинг (Höcher 1995) таълимотича, матн – ижтимоий тажриба фаолиятининг бир тури ва унинг асосида константа, яъни ўзгармас элемент туради. Лекин, матн яратилиши – маълум турдаги лисоний-мантиқий жараёндир, шу сабабли унинг процессуал босқичини ҳам эътиборга олиш лозим. Олим математиканинг мавхум вақт оралиғидаги фаолият (Verlaufscharakter) эканлигини ва бу фаолият шахсларнинг маълум коммуникатив вазиятдаги муносабати бўлишини таъкидлайди. Шунинг учун ёзма матн учун нафақат графика тараққиёти (ёзув жараён), балки муаллиф, ўқувчи ҳам муҳимдир. Чунки муаллиф ва ўқувчи, худди матннинг ўзи сингари, маълум ижтимоий муҳитда мавжуд бўладилар.

Айтилганлардан келиб чиқиб, матн фаолияти иштирокчилари муносабатларини қўйидагича белгилаш мумкин: TS_1 (муаллиф), T (матн), TS_2 (ўқувчи ёки тингловчি), S_1 (ахборот узатувчи), S_2 (ахборотни қабул қилувчи):

- 1) яратувчининг муносабати (Produktionsrelation P_1):

$$P_1 - R(S_1, T);$$
- 2) мақсад (интенция) муносабати (Projectionsrelation P_2):

$$P_2 - R(TS_1^2, TS_2);$$
- 3) умумий комплекс муносабат (Komplexrelation P_3):

$$P_3 - R(TS_2, T).$$

Айни шу уч хилдаги муносабатлар матн бажарадиган коммуникатив жараённи ташкил қиласи ва бу жараён қўйидаги формулада ифода топади:

$$P_1, P_2, P_3 \rightarrow \text{матн.}$$

Жамият ва матн тушунчаларининг P_1 туридаги муносабатлар билан мустаҳкам алоқасини инобатга олиб, интенция муносабати формуласини аниқлаштириш мумкин:

$$P_2^1 - R(P_1, TS_2).$$

Демак, яратувчанлик муносабатлари матн субъекти бўлган жамият ва матн ўртасидаги оралиқ босқичдир.

Матн яратилиши ва унинг идрок (қабул) қилиниши ўртасидаги муносабат ҳам эътиборга лойиқдир. Матн T_1 яратилишида олдиндан шакллантирилган материал T_0 асос бўлади. Унда матн яратилиши формуласи: $TS_1(T_0 - T_1)$. T_1 матнини қабул қилаётган адресат ўз T_2 матнини яратади. Матнни қабул қилиш формуласи: $TS_2(T_1 \rightarrow T_2)$.

Шундай қилиб, матн яратилиши ва қабул қилиниши жараёнларининг узвийлиги ва ушбу формулаларнинг структура жиҳатидан яқинлиги таъкидланади: $T_2 T_1$ дан фарқ қиласди, демак матннинг идрок қилиниши унинг яратилиш жараёнидан нисбатан тартиблашгандиги билан фарқ қиласди.

Ушбу икки жараён учун умумий бўлган куйидаги структуравий қисмлар (амаллар) мавжуд:

- 1) Кўлланиладиган материал жамланиши (репродуктив босқич), яъни тагматнинг яратилиши;
- 2) Тагматнинг ҳайта тақсимоти ва тизимлаштирилиши босқичи;
- 3) Тагматнинг ҳақиқий матнга ўтказиш учун лозим бўлган метаматннинг пайдо бўлиши.

Хуллас, ахборотни яратиш ва узатишнинг асосий воситаси бўлган тил тизимининг таҳлили индивид ва жамоа фаолиятини, инсон тафаккур қобилиятини тадқиқ қилишнинг муҳим қисмидир (воситасидир).

Информатика тараққиёти тилшунослик ва айниқса инженер тилшунослиги фанларидан матн фаолиятини акс эттирувчи алгоритмларини яратишни талаб қилмоқда. Бу алгоритмлар жамланмаси матнлар таркибида мавжуд бўлган ахборотни тез суръатда жамлаш ва ҳайта ишлаш имконини бериши керак.

Математик моделлар қўйилган мақсад ва вазифадаги фарққа нисбатан икки турга ажратиладилар: 1) идеал (рамзий) модел, унинг мақсади лисоний ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини изчил аниқлаш ва имкон борича тилнинг олдин маълум бўлмаган хусусиятларини ажратиш; 2) ҳайта яратувчи (инженер - лингвистик) моделлар, бунда лисоний обьектларни таҳлил қилиш билан бир қаторда ҳайта яратиш муаммоси ҳам назарда тутилади.

Табиий тил белгиларини ва математик белгилар тизимини қиёслаш ҳамда уларнинг ахборот ташиш имкониятларини моделлаштириш назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш математик усулларни лисоний таҳлил шароитига тадбиқ қилишда бир қатор методологик тўсиқлар учрашидан гувоҳлик беради. Бу тўсиқларнинг мавжудлиги қўйидагилар билан боғлиқдир:

1) лисоний объектларнинг давомий аморфик ҳолати ва математик моделлаштирувчи воситаларнинг аниқлиги ўртасидаги қарама-қаршилик;

2) лисоний белгининг маъно жиҳатидан бойлиги ва математик белгилар маъносининг чегараланганлиги.

Шу сабабли ҳозирги пайтда таклиф қилинаётган математик моделларда тил тизимини тўлиғича қамраб олиш мақсади кўзланмайди, улар алоҳида олинган лисоний ҳодисалар ва улар ташкил қиласиган маълум тизимларни акс эттириш учун мўлжалланганлар.

Режалаштирилаётган мақсад ва вазифалари фарқига нисбатан лисоний структураларни математик моделлаштиришнинг икки асосий маҳсулдор йўналишини ажратиш мумкин. Булардан биринчиси математиканинг сонсиз соҳалари бўлган тўплам кабиларга асосланади ва бу йўналиш алгебраик тилшунослик номини олган (Н. Хомскийнинг генератив грамматик назарияси, С. Маркус ва И.И. Ревзинларнинг назарий-тўплам моделлари ва бошқалар). Иккинчи йўналиш эҳтимолли статистика тилшунослиги (Н.Д. Андреев, П.М. Алексеев, Р.Г. Пиоторовский С. Ризаев ва бошқалар) бўлиб, унда эҳтимоллик назарияси ва математик статистика методларидан фойдаланилади.

Статистик таҳлилнинг асосий мақсади лисоний бирликларнинг умумий тизимий характеристини, хусусиятларини ўрганишдир. Алоҳида олинган гурухлар тил тизимининг барча таркибий қисмларига хос белгиларини намоён қилиши мумкинлиги ушбу гурухларни эҳтимоллик назарияси методлари асосида таҳлил қилиш йўли билан исботланади.

4 - БОБ. АСОСИЙ ЛИНГВИСТИК КОНЦЕПЦИЯЛарнинг ШАКЛЛАНИШИ

4.1. Ҳумбольдт лингвистик ғояларининг шаклланиш тарихи

«Германиянинг энг буюк шахсларидан бири» баҳосини олган (Хрестоматия 1936: 65) Вилгельм фон Ҳумбольдт – умумий тилшунослик фанининг асосчиси. Шунингдек, у қиёсий-тарихий ва типологик таҳлил методларининг назарий асосларини ҳам яратган олимдир.

Олим ўз ҳаёти жараённида тилшунослик, адабиёт назарияси, фалсафа каби фан соҳалари бўйича илмий ишлар яратди, сиёсат ва дипломатия соҳаларида фаолият кўрсатди, Берлин университетига асос солди (ҳозирги кунда бу ўкув юрти унинг номи билан аталмоқда).

Ҳумбольдтнинг тилшуносликка оид билимлари доираси ниҳоятда кенг эди. У қатор Европа тилларидан ташқари, бошқа оиласаларга киравчи бирмунча тилларни ҳам (жумладан, баск, полинезия, Америка ҳиндуларининг тиллари) мукаммал билар эди. Бундай лисоний қобилият ва билим миқёси албатта буюк тадқиқотлар яратиш имконини беради. Натижада, Ҳумбольдт назарий тилшуносликка оид қатор муаммоларни муҳокамага қўйди, уларнинг ечимини излаш йўлларини кўрсатди ва шу йўсинда тилшунослик фанининг кейинги ривожига улкан ҳисса кўшди. Бу борада уни бутун бир тилшунослик мактаблари фаолиятига катта таъсир кўрсатган Бопп, Соссюр, Фортунатов, Бодуэн де Куртенэ каби фан дарғалари қаторига киритиш лозим бўлади.

Ҳумбольдт 1820 йилда Берлин университетида ўқиган «Тилларни турли даврлардаги ҳолатига нисбатан қиёсий ўрганиш» мавзусидаги маъruzасида ўзининг лисоний тадқиқотларга оид дастурини эълон қилди ҳамда тил хақидаги фаннинг мазмуни, тадқиқот объектини чегаралаш масаласини алоҳида таъкидлади.

Кейинги йиллар давомида Ҳумбольдт «Ҳарфли ёзув ва унинг тил тузилиши билан боғлиқлиги» (1824), «Жуфт сон ҳақида» (1827), «Инсон лисони тузилишининг турлилиги» (1827-1829) илмий ишларини яратди. У умрининг охирги йилларида Ява

оролидаги кави қабиласининг тили ҳақида уч томли рисола устида ишлади ва бу асар унинг ҳаётидан сўнг (1836-1839) нашрдан чиқди.

Афсуски, олим илмий меросининг катта қисмини ташкил киладиган кўлёзмалар тўпламини тўлигича ўрганиш тадқиқотчиларга насиб қилмаган экан. Бу эса Ҳумбольдт асарларининг академик нашрида ўз аксини топди ва XX аср бошларида чоп қилинган ўн етти томлик нашрда (W. Humboldt von/ Gesammelte Schriften. Berlin. 1903 – 1936. –Bd. 1-17) унинг кўлёзмалар архивидан тўлиқ фойдаланилмаган. Бунга сабаб биринчи жаҳон уруши бўлди, чунки кўлёзмалар турли жойларга тарқалиб кетди, катта бир қисми бутунлай йўқолди. Кейинги даврларда бу архив анча тикланди, илгари йўқолган баҳосиз кўлёзмаларнинг бир қисми топилди. Шунинг учун Ҳумбольдт илмий фаолиятини янада батафсилроқ ўрганиш масаласи долзарблашмоқда.

Бу борада, айниқса, Ҳумбольдт назариясининг исботи бўлиб хизмат қилган материалга эътибор қаратиш лозим. Ҳозиргача олимнинг аниқ тиллар материали таҳлилига асосланган илмий ишларига унчалик даражада эътибор берилгани йўқ. Ҳатто улар муаллиф асарлари академик тўпламига ҳам киритилмаган, баск тили ҳақидаги тадқиқотлардан фақатгина айрим парчалар берилган. Ҳумбольдт шахсий архивининг сақланган қисмida Америка ҳиндуларининг тиллари, Океания тиллари, санскрит, мўғул, хитой, япон ва бошқа тиллар грамматикаси ҳақидаги қарийб 50 га яқин кўлёзма сақланади. Бу, сўзсиз, олимнинг назарий ғоялари ниҳоятда катта миқдордаги тил материалини таҳлил қилиш, уларни қиёсий ўрганиш натижасида юзага келганилигидан далолат беради ва олимнинг илмий фаолиятини ўрганишда буни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ.

Бундан ташқари, Ҳумбольдтнинг архивида катта миқдордаги хатлар, шахсий ёзишмалар нусхалари ҳам мавжуд. Бу мерос ҳам ҳозирча нашр қилинган эмас ва кенг жамоатчилик учун нотаниш бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, шахсий номаларнинг тилшунослик учун илмий манба бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Бу турдаги номалар XIX асрда ҳозирги пайтда илмий журналлар, конференциялар зиммасига тушадиган

вазифани бажарғанлиги сир эмас. Айнан хатлар илмий ахборот алмашинув воситаси бўлган.

Хумбольдт Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида ижод қилаётган кўплаб ҳамкаслари билан ёзма мулокотда бўлган. Бу эса унинг ўша давр илмий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради. Шу сабабли ҳозирги замон тилшунослиги учун Хумбольдт архивининг илмий ўрганилиши ва нашрга тайёрланиши ниҳоятда муҳимдир. Кўлёзмалар таҳлили асосида олимнинг лингвистик тафаккури тараққиёти босқичлари, унинг илмий ғояларининг шаклланиш жараёни ҳақида тўлиқ тасаввургага эга бўлиш ҳамда унинг тилшунослик фани тараққиётига кўшган ҳиссасига одилона баҳо бериш имконияти пайдо бўлади.

Хумбольдт эпистоляр меросининг илмий қиймати канчалик юқори эканлигига оддий бир мисол тариқасида унинг фаранг хитойшуноси, биринчи хитой тили грамматикасининг муаллифи (1822) М.Абель - Ремюзега йўллаган хатини кўриш мумкин. Ушбу хатни 1979 йилда нашрга тайёрлаган олмон таржимони ва ношири К. Харбемайер (Қаранг: Humboldt W. Von 1979) ушбу нома тилшуносликнинг умумназарий муаммолари нуқтаи назаридан муҳим манба эканлигини қайд этади, аммо унинг мазмуни фақатгина мутахассислар учун тушунарлидир.

Ушбу номанинг мазмуни қўидагилардан иборат: европалик мутахассислар хитой тили билан илк бор танишганларидаёқ (XVII асрда), унинг тузилиши ҳақидаги маълумотлардан тилшуносликнинг умумназарий хуносалари шаклланишида фойдалана бошлашди. Маълум даврда ҳатто ушбу тилни умумбашарий (универсал) тил яратиш лойиҳасига асос қилиб олиш режаси ҳам тарқалди. Бу борада, айниқса, Г.В. Лейбниц анчагина жонбозлик кўрсатди.

Хумбольдт хитой тили билан айнан фаранг тилшуноси М.Абель- Ремюзе маслаҳати билан шуғуллана бошлаган. Хитой тилини ўрганган Хумбольдт ушбу тилни билиш умумий тилшунослик учун муҳим эканлигини доимо таъкидлаб келган. Бундан ташқари, олим хитой тилини хинд- европа тиллари билан (масалан, юон тили) қиёсий ўрганишни маъқул кўради. Тўғри, бир тилга хос категорияларни ўзга тил қурилишига мослаштиришнинг (бу тилшуносликда «эгоцентризм ҳодисаси»

номини олган) жуда хавфли услугб эканлиги маълум. Аммо, Ҳумбольдтнинг фикрича, тафаккур категориялари айнан юонон тили курилишида ўз аксини аниқроқ топади. Ҳумбольдт юонон тилига хос грамматик категорияларнинг «изи»ни хитой тили тизимида бўлмаса ҳам хитой тафаккуридан излашга харакат қиласди: «Сўзларда грамматик категориялар ҳақида бирор бир тасаввурга эга бўлмасликнинг иложи йўқ» (Ҳумбольдт 1979: 15).

Ф.Маттсон Ҳумбольдтнинг тўртта хати қўлёзмасини нашрга тайёрлаб, уларга изоҳлар берган. Ноширнинг қайдича, Ҳумбольдт славян тиллари билан бир қаторда, жанубий Америка тилларини ва баск, лўлилар тилини тадқиқ қилишнинг илмий жиҳатдан муҳимлигини айтади. Шу ернинг ўзида Ҳумбольдт қиёсий грамматикани яратиш учун болтиқ тилларига ҳам мурожаат қилиш кераклигини уқтириб ўтади (Mattson 1975).

Нашр қилинган хатларида Ҳумбольдт чех олими Йозеф Добровскийнинг (Dobrovsky 1753-1829) қўлланмаси асосида чех тилини ўрганганлигини эслатиб ўтади ва Добровскийнинг асарини Якоб Гrimmнинг «Немис тили грамматикаси» билан қиёслайди.

Ҳумбольдт илмий гояларининг негизида ўша давр учун етакчи бўлган фалсафий методологик қарашлар туришини унутмаслик лозим. Ҳумбольдтнинг етук олим бўлиб шаклланишига энг кўп таъсир кўрсатган фалсафий асарлар И. Кантнинг «ғоя танқиди»га оид тадқиқотларидир. Булар қаторига файласуфнинг билиш назарияси ва амалиёти, этика, эстетика ва табиат ривожига бағишлиланган асарлари киради.

Ҳумбольдт талқинича, тиллар халқлар ва алоҳида шахсларнинг ижод маҳсули, чунки тил нутқий фаолият жараёнида юзага келади. Тиллар – шаклан миллий. Олим лисоний анъана ҳодисасининг муҳимлигига эътиборни қаратади. Чунки, тил – авлоддан авлодга мерос. У тил ва унинг соҳиби бўлган жамоа муносабатини билиш зарурлигини таъкидлайди, зеро, тил тизимидағи умумийлик ва хусусийлик белгилари айнан жамоа ва шахс муносабатларига бориб тақалади. Бу муносабатлар асосида, ўз навбатида, тил тизимининг ижтимоий ва индивидуал хусусиятлари қарама-қаршилиги (антиномияси) шаклланади.

Ҳумбольдт томонидан ажратилиши таклиф қилинган навбатдаги антиномиялар тил ва нутқ қарама-қаршилиги (til бир бутун ҳодиса сифатида нутқий фаолиятдан фарқ қиласди) ҳамда

нутқ ва тушуниш (қобилияти) қарама-қаршилигидир (ягона бир тил бирлигини сўзловчи ва тингловчи бир хилда тушунишмайди). Нутқий мулоқот жараёнидаги бир-бирини англашга эса аниқлаштирувчи (конкретлаштирувчи) маъно бирликлари воситасида эришилади. Тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини Хумбольдт улар бажарадиган вазифалар ҳамоҳанглигига кўради, зеро, тил ҳам худди тафаккур сингари ижодий жараёндир.

Умуман, И.Кант таълимоти, «соф ақл» зиддиятлари ҳақида таълимот сифатида фанлар методологияси мазмунига катта таъсир ўтказган. Кантнинг қайдича, оламнинг яхлитлиги нимадан иборат қабилидаги саволга мантиқан жавоб излаш, сўзиз, бири-иккинчисини инкор этувчи турли жавоблар пайдо бўлишига олиб келади. Худди шу ҳолат Хумбольдтнинг антиномиялар (лисоний зиддиятлар) ҳақидағи таълимотида ҳам мавжудлигини пайқаш мумкин.

Хумбольдт назарий гояларининг шаклланишида яна бир олмон файласуфи Ф.Шеллингнинг ҳам таъсири кучлидир. Натурфалсафа (табиат фалсафаси) оқими вакилларидан бири Ф.Шеллинг таълимотининг негизида рух ва табиатнинг айни бир нарса эканлиги ҳақидағи ғоя ҳамда онгнинг абсолютлиги ҳақидағи тушунча ётади. Олим материянинг ўзи рухан мавжуд деб ҳисоблайди. Мутлақ (абсолют) онгда субъект ва объект чамбарчас боғлиқ, натижада, субъект ва объект ажралмас яхлитликни ташкил қиласи, уларни бир-биридан ажратишнинг имкони йўқ. Шеллинг натурфалсафаси ўргатишича, онгдан холи бўлган табиат олдиндан мавжуддир, онг – иккиласми. Онгнинг пайдо бўлиши эса тараққиёт жараёнининг маълум босқичларида юзага келган ҳодиса.

Хумбольдт илмий таълимотининг шаклланишида Гегель фалсафаси ҳам ўз таъсирини ўтказган. Маълумки, ушбу фалсафа рухнинг субъективлиги (антропология, психология) ва объективлиги (хукуқ, маънавият, давлат) ҳамда абсолютлиги (санъат, дин, фалсафа) ҳақидағи гояларини тарғиб қиласи.

Гегель материя ва онгнинг ҳар иккиси ҳам бирламчи эмаслигини таъкидлайди. Тафаккур барча мавжуд ҳодисалар манбаи сифатида инсон идрокидан холи ҳолдаги объектив ҳодисадир. Дунёнинг моддий асосини ташкил қилувчи илк умумийлик - борлиқ ва тафаккур умумийлигидан бошқа ҳеч нарса

эмас. Лекин бу умумийлик бошиданоқ объективлик ва субъективлик ўртасидаги фарқни ҳам инкор этмайди.

Тафаккур бир босқичдан иккинчисига томон узлуксиз тарақкӣ этиб борувчи билиш жараёнидир. Тафаккурнинг энг юқори тараққиёт босқичи («абсолют гоя») рухнинг мутлақлигидир. Бу «гоя» бутун инсоният тарихи жараённанда «ўзликни англаш» сифатида тараққий этади.

Ҳумбольдт инсоният тарихи ҳақидаги «гегелча қарашлар»ни ёқлади ва улардан турли халқлар маънавий бойлигининг ўзига хослиги, тилларнинг турли-туманлиги, тил ва тафаккур муносабати каби муҳим масалалар талқинида фойдаланади. Унинг фикрича, тил материяниң «изи», «тамғаси» тушган «рух фаолиятидир». Тил ҳам, нутқ ҳам бирламчи эмас. Ҳумбольдт таълимотида «рух» тушунчаси етакчи категория, аммо унга бирор бир аниқ тавсиф берилмаган. Масалан, «халқ руҳи» тушунчасининг, тил табиатини инсон умумий фаолиятининг шакли «намунаси» тарзида талқин қилиниши бунинг мисолидир. Инсон руҳининг умумий гояси аниқ ҳолатларда халқ руҳи шаклида намоён бўлади ва бу ҳолатларни бевосита идрок қилиш, билиш имкони мавжуд. Халқ руҳини ифодаловчи восита эса миллий тилдир.

Ҳумбольдт даври фалсафасида «халқ руҳи» тушунчаси доирасига халқнинг бутун маънавий, маданий ва интеллектуал мероси, тафаккур бойлиги киради. Бу қатордаги қадриятларни Ҳумбольдт жамиятнинг аслдан эга бўлган интеллектуал маънавий, таркибий элементлари сифатида қарайди ҳамда ана шу қадриятлар мажмуаси миллат маданиятининг негизини ташкил қиласди деб хисоблайди. Халқ (миллийлик) тушунчаси тарихий воқеалардан ажратилган ҳолда қаралиши мумкин, худди шунингдек, тил тушунчаси ҳам мавхум мазмунда талқин қилинади. «Тил, - деб ёзади Ҳумбольдт - бутун таркибий тузилиши билан миллий руҳнинг ижодий маҳсулидир». Бир оз кейинроқ «Руҳнинг миллийлиги ва тил қурилиши бир-бири билан шунчалик даражада чамбарчаски, уларнинг бири мавжуд бўлганда, иккинчисининг бўлиши муқаррар». Тил миллат руҳнинг ташки киёфасидир, «миллат тили унинг руҳи ва миллат руҳи унинг тилидир – бундан ортиқроқ бир-бирини такрорловчи ҳодисаларни тасаввур қилиш қийин» деб қайд қиласди (Қаранг: Звегинцев 1960, 1-қисм: 71).

4.2. Вилгельм фон Хумбольдтнинг тил фалсафаси ҳақидағы тәулимоти

Вилгельм фон Хумбольдт илмий меросининг умумфалсафий имкониятлари ва бойлиги ҳозирча нафакат түлиқ ўрганилмаган, балки унинг моҳиятини ҳам түлигича англаб етганимиз йўқ. Лекин унинг барча асарларида фалсафа ва, айниқса, лисоний фалсафанинг долзарб муаммоларига оид фикрлар мавжудлигини унутмаслик лозим (Хумбольдт 1985).

Хумбольдт (1767-1835) замонавий тилшуносликнинг пойдеворини яратган олимдир. Хумбольдт – ўз умумий тилшунослик назариясини яратади, лисоннинг ўзгарувчанлик ва ижодкорона табиатини умумлаштирувчи фаолиятга боғловчи моҳиятини алоҳида таъкидлайди. Лисоннинг фаолият эканлигини олим қўйидагича таърифлайди: «миллат ҳаётини таъминловчи ҳодисаларнинг кўпчилиги – яшаш жойи, об-ҳаво, дин, давлат тузилиши, удумлар ва анъаналар маълум даражада миллатнинг ўзидан ажратилиши, ҳатто узоқлашиши мумкин. Лекин фақат биргина бошқача табиатга эга бўлган ҳодиса – миллатнинг нафаси, қалби бўлмиш тил у (миллат – Ш.С.) билан бир пайтда пайдо бўлади. Унинг (тилнинг – Ш.С.) иш фаолияти маълум мухитда кечади, шу сабабли биз унга фаолият ёки фаолият маҳсули сифатида қараймиз» (Гумбольдт 1984: 303).

В.Хумбольдт – дунё маънавий маданиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлган шахсdir. У олға сурган ғоялар ҳозирги маданият учун фақатгина тарих эмас, балки маданиятнинг ҳозирги кунидир. Хумбольдт инсонпарварлик фалсафаси ва тилшунослиги соҳасидаги янги тафаккур парадигмаларининг асосчиси. Ушбу парадигма доирасида замонавий фалсафий ва илмий тафаккур ўз тараққиётини давом эттирмоқда.

Маълумки, XIX аср тилшуносликда илмий таҳлил методларининг тараққиёт давридир. Айнан шу даврда дунё тиллари бўйича эмпирик материал тўпланиши билан бир қаторда, назарий ғоялар шаклланиши ҳам кузатилади. Тўпланган материал таҳлили асосида илмий-назарий ғояларни шакллантирган биринчи олим Хумбольдт бўлди. Унинг ижодий фаолияти ҳақида кўплаб (баъзан бир-бирига қарама-қарши) фикрлар билдирилган (Қаранг:

Welhelm von Humboldts Sprachdenken, 1989). Шунинг билан биргаликда, XIX аср охири ва XX аср бошларидағи тилшунослик фани тараққиёт даври учун хос бўлган қиёсий тарихий метод Хумбольдт илгари сурган илмий ғояларда ўз аксини топмаганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бу эса, ўз навбатида, Хумбольдтнинг асосий асарини нашрга тайёрлаган олимлар А.Потт ва Г.Штейнталлар ўртасидаги мунозарага сабаб бўлди. Ушбу нашрга қарийб 500 саҳифалик «Кириш»ни тайёрлаган А.Потт Хумбольдт асарларига дурустрок изоҳ беролмади, чунки бутун умри тарихий тилшунослик ва сўзлар тарихи (этимология) билан шуғулланган Поттнинг тадқиқот йўналиши Хумбольдтнинг фалсафий тафаккури билан мос келмаслиги муқаррар эди. Штейнталъ (1956) қаламидаги асар эса Хумбольдт мероси илмий таҳлилига нисбатан кўйилган дастлабки қадамлардандир ва ушбу асар ҳозиргача тилшунослар учун Хумбольдт илмий қарашларини ўрганишга киришиш «мўлжали» вазифасини ўтаб келмоқда.

Умуман, Хумбольдт ғоялари чукур фалсафий маданий негизга эга. Буни биз унинг илк асари «Тафаккур ва нутқ ҳақида» матни билан танишгандаёқ сезамиз. Олимнинг илмий мушоҳадасида тадқиқот обьектига мантиқий ва антропологик ёндашувлар омухта бўлиб кетади. Хумбольдт катта грамматик тузилмаларни ҳам (тарихий ёки типологик нуқтаи назардан ўрганилишидан қатъий назар) доимо инсоният тараққиётининг умуммаданий истиқболи нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қиласи. Айнан шу билан у ўз даврдошларидан кескин фарқ қиласи.

Хумбольдт, сўзсиз, ўз давридан ўзиб кетган олимдир, зеро, унинг илмий хуласалари замондошларидан кўра кўпроқ тилшунослик фани тараққиётининг кейинги даврларида юзага келган йўналишлар учун «тамал тоши» хизматини ўтаб келмоқда. Буни биз замонамизга хос илмий тадқиқот методлари шаклланишида сезиб турибмиз.

Тилнинг фалсафий талқини унинг моҳиятини ва бажарадиган вазифаларини методологик асослаш ҳамда унинг мавжудлигини белгиловчи асосий шарт-шароитлар, конуниятлари, фаолият шаклларини аниқлаш билан боғлиқдир. Ушбу муаммолар ечимини топиш услуб - методлари фалсафа ёки тилшунослик (семиотика) доирасида шаклланади ва ҳар қандай ҳолда ҳам

инсоният маънавий-интеллектуал фаолиятининг муҳим соҳалари бўлмиш бу икки фан соҳалари тамойиллари амал қиласди. Ҳумбольдт фалсафий назарияни конкрет илмий тадқиқот услублари билан бойитган ҳолда тил тизими «тилсимот»ларини очишнинг янги йўлларини таклиф қиласди. Ҳумбольдт лингвофалсафий назарияси унинг томонидан таклиф қилинган инсон ҳақидаги фалсафий назариянинг негизини ташкил қиласди. Бу назария ўз даврида И.Кант томонидан қўйилган «Инсон ким (нима)?» саволига ўзига хос жавобидир. Инсоннинг ким эканлигини билиш учун Ҳумбольдт фикрича, инсонни инсонга айлантирувчи кучни аниқлаш лозим. Бундай кучни у лисонда кўради, инчунин, лисон инсон руҳининг фаолияти сифатида қаралади. Лисон инсон борлигини тўлигича қамраб олувчи миллатнинг яхлит кувватидир.

Инсон ва лисоннинг чамбарчас алокасини эътироф этган Ҳумбольдт икки муҳим методологик тамойилни қабул қилишга ундаиди: 1. Лисон тадқиқисиз инсонни билиш мумкин эмас; 2. Лисон табиатини билиш ва тушунтиришга фақатгина инсон ва унинг дунёсига таянган ҳолда эришиш мумкин. Биринчи тамойил Ҳумбольдтнинг инсон ҳақидаги таълимоти (қиёсий, умумий ва фалсафий антропология) асосини ташкил қиласди. Иккинчиси эса олимнинг тил ҳақидаги лингвофалсафий назарияси шаклланишида асос хизматини ўтайди.

Ҳар бир назария пойdevорини асосий тамойил ташкил қиласди. Бу тамойилнинг методологик вазифаси тадқиқот обьекти ўрин олган воқеликни чегаралаш, унга яхлитлик кўринишини беришдир. Асосий тамойил тўғри танлангандан, тадқиқот обьекти назарий концепциянинг қонуниятларига бўйсунади, унинг зарурий элементига айланади. Тилнинг инсон тафаккури ва маданиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланувчи Ҳумбольдт назарий концепциясида тилнинг табиати ва мавжудлиги сифатида инсон универсуми (дунёси) қабул қилинган. Тил фалсафасидаги антропологик тамойил бевосита бошқа икки тамойил – трансценденталлик ва имманентликка – қарама -қаршидир. Бу тамойиллардан биринчиси доирасида тил «Оллоҳ кашфиёти» сифатида талқин қилиниб, борлиқ устидан хукмронлик қилувчи кучлар ҳаракати билан боғланади ва натижада тил инсон мавжудлиги доирасидан ташқари ходиса кўринишида тасаввур

қилинади. Имманентлик тамойили асосида эса тил, аксинча, «ўзи – ўзида ва ўзи учун» мавжуд бўлган ҳодиса руҳини олади ҳамда унинг моҳиятини унинг ўз ички тузилишидан излаш керак.

Ҳумбольдтнинг тил тизимининг антропологик талқинига доир қарашларига биноан, яъни «тил онтологиясига инсоннинг киритилишида», инсон ва унинг олами тавсифи тил тизимини тасаввур этишининг оддий назарий устқурмаси бўлмасдан, унинг муҳим таркибий қисмидир. Бунда инсон олами табиат дунёси билан қиёсда ва умумий яхлитликда қаралади. Уларнинг учрашув нуқтаси инсондир. Инсон, ўз навбатида, икки бошлангич белгига эга, биринчиси – табиатан физик, «тирик жон», иккинчидан – тил, маданият каби ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ ҳодиса. Ҳумбольдт антропологиясида инсон жисмоний, руҳий, маънавий яхлитлик (бутунлик) ҳисобланади. Инсон харакатчан, фаол, мустақил, онгли фаолият қобилиятига эга бўлган, эркин жон (зот)дир. Маданият ва цивилизация – инсон фаолиятининг меваси. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам инсон руҳининг куч-кудрати тилда намоён бўлади, зеро, тил инсон зотининг ботинидан, «унинг табиатининг яширин жойларидан» куч олади.

Тилни инсон оламининг зарурий элементи сифатида таърифлаётган Ҳумбольдт ўз таълимотида тилнинг барча хусусиятларини инсон фактори билан боғлади. Булар каторига тил тизимининг вазифалари, пайдо бўлиши, шаклланиши, тараққиёти ҳамда ички тузилиш тамоиллари киради.

Тил пайдо бўлишининг энг биринчи сабаби, Ҳумбольдтнинг фикрича, инсоннинг ички эҳтиёжи, яъни олам ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиш ҳам унинг руҳий юксалишини таъминлашдан иборатdir. Инсон ҳаётининг бу уч муҳим томони, биринчидан, тилнинг мавжудлигини белгиласа, иккинчидан, унинг асосий вазифалари мазмунини шакллантиради. Бу вазифалар куйидагилар: 1. Изоҳловчи фаолият (инсонга дунёни идрок этиш, англаш ҳамда унга таъсир кўрсатиш имконини бериш); 2. Коммуникатив фаолият (инсонларга бир-бирига таъсир ўтказиш имконини берувчи муносабатлар ўрнатиш); 3. Ўз-ўзига таъсир (рефлексив) фаолият (инсон руҳий тараққиётини таъминловчи восита).

Олимнинг қайд этишича, инсон олами диалектик тартиботга эга. Диалектика қонуниятлари тил тизими тартиботининг асосини

ташкіл қиласы. Тил мәсияттінің диалектик тартиботини Хұмбольдт тилни ҳар томонлама тавсифловчы мазмуний қарама-қаршиликлар воситасыда исботлашып қиласы: 1. мавхұмлик – моддийлик (шакл ва материал); 2. ички – ташқи; 3. фаолият – маҳсулот; 4. тирик – ўлық; 5. әркинлик- боғлиқлик; 6. инвариант – вариант; 7. умумий –хусусий. 8. ижтимоий – шахсий; 9. захира – мавжуд; 10. чексиз (давомсиз) – чегараланган (түгелланган); 11. ички имконият – фаоллашув; 12. субъектив – объектив ва ҳоказо.

Ушбу мазмуний қарама-қаршиликлар негизида тил мавжудларынан қайд этувчи асосий антиномиялар шаклланады: 1. тил - ягоналик ва турли-тұманлық хусусиятларини мужассамлаштирады; 2. тил – инсоннинг лисоний қобилияты ва ушбу қобилияттін аник тил шаклида фаоллашувидир; 3. тил - фаолият эмоция (нур тарқатувчи) сифатида; 4. тил - энергия ва әргон сифатида; 5. тил – нұтқ ва уни англаш.

Шундай қилиб, тил инсон учун туғма бўлган ва сўзловчи ҳаракати асосида фаоллашадиган лисоний қобилиятдир. Ушбу гоя тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги олдиндан мавжуд бўлган иккى фояга қарши туради. Булардан бири тилнинг инсон томонидан маҳсус кашф қилинганлиги ҳақидаги вулгар антропологик назария бўлса, иккинчиси тил инсонга Оллоҳнинг иродаси билан тухфа қилинганлиги ҳақидаги фоядир. Биринчи назария доирасыда тил тўлиғича инсон руҳининг кашфиёти хисобланиб, рух инсоннинг ўз тили устидан ҳукмронлик чегараси эканлигини тарғиб қиласы. Иккинчисида эса инсон лисоний ижод фаолияти бутунлай йўқقا чиқарилади. Хұмбольдт ўз лингвофалсафий қарашларида юкорида санаб ўтилган фояларнинг (рационал) мағзини ташкіл қилувчи фикрларини умумлаштиради, зарур бўлганда, улардан унумли фойдаланади. Бинобарин, тилнинг пайдо бўлишидаги инсоннинг нофаоллиги ҳақидаги фоя лисоний қобилияттін туғма эканлиги ҳақидаги қарашда, тилнинг миллат учун тухфа эканлиги ҳамда тил руҳининг нур тарқатувчиси сифатида қаралишида ўз аксини топади. Инсон руҳининг фаоллиги ҳақидаги фоя тилнинг энергия (инсон руҳининг реал фаолияти) ҳамда тилни доимий юксалиш тараққиётидаги ҳодиса сифатида талқин қилинишида тараққий топди. Лисоний ижодда инсон фаоллиги ҳақидаги гоя, Хұмбольдт таклиф қилган туғма қобилият ролини чегаралаш лозимлиги

ҳақидаги тамойилда акс топди. Тил, Хумбольдтнинг фикрича, инсонга фаолият турлари сифатида берилган ва лисоний фаолиятда тилнинг яратувчанлик қобилиятини белгиловчи қонуниятлар акс топади, яратилаётган материалнинг миқёси, миқдори чегараланмайди.

Субъектив фаоллик тамойили тил «ҳаёти»нинг энг муҳим соҳалари тавсифида акс топади. Булар қаторига тилнинг болалар томонидан ўзлаштирилиши, унинг катталар томонидан қўлланилиши, тирик ва ўлик тилларнинг ўрганилиши ҳамда нутқий мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини тушунишга эришиш кабилар киради. Хумбольдтнинг айтишича, инсонга тилни ўргатиб бўлмайди, уни фақатгина инсон қалбida уйғотиш мумкин. Инсон ҳар сафар тилни ўз ҳаракати билан яратади, у қандай яратилса, ҳаётда шундайлигича қолади. Лисоний қобилият нутқий мулоқот жараёнида уйғонади ва тил тизимида бевосита мавжуд бўлғанлари рух фаолиятида тўлғазилади. Тилда ҳеч нарса қотиб қолмайди, ҳаракатсиз бўлмайди, ҳатто қотиб қолган бўлак ҳам тафаккур жараёнида «қайта тугилади», нутқда қайта «тирилади». Бир-бирини тушунишни сұхбатдошларнинг бир хилдаги тушунчаларни айнан англаш ҳодисаси сифатида талқин қилиш нотўғридир. Инсонлар бир-бирларини англашлари учун ҳамфирликка эришишлари, ўзаро тафаккур юритишлари лозим. Сўз, тил бирлиги сифатида тингловчини ўз ҳаракати воситасида тушунча ҳосил қилишга ундейди. Ҳар қандай тил қайта ҳаётга келиш заҳирасига эга. Агарда тил ўлик тилга айланса, субъектнинг фаоллиги воситасида уни қайта ҳаётга келтириш мумкин. Қайта «ҳолсизланиш» ҳолати юзага келганда ҳам буюк инсонлар зakovати уни «үйку оғушидан» тортиб олиши мумкин.

Инсон оламига хос умумий хусусиятлардан бири, Хумбольдт таъбирича, идеаллик ва материалликни бириктириш қобилиятидир. Инсон ва унинг фаолияти маҳсули тил айнан шу жараён кесимида қаралади. Инсон моҳияти рух ва жисм бирлигидан иборат, тилнинг мазмун моҳияти эса товуш ва онгницидан. Сўзнинг таркибида товуш ва тушунча бирикиб, жисмоний материя ва руҳий куч бирикишини тақрорлайди.

Ҳар қандай назариянинг яхлитлиги асосий тамойиллар тадбиқи узвийлигига намоён бўлади. Асосий тамойилнинг нотўғри тадбиқ қилиниши эса ушбу тамойилнинг назария учун

методологик жиҳатдан нолойиқлигидан дарак беради. Асосий тамойил мос ва муқобил бўлганда барча назарий-методологик амалларнинг ўз ўрнида ижро этилиши таъминланади.

Ҳар бир назария доирасида ундаги асосий тамойилнинг ишчанлик қобилиятини аниқловчи мухит юзага келади ва бу мухитда тамойилнинг бузилиши шароити ҳам туғилиши мумкин. Тил моҳияти талкинида антропологик тамойилдан чекиниш ҳолларини ушбу майдоннинг чегарасидан жой оладиган ҳодисалар тавсифида учратиш мумкин. Бундай «чегара» ҳодисалар қаторига, масалан, тилнинг пайдо бўлиши масаласи ва унинг фаолиятини таъминловчи курилмаларни аниқлаш киради. Биринчи ҳолатда тилнинг пайдо бўлиши инсондан юқори турган илохий кучлар билан боғланади. Иккincinnсида лисоний фаолият тилнинг ўз ички «кучлари» харакати натижаси деб қаралади.

Ҳумбольдт лингвофалсафасига хос бўлган назарий ғояларни шакллантиришнинг диалектик услублари қўлланиши асосида эришилган хулосаларга нисбатан лисоннинг барча қўринишлари турли антиномиялар (қарама-қаршилик)нинг амалиётда намоён бўлиши сифатида қаралади. Айнан шу антиномиялар антропологик тамойил учун «синов майдони» хизматини ўтайдилар. Дастребки ёндашувда Ҳумбольдтнинг имманентлик тамойили асосида тилнинг ўз-ўзидан фаолият қўрсатувчи тизим сифатида таърифланиши тилнинг моҳиятини умумдиалектика нуқтаи назарига мос бўлмаган ҳолда талкин қилишиннинг натижасидек туюлади. Айни пайтда, бу фоя Ҳумбольдтнинг тил табиати ҳақидаги фикрлари занжирининг зарурый ҳалқасига ўхшайди. Бу – тилнинг инсон билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги ҳақидаги антиномиянинг бир кисмидир. Ушбу антиномия, ўз навбатида, мантикий асосланиши мунозараларга сабаб бўлаётган бошқа антиномиялар қаторидан ўрин олади. Бир томондан, Ҳумбольдт фикрича, тил бирор бир илохий куч билан боғлиқ эмас. У ўз-ўзидан фаолият қўрсатувчи тизим. Тил бирор шахс фаолиятининг маҳсули эмас, у рухнинг эркин харакати натижаси, у миллатга берилган инъом. Бошқа томондан, тил – инсон рухининг фаолияти ва шу аснода у инсонга бўйсунади. Тиллар ўз соҳиблари бўлган ҳалқларга қарамдирлар, уларнинг мулки.

Машхур украин файласуфи ва тилшуноси А.А.Потебня Ҳумбольдт илмий таълимотидаги икки қўринишдаги антиномияда

«илохий бошланишга» ишора борлигини қайд қилган (Потебня 1913: 32). Биринчидан, Ҳумбольдт томонидан тилни халқ руҳи ижодий маҳсули ва халққа берилган тақдир инъоми сифатида талқин қилиниши «инсонийлик - илохийлик» антиномиясини ташкил қиласи. Тилнинг пайдо бўлишини халқ руҳи фаолияти билан боғлаш тилни инсон фаолияти маҳсули сифатида кўришдан бошқа нарса эмас. Тилни халққа берилган инъом сифатида талқин қилиш, албатта, аввалги фикрдан ўзига хос чекинишdir ва, натижада, Ҳумбольдт «тилнинг инсон фаолияти маҳсули ҳақидаги фикрини назарий - амалий жиҳатдан сақлаб қололмади» (Потебня, ўша асар). Кейинги антиномия тил ва руҳнинг бир пайтнинг ўзида айри ва яхлит обьект бўлиши билан боғлик. Потебнянинг фикрича, Ҳумбольдт таълимотида тил ва халқ руҳи илохий куч билан муқаррар боғланиши шарт эди, чунки миллат тилини унинг руҳи билан боғлашнинг имкони йўқ.

Юқорида эслатилган иккала антиномияни ҳам (инсонийлик – илохийлик; тил ва руҳнинг алоҳида ёки яхлитлиги), Потебня қайдича, муаллифнинг ўзи алоҳида шакллантиришга улгурмаган. Бунинг сабаби Ҳумбольдтнинг бирор бир шошилинч хulosаси эмас, балки унинг тил пайдо бўлишини трансцендентал манба билан боғлашни инкор этишга ундейдиган умумий фалсафий – методологик қарашлари дадир. Аслини олганда, Ҳумбольдт файласуф ва тилшунос сифатида Потебня айтган хатоликларга йўл кўядиган олимлардан эмас эди. Ҳумбольдт – файласуф инсонни унинг дунёсига боғлаш мумкинлигини тарғиб этувчи фалсафий антропология соҳасининг асосчиларидан бири. У барча турдаги ҳусусийлик ва умумийлик зиддиятларини «инсоният»ни алоҳида фалсафий ҳодиса сифатида тавсиф қилиш асосида бартараф этиш мумкинлигини исботлади. Ҳумбольдт – олим инсоннинг билиш қобилияти имкониятлари чегарасидан ташқари бўлган барча ҳодисаларни (масалан, туғилиш ва ўлим) илмий изоҳ бериш харакатидан йироқ эди.

Потебня санаб ўтган антиномиялар ҳам Ҳумбольдт назариясидан четда қолгани йўқ. Аксинча, улар антропологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган эди. Потебня инсонийлик – илохийлик антиномияси деб атаган тилни Ҳумбольдтча инсон руҳининг маҳсули, халққа берилган инъом сифатидаги талқин ҳақиқий антропологик назариянинг натижасидир. Бу тилда

инсонийлик ва табиийликнинг умумлашуви исботидир. Ҳумбольдт фикрича, инсонга тилнинг ўзи эмас, факатгина лисоний қобилият ҳадя қилинган. Бу қобилият туғма, аммо унинг ривожи инсон фаолияти қонуниятларига амал қиласи.

Тил ва руҳнинг айримлиги ва умумийлиги антиномиясини Ҳумбольдт худди бошқа антиномиялардек инсон табиати ва дунёсининг умумийлиги нуқтаи назаридан ечади. Миллат руҳи ва тил халқ интеллектуал кучларининг ажралмас умумий фаолиятини таъминлайди.

Кейинги антиномиялар, яъни тил халқ ижоди маҳсули ва халққа берилган тұхфа қарама-қаршилиги ҳамда тилнинг инсон руҳи билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаслиги антиномияси заминида тилда фаолиятлилик – ижодкорлик ва ташқи куч таъсири тушунчалари ётади. Тил, Ҳумбольдт таърифича, бир томондан инсон руҳининг фаолияти, иккинчи томондан, ташқи ҳодисалардан юқорироқ турадиган аллақандай бир мустақил кучнинг таъсиридир. Тилга халқ ижоди сифатида қараб бўлмайди, чунки у инсоннинг ботинидадир.

Шундай қилиб, антропологик тамойилни изчил тадбиқ этиш имконини берувчи барча антиномияларнинг шаклланиши ва уларнинг ечимини излаш харакатлари айнан ушбу тамойилнинг таъсир майдонида юзага келади. Бу эса Ҳумбольдт назариясида антропологик ёндашувнинг устуворлигидан далолат беради.

Ҳумбольдт таълимотининг асосий гояси лисонни фаолият сифатида талкин қилиш билан боғлиқ ва бу ғоя рамзийлик, мажозийлик хусусиятига эга бўлган тилда ифода топади. Лисоний фаолият гояси тилни имманентлик нуқтаи назаридан тадқиқ қилишга бутунлай тескари ёндашув – экстенсивлик хусусияти асосида талкин қилинади. Экстенсив ёндашув тилни кенг маънода, яъни «тил – руҳ», «тил - инсон», «тил - тафаккур», «тил - борлиқ», «тил - маданият» боғлиқларни орқали тадқиқ қилишни назарда тутади. Ҳумбольдтни структурализмнинг тамал тошини қўйган олимлар қаторига киритишади. Дарҳақиқат, структур тилшунослик йўналишларида кўтарилган муаммолар, жумладан, тил ва нутқ қиёси, шакл ва субстанция қарама-қаршилиги, тил тузилишининг яхлитлиги кабилар Ҳумбольдт назариясида ўз ўрнини топган.

Хумбольдт тил тизими таҳлилида унинг ташқи тизимиий тузилишига эмас, балки И.Кант фалсафасига асосланган ҳолда умумлаштириш тамойилига таянади. Шунга асосан тил субъектив ва объектив хусусиятлар умумлашмасидан иборат. Тил бирликлари идрок этилаётган объектни оддийгина акс этириб қолмайдилар. Чунки тил – фаолият, у «ўлик» маҳсулот эмас. Тилнинг ҳаракатчанлиги, фаоллиги унинг яратувчанлик қобилиятида намоён бўлади. Тил материя ва шаклнинг умумийлигидан иборат. Албатта, тил таҳлилида бошланғич нуқта шаклдир, аммо Хумбольдт талқинида шакл мавхум ҳодиса эмас. Шакл – тилнинг алоҳида элементлари йигиндиси: «Лисоний шакл ўз табиатига нисбатан, материалдан фарқли ўлароқ, алоҳида элементларни ягона бир руҳий умумийлиқда идрок этилиши натижасидир» (Гумбольдт 1956: 76).

Замонавий тилшуносликнинг дикқат марказида турган тил ва воқелик муносабати, тилнинг инсон онги, тафаккур, маданият билан муносабати каби долзарб муаммоларнинг барчаси Хумбольдтнинг тил тизимини тадқиқ этиш дастурида мавжуд бўлган муаммолардир. Олим ўзининг тил фалсафаси ҳакидаги таълимотида лисоннинг фаолият кўёламига кирувчи барча соҳаларини умумлаштириди. Ҳолбуки, бу соҳалар ва муаммолар бошқа йўналишларда бир-биридан ажратилган ҳолда алоҳида ўрганилиб келинган ёки бутунлай назардан четда қолиб кетган эди. Тил тизими тадқиқотида антропологик тамойилнинг изчил тадбик қилиниши қатор назарий йўналишларни ягона бир методологик асос атрофида бирлаштириш имконини беради. Булар қаторига куйидагилар киради: лингвогносеология – тилнинг билиш фаолиятидаги вазифасини ўрганиш, инсоннинг воқелик билан муносабатининг тил билан боғлик томонларини аниқлаш; лингвомаданиятшунослик – «инсон – маданият - тил» муносабатларини ўрганиш; лингвосоциология – тил ва жамият алоқасини тадқиқ қилиш; лингвопсихология – тил ва шахс муносабати муаммосини ўрганиш; лингвопраксиология – тилнинг инсон амалий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш (Хумбольдтнинг фикрича, тил, беихтиёр фаолият кўзғатувчи сифатида, инсонга предметлар билан муомала қилиш йўлини кўрсатади).

Хумбольдт таълимотини тўлиқ англаш учун унинг томонидан «ички шакл» тушунчаси қай йўсинда талқин қилиниши масаласига тўхтамоқ лозим деб ҳисоблаймиз. Айтиш жоизки, ушбу тушунча Хумбольдт таълимотидаги марказий гоялар қаторидан ўрин олмайди, «ички шакл» сўз бирикмасининг ўзи ҳам унинг охирги ишларида учрайди. «Ички шакл» тушунчасининг ҳақиқий тарғиботчиси сифатида Г.Штейнталнинг номи зикр этилгани маъкулроқ. Қарийб юз йилдан ортиқ вақт давомида ушбу тушунчанинг мазмуни ва мундарижаси ҳакида юритилиб келинаётган мунозараларни бошловчи ҳам айнан Штейнталдир. Хумбольдт таълимоти учун муҳимроқ тушунча нутқий фаолиятнинг мазмуний ва маъно томонларини акс эттирувчи – «тил шакли» тушунчасидир. «Ички шакл» эса Хумбольдт учун тилнинг мавжуд бўлиши учун етарлича шароит тутғидувчи ақлий фаолиятдир ва бу фаолият ёки шароит тилшуносликнинг тадқиқот предмети бўлолмайди.

Хумбольдт таъбирича, тил оддий тафаккур қуроли бўлиб қолмасдан, балки «тафаккурни таркиб топтирувчи органдир. Ақлий фаолият ... нутқ товуши воситасида моддийлашади ва ҳиссий идрок манбаига айланади. Шу сабабли тафаккур фаолияти ва лисоний фаолият ажралмас яхлитлиkdir. Онгнинг объектив борлиққа ботиний интилиши талаффуз орқали зоҳирланади ва бу интилиш натижаси бўлмиш сўз орқали яна субъектга қайтади. Бу ҳаракатни фақатгина тил воситасида бажариш мумкин ва бундай объект – субъект алмашинувисиз ҳеч қандай тушунча ҳам шаклланмайди ва тафаккур ҳам юритилмайди» (Карант: Звегинцев 1960, 1-қисм: 80). Бундай яхлитлик шу қадар мустаҳкамки, ҳатто тил бутунлай ажратилган, якка муҳитда ҳам тафаккур учун асос бўлиб қолаверади.

Шунинг билан биргаликда, олим сўзнинг тушунча шаклланишидаги ролини алоҳида таъкидлади: «Товушлардан иборат тузилманинг тушунча билан алоқасининг ўзига хослиги ички шаклда ўз аксини топади». «Сўз ҳиссиётга таъсир ўтказаётган предметнинг акси эмас, балки бизнинг предметга нисбатан муносабатимиздир». Шунга нисбатан «ҳар қандай тил негизида ўзига хос дунёқарашиб ётади» (Grundzuge des allgemeinen Sprachtypus, Werke, V, S. 433) ва тил инсон ҳамда воқелик ўртасидаги воситачидир. Хумбольдтнинг ёзишича, сўзни

номлашда бизнинг қалбимизда пайдо бўлган предмет рамзининг изи («муҳри») ўз аксини топади. Ягона бир предметнинг турли услугубларда аталишига сабаб айнан шунда. Масалан, санскритда **фил**, гоҳ «икки марта сув ичувчи», гоҳ «икки тишли», гоҳ «кўли бор» тарзида номланади ва ҳар бир номланиш ягона бир предмет хақида ўзгача тушунчани англатади. Ҳумбольдт таъкидича, «ҳар бир тил инсониятнинг маълум қисмига оид тушунча ва тасаввурлар тўқимасидан иборат матони ҳосил қиласди» (Қаранг: Звегинцев, 1-қисм: 81). «Тилларнинг кўплиги – ягона бир предметнинг кўп сонда номланиши эмас, балки ўша предметнинг турлича идрок этилишидир» (Uber das Sprachstudium, Werke, VII, S. 602).

Ҳумбольдт таълимотининг яна бир муҳим хусусияти сўзнинг бошқа рамзий белгилардан тамоман фарқланишидадир. Маъно касб этувчи лисоний белгилар шаклланиши эркин эмас, сўз белги ва рамз ўртасидаги оралиқ ҳодисадир. Сўз маълум вазиятда белги вазифасини ўташи мумкин, аммо сўзни белги билан бутунлай тенглаштириш лисоний мулоқотни экологик хонавайронликка олиб бориб тақашдан бошқа нарса эмас. XX асрда Ж. Оруэнн ўз антиутопиясида ушбу хонавайронликдан инсониятни огохлантирган эди. Ҳақиқатдан эса қочиб бўлмайди: оммавий ахборотда кечётган тилни хаддан ташқари ибтидоийлаштиришнинг мусибатли оқибатларга олиб келишини ҳеч ким инкор қила олмайди. Оммавийлашаётган «янги тил» (яъни тил тизими қонун-коидаларини инкор этувчи белгилар тизими)ни ихтиро қилиш ва уни тарғиб қилиш ундан ҳам хавфлидир. Бу оқибатлардан қочиш барчамизнинг вазифамиздир. Бу борада В.Ҳумбольдт меросининг инсонпарварлик захирасидан фойдаланиш муҳим ва долзарб вазифа.

Ҳумбольдтнинг тилга нисбатан берадиган таърифида фаолият субъекти (халқ, инсон, рух, куч, тил, товуш, мазмун) ва фаолият вазифаси, мақсади, услуби, қуроли, маҳсули, материали каби тушунчалар асосий ўринни эгаллайди. Бу таъриф, бундан ташқари, тилнинг когнитив функцияси (воқеликдаги предметларни онгга кўчириш), коммуникатив ёки воситачилик функцияси (табиат ва инсон ўртасидаги воситачилик) ва воқеликни англашдаги воситачилик функциялари билан боғлиқдир.

Хұмбольдт таълимотида билишнинг табақали дедуктив услуги устунлик қиласы ва шу услуга асосида тилнинг структуравий тузилиши тавсиф қилинади. Бу борада Хұмбольдт назарияси И.Кантнинг билиш ҳақидаги таълимоти билан қай даражада боғлиқлигини эслатиш лозим бўлади. Кант билишнинг уч асосий шаклини ажратган: 1. Сезиш; 2. Фаҳм; 3. Идрок. Сезиш – хис килиш қобилияти; фаҳм – англаш ва ҳукм чиқариш; идрок – гоя туғилишига олиб борувчи хулоса чиқариш қобилияти. Кант тажрибага асосланмаган ҳукм - фикрларни алоҳида ажратади. Бинобарин, у «категория»ларга тажрибадан холи ҳолда фикр юритиш натижасида шаклланадиган ҳодиса деб қарайди. Унингча, онгли хулосага ҳиссий туйғулар орқали эришилади.

Хұмбольдт ҳам ўз хулосаларида худи шу йўлдан боради, у онгни объектив воқелик билан боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатида талқин қиласы. У қай йўсинда тажрибадан холи ҳолда турли фактлар асосида алоҳида тилни ва умуминсоний тилни ажратиш масаласи устида фикр юритади. Олим «ташқи шакл» дан ташқари «ботиний шакл» мавжудлигини ҳам тасдиқлайди. «Ботиний шакл» Хұмбольдт талқинида уч хил мазмунга эга: 1. Бир томондан, «ботиний шакл» - тушунчаларни товуш билан боғлаш усули, тафаккурни лисоний воқелантириш йўли, яъни онг категорияларини лисоний категориялар билан мослаштириш воситаси; 2. «Ботиний шакл» - бошқа томондан – миллий руҳнинг ифодаси ва бу рух аввал ботиний шакл топади, кейин лисонга кўчади. Демак, ботиний шакл онг ва лисонни боғловчи восита. 3. Ниҳоят, лисоннинг ботиний шакли – нутқ жараёнида яратилган ва «қайта ишланган» ларнинг умумлашмасидир, у барча лисоний структуралар ва элементларнинг тизимдаги тўплами, у тил тузилишини моделлаштирувчи мавхум қурилма.

Хұмбольднинг тилнинг ижодкорона фаолияти, ўзгарувчанлик табиати каби хусусиятлари ҳақидаги фикрлари нутқ фаолияти назарияси ёки психолингвистика каби замонавий тилшунослик йўналишлари учун таянч нутқа вазифасини ўтади. Унинг фоялари ҳозирги замон фани тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқда. Тилни Хұмбольдт «ташқи дунё ҳодисалари ва инсон ботиний дунёси» оралиғидаги дунё сифатида таърифлаган эди. Фаолиятнинг тил дунёсига кўчиши ҳақидаги гоя Хұмбольдтнинг муҳим кашфиётларидан биридир ва ушбу фоя кўп жиҳатдан

машхур психолингвистлар Л.С.Выготский ва А.Р.Лурияларнинг ғоялари учун асос бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, Ҳумбольдт айтганидек, нутқий фаолият негизида «лисоний қобилият» ётади (Гумбольдт 1984:82).

Ҳумбольдт таълимотича, тафаккурсиз тил мавжуд эмас, аксинча, лисоний тафаккурнинг яхлитлиги мавжуд. «Тафаккур фаолияти ва тил ажралмас ва фарқланмайди. Тафаккур фаолияти, табиийки, товуш билан алоқага киришишга ҳаракат қиласди, акс холда, фикр аниқ бўлмайди, тасаввурни тушуниб бўлмайди» (Ўша ерда). Шу йўсиnda энг муҳим антиномиялардан лисон ва тилнинг ажралмас бир бутунлиги ва ўзаро ички қарама-қаршилиги ҳакидаги антиномия шаклланади.

Ҳумбольдт индивидуал нутқий ҳаракатлар воситасида бажариладиган лисоний ижод фаолиятининг узлуксизлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. Унинг таъкидича, тил мавжудлигининг шакли тараққиётдир ва «тилга қандайdir ўлик маҳсулот сифатида эмас, балки ижодий жараён ҳолида қараш лозим», у – «тўхтовсиз фаолиятдир» (Ўша ерда). Бошқача айтсақ, тил қай даражада фаолият бўлса, шу даражада ижод маҳсулидир. Бир томондан шахс тилни нутқ вазиятида ижод қиласди, бошқа томондан эса, тил –аллақачон ижод килинган ҳодиса, аввалги авлодлар фаолияти натижаси, маълум жамоанинг мулки.

Ҳозирги дунё тилшунослигига алоҳида ҳумбольдтшунослик йўналиши юзага келган. Бу йўналиш Вилгельм фон Ҳумбольдт лингвофалсафий дастури доирасида шаклланган назарий қарашлар ва таҳлил методлари умумлашмасидан иборат. «Ушбу дастурнинг назарий-методологик негизида антропологик тамойил туради. Унга нисбатан тилнинг ҳақиқий таҳлили инсон тафаккури ва онги, унинг маданияти ва маънавий ҳаёти билан мустаҳкам алоқада бажарилиши талаб қилинади» (Рамишвили 1990: 123).

Замонавий ҳумбольдтшунослик умумий тилшунослик фанининг тезкор ривож топаётган соҳасидир. Бу соҳа биринчи ўринда Ҳумбольдт таълимотининг семантика ва прагматикага доир ғояларига асосланади. Бинобарин, тилшунослик фанининг бугунги ривожида, айниқса, Ҳумбольдтнинг лисоний маънонинг таркиб топиш тамойиллари ҳамда лисоний фаолият қўчишида ижтимоий муҳит ва нутқий вазиятнинг роли ҳакидаги фикрлари ўта муҳимдир. Шунинг билан биргалиқда, Ҳумбольдт талқинида

«ботиний ёки ички шакл» тушунчаси «лисоннинг ички қонуниятлари», «ички томон» каби тушунчалар билан бир хил мазмунда қўлланишини ҳам унутмаслик керак.

Хумбольдт умумлингвистик ғояларининг кўпчилиги унинг тарихий-фалсафий таълимоти негизида шаклланган ҳамда олмон мумтоз фалсафаси вакиллари И.Кант ва Ф.ВШеллингларнинг танқидий ва тарихий фалсафа деб номланувчи назарияларига асосланади. Тилнинг моҳиятини тушунтиришда Ҳумбольдт «инсон руҳи» ҳақидаги «кумумий ғоя» га таянади ва бу ғоя миллат тилида акс этишини уқтиради. Тилнинг табиати «халқ руҳи», яъни ушбу халқнинг маънавий қадрияtlари ҳамда маданиятининг ўзи хослиги, миллий хусусиятлари билан боғлиқ.

Шундай қилиб, Ҳумбольдт лингвистик таълимотининг асосий ғоялари қуидагилардан иборат: Ҳумбольдт тилшунослик фанида биринчилардан бўлиб тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш лозимлигини ҳамда уларнинг ўзаро муносабатда бўлиши ҳақидаги ғояни олға сурди ва бу ғояни назарий жиҳатдан асослаб берди. У тилшуносликда илк бор жонли нутқни ўрганиш зарурлигини уқтиради ва бу ўгит фаннинг кейинги тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди. Шу аснода турли шевалар ва жонли тилларни ўрганиш, диалектология ва ареал лингвистика тараққиётини таъминловчи назарий ғоялар шаклланди. Бундан ташқари, лисонни маълум қонуниятлар асосида фаолият кўрсатувчи мавхум тизим сифатида тасаввур қилиш ғояси ҳам таклиф қилинди.

Тил, Ҳумбольдт таъкидича, ўзида субъективлик ва объективликни қамраб олади. Инсон бир томондан, тилни унга берилган мерос сифатида қабул қиласа, иккинчи томондан тилни доимо «қайта шакллантиради», яратади. Нутқда ҳар сафар тил қайта яратилади. Лисоний анъаналар эса ҳар бир авлод ва шахснинг яратувчанлик қобилиятини таъминлайди. Шахс ва авлод ҳам лисоний яратувчанлик жараёнига ўз таъсирни ўтказади, зеро, улар тилга янгиликларни жорий этишади ва бу янгиликлар олдинги анъаналардан тубдан фарқ қиласи. Натижада, тилда зарурият ва эркинликнинг икки томонлама алоқаси мавжуд бўлади, бу алоқа, биринчидан, лисоний анъаналар таъсирини чегаралаб турса, иккинчидан, тил соҳиби бўлган жамият таъсир кучини таъминлайди.

Хұмбольдт лисоний белгининг ихтиёрийлиги (эркинлиги) ва белгининг тил тизими элементи сифатидаги сабабли (мотивировкали) бўлиши ҳақидаги фикрни билдириди. Тилда ажримли (ажратиладиган) товушлар ўз моҳиятига эга. Ушбу турдаги товушларнинг миқдори ва уларнинг ўзаро муносабати, Ҳұмбольдт фикрича, ҳар бир тил тизимининг хусусиятларига боғлиқ. Шу сабабли тил тизимиға турғунлик ва ўзгарувчанлик хосдир. Тил тизими «асоссиз турғунлик» дан кечиб, узлуксиз ўзгаришда бўлиб туради.

Тилнинг пайдо бўлиши «ички» ва «ташқи» эҳтиёж билан боғлиқ. Ташқи эҳтиёж инсонларда мулоқот ихтиёри туғилиши билан боғлиқ бўлса, ички эҳтиёж эса миллатнинг маънавий ва интеллектуал тараққиети учун шарт –шароит яратишdir. Тил ва тафаккурнинг ҳамжиҳатликда тараққий топишига Ҳұмбольдт қаттиқ ишонади. Бу икки ҳодисанинг ҳамоҳанглиги ҳақидаги ғоя Ҳұмбольдтнинг лисоний шакл тушунчасини ташқи ва ички шакл кўринишида талқин қилишга ундейди. Шунга нисбатан тилларнинг ташқи кўринишидаги фарқи турли тилларнинг турли «товушли шакллар»га эга эканлигига намоён бўлади.

Ҳұмбольдт биринчилардан бўлиб тилнинг функционал фаолият моҳияти ҳақидаги ғояни олға сурди. Бунинг натижасида асосий эътибор ташқи шаклга эмас, балки тилнинг предмет – ҳодисаларни ифодалаш ҳамда фикрлар боғлиқлигини таъминлаш қобилиятига қаратилди. Олимнинг фикрича, тил, нутқдан фарқли ҳолда, нолисоний мазмунни ифодаловчи воситалар ва услублар мажмуасидан иборатдир. Бу эса тафаккур категорияларининг лисоний ифодасидир. Айнан шу нарса ҳар қандай тилнинг ботиний моҳиятини ва индивидуал хусусиятларини қамраб олувчи «ички шакллар» ва «тилнинг асосий моҳиятидир».

4.3. Соссюр лингвистик таълимоти ва унинг замонавий тилшунослик тараққиётидаги ўрни

Янги давр тилшунослигига Фердинанд де Соссюрнинг ғоялари асосан икки йўналишда ўрганилмоқда: 1) олимнинг семиотик ва лингвистик ғоялари бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ғоялар сифатида қаралмоқда; 2) синтактик структуралар («намуна» ёки «қолиплар») кўринишидаги «мавхум бирликлар»

лисоний белгиларга (гап ва унинг қисмлари) нисбатан иккинчи босқичдаги мавҳумлаштириш натижасидир. Зеро, ушбу лисоний бирликлар табиий нутқий вазиятда қўлланиш ҳолатидан мавҳумлаштирилган белгилардир. Бинобарин, Р.Амакернинг (Amaker, 1975) кайдича, Соссюрнинг лингвистик таълимотини мантикан қатъий тартибдаги тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бундай формал тизим таҳлили эҳтимолли – дедуктив таҳлил назарияси доирасида кечади.

Соссюр тилшунослигининг асосий фояларидан бири белги назариясини асослаш билан боғлиқ бўлиб, бунинг асосида семиологик тамойил ётади. Маълумки, олим инсон нутқининг (*langage*) барча кўринишдаги ҳолатлари ва унинг билан боғлиқ барча ҳодисаларни батафсил ўрганиш лозимлигини бир неча бор уқтирган. Бу эса, ўз навбатида, лингвистика фани олдига ўз-ўзини формаллаштириш ва ўз-ўзини билиш (эпистемологик вазифани бажариш) шартини қўяди. Фақат ушбу шарт таъминланганидан сўнггина лисоний тизимнинг синхрон ва диахрон таҳлилини бажариш ва тилларнинг умумий хусусиятларини аниқлаш мумкин бўлади.

Кўпчилик тадқиқотчилар Соссюрни «тилни ўз-ўзидан мавжуд бўлган ва ўзи учун хизмат қиласидиган» тизим сифатида таърифлашда ва худди ушбу кўринишда тил тизим тилшунослиги фанининг предмети сифатида қаралишида айблашга ҳаракат қиласидилар. Аслида, Соссюр лингвистик таҳлил «ички» ва «ташқи» тилшуносликка оид барча ҳодисаларни камраб олиши лозимлигини қайта-қайта уқтирган (Кузнецов 2007).

Р.Амакернинг фикрича, тилнинг табиати тавсифида семиологик ёндашув субстанцияга нисбатан эмас, балки шаклга нисбатан қўлланиши лозим. Бундан ташқари, тилнинг ижтимоий хусусиятида лисоний фаолиятнинг тил ва нутқ муносабатининг узвийлиги ҳамда ушбу муносабат лисоний қобилиятни шакллантиришини унутмаслик лозим.

Соссюршунослар эътиборини тортадиган яна бир соҳа олим томонидан ажратилган дихотомиялар (қарама-қарши жуфтликлар)дир. Бу дихотомиялар (лисоний) белгининг ихтиёрийлиги тамойили асосида исботланадиган теоремалар сифатида талқин қилинадилар. Ихтиёрийлик тамойили эса Соссюр таълимотининг асосий аксиомасидир. Тадқиқотчилар дастлабки

ўринда «қобилият ва таъсис қилинганлик (институцион)» (faculte et institution) қарама-қаршилигини эслашади, чунки унинг асосида лисоннинг умумий хусусиятлари ётади. Бу хусусиятларда лисоний қобилиятнинг ижтимоий характери ва биологик томони ўз аксини топади. Кейинги ўринда таҳлил қилинадиган дихотомиялар «синхрония ва диахрония» «шакл ва субстанция», «ифодаловчи ва ифодаланмиш», «тил ва нутқ» кабилардир. Булардан «ифодаловчи ва ифодаланувчи» дихотомиясига алоҳида эътибор қаратилади: ифодаловчи товушлар гурӯҳи сифатида (ифода плани) қаралса, ифодаланмиш маъно гурӯҳига (мазмун плани) киритилади ҳамда уларнинг ҳар иккаласи ҳам аниқ нутқий вазиятда, яъни тил ва нутқ ҳодисаларининг диалектик муносабати доирасида ажратилади, тавсифланади.

Замонавий соссюршуносликда тилнинг семиологик модели тушунчаси белгининг ўта даражадаги ихтиёрийлиги ҳақидаги ғоя тарғиби доирасида талқин қилинмоқда. Бунинг устига, кўпчилик Соссюр таълимотини англашнинг қалити ҳам айнан ихтиёрийлик гоясида деб ҳисоблайди. Бироқ бу масала атрофида маълум даражада тортишувлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Р.Амакер таъкидича, Соссюр «Умумий тилшунослик курси»ни нашрга тайёрловчилар муаллифнинг айрим фикрларини бузиб талқин қилишгача бориб етишган. Соссюрнинг «ифодаланмиш ва ифодаловчини боғловчи алоқа тўлигича ихтиёрийдир» (est radicalimet arbetraire – Saussure 1922: 10) мазмунидаги фикрида нарса-ҳодисалар ва уларни атовчи нутқий бирликлар муносабати назарда тутилмасдан, балки инсонларнинг тарихан шаклланган ижтимоий тажрибасига асосланган воқелик ҳақидаги билими инобатга олинади. Ихтиёрийлик гояси лисоний белгиларнинг мазмундорлиги (мазмуний аҳамияти) тушунчасининг талқинида ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳозирги пайтда тилнинг семиологик модели олим таклиф қилган дихотомиялар (жуфтликлар) умумлашмаси доирасида талқин қилинмоқда. Масалан, тилнинг «ижтимоий маҳсулот» ёки «тизим, код» сифатида таърифланиши қарама-қарши фикрлар талқинида қаралмасдан, балки тўлиқ ихтиёрийлик тамойили заминида бирлашувчи ягона гоя доирасига киритилмоқда. Зоро, тилнинг ижтимоий ҳодиса (жамиятда таъсис қилинган, келишилган қоидалар умумлашмаси) бўлиши унинг тизимлилик

хусусиятини ҳеч қачон инкор қилмайди. Бундай таъриф доирасида эпистемиологик, билишга оид (структуря, субъект ва объект муносабати, яратувчанлик), семиологик (лисоний қобилият, мулокот, тизим, белги) ҳамда турли лингвистик тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳам назардан қочирилмайди. Тилнинг ушбу турдаги семиологик моделида одатда унинг умумий хусусиятлари таъкидланади. Бу хусусиятлар нутқда субстанция шаклига эга бўлса (ифодаланишда – товушли, мазмун жиҳатидан – психик), умуман тилда (*language*) – бизнинг лисоний қобилиятимизга боғлиқ бўлади. Алоҳида тилларда эса бундай семиотик умумийлик йўқ, чунки белги ҳар бир тилда ихтиёрий ва ҳар бир тил алоҳида белгилар тизимидан фойдаланади.

Тилни синхрон ихтиёрий белгилар тизими сифатида талқин қилиш соссюршуносликда анъанавий тус олган. Одатда, тил тизимини ушбу кўринишида таҳлил қилиш тилнинг бошқа ихтиёрий тизимлардан фарқини ажратиш мақсадини кўзлайди. Зеро, тил алоҳида бирликларни (дастлабки ўринда – лугавий бирликларни) қўллашда вазиятга мослашув хусусиятига эга. Бошқа турдаги формал тизимлар (жумладан, мантикий-математик тизимлар) да бундай эмас. Улар тил тизими умумийлигига бўйсунишга мажбурдирлар, чунки факатгина лисон барча тизимларни ёритувчи восита – метатил вазифасини ўташ қобилиятига эга.

Тилшуносликда узлуксиз муҳокама қилиниб келинаётган Соссюр таълимотига оид масалалардан яна бири «белгининг соғ лингвистик моҳияти ва унинг таҳлили» масаласидир. Бу масала муҳокамасида асосий эътибор белгининг иккиёқлама хусусиятга эга бўлишига қаратилмоқда. Бунда Соссюр умуман «сўз» тушунчаси ҳақида сўз юритаётib, «конкрет бирликтини» аниқлашга ҳаракат қилганлигини унутмаслик лозим. «Конкрет бирлик» сўзловчи онгига дастлаб ифодаловчи белгиларни фарқловчи восита сифатида ажратилса, кейинги босқичда маъно ва шакли мослаштирувчи восита сифатида тасаввур қилинади.

Тилнинг бошқа семиотик тизимлардан асосий фарқи шундаки, лисоний бирликлар нутқда кетма-кет тарзда ифода топади.

Бугунги шароитда «ассоциация» ва «синтагма» тушунчалари таҳлили масаласи янада долзарблашмоқда, чунки

синтагманинг тил тизимиға ёки нутққа оидлигини аниқлаш Соссюр таълимотининг синтаксисга оид томонларини тавсифлаш учун мұхимдир. Маълумки, олим сўзловчининг синтагмалар тузишдаги шахсий истаги, ихтиёри билан бир қаторда нутқий вазиятда ҳосил бўладиган синтагмаларни (*in praesentia*) уларнинг негизини ташкил қиласидиган мавхум қолиплардан фарқлаш керак эканлигини қайд қилган эди.

«Ассоциация» ва «синтагма» тушунчалари муносабати иккиёклама эканлигини эътиборга олиш натижасида мураккаб бирликларни таркибий қисмларга ажратишида ассоциатив гурухларни фарқлаш амалидан фойдаланилади. Бу эса ҳар бир ажратиладиган таркибий бирлик асосида маълум гурухга оид мавхум ассоциатив бирлик туриши тўғрисидаги фикрнинг исботидир.

Соссюр лисоний бирликларнинг қуидаги тўрт асосий хусусиятга эга бўлишини уқтирган эди: Ҳар қандай лисоний белги *ихтиёрий*, *ўзгалардан фарқланади*, белгилари *ўзаро қарама - қарши* ва ифода воситасига *бефарқлик*. Соссюр издошлари ушбу хусусиятларнинг алоҳида тиллар тизимида ва бу тизимларнинг турли тараққиёт босқичларида қай кўринишда намоён бўлиши масаласини тадқиқ этиб келишмоқда. Бундай тадқиқотлар, албатта, эслатилган хусусиятларнинг умумийлик даражасини тасдиқлаш билан бир қаторда, уларнинг алоҳида тиллар тизимидағи фаоллашув даражасида маълум фарқлар мавжудлигини исботловчи далиллар тўплаш имконини кўпайтирмоқда.

Соссюрнинг синтаксисга оид таълимоти алоҳида эътиборга лойикдир. Маълумки, ушбу таълимот нуктаи назаридан қаралганда, тилнинг синтаксис тузилиши таҳлилида синтагмаларни ажратиш ва уларнинг структуравий мундарижасини ўрганиш лозим. Аммо Соссюр таълимотининг давомчилари синтагмани барча ҳолларда ҳам ажратиб бўлмаслигини сезишиб, «сигнификатив параллеллик»ни вужудга келтирадиган ҳолатларни ҳам назардан қочирмасликни таъкидлашди. Бинобарин, *plaire – plu, take – took, Nacht- Nacht* каби товуш алмашинуви йўли билан грамматик шакллар ясалганда ёки умуман грамматик маъно ифодасида бошқа ўзакдан фойдаланилганда, фаранг тишлинуоси Годель айтганидек,

«семантик масофа»лар ўзаро яқинлашади. Бу ҳодиса лугат ва грамматика муносабати доирасида талкин қилингани маъқул. Грамматиканинг лугат тизими билан муносабати Соссюр тарғиб қилган «мазмуний мухимлик» (*valeurs*) ғояси нұқтаи назаридан қаралғанда, ўзига хос номутаносибликтен күриш мумкин. Лугавий бирликларнинг психологияни семантик жиҳатдан мухимлиги аниқ, аммо грамматик мухимлик мантиқан етакчи ўринде туради, чунки грамматик маъно мустақил равишда ифода топиши мумкин (ёрдамчи сўзлар) ҳамда грамматик шакллар фарқловчии хусусиятларга эга бўлади.

Шу тарзда синтаксиснинг «мавхум бирликлари» ажратиладилар. Бундай мавхумлаштириш жараённан юзага келадиган мазмун «синтактик мухимлик» (*valeurs syntaxique*) деб номланади. Мавхум синтактик бирлик тил тизими бирликларига хос бўлган қарийб барча хусусиятларга, шу жумладан, белгининг ихтиёрийлиги хусусиятига ҳам эга. Гап ва бошқа мураккаб синтактик бирликлар тузилиши бир мавхум тузилманинг бошқаси билан бирикишидан (*emboitement*) иборатдир.

Соссюрнинг синтаксисга оид фикрлари бевосита лисоний аналогия ва ижодкорлик (яратувчанлик) ҳақидаги ғоялар билан боғлиқ ҳолда талкин қилиниши лозим. Соссюр аналогия ҳодисасини тил тараққиётни жараённан юзага келадиган ўзгаришлар кўринишида эмас, балки маълум тараққиёт босқичидаги лисоний яратувчанлик сифатида ўрганишни маъқул кўради. Бу эса тилнинг ўзгаришидан кўра унинг маълум ҳолати ҳақида гап кетаётганидан дарактир. Демак, психологик жиҳатдан таърифланганда, аналогия яратувчанликдир, грамматик ҳодиса сифатида қаралғанда эса – тил тизими синхрон ҳолатининг ажralмас қисмидир. Аналогия тадрижий ривожнинг негизини ташкил қиласи ва тилнинг яратувчанлик қобилиятини таъминловчи воситаларнинг чексизлигини тасдиқловчи ҳодисадир. Бу ҳодиса алоҳида шахс томонидан яратилган нутқий бирлик – гап ва айни пайтда, тил белгиси сифатида қаралиши лозимлигини изоҳлаб беради.

Айтиш жоизки, Соссюрнинг ўзи синтаксис таҳлили модели ҳақида бирор бир тўлиқ даражада шаклланган ғояни олға сурмайди. Аммо унинг издоши Р.Годель (1957) устозининг мулоҳазаларини жамлаб, Соссюрнинг синтаксис моделини

шакллантиришга ҳаракат қилган. Ушбу моделнинг синтаксис қисмини «мухимликлар ва бирикишлар» умумлашмаси (*valeurs itcombinaisons*) сифатида таърифлаш мумкин. Бунда синтагманинг синтаксис учун муҳим бўлган маъно хусусиятлари эътиборга олинади. Синтактик муҳимлик эса, ўз навбатида, турли хил таркибий ўзгаришлар (транспозиция ва трансформация) учун асос бўла оладиган ассоциатив муносабатларда акс топади.

Умуман олганда, ҳозирги соссюруона тилшунослик ўз асосчиси бошлаб берган йўлдан бориб, семиологик тамойилларга таянган ҳолда синтаксис ҳодисаларини ёритишни маъкул кўрмоқда. Маълумки, Соссюрнинг ўкувчилари томонидан нашр эттирилган «Умумий тилшунослик курси» да унинг семиологияга оид ғоялари анча батафсил (баъзан бир оз узук ҳолатда бўлса ҳам) ёритилган. Аммо унинг синтаксисга оид фикр-мулоҳазалари эса кўпроқ кейинги йилларда нашр эттирилаётган ишларida мавжуддир. Бу фикр-мулоҳазаларда лисоний белгининг кетма-кетлик тамойили ва синтагма назарияси асосий ўрин эгаллади. Айнан шу икки мезон Соссюр лингвистикасининг ўзагидир. Бу икки мезон тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш билан бир қаторда, тилшунослик фанининг объектини аниқлашда ҳам хизмат қиласди. Тил ва нутқ муносабатини ўрганишда ушбу ҳодисаларга нисбатан тарихий ёндашув муҳимдир. Ушбу ҳодисалар муносабати масаласи эса Соссюр тилшунослигининг марказий муаммоси бўлиб, фақатгина унинг муҳокамаси асосида бошқа соссюруона ғояларнинг моҳиятини англаш мумкин. Масалан, лисонни (*langue*) лисоний фаолиятдан (*language*) ажратиш масаласини олсан, унинг ечимиға фақатгина диалектиканинг (умумийлик – хусусийлик) қонуниятини тадбиқ этгандагина эришиш мумкин.

Соссюр кўтарган масалалардан яна бири – лисоннинг ижтимоий институционаллик (жамиятдаги келишилганлик, таъсис этилиш) даражаси масаласи замонавий тилшуносликда ўз ечимини топмоқда десак, хато қилмаймиз. Бинобарин, прагмалингвистикада кенг миқёсда тарғиб қилинаётган мулоқот тамойиллари (Грайс ва унинг издошлари) айнан «лисоний келишув» қонуниятларига амал қиласди. Ушбу муаммо бевосита зарурият ва эркинлик ҳақидаги кўхна фалсафий мунозара билан боғлиқ эканлигини сезамиз. Бундан ташқари, бу муаммо ечими йўлидаги изланиш яна бир муҳим масалага, яъни тилнинг пайдо

бўлиши ҳақидаги азалий мунозарага ҳам бориб тақалади. Соссюрнинг лисоний фаолиятни икки қисмга, яъни шахс эркинлиги намунаси бўлган нутқ ва ижтимоий мажбурият намунаси бўлган тил босқичларига ажратиш борасидаги фикрлари тилнинг пайдо бўлиши ҳамда ривож топиши ҳақидаги муаммо ечимини топиш йўлидаги ўзига хос ҳаракат бўлган бўлса ажаб эмас. Соссюрнинг ўзи ҳам тилнинг ижтимоий табиатини унинг семиотик тизимлилиги билан боғлиқ «ички хусусияти» деб хисоблади.

Семиологик таҳлилга тортиладиган обьектлар, Соссюрнинг қайдича, маълум турдаги хусусиятларга эга бўлишлари керак. Биринчидан, улар белги кўринишида бўлишлари лозим. Белгилар тарихан ихтиёрий, аммо уларнинг қўлланиши келишувга (коидаларга) асосланади. Белгилар мажмуаси тизимни ташкил қиласди, уларнинг муҳимлик қиймати қарама-қаршиликлар қаторидан ўрин олишига нисбатан аниқланади. Ҳар бир семиологик белги парадигматик ва синтагматик қаторларда ўз ўрнига эгадир. Семиологик тизимлар ўзгариб туради.

Соссюр тилнинг бошқа семиологик тизимларга нисбатан ўзгача таркибий хусусиятлар ва вазифавий имкониятларга эга эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам лисоний белгиларнинг ихтиёрийлиги бошқа белгилардан қўра юкори даражада. Ягона бир тил соҳиби бўлган ижтимоий гурух аъзолари ушбу тилни билишади ва ундан фойдаланадилар; тил тизимини алоҳида шахс ёки бир гурухдаги шахслар истаги билан ўзgartириб бўлмайди; тил микдор жиҳатдан чегараланган лисоний бирликлар воситасида чексиз микдордаги нутқий бирликларни ясами мумкин.

Герман афсоналари ҳақидаги Соссюрнинг дастхатлари матни гувоҳлик беришича, у фольклорни ҳам семиологик тизим сифатида тадқиқ қилиш тарафдори бўлган. Демак, у оддий ва эстетик тизимларни кескин чегаралаш фикридан йироқ бўлган.

Соссюрнинг семиологик таълимотида белгининг ихтиёрийлиги тамойили алоҳида ўрин эгаллайди. Лекин у ушбу тамойилнинг айрим жиҳатлардан чегараланганлигини эслатишни ҳам унутмайди. Зеро, ушбу тамойил доирасидаги талқинда икки соҳа - семиология ва грамматиканинг ўзаро қарама-қаршилигига дуч келиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Дарҳақиқат, уларнинг биринчиси лисоний белгини унинг ихтиёрийлиги нуқтаи

назаридан ўрганса, иккинчиси эса таҳлилда тизим таркибидаги бирликларни ассоциатив қаторларда гурухланишига таянади. Годелнинг фикрича, Соссюр ўз маърузаларида лисоний бирликларнинг таркибий қисмларга ажралиши ассоциация қаторлари муносабатлари билан боғлиқ эканлиги ҳақида бирор бир аник фикр айтмаган, аммо у сўз ясаш ҳодисаси аналогия тамойилига мос келишини бир неча бор қайд қилади.

Годель, бундан ташқари, лисоний белгини мутлақ (абсолют) ихтиёрий деб қараш тилнинг тизимиш талқинига маълум даражада ҳалақит бериши мумкинлигини қайд қилади. Маълумки, тизимда барча ҳодисалар бир-бирини тақозо этади, ўзаро алоқада. Ифодаловчи (белги) ва ифодаланмиш (референт) нинг алоқаси ўта ихтиёрий эканлигини аниқлаш учун тизимдан узоклашиш, бу алоқани мавхумлаштириш лозим бўлади. Бу йўсиндаги амал бажарилганда, лисоний белги ўзининг муҳимлик қийматини йўқотиши аник. Годель Ш. Балли билан мунозара юритиб, ихтиёрийликнинг чегараси лисоний белгининг ассоциация қатори ва синтагматик муҳитда турган ўрни билан боғлиқ деб хисоблайди. Бизнингча, олимнинг лисоний белгининг ихтиёрийлик даражаси ҳақида билдирган ушбу фикри барча семиологик тизимлар тадқиқи учун муҳимдир ва ушбу тамойил тил тизимининг синхроник ва диахроник таҳлилида бир хилда қўлланиши мумкин.

Соссюр назариётчи бўлиш билан бир қаторда, ўз назарий ғояларини аник тил материали асосида исботлаш ва изоҳлашни ҳам унутмайди. У аслида киёсий –тарихий тилшунослик билан шуғулланган бўлса ҳам, кейинчалик тил синхрониясига бўлган қизиқиш устунлик қилади ҳамда олим фаол тил тизими материалидан фойдаланишини маъқул қўради ва оғзаки нутққа, аник матнларга мурожаат қилишини ҳам унутмайди.

Ҳар бир олимнинг фан ривожига қўшган ҳиссасига бериладиган баҳо турли даврларда турлича бўлиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо Соссюрнинг номи мана қарийб бир аср давомида тилдан тушмайди, унинг таълимотини камситишга ҳеч ким журъат қилмайди. Олимнинг тилшунослик назариясига қўшган ҳиссаси, лисоний белгилар тизими ҳақидаги таълимоти доимо юқори баҳоланиб келинмоқда. Шу сабабли Фердинанд де Соссюрнинг номини буюк фан

арбоблари билан бир қаторга қўйишади. Соссюр таълимоти негизида структурализмнинг турли йўналишлари ривож топди ва шуни айтиш жоизки, бу йўналишларнинг баъзилари соссюронга структурализмдан қанчалик узоқлашмасинлар (масалан, Н.Хомский номи билан боғлиқ Америка структурализми), барибир методологик асос сақланади.

4.4. Шарль Балли лингвистик таълимоти

Швейцариялик тилшунос Шарль Баллининг (1865 - 1974) номи барча мамлакатлар тилшунослари учун яхши таниш. Унинг асарларидағи лисоний таҳлилнинг қарийб барча соҳаларига оид фикрлар ва гоялар ҳозиргача тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда эмас. Сўзиз, олимнинг стилистикага оид тадқиқотлари ушбу соҳанинг ривожига катта хисса қўшди, ҳозирги пайтда тараққий этаётган йўналиш - коммуникатив стилистика кўп жиҳатдан айнан Ш.Балли таълимотидан назарий «озуқа» олаётганидан хабардормиз. Лекин Балли таълимотида яна бир соҳа борки, унинг умумий тилшунослик фани учун назарий ва амалий аҳамияти алоҳида эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Бу – лисоний типология соҳасидир.

Баллининг лисоний типология назариясига оид гоялари «Умумий тилшунослик ва француз тили муаммолари» (русча нашри 1955) рисоласида ёритилган. Ушбу назариянинг асосий мақсади тил тизимининг лугавий, грамматик ва фонетик сатҳларининг типик хусусиятларини ягона бир методологик тамойил асосида ёритиш услубини яратишидир. Бу вазифани бажариш учун Балли «прогрессив (ўсувлан) кетма - кетлик» тушунчасини кўллайди ва ушбу тамойил воситасида тил тизимининг ҳар қандай сатҳига оид бирликларнинг тузилишини тушуниш мумкин, деб ҳисоблади. Бу эса, ўз навбатида, типологик нуқтаи назардан қараганда, тил сатҳлари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлигидан далолатдир.

Тил структурасининг турли сатҳлари хусусиятларини ягона бир илдиз негизида тасаввур қилиш фояси мухим аҳамиятга молик. Тилшунослик анъанаси учун бу катта янгилик. Одатда, тилнинг типологик таснифига лугавий, грамматик (морфологик) ва фонологик хусусиятларидан биригина асос қилиб олинади. Балли таклиф қилган «прогрессив кетма – кетлик» тамойили ижобий

натижа бериши билан бир қаторда, айрим саволлар ва гумонлар туғдириши ҳам мүмкін.

Хозирча тамойилнинг моҳиятига батафсил тўхтамасдан туриб, ушбу назарияни амалиётга тадбиқ этишининг айрим томонларини ёритишга ҳаракат қилмоқчимиз.

«Прогрессив кетма – кетлик» тамойили гап структураси таҳлилида ижобий натижа бериши маълум, аммо унинг сўз ва бўғин тузилиши таҳлилидаги роли гумонлидир. Агарда биз, Баллига эргашиб, француз тилида сўз тузилиши юкорида айтилган тамойилга амал қиласи деб ҳисобласак, унда сўз таркибидаги элементларни гап бўлаклари билан тенглаштирган бўлар эдик. Семантик жихатдан ҳам бу фикр ўз тасдигини топмаса керак, зоро, сўз ва гап бўлакларининг маъно ясаш хусусиятлари тамоман ўзгача. Масалан, «негиз + қўшимча» қолипида ясалган сўзларни олсан, унинг воситасида олдин предмет аталади (номланади), кейин эса суффикс воситасида ушбу предмет ҳақидаги фикр ифодаланади қабилидаги фаразни исботлаш муаммолидир. Бу фараз исботсиз қолса керак, чунки сўз ва гапнинг турли сатҳларга оидлиги ва батамом ўзгача хусусиятлар соҳиби эканлигини ҳеч ким инкор қилгани йўқ.

Балли типологик назарияси доирасида фонетикани бошқа сатҳлар билан тенглаштириш ҳам ўта қийин масаладир. Алоҳида олинган бўғиннинг маънога эга эмаслиги барчага маълум, шундай экан, бўғин лугавий бирликлар ва гап бўлаклари билан бир қаторда тура олмайди. Балли прогрессив кетма – кетлик тамойилини француз тили фонетикасида мавжуд бўлган окситон ритм (сўзнинг охирги бўғини ургу олиши) ҳодисаси билан изохлади, лекин бошқа тилларда ритм бўлмаса ҳам фонетик структурада ушбу тамойил ўз кучини йўқотмайди-ку?!

Хуллас, типологик таснифда турли сатҳларга оид хусусиятларни умумлаштириш муаммоси муаммолигича қолмоқда ва Баллининг бу йўналишдаги ҳаракати самараасиз қолмоқда. Шунинг учун ҳам Баллининг тиллар типологиясига оид назариясида асосий ўринни «прогрессив кетма - кетлик» тамойилига эмас, балки «аналитизм» ва «синтезизм» тушунчаларига берган маъқулроқ. Балли ушбу тушунчаларни қўйидагича изохлади: «Синтез – нутқий кетма-кетликка ва хотирадаги яккамаъноликка (моносемия) қарама-қарши турадиган

лисоний фактлар умумлашувидир. Лисоний шакл эса, аксинча, кетма-кетлик ва моносемия талабларига қанчалик мос келса, шу даражада аналитик хусусиятга ҳам эга бўлади» (Балли 1955: 159). Анализм тушунчаси учун асос бўлиб хизмат қиладиган «кетма-кетлик» тушунчаси эса «лисоний белгиларнинг нутқ жараёнида бир-бирига қўшилиб кетмасдан, кетма –кет давомийликда келиши» сифатида таърифланади (Ўша асар, 159 бет). Ушбу тамойилга бўйсунмаган барча турдаги тузилмаларда дистаксия ҳодисаси мавжуд деб хисобланади: «Дистаксия ҳодисаси юзага келганда, лисоний белгилар оддийгина кетма-кет кетмасдан, балки биргина ифодаловчи бир неча ифодаланмишга эга бўлиши мумкин (масалан, французча *va!*) ёки аксинча, биргина ифодаланувчи (референт) бир неча ифода воситаларида намоён бўлади (масалан, *nous disons*)» (Балли 1955:195). Типологик тасниф учун кўрсатилган турдаги лисоний ассиметриянинг муҳимлигига ишонган Балли ўз таъкидини давом эттиради: «Ишончимиз комилки, кўрсатилган номутаносиблик қай даражада чукур бўлса ва тез учраса, ўша тил шу даражада синтетикдир, бу мутаносибликтининг юзакилиги ва кам учраши тилнинг аналитик эканлигидан дарак беради» (Балли 1955:160). Шу ўринда анъанавий морфологик типологияда ҳам агглютинатив, флексив, аналитик, синтетик қурилишга эга бўлган тиллар гурухлари ажратилишини эслатмоқчимиз. Аммо бундай ажратища типологлар фақатгина ифода планига, яъни лисоний белгиларнинг шаклий тузилишига эътиборни қаратадилар. Балли эса ифода ва мазмун доиралари хусусиятларини бир хилда инобатта олиш, шакл ва мазмун уйғунлигига асосланиш тарафдоридир.

Бундан ташқари, «аналитик» ва «синтетик» атамаларининг қўлланишининг ўзида ҳам номутаносибликлар мавжудлиги сабабли, унинг баъзи фикрлари анъанавий морфологик типология нуқтаи назаридан ишончсиздек туюлади. Масалан, Баллининг фикрича, француз тилида қиска сўзларнинг кўп микдорда бўлиши ушбу тилнинг синтетизмга мойиллигидан далолат беради. «Узун сўз, - дейди олим, - тушунарли бўлиши учун уни таҳлил (анализ) қилиш керак, шунинг учун ҳам ҳозирги француз тилида узун сўзлар кўп бўлганида, ушбу тилнинг умумий луғавий структураси аналитик хусусиятга эга бўлган бўлар эди» (Балли 1955: 332). Ушбу ҳодиса анъанавий морфологик типология нуқтаи назаридан

талқин қилингандың биң бутунлай бошқа хулюсага келишгә мажбүрмиз. Дархакиқат, синтетик тилларда сүзнинг узунлиги қўшилаётган сўз ўзгартувчи қўшимчалар ҳисобидан ортади, чунки бу қўшимчалар воситасида сўзлар бирниб, нутқий тузилмалар хосил қиласди. Аналитик тилларда эса қисқа шакллар миқдори қўпроқ, чунки уларда синтактик алокалар ёрдамчи сўзлар воситасида шакл топадилар.

Балли «аналитик» атамасини фонетик тузилмалар таҳлилида ҳам худди шу маънода қўллади. Унинг таъкидича, француз тили товушлари олмон тилидан фарқли ўлароқ, «оддий ва нутқий қаторда бир-биридан осонгина ажралади, демак, улар ўзига хос анализик хусусиятга эгадирлар» (Балли 1955: 215).

Бироқ француз тили товушларининг дастлабки тасаввурдаги оддийлиги ва аниқлигини ушбу тилнинг анализик хусусияти билан боғлаш мумкин эмас. Худди шунингдек, олмон тилида товушларнинг ушбу сифатларга эга эмаслигини бу тилнинг синтетик хусусияти билан исботлаш ҳам мунозаралидир. Бунинг учун инглиз тили фонетик тизимини қиёслаш лозим бўлади. Фонетик тизимида дифтонг, трифтонг каби таркибли фонемалар мавжудлигига қарамасдан, инглиз тилининг анализиклик даражаси француз тилига нисбатан анча юкори эканлиги маълум.

Балли ўз таълимотида ифода ва мазмун доираларига киравчи бирликлар ўртасидаги муносабатларни ёритишида «гипостаз», «плеоназм», «ажратиш», «фаоллашган белги» каби тушунчалардан кенг миёсда фойдаланганлигини кўрамиз. Бу тушунчаларнинг қўлланиши ва мазмунни анализизм ва синтезим ҳодисалари таърифига мос келиши керак. Лекин бу талабни ҳар доим ҳам бажариш осон эмас.

Француз тилининг анализик тузилишини таъминловчи воситалар қаторига Ш. Балли артикл ва бошқа «кичик сўзчалар»ни ҳам киритади (Ўша асар, 213-214). Айни пайтда, у артикл ва ургусиз олмошга синтетик тузилиш кўрсаткичи сифатида қарайди, чунки бу бирликлар плеонастик бирикмаларнинг пайдо бўлишига сабабчидир. Масалан, nous aimons гуруҳида грамматик шаклларнинг плеонастик устма-устлиги намоён бўлади (1-шахс кўплик сони икки марта ифодаланади). Бу гуруҳдаги тузилмалар француз тили синтетик анъанасини янада кучайтириши аниқдир (Балли 1955: 234).

Балли томонидан мураккаб замон шаклларининг аналитик хусусиятининг изохланиши ҳам муаммолидир. Олимнинг дастлабки холосаси мураккаб замон шаклларининг пайдо бўлиши француз тилининг аналитик тараққиётидан гувоҳлик беришини тасдиқлашдир: «аналитик тараққиёт модал мазмунни феълдан ажратувчи (мураккаб) шаклларнинг ривожига сабаб бўлади; прогрессив кетма-кетлик эса модал белгиларнинг диктал феълдан олдин келишини талаб қиласди» (Балли 1955: 234). Аммо ушбу мураккаб замон шакли таркибига, масалан, равиш киритилгани заҳотиёқ шакл синтетик қўриниш олади. Бунинг сабабини тушунтириш осон: грамматик белги (шакл) нинг қисмларга ажратилиши дистаксия, яъни синтез ҳодисасидир. Шунга биноан *jai beaucoup souffert* синтетик гуруҳини Балли аналитик бирикма мисоли сифатида беришдан кочиб, уни синтез маҳсулни деб қарашни маъкул кўради.

Мураккаб замон шаклининг синтетиклиги «фаоллашган белги» қўлланишида ҳам намоён бўлади. Баллининг таърифича, фаоллашган белги ягона бир ифодаланмиш бир қатор ифодаловчиларга мос келганда ҳосил бўлади. Бу ифодаловчиларнинг мазмуни уларнинг маъно хусусиятлари умумлашувидан иборатдир, алоҳида олинганда эса улар аниқ мазмунга эга эмас (Балли 1955: 161). Демак, мураккаб замон шакли тўлиғича фаоллашган белги таърифига мос келади ва шу сабабли у дистаксия ҳодисаси таркибига киритилиши лозим.

Швейцариялик тилшуноснинг типологияга оид гояларида учрайдиган қарама-карши фикрлар ва уларнинг баъзан тил материалида ўз тасдигини топмаслик ҳолатлари ўта жиддий муаммоларни туғдириши мумкинлигига аминмиз. Ҳатто ушбу типологик назариянинг энг умумий тамойиллари ҳам муҳокамага муҳтоҷ. Масалан, прогрессив кетма-кетлик тамойилини олайлик. Кетма-кетлик прогрессив бўлиши учун умумий мазмунни ифодаловчи қисм маъносини тўғридан-тўғри англаш қийин бўлган қисмдан кейин келиши лозим. Маъно жиҳатидан муҳим бўлган қисм маъноси ноаниқ бўлақдан олдин келган ҳолларда прогрессив кетма-кетлик ва аналитизм таъминланмайди (Балли 1955: 218). Унда нутқий бирлик (гап) нинг маъносини қайси қисмларга таянган ҳолда англаш мумкин, деган саволнинг тугилиши табиийдир. Баллининг қуидаги мулоҳазалари ушбу саволга

жавоб бўла олишига шубҳамиз бор: «Бўлак – унинг ҳақида сўз юритилаётган (фикр юритилаётган) предмет, яъни аниқланмиш; яхлитлик – аниқловчиидир. Демак, миқдорий аниқловчи мантиқан миқдорий аниқланмишни (t) тасвирлайди, умумий миқдор эса т` билан ифодаланади... Прогрессив кетма-кетлик миқдорий аниқловчининг миқдорий аниқланмишдан олдинги ўринни эгаллашини талаб қиласди. Хинд – Европа тиллари бундай тузилишдан узокдирлар» (Балли 1955: 249).

Нутқий тузилмалар қисмлари жойлашиш тартибининг улардаги маъно хусусиятларга таъсири доирасини аниқлашнинг бирор бир меъёри ёки ўлчови мавжуд эмаслиги сабабли прогрессив кетма-кетлик даражасини аниқлаш субъектив кўринишга эга бўлиб қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Умуман, Ш.Баллининг лисоний ходисалар жараёни керак бўлганидан бошқачароқ кечади, бошқача кўринишда юзага келади, деган фикрини (Балли 1955: 204) тушуниш қийин. Тилшунослик фанини лисоний бирликлар тузилишининг қайси шакли воқеликка ёки мулоқот эҳтиёжига мос тушиши умуман қизиқтирумайди. Тилларнинг кўпсонлигининг ўзи ҳам у ёки бу тилнинг тузилиш жиҳатидан бошқасига нисбатан устунлигини тасдиқлаб бўлмасликнинг исботидир.

Баллининг типологияяга оид ғояларининг ўзига хослигини қайд қилиш билан бир қаторда, уларнинг морфологик типологияяга мос келадиган жиҳатлари ҳақида ҳам тўхтамоқ керак. Олим «кетма-кетлик» (бир чизиқдан ўрин олиш) тушунчасини кўлланишга киритаётib, морфологик тасниф бўйича агглютинатив тиллар синфига кирадиган тиллар тизимида тўлиқ намоён бўладиган нутқий тузилиш тамойилини тавсифлайди. Маълумки, айнан агглютинатив тилларда бир морфема ягона бир маънони ифодалайди ва шу йўсинда ифода ва мазмун доиралари ўртасида ҳеч қандай ассиметрия муносабати юзага келмайди.

Баллининг ҳозирги замон француз тили тизимидағи синтетик ва аналитик анъаналар муносабати ҳақида билдирган фикрлари ҳам дикқатга сазовордир. Олимнинг фикрича, француз тилида маълум сабабларга биноан синтетик хусусиятларнинг қайта тикланиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан «прогрессив кетма-кетлик» ва «синтактик сиқиқлик» ходисаларига яна бир бор тўхтамоқчимиз.

Баллининг фикрича, француз тили анализатор хусусиятини аникловчи асосий күрсаткыч прогрессив кетма-кетликдир. Аммо бунда қайси түзилиш ҳақида сўз кетаётганлигини билиш мушкулдир. Тўғри, прогрессив кетма-кетлик француз грамматикасининг асосий «устуни», аммо Балли талқинини давом эттирасақ, грамматика ўз анъанавий худудидан чиқиб, «бўғин грамматикаси» даражасигача тушади. Прогрессив кетма-кетлик тамоили таъсирини «тизимнинг барча қисмларида, гап түзилишидан бошлаб, то сўз ва бўғин түзилишигача кузатиш мумкин» (Балли 1955: 204). Тил тизими талқинига бундай «нотисанд» ёндашиш кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолда тил тизими сатҳлари ва улар таркибига кирувчи бирликлар (гап, сўз бирикмаси, сўз ва бўғин) ўртасидаги фарқ асосиз инкор қилинади. Шунингдек, айрим тил ҳодисаларини прогрессив кетма-кетлик ғояси нуқтаи назаридан талқин қилишдаги ноизчилликлар ҳам кишини ҳайратлантиради. Агар бирор бир ҳодиса ушбу тамоилга мос келмаса, уни эскирган, фаол қўлланишдан чиқкан деб қаралади. Масалан, агар Ш.Балли талқинига ишонсақ, француз тилидаги «сифат- от» қолипидаги бирликларни адабий тилга хос архаик түзилма сифатида қарамоғимиз лозим (Балли 1955:254). Аслида, бу фикр ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Туб ёки бир таркибли (ўзакли) сифатларнинг ҳар қандай ўринда (бирикма таркибида) қўлланиши ҳеч қандай стилистик аҳамиятга эга эмас.

Баллининг ҳозирги замон француз тилида синтетик курилмалар миқёсининг кенгайиб бораётганлиги ҳақидаги фикрига келсақ, бу фикр ҳам келтирилган мисолларда тўлигича ўз исботини топмаганлигини кўрамиз. Олимнинг қайдича, синтетикликнинг қайта тикланишига сабаб от ва феъл бирикмаларида синтактик сиқиқликнинг юзага келиши ва шу ҳодиса натижасида бирикма қисмлари ўзларининг алоҳидалик (автономлик) мавқеларини йўқотишидадир. Натижада, бирикма элементлари ўзига хос олд кўшимича мақомини оладилар.

Аслида, эслатилган сиқиқлик ҳодисаси асосан фонетик хусусиятга эга. У ёрдамчи ва мустакил сўзларни фарқлашга ҳеч қандай халақит бермайди. Француз тилининг анализатор анъаналари ва унинг тизимида пайдо бўлаётган янги кўринишдаги синтетизмни исботлашда Ш.Балли қарийб бир хил фактларга

мурожаат қиласи. Фарқ фақатгина шундаки, олим аналитизмни изохлаш учун ифода доирасига мурожаат қилса, синтетик тузилиш исботида лисоний бирликларнинг мазмун доираси инобатга олинади.

Француз тилининг аналитик хусусияти шундаки, у флексив кўшимчалар ўрнига олд элементлар тизимидан фойдалана бошлади (Балли 1955: 213-214), яъни ифода тизимида ўзига хос ислоҳот юзага келди ва синтетизм ўрнини аналитизм эгаллади. Аммо айнан шу ҳодисаларни мазмун доираси нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, тил қурилишида ҳеч қандай ўзгариш ёки ислоҳот жараёни кечганлигининг бирор бир «из»ини кўрмаймиз. Француз тили аввал қандай даражада синтетик бўлса, уни шу даражада саклаб қолаверди. Чунки ўзгариш факат ифода воситаларида: флексия ўрнини олд элементлар эгаллашди, семантема эса ўзгармасдан қолаверади. «Эски» синтетизм «янги»си билан ўрин алмашди, аммо сифат кўрсаткичларга эга бўлган типологик ўзгариш юзага келмади. Демак, Балли таълимоти нуқтаи назаридан қарасак, француз тили аналитизми ҳақида гапиришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Олим таълимотида «синтактик сиқиқлик» ҳодисасининг икки турдаги белгилари ажратилади: 1) бу ҳодиса сўзнинг маъно жиҳатидан алоҳидалик (автономлик) хусусиятини йўқотиши; 2) семантема олд элементлар билан биришиб, ягона бир ургуга эга бўлган ритмик гурухни ташкил қиласи.

Ш. Балли «сўз автономлигидан (мустақиллигидан) синтагматик бирикма автономлигига ўтиш» деганда нимани назарда тутади? Умуман, «автономлик» тушунчаси Балли таълимотида қандай ўринни эгаллайди ва нимани англатади? Бу саволларнинг туғилиш сабаби ва бизни ҳайрон қолдирган нарса шундаки, муаллифнинг фикрича, от феълга нисбатан кўпроқ автономлик хусусиятига эга эмиш. Наҳотки шундай бўлса?! Ахир нутқий бирликлар тизимида феълнинг роли алоҳида эканлиги, синтагмада у «етакчилик» қилиши барчага маълум-ку! Феъл ҳатто оғзаки нутқда бошқа бирликлар курсовида ўз грамматик шаклини тўлиқ саклаб қолиш хусусиятига эга. От эса бундай мустақиллик хусусиятига тўлиқ даражада эга эмас ва у доимо синтактик курсов таъсирида бўлади.

Ш. Балли асарининг кейинги саҳифаларидан маълум бўлишича, у сўз автономлиги масаласини семантема автономлиги масаласи билан алмаштиради: «сўз автономлиги масаласи семантема масаласига бориб тақалади» (Балли 1955:318). Умуман, Балли таълимотида «сўз» тушунчаси йўқ деса ҳам бўлади, асосий ўринни «семантема» ва «молекула» тушунчалари эгаллади. «Молекула» фақатгина луғавий маънога эга бўлган негизга грамматик қўшимчалар қўшиш билан ясалади. Олим «молекула»ни синтаксис бирлиги сифатида талқин қилади. Сўз туркumlари ҳам молекулалар доирасида ажратилади. Семантеманинг маълум турдаги актуализатор (фаоллаштирувчилар) билан бирикуvida от сўз туркумидаги бирликлар хосил бўлса, бошқа турдаги фаоллаштирувчилар эса семантемани феъл туркумига ўтказади. Масалан, march артикль воситасида от ясади, қўшимча ва ургусиз олмош билан бириккандада феълга айланади.

Луғавий-грамматик белгиларига нисбатан фарқланадиган анъанавий сўз туркumlари қаторига бундай янгича тавсиф бериш синтактик сиқиқлик ҳодисасининг мавжудлигини исботлаш имконини яратади. Натижада, Балли сўз туркumlарини синтактик тузилмалар деб қарашни таклиф қилади.

Бизнингча, семантема мустақиллигини сўз мустақиллиги билан тенглаштириб бўлмаса керак, шу сабабли сўзни тил тизимининг реал бирлиги эканлигини эътироф этувчи тилшунослар синтактик сиқиқлик ҳодисасининг барча тиллар учун бир хилда фаоллашувини тасаввур қила олмайдилар. От ва феъл бирикмаларида синтактик сиқиқлик фақатгина олд ўриндаги элементлар доимий сўз ўзгартирувчи қўшимчалар қаторидан ўрин олгандагина юзага келади. Француз тилида бундай парадигматик қаторлар мураккаб замон, мажхул даража категориялари ифодасида шакл топадилар. Аммо бундай ҳолатларда фақатгина олд элементларнинг феъл билан вазифавий-маъновий бирикиши юзага келади, ҳеч қандай шаклий бирикиш кузатилмайди. Шакл нуқтаи назаридан ушбу элементлар – морфема эмас, балки сўздир. Ҳатто биз бу элементларни морфема сифатида тасаввур қилсак ҳам, барибир уларни синтетик тузилиши натижаси сифатида талқин қилиб бўлмайди. Демак, олд элементлар вазифаси ва ифода қилинаётган маъно жиҳатидан морфемаларга (негиздан кейинги)

ўхшаса ҳам, улар ўз структуравий мустақилликларини сақлайдилар. Бу элементлар морфологик шакллар қаторини (парадигмани) ҳосил қылмаганларни сабабли уларни морфемаларга айланиши ҳақида гапириш унчалик ўринли эмас. Бу турдаги бирикмаларни от ва феъл гурухлари синтаксиси доирасида ўрганган маъқулроқ.

Худди шунингдек, аналитик гурухларда синтактик сиқиқлик даражаси албатта ўсиб боради. Аммо, ҳар кандай ҳолда ҳам у флектив тилларда кузатиладиган даражага етиб бормайди. Зоро, флектив тилларда сўзлар бирикувининг асосий шакли мослашувдир ва бунда айни бир грамматик белги гап таркибида худди уни сиқувга олаётгандек, бир неча бор тақрорланади. Француз тилида, флектив шакллар камлиги сабабли бу услугуб кам учрайди. Агар Ш.Балли синтактик сиқиқликни гап таркибининг синтактик тузилиши нуқтаи назаридан аниқлаш ниятида бўлганида, француз тилида синтетизмнинг қандайдир янги «тўлқини» пайдо бўлиши ҳақида гапирмас эди: «...мослашув синтактик жиҳатдан бошқарувга нисбатан кўпроқ синтетик хусусиятга эга. Бошқарув бир-биридан «ташқарида» бўлган бўлакларни боғлайди, мослашув эса уларни (бўлакларни) бир-бирига қоришириб бириктиради» (Балли 1955: 224).

Синтактик сиқиқлик француз тилида асосан фонетик хусусиятга эга. Ритмик гурух синтактик тузилишга таянади. Бунда фонетика етакчилик қиласи, чунки алоҳида бир ритмик гурух нутқ услуги ва тезлигига нисбатан бир неча синтактик гурухларни камраб олиши мумкин. Демак, ритм – бириктирувчи ҳодисадир.

Шундай қилиб, Ш. Баллининг анализм ва синтетизм ҳодисалари муносабати ҳақидаги фикрлари шаклланишида методологик хатога йўл қўйилган, яъни сўз тил тизимининг реал мавжуд бирлиги сифатида эътироф этилмаган. Сўз реал бирлик сифатида қаралса, сиқиқлик ҳодисаси ҳам синтаксис сатҳидан кўра фонетикага хос эканлиги ҳам ўз исботини топади. Сўзиз, Балли таълимоти жаҳон тилшуносларининг назарий қарашларида ўз аксини топди. Унинг француз тили тузилиши ҳақидаги фикрлари морфологик типология доирасида шаклланган назарий қарашларнинг мантиций давомидир.

Балли таълимотининг асосий мақсади лугат, грамматика, фонетика сатҳларининг типик хусусиятларини тавсифлашнинг

умумий тамойилларини яратишидир. Бундай асосий тамойиллардан бири прогрессив кетма-кетлик тамойилидир. Балли ушбу тамойил асосида тилнинг ҳар қандай сатҳи тузилишини тушунтириш мумкинлигига ишонади. Амалиётда эса бундай эмаслиги маълум бўлди. Гап тузилишини ёритишида бу тамойил самарали натижа берган бўлса ҳам, сўз ва бўғин тузилишини ўрганишда у ҳеч қандай натижа бермади. Сўзнинг таркибий бўлаклари унинг умумий маъносини очиб бера олмайди. Гап бўлаклари эса, аксинча, бу вазифани бажариш қобилиятига эгадирлар.

Баллининг типологик таълимоти умумий қабул қилинган тилларнинг морфологик таснифига мос келмайди. Тўғри, бу икки йўналишда ҳам «аналитик» ва «синтетик» тиллар тушунчаси мавжуд, аммо уларнинг кўлланиш доираси ва мазмуни турлича. Анъанавий морфологик таснифда ифода услуби ва воситалари мухимдир, Балли эса ифода ва мазмун доираларини бир хилда инобатга олиш тарафдори. Шу сабабли, француз тилида қисқа (ҳажмдаги) сўзларнинг кўплиги, олимнинг фикрича, синтезмнинг кучайишидан дарак беради. Айни пайтда, француз тилида анализмга интилиш мавжудлигини ҳам инкор қилмайди. Энг қизиги, иккала ҳодисанинг ҳам исботини бир хил омиллардан кидиради, аммо биринчисида мазмун доирасига мурожаат қилинса, иккинчисининг (анализмнинг) исботини ифода воситаларидан излайди. Юқорида айтганимиздек, Баллининг анализм ва синтезм муносабати ҳақидаги қарашлари бевосита сўз бирлигини тавсифи билан боғлиқ (унинг томонидан сўзнинг тил тизимининг реал бирлиги эканлиги инкор қилинганлитигин эслайлик). Натижада, сўз мустақиллиги ҳодисаси семантема мустақиллиги билан алмаштирилган.

Балли таълимотида ҳаяжонли нутқ ҳолатини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Олимнинг фикрича, тилда аффектив (ҳаяжонли) ҳолатнинг ифода топиши икки асосий мақсадни кўзлади: 1) сўзловчининг хис-туйғуси, кайфиятини ифодалаш ҳамда маълум қилинаётган ахборотга баҳо бериш; 2) мулоқот иштирокчиларига таъсир ўтказиш мақсадида маълум турдаги лисоний воситалардан фойдаланиш. Умуман, Ш. Баллининг тилнинг таъсир ўтказиш воситаси бўлиши ҳақидаги фикрлари диккатга сазовордир ва бу фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда коммуникатив тилшунослик, прагмалингвистика ва

психолингвистикада фаоллашган қатор мұаммолар мұхомаси учун мұхимдір.

Балли лисонда интеллектуал ва аффектив хусусиятлар мұносабатини аниклашда психология фанида мавжуд бўлган инсон онгига ушбу хусусиятларнинг алоҳида акс топиши ҳақидаги ғояга асосланади. Тафаккур фаолияти ва онгдаги бундай икки томонламалик тўғридан-тўғри тил тизимиға ҳам кўчади ва Балли «интеллектуал» ва «аффект» тилларини фарқлайди.

Баллининг тилнинг ҳаяжонли-аффектив хусусиятлари ҳақидаги фикрлари экпрессивликнинг нутқий фаолиятдаги ўрнини аниклаш учун мұхимдір. Олим ҳаяжонли нутқ фаолияти тадқиқига социологик нұқтаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув ўша давр учун янгилик эди ва шу асосда тилшуносликда тамоман янги йўналиш –лингвостилистика юзага келди. Лингвостилистиканинг тил тизими ва нутқий фаолиятни функционал жиҳатдан тадқиқ қилиш борасидаги маҳсулдор натижалари барчага маълум.

4.5. Роман Якобсон таълимоти ҳақида

Р. Якобсоннинг (1896-1982) тилшуносликнинг турли соҳаларига оид ғоялари билан тадқиқотчилар яхши таниш. Олим тилшунос ва адабиётчи сифатида машҳур. Россия тилшунослиги анъаналарининг давомчиси бўлган Р.Якобсон таълимоти ўзига хослиги, назарий фикрларнинг асослилиги, янгилиги билан доимо ажаралиб турган ва бу фикрлардан турли йўналишлар вакиллари унумли фойдаланиб келишмоқда.

Р. Якобсон таълимотининг умумий тавсифини бериш учун дастлаб олимнинг тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар қаторида тутган ўрни ҳақидаги фикрини билмоқ керак.

Тил тизимлашган, нисбатан мустақил (автоном) ҳодиса бўлиб, у, бир томондан, ўз-ўзидан ва ўзи учун мавжуд, иккинчи томондан, лисоний қобилият ва хусусиятларнинг умумий доираси (миқёси)га киради. Нисбатан мустақиллик тамойили фанлараро мұносабатни тақоза этиш билан биргаликда, лисоний ҳодисалар

тадқиқида редукционизмни, яъни уларни ажаратиб, фақатгина психология ёки тилшунослик «қарамоги»га ўтказишни инкор қиласди. Лисоний ҳодисаларни турли фан соҳаларидағи тадқиқида яқинлик бўлса-да, лекин улар қоришиб кетмаслиги, айнан бир-бирин такрорламаслиги лозим. Нисбатан автономлик тамойили тил тизимининг барча сатҳлари учун ҳосдир. Фонология, морфология, синтаксис ва лугат тизими бирликларини таркибий қисмларга ажратишда турли услубларга мурожаат қилиш лозим бўлади. Тил тизими қарам-қаршиликлар қаторидан иборатdir (харакатчанлик-турғунлик, диахрония-синхрония, эллипсис – тўлиқлик, архаизм-неологизм, мафора-метонимия, изчиллик-рақобат ва ҳ.к). Ушбу жуфтликлар аъзолари ҳам нисбатан мустақиллик хусусиятига эгадирлар.

Якобсон таълимотида шахслараро ва шахснинг ўз-ўзи билан мулоқот шакллари фарқланиб, бу мулоқот турларининг ижроси тилнинг асосий вазифалари эканлиги қайд этилган. Тил бирликлари доимий равишда маълум бир мақсадга йўналтирилган, шунингдек, тил тизимидағи ўзгаришлар ҳам бирор-бир мақсадни кўзлайди ҳамда тадқиқотчи ушбу мақсадни аниқлаши лозим. Масалан, бундай мақсадлар қаторига тизимдаги мувозанатни сақлашга йўналтирилган харакатлар ҳам киради. Маълумки, тил доимо ўз вазифасини ижро қиласди, аммо унинг айрим қисмлари, кичик тизимларининг фаоллиги учналиқ маҳсулдор бўлмаслиги мумкин. Масалан, *тежамкорликнинг* баъзан таъминланмай қолиш ҳоллари ҳам учрайди. Бир гуруҳ ёки сатҳ доирасидаги тежамкорлик бошқа жойда бузилиши, таъминланмаслиги мумкин. Тил тизими тараққиётида тизимлараро мувозанатнинг сақланиши ўта муҳимдир.

Якобсон тил тизими тараққиётини *турғунлик* ва *ҳаракатчанлик* нуқтаи назаридан таҳлил қиласди. Бу хусусиятлар диахрония ва синхронияда бир хил курдатга эга. Лисоний ўзгаришлар структуранинг бузилиши ва қайта ташкил топиши натижасидир, бу эса бошланғич ва натижавий (охирги) тизимларни қиёслаш ҳамда ўзгаришлар юзага келаётган сатҳларни аниқлашни тақозо этади. Албатта, тил тизими ўзгариб туради ва юзага келаётган ўзгаришлар, мавжуд ҳодисалардан қайси бири маҳсулдор эканлиги, «келажаги борлиги»га ишорадир. Ижодкорлик, яратувчанлик (*creativity*) руҳи тилнинг энг асосий

ички хусусияти, заҳираси. Тилнинг яна бир ички хусусияти бўлган вақт, замон ўлчови (мөъёри) унинг макондаги варианташуви (муқобиллашуви) билан чамбарчас боғлиқдир.

Якобсон лисоннинг номоддий хусусиятини алоҳида қайд этади – нафакат тилнинг умумий тизими, балки унинг қисмлари ҳам моддий кўринишга эга эмас. Демак, хабар ва унинг коди муносабати олдиндан мақсадли равишда шаклланган. Хабар ёки ахборот нутқий фаолиятнинг ягона, тақрорланмас мақсадидир, код эса – ахборотни узатишни таъминловчи тизим. Код доимо нисбатан мустақил бўлган субкодлардан иборат бўлади. «Код / хабар» қарама-қаршилиги Фердинанд де Соссюр ажратган «ижтимоийлик / индивидуаллик» қарама-қаршилигига мос келмайди. Ҳар бир шахс ўз субкодига эга, хабарда эса ижтимоийликнинг турли босқичлари акс топади. Код ва хабар муносабати тўрт кўринишга эга: 1) хабар хақидаги хабар (баён, изоҳ, ишора); 2) коднинг коди (атоқли отлар); 3) код хақидаги хабар (тилнинг металингвистик вазифаси); 4) бевосита хабар мазмуни билан боғлиқ код (илк хабарни билмасдан туриб, код мазмунини тушунмаслик ҳолати). Бу турдаги кодлар қаторига шифтерлар ва дейктик белгилар киради. Шифтерлар (ўтказувчи, кўчирувчи лисоний белгилар) тил тизимини нутқий фаолиятнинг асосий бўлаклари бўлган сўзловчи, адресат, контекст, хабар, алоқа ва код кабиларни тавсифлаш учун мухимдир. Нутқий ҳаракатнинг ушбу бўлакларига нисбатан тилнинг асосий олти вазифаси ҳам белгиланади.

Ф. де Соссюр ғоялари таъсирида бўлган Р. Якобсон нутқ жараёнида товушларнинг турлича талаффуз этилиши масаласи билан қизиқкан ва бу ҳодисанинг тилнинг коммуникатив вазифасига боғлиқ эканлигини қайд қилди. Бинобарин, унинг фикрича, фонеманинг асосий моҳияти маъно фарқлаш вазифаси билан боғлиқдир. Олимнинг таъкидлашича, сўзловчи шахс лисоний қобилиягининг асосини она тили фонологик тизимини, ушбу тил фонемалари мажмуасини билиш ташкил қилади. Тил тизимининг ўзгариши, биринчи навбатда, фонемалар таркибининг ўзгаришидир (Ф.де Соссюр эса лисоний ўзгаришни нутқ ҳодисаси деб ҳисоблайди).

Якобсоннинг фонетик бирликларни уларнинг маъно ва вазифавий хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб таҳлил қилиш мумкин эмас, - деган фикрига тўлиқ кўшилмоқ керак.

Худди шу қабилдаги фикр «маъно» тушунчасига нисбатан ҳам билдирилади. Маъно (Р.Якобсон «сигнатум» атамасини ишлатади) бирор – бир моддий бирлик билан алоқадор эмас. Шу сабабли «сигнатум» ва «денотат» тушунчаларини қиёслаб бўймайди.

Тил тизимида маъно ва товуш бирор бир алоҳида, индивидуал хусусиятга эга эмас, уларнинг хусусияти генерик (генус- синф), яъни маълум бир синфга оидлиги билан белгиланади. Ҳар қандай лисоний белги ўз мазмунининг воқеланишига нисбатан маълум синф, гурухларга хос бўйланган умумий маънони ифодалаш қобилиятига эга. Демак, фонема – муқобил варианtlар синфи. Синф ёки гурухнинг кейинги босқичлардаги таснифий бўлинниши контекстга боғлик ҳолда кечади. Бундай хусусият сўзларнинг барча туркумларига хосдир, шу жумладан, шифтер ва атокли отларга ҳам. Маълум синфга кирувчи бирликларнинг таснифи уларнинг қўлланиши жараённида юзага келади ва «танлов / бирикув» ёки «ўхшашлик / яқинлик» қарама-каршиликларига асосланади. Лисоний белгилар бирикуви асосида матн ҳосил бўлади. Бирликларнинг танлов ва бирикув асосида алоқага киришув қоидалари тилнинг поэтик вазифасининг намоён бўлишидир.

Тил тузилиши хусусиятларининг таҳлили жараённида лисоний белги тушунчасига таянилади. Белгининг тавсифида ифодаловчи ва ифодаланмиш (сигнатум - сигнанс) нинг алоқаси мустаҳкамлиги тамойилига эътибор қилиш керак.

Лисоний белги тил тузилиши элементидир ва унинг тавсифида «муносабат» тушунчаси муҳимдир. Лисоний муносабатлар мажмуаси асосида тил бирликлари ажратилади, лекин аксинча эмас. Муносабатлар тушунчаси қарама-каршиликлар каторларида воқеланади; бу каторларга кирувчи элементлар бир-бирларини тақозо этадилар, уларнинг биридан иккинчиси ҳосил бўлади. Боз устига, бу элементлар доимо жуфтлилик тамойилига амал қиласилар ҳамда улар маълум шаклий кўрсаткичлар асосида ўзаро фарқ қиласилар. Р.Якобсон Ф.де Соссюрдан фарқли ҳолда лисоний белгиларнинг

ихтиёрийлиги чегараланган деб хисоблайди. Белгининг ихтиёрийлиги, бир томондан, ономатопия ва бошқа фономорфологик ҳодисалар тасирида чегараланса, иккинчи томондан, белгининг ифода ва мазмун хусусиятлари ўзаро муносабатда бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Булар эса, ўз навбатида, лисоний белгининг тасвирий (иконик) кўриниш олишига сабаб бўлади.

Р.Якобсон тилнинг тизимли характерини ёритишда холизм тамойилига асосланади, яъни тил бирликлари яхлит бир бутунлик сифатида бўлакларни ўз ичига олади ҳамда кейинги босқичларда бошқа бутунликлар таркибига кириб, пировард натижада тил тизимининг элемент кисмига айланади. Яхлитлик бўлакларнинг оддий йигиндиси эмас, яхлит ва бўлак бир-бири билан босқичли муносабатга эга ва тизимнинг умумий қонуниятларига бўйсунади. Холизм ғояси инвариантнинг нисбийлиги тамойилига амал қиласди, яъни ҳар бир тил бирлиги ҳар қандай кўлланиш мухитида ўз асосий белгиларини сақлайди.

Якобсон назариясида фарқловчи белгилар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Шу мақсадда кўрсаткичли ва кўрсаткичсиз бирликлар қаторлари ажратилади. Кўрсаткичли бирликлар кўрсаткичсизларга нисбатан иккиламчидир. Бунинг исботини ҳатто болалар нутқи тараққиётида ҳам кузатиш мумкин: шаклий кўрсаткичли категориялар гўдаклар нутқининг илк босқичларида ёк шаклланади.

Маълумки, Р.Якобсон умрининг охирги йилларида АҚШда яшаб ижод қилди ва олимнинг Америка тилшунослиги тараққиётидаги хизмати алоҳидадир. Айниқса, унинг фарқловчи белгилар, вазифавий қарама-қаршилик, фонологик тизимларнинг макон ўлчови ва тил тизими тузилишининг босқичли сатҳлари хақидаги фикрлари Америка тилшунослигига кенг миқёсда тарқалди. Жумладан, олим таклиф қилган фонологик бирликларни фарқловчи белгилар асосида таҳлил қилиш услуби АҚШ фонологларида катта қизиқиш уйғотди. Р.Якобсон ғоялари баъзи ҳолларда Америка тилшунослигига революцион ўзгаришларга сабаб бўлди. Масалан, Якобсоннинг фонологияси Л.Блум菲尔д издошлари тарғиб этаётган фонемика йўналишига катта талафот етказди. Этнология, морфология ва бошқа соҳаларга оид тадқиқотлар семантикани ўрганиш мўлжалини ола бошладилар.

Бунда Якобсоннинг семасиология ва фонологик тадқиқ услублари намуна бўлиб хизмат қилди. Олимнинг назарий ғоялари ва тадқиқ усуллари Америка ҳиндулари тили, фольклор матнларини ўрганишда, антропологик тадқиқотлар ўтказишида амалий кўрсатма хизматини ўтади. Шунинг билан биргаликда, Якобсоннинг болалар нутқи, афазия ва бошқа соҳаларга оид ишларининг аҳамиятини ҳам қайд этмоқ зарур.

Якобсоннинг таъсири генератив тилшунослик тараққиётида ҳам сезиларлидир. Бу таъсир баъзан бевосита намоён бўлса, бошқаларида билвосита. Бу, айниқса, акустика, психолингвистика, нутқ патологиясига оид ҳодисалар таҳлилида аниқроқ кўринади.

Якобсоннинг ботиний шакллар ҳакидаги фикри генератив фонология намояндаларига унчалик маъқул келмади, чунки улар ботиний шакл ҳодисасини факатгина мавхум тушунча сифатида талқин қилиш тарафдоридирлар. Кейинчалиқ, 1960 йилларга келиб, генератив-фонологларнинг бир қисмида ўта мавхумликка нисбатан шубҳа туғила бошлади. Ҳақиқатдан ҳам, мавхум ботиний шакллар (deep structures) қоидаларининг психологик жиҳатдан воқеликка унчалик мос келмаслиги охирги йиллар давомида аниқ бўлди.

Фонемаларнинг фарқловчи белгилари ҳакидаги Р.О. Якобсон билдирган ғоя ҳам генератив фонологияда ўз аксини топмади.

Роман Осипович Якобсон ўтган асрнинг 30-йиллари бошида Ленинград шаҳрида ташкил топган «Поэтик тил бўлими» (ОПОЯЗ – отдел поэтического языка) нинг фаол қатнашчиларидан бўлганини ҳамда «поэтика ва лингвистикани якқалам қилган» (И. Мирзаев) олимлардан бири эканлигини унутмаслик керак. Якобсон таълимотида лингвопоэтикага оид ғоялар салмоқли ўрин эгаллайди. Олим тилшуносликни поэтикага хизмат қилувчи фан деган ақидага бутунлай қарши чиқади. Дарҳакиқат, тилшунос агарда нутқ бирликларининг тор доиралари билан чегараланиб қолса, тўлиқ матнлар, дискурсив бутунликларнинг таркибий ва мазмуний қурилишини тўлалигича тадқиқ қилиш имконига эга бўлмайди. Аслида, лисоний фаолият билан қизикаётган тадқиқотчи Lingvistici ninil a nic alienum rufo «лингвистикага доир бирор нарса ҳам менга бегона эмас» мақолига амал қилиши талаб қилинади. Шу сабабли дискурсни ўрганиш лингвопоэтиканинг энг

долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади (Қаранг: Р.Якобсон. Поэтика масалалари. Т., 2005. И.Мирзаев таржимаси).

4.6. Якоб Гримм таълимоти

Буюк олмон мутафаккири Якоб Гримм (1785-1863) тил тизими тарихий тараққиёти назариясини яратган олимлардан биридир. Дастьлабки пайтларда Гримм тил тизимидағи тарихий ўзгаришларни тизимнинг бузилиши, пароканда бўлиши деб ҳисоблаган бўлса-да, кейинчалик унинг бу ҳодисага нисбатан қарашлари батамом бошқача мазмун олди. Натижада, олим маълум бир тилнинг ифода воситаларига бой бўлиши флексия тизимининг тараққиёти билан боғлиқ деган ақидадан ҳам воз кечди. XIX аср ўрталарида Я.Гримм тилнинг тарихий тараққиёти тил тизимининг такомиллашуви натижасидир деган хulosага келади. Олимнинг «такомиллашув» назариясига биноан тил тараққиёти уч босқичдан иборат:

- 1) ўзак – сўзнинг таркиб топиши;
- 2) флексия тараққиёти;
- 3) флексиянинг бошқа ифода воситалари билан (ўрин) алмашинуви.

Гримм таклиф қилган таҳлил режасида асосий ўрин диахрония услугига ажратилган, синхронияга оид масалалар эса фақатгина батафсил диахрон таҳлилдан сўнг ўрганилиши лозим.

Гриммнинг фикрича, тил миллый руҳнинг аксиидир, шу сабабли маълум лисоний ҳолат (ривожи ёки парокандалиги) миллый маданият ҳолатининг давомидир. Шунинг учун ҳам қиёсий-тарихий тилшунослик руҳидаги тадқиқ лисоний шакллар билан чегараланиб қолмасдан, балки тил бирликлари (масалан, сўз) шакли билан ҳам шуғулланиши лозим.

Гримм адабий тилни маданият ривожининг манбаи, воситаси деб ҳисоблайди. Адабий тил маданият тараққиёти жараённида илфорлашган диалектларнинг бири негизида шаклланади ва унинг тараққиётида миллатнинг илфор зиёли намояндалари, ижодкорларнинг хиссаси каттадир. Олимнинг фикрича, поэзия тилнинг энг такомиллашган шаклидир.

Олимнинг тил пайдо бўлиши ҳақидаги билдирган фикрлари ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳити нуқтаи назаридан

жуда журъатли туюлади. Тил тизимида мавжуд бўлган барча турдаги (коидадан) истиснолар кўхна ҳодисалар қолдиқлариdir. Албатта, бунда нутқ бирликлари тузилиши ва тартиботининг тизимий хусусиятларини эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлади. Гримм тил «рухи» нинг ҳаракатини тарихан кўра билиш лозимлигини уқтиради, аммо бунда «тарих» ва «тараққиёт» тушунчаларини чалкаштириш мумкин эмас.

Гримм таълимоти нутқий мулоқотнинг реал ҳодисалар мажмуаси сифатида талқин қилиниши билан боғлиқ бўлган ҳолда шаклланди. Бу таълимотда тил лугавий заҳирасининг имкониятлари тўлигича қамраб олинган. Бундай кенг қамровлилик лугат такрибининг ижтимоий вазифавий хусусиятларининг инобатга олинишини тақозо қиласи.

Олим талқинича, филология таркибига, грамматика ва лугат таҳлилидан ташқари, матнни билиш ҳам киради. Буларнинг ҳар иккаласи оддийгина билиш бўлмасдан, балки уларни тарихий жиҳатдан билмоқ керак. Я.Гримм асарлари филология фанига бўлган муносабатни ўзгартирди ва ушбу фан қамровининг янада кенгайшига сабаб бўлди. Олим, адабий жараёнлар ҳакида фикр юритаётib, нутқнинг таркиб топишига, унинг воқелик намунаси эканлигига эътиборни торти. Гриммнинг фандаги новаторлиги, биринчи навбатда, лисоний тадқиқотлар методологиясининг ўзгартирилганлигига намоён бўлади – олим тил тизимини таҳлил қилишнинг қиёсий-тарихий методига асос солганлардан биридир.

4.7. Гюстав Гийом таълимоти ҳакида

Фаранг тилшуноси Гюстав Гийом (1883-1960) таълимотида тил ва тафаккур ҳамда тил ва нутқ муносабатларига оид муаммолар марказий ўринни эгаллайди (Gullaume 1964, Гийом 1997). Бундан ташқари, Г.Гийом сўзларнинг лексик-грамматик гурухлари, уларнинг грамматик хусусиятларига оид қатор илмий тадқиқотлар муаллифидир. Бу тадқиқотларда тил тизими таҳлилида синхрон ва диахроник ёндашувлар муштараклиги намоён бўлади ва натижада француз тили қурилиши тизимий қонуниятлари тадрижий тараққиёт нуқтai назаридан ёритилади.

Тилни инсон ва воқелик муносабати натижасида юзага келадиган тушунчаларни ифодалаш воситаси сифатида талқин қилиш Гийом тадқиқот методининг назарий асосини ташкил қиласи. Бу тушунчалар инсон онгига умумлаштирилади, тавсиф олади ва тизимлаштирилади. Бундай тизимлаштириш жараёнида тушунчаларнинг ифодаланиш турлари ҳам инобатга олинади.

Тил ва нутқ муносабати масаласига тұхталған Г.Гийом тилнинг мавхұм тизими ва нутқда күлланиладиган аниқ шакллар тизими ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик ёки тенглик мавжуд әмаслигини қайд қиласи. Нутқ юзага келишидан олдин тушунча ҳосил бўлишини таъминловчи тафаккур фаолияти кечади ва бу фаолият нутқий бирликни ифодаловчи лисоний белгиларни танлаш билан боғлиқ семиотик фаолият билан тугайди. Тил тизимининг курилиши ва нутқнинг ҳосил бўлишига оид масалалар ўрганилишига нисбатан тилшунослик уч қисмга ажралади: 1) психосемантика; 2) психомеханика; 3) психосемиология. Булардан, масалан, психомеханика соҳасида тил ва нутқнинг лисоний фаолият жараёнидаги ўзаро муносабати, тафаккур категорияларининг турли лисоний шаклларнинг нутқий фаоллашувида ифода топиши масалалари ўрганилади. Психосемиотикада эса лисоний белгиларнинг ташки, ифода плани ёритилади.

Гийом индуктив – дедуктив таҳлил методини танлайди ва таҳлил материалини нутқ фаолиятидан излайди. Бу эса индуктив таҳлил асосида назарий хулосалар чиқариш имконини яратади. Хулосалар эса яна бир бор нутқий ҳодисалар таҳлили асосида текширилиб, тасдиқланади.

Гийом таълимотининг асосий методологик жиҳатлари күйидагилардан иборат:

- 1) тил ва тафаккурни ўзаро боғлиқ, бир-бируни тақозо этувчи ҳодисалар сифатида тавсифлаш;
- 2) тил тизимини динамик (ҳаракатдаги) ҳодиса сифатида талқин қилиш.

Гийом «тил динамикасини» бошқалар, жумладан, Н.Хомскийдан тамоман ўзгача тасаввур этади. Умуман, Гийом таълимоти структурализм гояларига қарама-қаршидир, чунки бу таълимот энг аввало, тил ва тафаккур мувозанатига таянади. Тилни ижтимоий вазифани (мулоқот воситаси) бажарувчи ҳодиса

сифатида талқин қилиш умумий ҳолдир, аммо тил, дастлабки ўринда, инсон томонидан воқеликни идрок этиш куролидир. Гийом таълимотининг бошқа лингвистик қарашлардан фарқи шундаки, Гийом лисоний бирликларнинг тизими хусусиятларини уларнинг нуткий матн тузилмаларида тутган ўрнидан излайди. Маълумки, Европа ва Америка тилшуносларининг кўпчилиги Ф. де Соссюр изидан бориб, тил тизими тавсифини қарама-қаршиликлар (оппозициялар) қаторлари ажралиши билан боғлайдилар. Гийом эса, аксинча, лисоний бирликлар ўзаро муносабатини қарама-қаршиликлар кўрсаткичлари эмас, балки уларнинг нуткий фаоллашув хусусиятлари белгилайди. Олимнинг фикрича, грамматик шаклларнинг нутқда кўлланиш шарти уларнинг контекстда ифодалаши мумкин бўлган маъно хусусиятларида намоён бўлади.

Шундай қилиб, тилнинг психосистематик тавсифи ўз моҳияти билан ҳаракатчан тавсифдир ва унда тил тизимининг нуткий фаолиятда намоён бўлиши ўз аксини топади. Бу таълимотга кўра, тилнинг мазмуний мундарижасида руҳий (ментал) ва семиологик (шаклий) соҳалар ажралади. Биринчисида, фикрий тузилма қисмларга ажратилади ва тушунча, тасаввур шаклланади; иккинчисида эса, худди шу ментал тузилмаларни лисоний воқелантирувчи бирликлар таркиб топади. Демак, семасиологияда, Гийом талқинича, ифодаловчининг психик асосини топиш мухимдир.

Психосистематик таълимотнинг яна бир мухим гояси тежамкорлик тамоилии талқини билан боғлиқдир. Гийом тежамкорликни тил воситаларининг синтагматикадаги (нутқдаги) оддий тежаш ҳаракати билан чегаралаб қўймайди. Олимнинг қайдича, тежамкорлик психофизиологик асосга эга ва у ички тизимлаштириш вазифасини ўтайди.

Гийом таълимоти тилшунослик фани тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бу таълимот тил тизимини ташкил этувчи турли гурухларни мавҳум тизимини яратиш борасидаги дастлабки ҳаракат намунасидир. Олимнинг гоялари ҳозирги кунда тадқиқотчилар эътиборини мунтазам жалб этиб келмоқда. Бу, албатта, унинг таълимотининг доимо илмий истиқболи ва фаоллиги, ҳозиржавоблигидан далолат беради.

Шундай қилиб, тил тарихий тараққиётига оид назарий ғоялар доирасида қуидаги муаммолар мұхокамаси асосий ўрин әгаллайды:

-ўзак сўзнинг ясалиши ва флексия тараққиёти, ифода воситаларининг фаоллашуви, сўзлар мазмуни ва шакли муносабати, тилнинг маданий асоси (Яков Гримм);

-фонетик ва лексик – грамматик сатҳларнинг ўзига хос хусусиятлари, тил структураси тузилишида прогрессив кетма-кетлик тамойлининг роли. Аналитизм ва синтетизм, сўз ва семинтема муносабати (Шарль Балли);

-тил ва тафаккур муносабати, тушунчани шакллантирувчи ақлий ҳаракатлар, нуткий воситалар танлови семиологияси ҳамда тил ҳаракатчанлиги (Гюстав Гийом).

ХОТИМА

Лисоний таҳлилнинг методологик асосини тилшунослик фанининг илмий тадқиқот тамойиллари ташкил қиласиди.

Методология илмий фаолиятнинг асосий йўналишини белгилаб беради; унга таянган ҳолда тилшунослик фанининг ўрганиш объекти, тадқиқот предмети, мақсади, тил тизими тадқиқининг восита ва амаллари аниқланади. Демак, лисоний таҳлил методологияси назарий тилшуносликнинг мухим қисмидир. Шунинг билан биргаликда, тилшунослик методологияси умумий фалсафий методология фанининг алоҳида таркибий бўлаги сифатида ҳам қаралади.

Фалсафий концепция ва ғоялар тилшунослик фанида алоҳида ўрин тутади, зоро, лисон моддий ва идеал ҳодисаларнинг мураккаб умумлашмасидан таркиб топади.

Тилшуносликнинг асосий методологик тамойили материянинг бирламчилиги билан боғлиқ бўлиб, лисоннинг моддий жиҳати бирламчи қобиқ сифатида инсон онгига акс этади. Лисоний фаолиятнинг ижтимоий фаолият тури сифатида қаралиши ва вазифавий жиҳатдан белгилар тизими доирасига кириши унинг моддий жиҳатининг бирламчи эканлигини инкор қилмайди. Лисон табиатининг моддий томонларини англаш қанчалик қийин бўлмасин, биз буни эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Ушбу асосий тамойилга амал қилиш тилшуносликнинг назарий муаммолари мухокамасида тўғри йўлни танлаш учун мухимдир.

Замонавий тилшуносликнинг методология муаммолари мухокамада турган масалаларнинг долзарблиги билан боғлиқдир. Булар кўйидагилардан иборат:

- 1) лисон ва лисоний фаолиятнинг моҳияти;
- 2) тадқиқот парадигмаларининг шаклланиши ва уларни тадбиқ қилиш воситалари;
- 3) лисоний таълимотларнинг яратилиши ва уларнинг ривожи;
- 4) лисоний таҳлил методларининг яратилиши ва қўлланиш доираси;
- 5) лисоний фаолиятда инсон фактори.

Ушбу масалалар муҳокамасининг самараси бевосита тилшуносликнинг қуидаги турдош ва сарҳаддош фанлар билан алоқасини аниқлашга бориб тақалади:

1) акустика, анатомия, антропология, фалсафа каби тилшунослик тадқиқотларининг илмий - табиий асосини ташкил қилувчи фанлар;

2) психология, мантиқ, семиотика, кибернетика ва ахборот назарияси каби лисоний фаолиятнинг коммуникатив ва гносеологик хусусиятларини таҳлил қилувчи фанлар;

3) социология, этнография, адабиётшунослик, тарих, археология каби ижтимоий фанлар.

Кўрсатилган фанларнинг тилшунослик билан алоқасига нисбатан тақсимоти тил тизимини ўрганишнинг икки йўналишини кўрсатиб беради: а) тил бирликларининг белгилик хусусиятига диккатни жалб қилувчи семиотик ёндашув; б) тилнинг жамиятдаги ўрнига эътиборни тортувчи социологик ёндашув.

Албатта, тилшунослик тадқиқотларидан кўзланаётган мақсаднинг турлича бўлиши ҳеч қачон лисон ҳақидаги фаннинг билишнинг алоҳида мустақил соҳаси сифатидаги мақомига птуртказмайди.

Тилшуносликнинг долзарб методологик муаммолари қаторига тил ботиний тузилишини ўрганиш тамойиллари, турли ижтимоий муҳитларда лисоний фаолиятнинг воқеланиши шароитларини аниқлаш каби умумметодологик масалалар киради.

Умумий муаммолардан бири лисонда моддийлик ва идеал хусусиятларнинг муносабати масаласидир. Бу масала икки томонлама муҳокамага муҳтоҷдир: 1) лисоннинг онтологик мақомини қамраб оловчи (унинг моддий ва идеал белгиларга эгалиги; воқеий лисоннинг онгдаги идеал инъикоси) зоҳирий жиҳатларини ёритиш; 2) лисон ва унинг воситасида ифода топадиган ментал структуралар муносабатини акс эттирувчи ботиний жиҳатларнинг ўрганилиши.

Ушбу масалалар муҳокамасида бир-биридан тамоман фарқ қиласиган ёндашувлар мавжудлигини ҳам унутмаслик лозим:

1) умумфалсафий ёндашув (тилнинг объектив мавжудлиги ва бу моддийликни идеал акс эттирувчи мавҳум тизим);

2) соҳавий илмий ёндашув (тил тизимида моддий ва идеалликнинг яхлитлигини инобатга оладиган лингвистик таҳлил).

Ушбу ёндашувларнинг фарқи инобатга олинганда, уларнинг кўлланиши борасида хеч қандай қарама-карши ҳолатлар юзага келмайди. Аммо ушбу ёндашув шартлари назарий жиҳатдан қориштириб юборилса, илмий таҳлил ва тасаввурнинг маълум босқичларида бири иккинчисини инкор этувчи фикрларнинг туғилиши аниқдир.


Ф. де Соссюрнинг сўз ҳақидаги ҳамма тилшунослар томонидан эътироф этиладиган таърифика, «сўз ушбу тушунчани таърифлаш билан боғлиқ бўлган барча кийинчиликларга қарамасдан, бизнинг онгимизда доимо тил механизмидаги марказий бирлик сифатида акс топади» (Соссюр 1977: 143). Тил системасидаги сўзнинг марказий ўрнини бошқа бирликларнинг (фонемалар, морфемалар, сўз бирикмалари, гап) у ёки бу томонлама айнан сўзга нисбатан таърифланишида ҳам кўриш мумкин. Фонемалар сўзни фарқловчи вазифани бажарганликлари учунгина тил бирликлари ҳисобланади; морфемалар эса сўзнинг таркибий компонентлари ҳисобланади; сўз бирикмаси ва гап эса (агар гап сўзга мос келмаса) сўздан ташкил топган бирликлардир. Бошқача айтганда, сўз бутун тил тизими занжирини боғловчи халқадир.

Сўзнинг тилдаги марказий ўрни, бир томондан, сўз борликдаги фактларнинг, бу фактлар туфайли ҳосил бўлган тасаввурлар, фикрлар, инсоний ҳиссиётларни номловчи асосий бирлик вазифасини бажаради, яъни сўз орқали инсоннинг воқелик билан алоқаси амалга оширилса, иккинчи томондан, сўз тил орқали ифодаланган фикрнинг асосий қурилиш материалидир (Л.В.Щерба ибораси билан айтганда, «фиштлари») ва улар орқали одамлар ўзаро муносабатга киришадилар. Шундай қилиб, инсоннинг атроф-муҳит билан, бошқа одамлар билан алоқаси сўз воситасида амалга оширилади.

Ўзак бўлмаган морфемалар орқали ифодаланган сўз шакли ва маъноси грамматиканинг «Сўз ясалиши» бобида, сўзнинг ўзагида мавжуд бўлган предметлик маъноси ва бошқа маънолари лексик семантиканда ўрганилади.

Сўз лисоний белгиларнинг асосий кўрсаткичларига эга (Дорошевский 1973: 182) ва шу сабабли ҳар қандай белги каби ўзи ифодалаган предмет ва бу предмет хақидаги тушунча билан характерланади.

Одатда, сўз шакли, предмет ва тушунча муносабатлари американлик олимларнинг номи билан аталган Огден-Ричардс семантик учурчаги воситасида тасвирланади:



Ўзаро бир-бирларига боғлик бўлган бу уч қобикнинг жамланмаси бир яхлитликни ҳосил қиласди ва сўз лексик маъносининг асосини ташкил қиласди.

Учурчакнинг чап томонидаги «предмет» албатта кўзга кўринадиган конкрет нарса бўлиши шарт эмас. Улар ягона реалияларни («Куёш», «Африка», «Регистон») ёки бир хил синфга мансуб предмет, харакат белгиларни ифодаловчи («одам», «юрмок», «катта») тушунчаларни, шунингдек, мавжуд бўлмаган предмет, нарса номларини («кентавр», «шайтон», «жодугар») ҳам ифодалаши мумкин. Бироқ улар конкрет реалияларнинг аниқ элементларининг бирикувидан ҳосил бўлганки, уларни расмлар ёрдамида семантизациялаш мумкин. Шунингдек, «предмет» сўзи кўчма маънода ишлатилган моҳиятни, сифатни («кўз тегмок», «хаёл»), конкрет предметнинг белгиларини, нореал харакатларни («раҳмидиллик», «мавхум»), реалияларнинг муносабатларини, ўзаро нисбатини, миқдорини («ва», «сўнг», «ўн») ҳам ифодалаши мумкин.

«Предмет» сўзининг ўрнига кўпинча «денотат», «тушунча» сўзи ўрнига эса «сигнifikat» атамалари ишлатилиади.

Лексик маъно яхлит комплекс ҳодисадир. Унинг асосида инсон онгига умумлашган ҳолда акс этган реалиялар ва объектив борлиқнинг хусусиятлари ётади.

Лексик маънонинг турли томонлари сўзларнинг моддий қобиғи, улар билан турлича алоқада бўлган ҳодисаларда ўз аксини топади. Сўз шаклининг унинг бошқа моҳиятлари билан бўлган муносабатларини ҳисобга олиб, лексик маънонинг айрим аспектларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Сўз маъносининг предметлик ёки денотатлик томони сўз шакли ва у ифодалаган реалиянинг муносабатлари орқали аниқланади. Реалияларнинг хусусиятларига кўпинча тушунчаларни кундалик нутқда ва луғатларда изоҳлашда мурожаат қилинади. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «стол» сўзи қуидагича изоҳланади: «кенг горизонтал тахта остига баланд таянчлар, оёқлар ўрнатилган мебель тури». XIX ва XX аср бошида энг обрули лингвистик йўналиш ҳисобланган «Сўзлар ва нарсалар» таълимотида тилшунослик фанининг асосий мақсади моддий оламдаги нарса-предметларни таснифлашдан иборатлиги қайд қилинган.

Сўз маъносининг тушунча ёки сигнификатив аспекти сўз шакли ва онгдаги мазмуннинг (тушунча, образ, тасаввур) шу тилдаги муносабатлари орқали аниқланади.

Семантиканинг бу аспектидаги ўзига хос хусусият шундан иборатки, бизнинг у ёки бу реалиялар ҳақидаги тушунчаларимиз, тасаввурларимиз уларни чуқурроқ ўрганишимиз ёки уларнинг турмушдаги ролини чуқурроқ англашимиз натижасида доим ўзгариб туради. Тушунчанинг ўзгариши маънонинг ўзгаришига олиб келади ва оқибатда сўзнинг янги изоҳлари пайдо бўлади. Масалан, В.И.Далнинг изоҳли луғатида «цивилизация» лексемаси «ижтимоий турмуш, фуқаролик, инсонлик ва фуқаролик ҳуқук ва бурчларини англаш» деб изоҳланган. Д.Н.Ушаков таҳрири остида нашр қилинган рус тилининг изоҳли луғатида эса бу тушунча «товар ишлаб чиқариш, меҳнатни тақсимлаш асосида яратиладиган ижтимоий тараққиётнинг олий даражаси» дея изоҳланган.

Сўз маъносининг прагматик аспекти сўзнинг материал қобиғига шу сўздан фойдаланаётган шахснинг муносабати билан характерланади. Гап шундаки, ҳар бир гапиравчи шахс ўзи ишлатган сўзга янгича маъно қўшади ва улар ҳар доим ҳам умумий қабул қилинган лугавий маънога ва тингловчининг шу сўз ифодалайдиган тасаввuriга мос келавермайди. Сўзнинг прагматик

маъноси гапиравучи ва тингловчи шахсларнинг дунёкарашига, ёшига, маълумотига, касбига боғлиқдир. Шу сабабли мулокот жараённида сўзларнинг прагматик маънолари суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирларини тушунмаслигига олиб келиши ҳам мумкин. Сўзнинг прагматик маъноси орқали унинг шаклига, мазмунига мос қўшимча семантик ахборот узатилади. Қолаверса, сўзнинг денотатив ва сигнификатив маъноларининг мавжудлиги шакл ва мазмуннинг симметрик мослигини сақлашга хизмат қиласи ва бу билан тил орқали атроф-борлиқни объектив билиш, тушуниш жараёни рўй беради.

Сўз маъносининг хусусий лингвистик аспекти ҳам мавжудки, у сўзнинг тилдаги бошқа сўзлар билан умумий муносабатида, сўзнинг тил системасидаги ўрни орқали аниқланади. Сўз маъносининг лингвистик аспекти Ф. де Соссюр томонидан сўз маъносининг энг муҳим хусусиятларидан бири деб таърифланган. Айрим тилшунослик оқимларида сўзнинг лингвистик аспекти дейилганида унинг яхлит лексик маъноси тушунилади (ПГЛ 1967: 38).

Сўз маъноси лисоний категориядир. Нутқда сўз алоҳида варианtlар сифатида (сўз шакллари, сўз ишлатиш) ишлатилади. Бундай ҳолда улар ўзларини ўраб турган бошқа сўзлар таъсирида ва мулокот вазиятига қўра бир томондан тор ва конкрет маънога, иккинчи томондан алоҳида сўзга нисбатан чуқурроқ ўзига хос маънога эга бўлишлари мумкин.

Тил тизимининг сатҳларга ажralиши масаласи лисоний таҳлил методологияси учун муҳимдир. Сатҳларнинг ажralиши систем-структур тамойилга асосланади ва ҳар бир сатҳ ўз бирликлари тизимиға эга. Тил структурасининг босқичли тузилиши сатҳларнинг ўзаро муносабатда ва маълум «пиллапояли» тартибдаги тузилишда бўлиши билан боғлик.

ХХ аср бошларида шаклланган тилнинг систем-структур ҳодиса эканлиги ҳақидаги ғоя ҳануз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ҳозирги даврда ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар натижалари нуфузли нашрларда чоп қилинмоқда (Бабайцева 2006; Рахматуллаев 2002; Нематов, Расулов 1995 ва бошқалар). Ушбу ишларда система ва структура тушунчаларини тилни мундарижа ва таркиб ҳамда тузилиш жиҳатидан тавсифловчи тушунчалар сифатида фарқламоқ зарурлиги уқтирилади. Тил маълум маънога

эга бўлган ва ўзаро муносабатдаги бирликлар умумлашмасини ташкил этувчи тизимдир. Шунингдек, тил унинг таркибидаги бирликларнинг ўзаро боғланиши, алоқаси асосида таркиб топадиган структурадир.

«Система» ва «структурата» тушунчаларининг шу йўсингдаги талқинида тил бирликларининг ўзаро боғлиқлиги ушбу бирликлар маъносини ажратиш ғоясини инкор этмайди. Лисоний таҳлилда маъно ва муносабат категориялари бир хилда муҳимдир.

Ушбу категорияларнинг босқичли муносабати доимийdir, яъни муносабатни абсолютлаштириш йўли билан маъно ҳодисасини тил назариясидан четга суриш нотўғри. Худди шунингдек, муносабатни тўлиғича маънога боғлаб қўйиб ҳам бўлмайди, чунки муносабат маънони шакллантирибгина қолмасдан, балки унинг ўзи ҳам қўпинча мавжуд муносабатлар таъсирида бўлади.

Демак, маъно ва муносабат ўзгаришлари ўзаро боғлик ва бир-бирини тақозо этади. Тизимнинг ўзгариши тасаввур этилишидан бошқачароқ, у мураккаб жараёндир.

Тилнинг функционал тизим сифатидаги талқини мантиқан лисоний тараққиётда юзага келадиган сабаб-оқибат муносабатлари билан боғлиқдир. Тил тизимининг тадрижий ривожи эса, Е.Д.Поливановнинг таърифика, «нутқий тизим кўринишидаги лисоннинг ижтимоий хусусияти билан боғлиқдир» (Поливанов 1968: 180).

Лисоний имконият ва мулокот эҳтиёжи ўртасидаги ташки қарама-каршиликни бартараф этиш тил тизими тараққиётининг умумий қонуниятидир. Шунингдек, ушбу тараққиётнинг ботиний қонунияти ҳам мавжуд. Бу – тил системаси ва унинг нутқий воқеланиши ўртасидаги номувофиқликларни бартараф этиш мажбуриятидир.

Синтаксис тизими тадқиқида дастлабки ўринда қуйидаги масалалар таҳлилига эътибор қаратиш лозим бўлади:

- 1) лисоний ахборот ташувчи тузилманинг структураси ва унинг когнитив таркиб топиши;
- 2) адресат ва гап мазмуни муносабати;
- 3) гапларнинг матн таркибида боғланиши тартиби;
- 4) гап ва бошқа матн тузилмаларининг ботиний структураси.

Лисоний семантикамага оид муаммолар каторидан энг муҳимлари қуидагилар:

1) сўзнинг хабар таркибидаги роли ва тушунчалар ўртасидаги муносабатлар;

2) рамзий шаклларни юзага келтирувчи сабаблар, лисоний деривация ва луғавий маънонинг кўчиши, луғавий ва семантик тизимлар муносабати.

Лисоний методологияга оид масалаларнинг муҳокамасида тил ва нутқ муносабати масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Тил ва нутқ жуфтлиги муҳокамаси ушбу тизимларнинг элементларини ажратиш ва улар ўртасидаги муносабатларнинг ҳакиқий ҳолатини аниқлашни талаб қиласди. Ушбу муносабатларни аниқлашда нутқ элементларининг моддий, аниқ миқдордаги бирлик сифатида намоён бўлиши, тил бирликларининг эса уларнинг тизими муносабатлари асосида ажратилиши маълум бўлади.

Тил тизими бирликлари хусусиятларининг синхрон тахлили жараёнида тил ва нутқ ўртасида мавжуд бўлган универсал муносабатлар қонуниятлари ойдинлашади. Ушбу қонуниятлар лисоний тизимдаги ўзгаришлар сабабларини изоҳлайди. Миқдорий кўрсаткичлар лисоний элементнинг сифат ўзгаришлари учун сабаб бўлиши мумкин ва элементнинг тизимдаги ўрни ўзгаришига туртки бўлиб хизмат қиласди. Бу эса бутун тизимда маълум силжишларни юзага келтиради.

Аммо лисоний ўзгаришлар ҳакидаги хуносалар фақатгина миқдорий кўрсаткичларга таяниб қолмаслиги керак. Диахроник тадқиқотларда тизимнинг мавжудлигини яратувчи шартлар (тизимдаги тенглик, симметрия) ва шу йўсинда лисоний ўзгаришлар қонуниятларини биз тежамкорлик ҳаракати билан боғлаймиз. Тежамкорлик қонуни тизимнинг ички муносабатлари ва ўзгаришларини изоҳлаш қудратига эга. Ушбу қонун нутқий фаолиятда намоён бўладиган куч ёки энергияни кам сарфлаш истаги асосида тизимнинг ички сабабларини экстравистик таъсиirlар билан боғлайди ҳамда шу йўсинда тил тараққиётидаги сабаб-оқибат боғланишларини изоҳлаш имконини яратади.

Лисоний тараққиёт жараёнида ҳосил бўладиган ўзгаришларнинг асосий сабаби янги мазмунни ифодалашга туғилган эҳтиёждир. Зоро, лисоний фаолият давомида янги

тушунчалар пайдо бўлади, маънони экспрессив, аниқ ифодалаш лозим бўлади. Янги лисоний шаклларнинг пайдо бўлиши, кўҳнасининг йўқолиши, фарқловчи белгиларнинг ўзаро ўрин алмашиши каби жараёнлар коммуникатив эҳтиёждан келиб чиқади.

Демак, диахроник тадқиқотнинг предметини бир хилда ички (тил тизимининг барча сатхларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар) ва ташқи (сўзловчининг эҳтиёжи ва лисоний тизим ўртасидаги қарама-қаршилик) сабаблар таҳлили ташкил килади. Шу ўринда тилдаги семантик ўзгаришлар турларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўзгаришлар қатори куйидагилардан иборат: маъно кенгайиши (экземия) ва торайиши, маъно кўчиши ҳодисалари (метонимия, метафора, полифункционаллик, ички антонимлик (энантиосемия), лексикаллашув, грамматикаллашув ва бошқалар. Бундай ҳодисалар талқинининг кўп қирралилиги инсон лисоний фаолиятида учрайдиган турли ҳолатларнинг моҳиятини аниқлаш ва изоҳлаш талабини қўяди.

Таҳлил жараённада маълум бўладиган номутаносиблик ҳолатлари айни пайтда тўлиқ тил тизими ва алоҳида сўзга бир хилда оидdir. Бундай номутаносибликлар тил белгисининг шакли, маъноси ва вазифаси тизимида, шунингдек, тил тизимининг норационал «сероблиги» ва нутқий фаолиятнинг тежамкорликка интилиши ҳамда нормага риоя қилиш ва экспрессивликни таъминлаш ҳаракатлари ўртасидаги муносабатларда намоён бўлади. Бошқача айтсак, сўз ва бошқа тил бирликларига уларнинг семантик таркиби ўзгаришига сабаб бўлувчи турли ижобий ва салбий факторлар таъсир ўтказади. Бу факторлар семантик таракқиётни чегаралаш билан бир қаторда, уни тўғри изга солиш хизматини ҳам ўтайдилар.

Маъно ўзгаришлари эски мазмундан (ўрнига) янгиси туғилишига олиб келиши мумкин. Шакл, маъно, вазифа учлигининг диалектик муносабатини ёритиш мушкуллиги куйидаги уч сабаб билан боғлиқ.

Биринчидан, бу сўз шаклининг унинг моддий кобиғи, график – товуш мажмуаси сифатида қаралишидир. Бундай тавсифни фақатгина сўзнинг асосий, туб маъносида кўлланиш ҳолатига тадбиқ этиш мумкинdir, аммо иккиласмчи маъно юзага

келиши ҳолатларида кўшимча мезонларга мурожаат қилишга тўғри келади, масалан, янги маънонинг синтагматик кўрсаткичларига.

Иккинчидан, маъно ўзгариши муаммосини семантиканинг вазифавий хусусиятларини инобатга олмасдан туриб ҳал қилишнинг имкони йўқ. Вазифавий хусусиятларнинг таҳлили эса, луғавий бирликларнинг бу томони таснифий кам ёритилганлиги сабабли, ўта қийинлашади.

Учинчидан, сўз шаклининг батафсил, ботиний тавсифи морфологик, синтактик ва лексик таҳдилнинг «ҳамжиҳатлигини» талаб қиласди. Масалан, шу пайтгача полисемиянинг прономинализация, грамматик шакллар синкремтизми, синтактик ўринлар типологияси каби ҳодисалар билан муносабати ноаниқ бўлиб колмоқда.

Сўз ҳодисасининг моҳиятини англашдаги қарама-қарши фикрлар пайдо бўлишининг сабаби айрим тиљуносларнинг қайдича, «сўз» тушунчаси муайян бир тилда сўзлашувчиларнинг барчаси томонидан аниқ ҳис қилинади (Сепир 1934: 27), бошқа тадқиқотчилар эса ушбу тушунчани «мактабда кашф қилинган сохта тушунча» (Кроche 1920 ч. I: 168) дейишдан ҳам тортиномайдилар.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қатор сабабларга кўра сўз тушунчасига аниқ ва мукаммал назарий таъриф беришнинг имкони йўқ. Таъкидлаш жоизки, сўз тилнинг универсал бирлигидир. У бутун бир гапнинг функциясини бажариши ва морфема, ҳатто алоҳида фонемага ҳам мос келиши мумкин. Шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, ягона бир бирлик гап, сўз, морфема, фонема вазифасини бажариши мумкин. Бу тил бирликлари ўртасидаги чегаралар ҳар доим ҳам аниқ эмаслигидан далолатдир, шу сабабли сўзни тилнинг бошқа бирликлари билан ўзаро муносабатини ҳисобга олиб, таърифлаш бир оз асоссиз ва ғализдек туюлади.

Масалан, Э. Сепирнинг фикрича, «сўз мустақил маънога эга бўлган, гап воситасида ифодаланадиган фикрнинг энг кичик бўлакларидан биридир» (Сепир 1934: 28) ёки Л.В. Щербанинг фикрича, «сўз гапнинг бир бўлғаги бўлиб, уни биз маъносини ўзgartирмаган ҳолда мустақил ишлата оламиз» (Щерба 1962: 96-101). Бундай таърифлар сўзга нисбатан мураккаброқ бирлик, яъни

гап мавжудлигини эътироф этишга ва уларнинг бажарадиган функциялари мос келган ҳолларда, иккисини аниқ фарқламасликка сабаб бўлади.

Сўзни ташки олам обьектларига нисбатан таърифлаш, биринчидан, сўзнинг предмет ва ҳодисаларнигина эмас, балки улар ўртасидаги муносабатларни ҳам ифодалашга хизмат қилишини, яъни худди қўшимчалар сингари грамматик вазифани бажаришини ҳисобга олмайди. Қолаверса, реалиялар сўз бирикмаси билан («темир йўл») ёки гап билан ифодаланиши ҳам мумкин («Ёмғир ёғяпти». «Қиши кирди»).

Шундай қилиб, сўзни таърифлаш масаласи, бу бирликнинг мустақил мавжуд бўлиши ва унинг тил системасидаги марказий ўрни тан олинса-да, тилшунослик фанида ҳамон аниқ ечимини топмагани кўриняпти.

Ахборотни тўплаш, сақлаш ва узатиш фаолиятининг энг мухим воситаси бўлган тил тизими тадқики инсон шахсий ва ижтимоий фаолиятини, унинг тафаккур қобилиятини билишининг асосий услубидир.

Тилшунослик, кибернетика, медиакоммуникация, компьютер тилшунослиги соҳаларининг тараққиёт талаби турли матнларда мавжуд бўлган ахборотни тез, изчил ва самарали тўплаш имконини берувчи алгоритмлар, дастурлар яратиш билан боғлиқдир.

Математик моделларнинг икки тури мавжуд: лисоний бирликнинг (матннинг) мухим хусусиятларини аниqlаш вазифасини ўтовчи идеал моделлар ва вазифаси нафақат лисоний обьект хусусиятларини ёритиш, балки уларни қайта яратишни ҳам кўзловчи «яратувчи» инженер лингвистик моделлар.

Табиий тил ва математик белгиларни қиёслаш ҳамда уларнинг ахборот ташиш имкониятларини моделлаштиришнинг умумий назарияси доирасида ўрганиш айрим методологик қийинчиликларни туғдиради. Тил тизимини математик моделлаштиришга хос қийинчиликлар қуйидагилар билан боғлиқдир:

1) лисоний обьектларнинг давомий аморфлиги ва математик моделлаштириш усуллари ҳамда воситаларининг аниқлиги;

2) лисоний белгининг мазмуний бойлиги ва математик белгининг семантиқ чегаралангандиги ўртасидаги номутаносиблик.

Шу сабабли дастлабки босқичларда умумий моделларни яратишдан кўра тил белгилари ва улар ташкил қиласидаги тизимларнинг айрим муҳим жиҳатларини намоён этувчи моделларни тузган маъқулроқдир.

Лисоний структураларни математик моделлаштиришнинг икки асосий йўналиши мавжуд.

Биринчиси математиканинг тўпламлар назарияси, алгоритмлар назарияси, математик мантиқ каби йўналишларига асосланади ва алгебра тилшунослиги деб аталади. Бу қаторга Н.Хомскийнинг генератив грамматикаси, С.Маркус ва И.И.Ревзинларнинг тўпламлар назарияси модели кабилар киради.

Иккинчи йўналиш эҳтимолли статистика йўналиши бўлиб, унда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика методларига мурожаат қилинади.

Биринчи йўналишда статистик таҳлилнинг мақсади лисоний бирликлар тадқиқи асосида бутун бир тил тизимиға хос бўлган ҳолат ва хусусиятларни аниқлашдир. Иккинчи турдаги ёндашув жарабёнида эса чекланган миқдор ва таркибдаги бирликлар тадқиқ қилиниб, шу тадқиқ асосида уларнинг аниқланган хусусиятлари бошқа гурухларга ҳам оид бўлиши мумкинлиги эҳтимоли назарда тутилади.

Хозирги замон тилшунослигининг кенг миқёсдаги ҳамкорликка интилаётганлиги барчага маълум. Замонавий тилшунослик барча ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳамкорликда ривожланиш билан бир қаторда айрим холларда фақатгина лингвистик асосга эга бўлган хуносаларга ҳам ишорнчизлик билан қарамоқда. Демак, тилшуносликнинг предмети анъанавий доирада чегараланиб қолмайди. Тадқиқот соҳаларининг кенгайиши эса таҳлил методларининг мукаммаллашуви ва материал таҳлилиниң янада батафсиллашуви билан боғлиқдир. Лисоний объект ҳақида аниқ ва батафсил маълумотга эга бўлиш учун таҳлилнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳам таъминламоқ зарур. Бинобарин, доимий учрайдиган лисоний ходисаларининг статистик миқдори ҳақида

тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун 500 сўзли матндан 10 та мисол танлаш керак бўлади.

Лисоний ҳодиса қўлланишини аниқлашда ўта аниқлик талаб қилинганда, эҳтимоллик статистикаси формуласига мурожаат қилинади. Бу мақсадда лисоний ҳодиса учраши микдорини аниқлаштиришга имкон берадиган x^2 мезони қўлланилади. Ушбу x^2 мезонининг самараси лисоний объектнинг айрим кўрсаткичлари ҳам инобатга олинини билан таъминланади. Бу кўрсаткичлар, масалан, танлов микдори (**k**), назарий коэффициент меъёри (\pm), меъёрдан ўртача квадрат чекиниши (**σ**), кузатувдаги нисбатан хато (**б**), ўртача частота ёки «математик натижка» (x'), танланган частота умумлашмаси ($\sum x \cdot 1$), кузатув хатолари абсолюти (\leq).

Лисоний ҳодисанинг таҳлили учун танланган материалнинг етарли эканлиги (бунда қайтадан чекиниши, тасодифий ҳолатлар ҳам инобатга олинади) қуйидаги формулада намоён бўлади:

$$k = \frac{t^2 \cdot b^2}{b^2 \cdot x}$$

Шундан сўнг ўртача чартота ҳисобланади:

$$\bar{X} = \frac{\sum x_1}{k}$$

Кузатувдаги хатолар:

$$L = \frac{tb}{vk}$$

Нихоят, мумкин бўлган частотадаги ўзгаришлар ҳисобланади:

$$X^2 = \frac{\sum (x_1 - \bar{x})^2}{x} = 1,04$$

Нутқий тузилмалар таҳлилида синтетик таҳлил услугига мурожаат қилиш лингводидактик аҳамиятга эга. Масалан, бу услугда қўшма гапни оддий гаплар йигиндисидан иборатлиги

аниқланади. Бунда The stupid man, who camey esterday, kicked the dog («Кеча келган ахмок одам итни тепди») қуидаги оддий гаплар (бирикмалар) дан иборат деб хисобланади: stupid man «ахмок одам», the man came «одам келди», (he) came esterlay «кеча келди», the dog was kicked «итни уришди».

Оддий гаплардан кичик предикат тузилмалар танлаб олинади ва кейин улардан синтактик қолип асосида турли бирикувлар хосил қилинади. Бу бирикувлар оддий семантик амаллардан иборат бўлади. Мураккаб қурилмаларни тузиш учун дастлаб оддий бирликларнинг хусусиятларини билмоқ лозим. Бу хусусиятлар эга ва кесим бирикуви асосида юзага келадиган кичик ядрорий гурухлар таркибида намоён бўладилар: The rose is red / a flower / withers / is in the garden (Атиргул қизил / гул / боғда / сўлимокда /).

Шундай қилиб, тил қурилиши таҳлилиниң методологик асослари унинг тадқиқот обьекти сифатида тасаввур қилиниши билан боғлиқдир. Лисон билиш обьекти сифатида қуидаги кўринишларда намоён бўлади:

- 1) бевосита нутқий қатор сифатида (индивидуал нутқий фаолият);
- 2) маълум белгилар тизими воситасида қайд этилган нутқий қатор (бильвосита қайд этилган индивидуал нутқий фаолият);
- 3) ўзида индивидуал нутқий ҳаракатлар мажмуасини мужассамлаштирган воқелик (аниқ бир тил);
- 4) фикрни шакллантирувчи ва ифодаловчи восита бўлган барча тилларнинг акси бўлган универсал тизим (инсоний тил).

Тил тизимининг барча жиҳатлари ва кўринишлари онтологик жиҳатдан ягона бир обьектни ташкил қиласди, гносеологик ёндашув эса ушбу обьектнинг таркибий қисмларини (товуш, бўғин, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн кабилар) ажратиш ва уларнинг хусусиятларини аниқлашни назарда тутади.

Ҳозирги замон тилшунослиги тараққиёти даврида долзарб бўлиб турган муаммолар тадқиқининг методологик асослари ва тамойиллари биз ушбу рисолада ёритишга ҳаракат қилганлар билан чегараланиб колмайди. Бундан ташқари, ушбу ишда муҳокама қилинган ҳодисаларнинг барча томонлари ёритилди деган фикрни ҳам айтмоқчи эмасмиз. Лисон шу қадар кўп киррали ҳодисаки, унинг ботинига қанчалик «шўнғиссангиз», шу қадар бу

тубсиз оламнинг сирларига яқинлашаверасиз. Билиш истаги эса саволларга кўмиб ташлайди. Лекин методологик асосга, тамойиллар аниқлигига эга бўлмаган тадқиқотнинг илмий даражаси қанчалик бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР

Абакарова Н.М. О лингвистических средствах представления культурологического понятия «WIT» // Филологические науки. - М., 2005.-№2.-С.93-98.

Абдурахманова А.К. Способы номинации лиц как отражение языковой картинки мира в узбекском и русском языках. Дисс. канд. филол. наук. Ташкент, 2007. – 168 с.

Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек ҳалки ва тилининг шаклланиши ҳақида. Тошкент, 1999. -88 б.

Абдуазизов А.А. и др. Общее языкознание. - Ташкент: НУУ, 2003.-163 с.

Адинаева Л.М. Контекст лингвистики // Преподование языка и литературы, 2007. № 3.С. 28-32.

Алпатов В.М. Лингвистическая концепция А.И.Смирницкого (к 50-летию со дня смерти) // Вопросы языкознания. – М., 2004. - №5. –С. 93-107.

Андреев Н.Д. О методах научного познания. – М., Наука, 1964. – 380 с.

Андреев Н.Д. Статистико-комбинаторные методы в теоретическом и прикладном языкознании. – М.: Наука, 1967. – 404 с.

Апресян Ю.Д. Непосредственно составляющих метод // Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С. 332.

Арапов М.В., Херц М.М. Математические методы в исторической лингвистике. – М.: Наука, 1974. -167с.

Арнольд И.В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность. – СПб.: Изд-во С.Петербург. ун-та, 1999. -444с.

Арутюнова Н.Д., Климов Г.А., Курбякова Е.С. Американский структурализм // Основные направления структурализма. – М.: Наука, 1964. –С. 177-306

Арутюнова Н.Д. От образа к знаку // Мысления. Когнитивные науки. Искусственный интеллект. – М.: Центр. совет филос. (методол.) семинаров при Президиуме АН, 1988. – С. 147-162.

- Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка, событие, факт. – М.: Наука, 1988. -341 с.
- Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. –С. 5-32.
- Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. -2-е изд., испр. – М.: Языки русской культуры, 1999. -896 с.
- Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста: Антология. / Под ред. В.П.Нерознака. – М.: Academia, 1997. –С. 267-280.
- Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ, 1969. -608 с.
- Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва: ИИЛ, 1955. -416 с.
- Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Т.: Фан, 1995.- 132 б.
- Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Т.: Фан, 1985. – 200 б.
- Беликов В.И., Крысин Л.П. Социолингвистика.- М., 2001. – 439 с.
- Беляевская Е.Г. Семантическая структура слова в номинативном и коммуникативном аспектах (Когнитивные основания формирования и функционирования семантической структуры слова): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – М., 1992. -32 с.
- Бенвенист Э.Уровни лингвистического анализа // Новое в зарубежной лингвистике – Вып. 4. – М.: Прогресс, 1965. –С. 434-449.
- Бенвенист Э. Общая лингвистика / Пер. с франц. – М.: Прогресс, 1974. – 447 с.
- Березович Е.Л. К этнолингвистической интерпретации семантических полей // Вопросы языкоznания. – М., 2004. -№ 6. –С. 3-24.
- Берёзин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкоznание. – М.: Просвещение, 1979. -416 с.
- Берёзин Ф.М. О парадигмах в истории языкоznания XX в. // Лингвистические исследования в конце XX в. Сб. обзоров. – М.: ИНИОН РАН, 2001. – С. 6-25.

Билиш фалсафаси (инослология). Тузувчи: Қ.Назаров. – Тошкент: Университет, 2005. – 347 б.

Билиш фалсафаси (гносеология). Тузувчи: Қ. Назаров. – Тошкент: Университет, 2005. – 347 б.

Блумфилд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 608 с.

Бодуэн де Куртене И.А. Некоторые общие замечания о языковедении и языке // Хрестоматия по истории языкознания XIX – XX вв. – М.,; Учпедгиз, 1956. – С. 220-240.

Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: Изд-во АН, 1963, т.1. -384.; т.2. -391 с.

Брэндаль В. Структурная лингвистика // В.А. Звегинцев. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч. II. – М.: Учпедизд, 1960. – С 40-46.

Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – М.: Учпедгиз, 1953. – Ч. – 2.-180 с.

Булыгина Т.В. Шмелев А.Д. Языковая концептуализация мира: (на материале русской грамматики). – М.: Шк. «Языки русской культуры», 1997.-704 с.

Бушуй А.М. Русский язык в современном Узбекистане // Славянский языки: от прошлого к настоящему. К XIII Международному съезду славистов (Любляна, 15-21.08.2003). – Slavicia tartuensis. VI. –Tartu, 2003. -С. 119-132.

Бушуй А.М. Восточные элементы и их роль в русскоязычной прозе Узбекистана // Микроязыки. Языки. Интеръязыки.- Tartu: Universitas tartuensis, 2006. – С. 434-444.

Вандриес, Жозеф. Язык и лингвистическое введение в историю. – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – 386 с.

Вайсгербер Л. Родной язык и формирования духа. М., 1993.-189 с.

Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков. – М.: Русские словари, 1999. – 780 с.

Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.

Вердиева З.Н. Семантические поля в современном английском языке. – М.: Высшая школа, 1986. – 120 с.

Веселовский А.Н. Собрание сочинений. – Т.1.- СПб.: Изд-во Академии Наук, 1993. – 622 с.

Виноградов В.В. Русский язык (Грамматическое учение о слове). – Изд. 3-е. - М.: Высшая школа, 1986. – 640 с.

Волков А.Г. Язык как система знаков. – М.: МГУ, 1966. – 320 с.

Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкоznании // Филологические науки. – М., 2001.-№1.- С. 64-72.

Воркачев С.Г. Методологические основания лингвоконцептологии // Теоретическая и прикладная лингвистика. Вып.3: Аспекты метакоммуникативной деятельности.- Воронеж, 2002.-С. 79-95. <http://tp.11999.narad.ru/WEBTPL/2002/VORKACHEVTPL/2002.htm>.

Воркачев С.Г. Культурный концепт и значение // Труды Кубанского гос. технологического университета. Серия: Гуманитарные науки. – Т. 17.-Вып.2.-Краснодар, 2003. – С. 268-276.

Воробьев В.В. Культурологическая парадигма русского языка: Теория описания языка и культуры во взаимодействии.- М.: Ин-т рус.яз.им. А.С.Пушкина, 1994.-С.4-26.

Воробьев В.В. Теоретические и прикладные аспекты лингвокультурологии: Дис. ... д-ра филол. наук.- М.: ИРЯП, 1996.-395 с.

Воробьева Г.К. Система членов предложения как важнейшая информационная технология человеческой цивилизации // Филологические науки. – М., 2004. - №5. С. 34-41.

Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1958.- 459 с.

Гаспаров Б.М. Язык, память, образ. Лингвистика языкового существования.- М.: Новое литературное обозрение, 1996. – 352 с.

Герасимов В.И. и Петров В.В. На пути к когнитивной модели языка // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23.-Когнитивные аспекты языка. – М.: Прогресс, 1988.- С. 5-11.

Гёте В.И. Фауст. Эркин Вохидов таржимаси. Т., 1985;

Пошо Али Усмон таржимаси. Т., 2007. -220 б.

Гийом Гюстав. Принципы теоретической лингвистики / Общ.ред., послесл. и comment. Л.М. Скрепиной. – М.: Прогресс, 1992.-224 с.

Головин Б.Н. Вопросы социальной дифференциации языка // Вопросы социальной лингвистики.- Л.: Наука, 1969.- С.343-355.

Горнунг Б.В. Единство синхронии и диахронии как следствие специфики языковой структуры // О соотношении синхронного анализа и исторического изучения языков. – М.: ИЯЗ АН, 1960.-С. 5-21.

Грайс Г. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – М.: Прогресс, 1985. –С. 217-237.

Грузберг Л.А. Концепт // Стилистический словарь русского языка. – М.: Флинта; Наука, 2003. – С. 181-184.

Гулыга А.В. Философская антропология Вильгельма фон Гумбольдта // Вильгельм фон Гумбольдт. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С. 7-23.

Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. О компонентном анализе значимых единиц // Принципы и методы семантических исследований. – М.: Наука, 1976. – С. 291-314.

Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человеческого рода // Хрестоматия по истории языкознания XIX – XX веков. – Составил В.А. Звегинцев. – М.: Госучпедгиз, 1956. – С. 68-86.

Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию: Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1984. – 397 с.

Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. 451 с.

Гуревич А.Я. Человек и культура: Индивидуальность в истории культуры. – М.: Наука, 1990. – С. 84-86.

Гухман М.М. Исторические и методологические основы структурализма // Основные направления структурализма. – М., 1964. –С. 4-24.

Гухман М.М. Теоретические проблемы языкознания. – М., 1970. -384 с.

Дейк Т.А. ван. Вопросы прагматики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. – М.: Прогресс, 1978.

Дейк Т.А. ван, Кинч В. Стратегия понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. – М.: Прогресс, 1988. – С. 153-211.

Дейк ван Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – Благовещенск: БГК им. И.А.Бодуэна де Куртенэ, 2000. – 308 с.

Демьянков В.З.Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопросы языкознания. – М., 1994. - №4. С. 17-33.

Демьянков В.З Доминирующие лингвистические теории в конце ХХ века // Язык и наука конца ХХ века. – М., 1995. –С. 239-320.

Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и в научном языке // Вопросы филологии.-М.: МГУ, 2001.- №1.-С. 35-47.

Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. К основам общей теории. – М.: Наука, 1977.-382с.

Джонсон - Лэрд Ф. Процедурная семантика и психология значения // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.23. Когнитивные аспекты языка. – М.: Прогресс, 1988.-С. 234-257.

Добрушина Н.Р. Исследования средств выражения обратной связи в американской лингвистике // Вопросы языкознания.- М., 2000.-№1.-С. 135-140.

Донец П.Н. К вопросу об исследовательской единице межкультурной коммуникации. // Вопросы языкознания. - М., 2004.- №6.- С. 93-99.

Ельмслев Л. Понятие управления. Метод структурного анализа в лингвистике. Язык и речь. // В.А.Звегинцев. История языкознания XIX-XX веков в очерках и излчениях. Ч. II. – М.: Просвещение, 1965.-С. 101-120.

Есперсен О. Философия грамматики.- М.: ИИЛ, 1958.-404 с.

Жирмунский В.М. Общее и германское языкознание. - Л.: Наука, 1976.-696 с.

Заботкина В.И. Новая лексика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1989.180 с.

Залевская А.А. Текст и его понимание. – Тверь: ТГУ, 2001.-177 с.

Залевская А.А Психолингвистический подход к проблеме концепта // Методические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 2001.- С.36-44.

Звегинцев В.А. Семасиология. – М.: МГУ, 1957.-294 с.

Звегинцев В.А. Очерки по общему языкознанию. - М.: МГУ, 1962.-384 с.

Звегинцев В.А. История языкоznания XIX-XX веков в очерках и извлечениях,- ч. II. – М.: Учпедгиз, 1960.- 331 с.

Звегинцев В.А. История языкоznания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Ч. I.- Издание третье, дополненное.- М.: Просвещение, 1964.-466 с.

Звегинцев В.А. История языкоznания XIX-XX веков в очерках и извлечениях.- ч. II.- М.: Просвещение, 1965.-495 с.

Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1973.-248 с.

Звегинцев В.А. О научном наследии Вильгельма фон Гумбольдта // Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкоznанию. – М., 1984.

Зулфикаров К.З. Падежная грамматика: теория и грамматика. –С – П – Ош, 1994. 317 с.

Зубкова Л.Г. Язык как форма. Теория и история языкоznания. – М.: РУДН, 1999.-237 с.

Зыкова И.В. Способы конструирования гендера в английской фразеологии: Учебной пособие.- М.: УРСС, 2003.- 232 с.

Иванов С.Н. Грамматик таджиқотларнинг методологик муаммолари. Рус тилидан М.Мирзаев таржимаси.- Самарқанд: СамДУ, 2004.- 80 б.

Измельцева И.А. О системности и причинно - следственных связях звуковых изменений // Филологические науки. - М.,2005.-№3.-С. 80-88.

Имаева Е.З. Процессы функционирования и развития неявных смыслов в метатексте // Филологические науки. – М., 2005.-№3. С. 88-95.

Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуной майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Фил.ф.д-ри дисс. автореф. –Т., 1999. -2/б.

Искандарова Ш. Тил системасига матн асосида ёндашув.- Ташкент: Фан, 2007.-152 б.

Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. – Самарқанд: СамДУ, 2007.-108 б.

Карасик В.И. Язык социального статуса.- М.: Ин-т языкоznания РАН; Волгогр. гос. пед. ин-т, 1992. -330 с.

Карасик В.И. Культурные доминанты в языке // Языковая личность: Культурные концепты. - Волгоград; Архангельск, 1996.-С. 3-15.

Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии // Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности.- Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001.- С. 3-16.

Карасик В.И. Слышкин Г.Г. Лингвокультурной концепт как единица исследования // Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 2001.- С. 75-80.

Карасик В.И. Лингвокультурные концепты: подходы к изучению // Социолингвистика вчера и сегодня. Сб науч. тр.- М., 2004.-С. 136-145.

Карасик В.И. Культурные концепты // Языковой круг: личность, концепты, дискурс. - М.: Гнозис, 2004.-390 с.

Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. - М.: Наука, 1987.-263 с.

Караулов Ю.Н. Активная грамматика и ассоциативно-верbalная сеть /РАН Науч. шк. «Рус. языковая личность» Рос. фонда фундам. исслед. - М., 1999.-180 с.

Караулов Ю.Н. Показатели национального менталитета в ассоциативно-верbalной сети // Языковое сознание и образ мира. - М.: Институт языкоznания РАН, 2000.-С.191-206.

Кариев У.З. Методы описания словарных статей в «Асас ал-балага» Замахшари // Науч. тр./Ташк. ун-т, 1979, вып. 563.- С.37-50.

Кацнельсон С.Д. О понятии уровня в современном языкоznании // Тезисы докладов на дискуссии о проблеме системности в языке. – М., 1962. – С. 5-7.

Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – М. – Л., 1965. – 272с.

- Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, ЛО, 1972. -216 с.
- Кезина С.В. Семантическое поле как система // Филологические науки. – М., 2004. - № 4. – С. 79-86.
- Кинцель А.В. Экспериментальное исследование эмоционально-смысловой доминанты как текстообразующего фактора. – Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2000. -152 с.
- Климова И.И. Основные тенденции развития современных лингвистических течений: Учеб. пособие. – М., 2000. – 37 с.
- Кобозева И.М. Проблемы коммуникативного анализа речевых коллективов // Методологические проблемы социальной лингвистики. – М.: МГУ, 1986. – С. 78-92.
- Ковшова М.Л. Культурно-национальная специфика фразеологических единиц: Когнитивные аспекты: Автореф. ... канд. филол. наук. – М., 1996. -22 с.
- Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М., 1987. – 340 с.
- Кожина М.Н. О соотношении стилистики и pragmatики // Стилистика и pragmatika. Тезисы докладов научной конференции 25-27 ноября 1997 г. – Пермь: ПГУ, 1997.-С.3-7.
- Кожина М.Н. Взаимодействие стилистики и смежных дисциплин // Стилистический энциклопедический словарь / Под ред. М.Н. Кожиной.-М.: Флинта; Наука, 2003.-С.25-33.
- Колесов В.В. Концепт культуры: образ, понятие, символ // Вестник С. – Пб. университета. Сер. 2. – СПб., 1992. Вып. 3. - № 16. – С. 31-37.
- Колпакова Г.В. Семантика языковой единицы. – Казань: Изд-во Казанск. ун-та, 2004. – 216 с.
- Колтунова М.В. Конвенции как pragматический фактор диалогического общения // Вопросы языкознания. – М., 2004. - № 6. –С. 100-115.
- Колшанский Г.В.Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980. -270 с.
- Колшанский Г.В. Коммуникативная функция и структура языка. – М.: Наука, 1984. – 175 с.
- Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. – М.: Наука, 1990. – 108 с.

Комри Б. Язык и доистория: к многодисциплинарному подходу // Вопросы языкоznания. – М., 2000. - № 5. – С. 28-31.

Кон И.С. Социология личности. – М.: Политиздат, 1967. –383 с.

Конецкая В.П. Аксиомы, закономерности и гипотезы в лексикологии // Вопросы языкоznания. – М., 1998. - № 2. – С. 22-37.

Копелиович А.Б. Синтагматика форм. Согласование и параллелизм, // Филологические науки. – М., 2000. - № 5. –С. 57-65.

Косериу Э. Синхрония, диахрония и история. (Проблема языкового извлечения) // Новое в лингвистике. Вып. 3 – М., 1963. – С. 143-346.

Кравченко А.В. Знак, значение, знание. Очерк когнитивной философии языка. – Иркутск: Иркут. обл. типография № 1, 2001. – 261 с.

Красных В.В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность? (Человек. Сознание. Коммуникация). – М., 1998. – 352 с.

Красухин К.Г. [Рец]: «О.С.Широков. Языковедение: Введение в науку о языках. М., 2003» // Филологические науки. – М., 2004. - № 5. – С. 121-125.

Кретов А.А. Основы лексико-семантической прогностики. – Варонеж: Изд-во ВГУ, 2006. – 390 с.

Крицберг Р.Я. О некоторых особенностях узуза языковых единиц в американском и британском вариантах английского языка // Иностранные языки в школе. – М., 2002. - № 3. – С. 67-71.

Крысин Л.П. Социальная маркированность языковых единиц // Вопросы языкоznания. – М., 2000. - № 4. – С. 26-42.

Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. – М.: Наука, 1986. – 157 с.

Кубрякова Е.С. Роль словообразования в формировании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. –С. 141-172.

Кубрякова Е.С. Об одном фрагменте концептуального анализа слова ПАМЯТЬ // Логический анализ языка. Культурные концепты. – М.: Наука, 1991. – С. 85-91.

Кубрякова Е.С. Память и ее роль в исследовании речевой деятельности // Текст в коммуникации. – М.: МГУ, 1991. – С. 14-18.

Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: Лингвистика-психология-когнитивная наука // Вопросы языкознания. – М., 1994. - № 4. – С. 34-47.

Кубрякова Е.С. Структуры представления знаний в языке: Сб. науч. аналит. образов РАН ИНИОН. – М., 1994_a – 160 с.

Кубрякова Е.С. Концептуализация // Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: МГУ, 1996. – С. 93-94.

Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Панкрац Ю.Г., Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: МГУ, 1996. – 245 с.

Кубрякова Е.С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – М.: Языки славянской культуры, 2004_a. – 560 с.

Кужим Г.Г. Некоторые лингвистические аспекты эвфемии в современном английском языке // Уровни лингвистического анализа в синхронии и диахронии. – Пятигорск, 1997. – С. 104-111.

Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. - М.: Высшая школа; Дубна: Издательский центр «Феникс», 1996. – 381 с.

Кустова Г.И. Когнитивные модели в семантической деривации и системы производных значений // Вопросы языкознания. – М., 2000. - № 4. – С. 85-109.

Ладыгин Ю.А. Информативная роль коннотативных значений в прозаическом художественном тексте // Филологические науки. – М., 2000. -№ 2. – С. 75-84.

Лакофф Дж. О порождающей семантике. Перевод с англ. // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. X. – М., 1981. – С. 302-349.

Лаптева О.А. Самоорганизация движения языка: внутренние источники преобразований // Вопросы языкознания. – М., 2004. - № 5. – С. 17-31.

- Лапшина М.Н. Семантическая эволюция английского слова: Изучение лексики в когнитивном аспекте. – СПб: Изд-во С. –Петерб. ун-та, 1998. – 159 с.
- Лингвистические исследования в конце XX в. Сб. обзоров. – М.: ИНИОН, 1997. – 428 с.
- Лингвистический энциклопедический словарь. Под ред. В.Н.Ярцевой. - М.: Большая Российская Энциклопедия, 2002. -709 с.
- Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность: Антология. – М.: ACADEMIA, 1997. – С. 280-287.
- Логический анализ языка. Культурные концепты. – М.: Наука, 1991. – 204 с.
- Ломтев Т.П.Общее и русское языкознание: Избранные работы. – М.: Наука, 1976. – 381 с.
- Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1976. – 367 с.
- Лосев А.Ф. Знаки, символ, миф. – М.: МГУ, 1982. – 480 с.
- Лотман Ю.М. О метаязыке типологических описаний культуры // Ученые записки Тарт. гос. ун-та. Труды по знаковым системам. – Тарту, 1969. Вып. 236. - № 4. – С. 460-477.
- Лузина Л.Г. Стилистические теории и коммуникация // Сб. научно-аналит. образов. Семиотика. Стиль. Коммуникация. – М.: ИНИОН, 1983. – С. 163-167.
- Лузина Л.Г. Проблемы стилистики и лингвопрагматической интерпретации // Прагматика и семантики: Сб. научно-аналит. обзоров. – М.: ИНИОН, 1991. – С. 67-81.
- Лузина Л.Г. Основные направления развития современной стилистики // Лингвистические исследования в конце XX века. Сб. образов. – М.: ИНИОН РАН, 2000. – С. 205-214.
- Лузина Л.Г. Социальный аспект лингвистических исследований // Социолингвистика вчера и сегодня. – М.: ИНИОН, 2004. – С. 94-106.

Маматов А. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД. - Ташкент, 1991.-47 с.

Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. Тошкент, 1991.- 120 б.

Майсак Т.А. [Rec.]: “B.D.Joseph, R.D.Janda (Eds.). The Handbook of Historical Linguistics” // Вопросы языкознания. – М.: 2004. - № 5. – С. 121-133.

Макеева М.Н., Целенко Л.П. Окказиональный символ как смыслообразующая единица текстостроения. Hermeneutics in Russia. V.1. 1998. <http://university.tversu.ru/>.

Маковский М.М. Язык-миф- культура. Символы жизни и жизнь символов // Вопросы языкознания. - М., 1997.-№1.-С. 73-95.

Маковский М.М. Метаморфозы слова (табуирующие маркеры в индоевропейских языках) // Вопросы языкознания.- М., 1998.-№4.-С. 151-179.

Мартине А. Принцип экономии в фонетических изменениях.-М.: Изд-во иностр. лит., 1960.-261 с.

Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып. III. – М., 1963.-С.366-566.

Маслова Е.С. Динамика типологических распределений и стабильность языковых типов // Вопросы языкознания. - М.,2004.-№5.-С. 3-16.

Матезиус В. Язык и стиль: Пер. с чеш. // Пражский лингвистический кружок.- М., Прогресс, 1967.-С. 444-523.

Матезиус В. О системном грамматическом анализе // Пражский лингвистический кружок.-М.: Прогресс, 1967.-С.226-238.

Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тили назарий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1995.-228 б.

Махмудов Н. Тил. Тошкент: “Ёзувчи”, 1997. -40 б.

Махмудов Н. Нутқ маданияти ва бошқа фанлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007, 1-сон. 9-14 б.

Мельников Г.П. Системная лингвистика и ее отношение к структурной // Проблемы языкознания. - М., 1967.-С. 90-110.

Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. АДД., Тошкент, 2002.

- Миллер Дж.А. Образах и модели, уподобления и метафоры // Теория метафоры.-М.: Прогресс, 1990.-С. 236-283.
- Минский М. Структура для представления знания // Психология машинного зрения. - М., 1978.-С. 10-32.
- Минский М. Фреймы для представления знаний / Пер. с англ. - М.: Энергия, 1979.-152 с.
- Мирзаев И.К. Тилнинг белгили тизим эканлиги ёхуд фан тарихини билмаслик оқибатлари //Қиёсий тилшунослик: анъяналар ва истиқбол.- Самарқанд: СамДЧТИ, 2006.-38-40 б.
- Миртоҗиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 110 б.
- Михальчук И.П. Концептуальные модели в семантической реконструкции (индоевропейское понятие «закон») // Известия АН: СЛЯ.-М., 1997.-Т. 56.-№4.-С. 29-39.
- Мишанкина Н.А. Информационный потенциал слова: когнитивный аспект // Междисциплинарный электронный журнал «Гуманитарная информатика».-Вып.1.(2004). <http://huminf.tsu.ru/ejurnal/magazine/1/mishanni ka.htm>.
- Монич Ю.В. Амбивалентные функции ритуала в эволюции языковых систем // Вопросы языкоznания. - М., 2000.-№6.-С. 69-97.
- Моррис Ч.У. Основания теории знаков // Семиотика.-М.: Радуга, 1983.-С. 37-98.
- Мостепаненко М.В. Философия и методы научного познания.- Л., 1972.-134 с.
- Мощанская О.Л. Картина мира в художественном восприятии англосаксов и древних русичей // Филологические науки.- М., 2000.-№1.-С. 31-39.
- Мурат В.П. Глоссематическая теория // Основные направления структурализма.-М.: Наука, 1964.-С. 127-176.
- Мухин А.М. Синтаксемный анализ. - Л.: Наука. 1980. – 303 с.
- Муқаддас китоб – Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. Забур. – Стакгольм: Библияни таржима қилиш институти., 1992.
- Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида инвариантлик ва вариантилик муносабатининг ифодаланиши. – Тошкент: Шарқ, 2004-168 б.

Неъматов X., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 30 б.

Неъматов X., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. –Т.: Университет, 1999. – 55 б.

Неъматов X., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.: Ўқитувчи, 1995. -127 б.

Никитин М.В. Развёрнутые тезисы о концептах // Вопросы когнитивной лингвистики. - М., 2004. - №1. -С. 53-64

Никитина С.Е. О концептуальном анализе в народной культуре // Логический анализ языка. Культурные концепты. – М.: Наука, 1991.-С.117-123.

Новиков Л.А. Значение эстетического знака // Филологические науки. – М., 1999. -№ 5. – С.83-90

Новикова Н.С., Черемисина Н.В. Многомирье в реалии и общая типология языковых картин мира // Филологические науки.- М., 2000.- №1.- С.40-49.

Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. - Тошкент: ТошДУ, 1984.- 100 б.

Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002.-232 б.

Общее языкознание. Форма существования, функции, история языка. /Отв. редактор Б.А.Серебренников. – М.: Наука, 1970. -604с.

Общее языкознание. Внутренняя структура языка. /Отв. редактор Б.А.Серебренников. – М.: Наука, 1972. -565с.

Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. / Отв. редактор Б.А.Серебренников. – М.: Наука, 1973. -318с.

Ольшанский И.Г. Когнитивные аспекты семантики и лексической полисемии // Лексикон человека и речевая деятельность. Вып. 378. – М., 1991. – С.4-15

Ольшанский И.Г. Лингвокультурология в конце XX века: итоги, тенденции, перспективы // Лингвистические исследования в конце XX в. – М.: ИНИОН, 2000. – С.26-55

Опарина Е.О. Лингвокультурология: Методологические основания и базовые понятия //Язык и культура: Сб. обзоров. – М., 1999. –С.27-48.

- Орлов Г.А. Современная английская речь. - М.: Высшая школа, 1991.-240 с.
- Павилёнис Р.И. Проблема смысла.-М.: Мысль, 1983.-286 с.
- Пауль Г. Принципы истории языка.-М.: Изд-во иностр. лит., 1960.-500 с.
- Петров В.В., Герасимов В.И. На пути к когнитивной модели языка // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23.-М.: Прогресс, 1988.-С.5-11.
- Петров В.В. Метафора: от семантических представлений к когнитивному анализу // Вопросы языкознания. - М., 1990.-№3.- С.135-145.
- Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении.-7-е изд.-М.: Учпедгиз, 1956.-512 с.
- Пименова М.В. Семантика языковой ментальности и импликации // Филологические науки. - М., 1999.-№4.-С.80-87.
- Пирс Ч.С. Логические основания теории знаков / Пер. с англ. В.В.Кирищенко, М.В.Колопотина, Послесловие В.Ю.Сухачева.-СПб.: Лаборатория метафизических исследований философского факультета СПбГУ; Алетейя, 2000.-352 с.
- Писанова Т.В. Национально-культурные аспекты оценки.- М.: Изд-во ИКАР, 1997.-320 с.
- Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. - М.: Наука, 1968.-376 с.
- Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологические науки.- М., 2004.-№5.-С. 24-34.
- Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. - Воронеж: Изд-во Воронеж. Ун-та, 2002.-191 с.
- Постовалова В.И. Картина мира в жизнедеятельности человека // Роль человеческого фактора в языке: язык и картина мира. - М.: Наука, 1988.- С. 8-69.
- Постовалова В.И. Лингвокультурология в свете антропологической парадигмы: (К проблеме оснований и границ современной фразеологии) // Фразеология в контексте культуры.- М.: Шк. «Языки русской культуры», 1999.-С.25-33.

Потапова Р.К. Коннотативная паралингвистика.-2-е изд.- М.: «Триада», 1998.-70 с.

Потебня А.А. Из записок по теории словесности: Поэзия и проза. Тропы и фигуры. Мышление поэтическое и мифическое.- Харьков, 1905.-652 с.

Потебня А.А. Эстетика и поэтика.- М.: Искусство, 1976. - 614 с.

Почепцов Г.Г. Синтагматика английского слова.- Киев: Вища школа, 1976.-111 с.

Почепцов Г.Г.Коммуникативные аспекты семантики.- Киев: Вища школа, 1987. -158 с.

Пражский лингвистический кружок.- М.: Прогресс, 1967.-558 с.

Протопопова И. Концепция образовательной программы «Когнитивные исследования». <http://kogni.narod.ru/concept.htm> # d.

Радченко О.А. Язык как миросозидание. Лингвофилософская концепция неогумбольдианства. Т. 1.. – М., 1997. – 135 с.

Радченко О.А.Понятие языковой картины мира в немецкой философии // Вопросы языкоznания.- М., 2002.-№6.- С.140-160.

Радченко О.А., Закуткина Н.А. Диалектная картина мира как идиоэтнический феномен // Вопросы языкоznания.- М., 2004.-№6.-С.25-48.

Ракитов А.И. Курс лекций по логике науки. - М., 1971.- С.39.

Рамишвили Г.В. Вильгельм фон Гумбольдт – основоположник теоретического языкоznания // Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкоznанию. - М., 1984. –С. 5-33

Рамишвили Г.В. От сравнительной антропологии к сравнительной лингвистике //Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. - М., 1985.-С.309-317

Рамишвили Г.В. Гумбольдианство // Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1990. –С. 123-124

Рахилина Е.В. О тенденциях в развитии когнитивной семантики //Известия АН. Серия литературы и языка. – М., 2000. – Т. 59. - №3. -С.3-15

Рахилина Е.В. Когнитивная семантика: История. Персоналии. Идеи. Результаты // Когнитивные исследования в языковедении и зарубежной психологии: Хрестоматия / В.А. Пущальникова, Е.В. Лукашевич, А.Г. Сонин. - 2001.-С. 76-87.

Рахилина Е.В. Современная американская лингвистика: фундаментальные направления. М., 2002.

Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. -Т., 2002.

Ревзин И.И.Метод моделирования и типология славянских языков М., 1967.-С.17.

Реформатский А.А. Введение в языкоковедение. - М.: Просвещение, 1967.-544 с.

Реформатский А.А. Языкоковедение. - М.: Агент-пресс, 1999.-624 с.

Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира/Б.А.Серебренников, Е.С.Кубрякова, В.И.Постовалова и др. - М.: Наука, 1988.-216 с.

Руберт И.Б., Генидзе Н.К. Аналитическая тенденция в языковой эволюции // Филологические науки. - М., 2003.-№1.-С.54-63.

Рудой В.И. Некоторые посылки индийской философии грамматики // Санскрит и древнеиндийская культура. - М., 1979.-Ч.2.-С.108-115.

Сафаров Ш.С. Лингвистическая типология как научное направление (история и перспектива) // Қиёсий тилшунослик: анъаналар ва истиқбол.- Самарқанд: СамДЧТИ, 2006.-С.23-28.

Сафаров Ш.С. Нутқ лингвистикасининг текширув обьекти нимадан иборат? // Нутқ лингвистикаси.- Самарқанд: СамДЧТИ, 2006.-3-5 б.

Сафаров Ш. Гап қурилиши: лингвистик таҳлил ва лингводидактика // Филология масалалари –Т.: ЎзДЖТУ, 2003, 3-4 сонлар.- 51-54 б.

Сафарян Р.Д. Концептосфера русского языка: Сложности в обучении // Русистика в СНГ: Сборник. - СПб.: Златоуст, 2002.-С.158-171.

Свидерский В.И. О диалектике элементов и структуры в объективном мире и в познании. - М., 1962.-420 с.

Сепир Э. Язык.- Введение в изучение речи.- М.-Л.: Соцэкиз, 1934.-222 с.

Сепир Э. Избранные труды по языкоzнанию и культурологии. Под ред. А.Е.Кибрик -М.: Прогресс; Универс, 1993.-655 с.

Серебренников Б.А. Как происходит отражение картины мира в языке? // Роль человеческого фактора в языке: язык и картина мира. - М.: Наука, 1988.-215 с.

Серь Дж.Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.17. Теория речевых актов.- М.: Прогресс, 1986.-С. 170-194.

Сешэ А. Три соссюровские лингвистики (критика «Курса общей лингвистики») // Звегинцев В.А. История языкоzнания XIX-XX веков в очерках и извлечениях, ч.2.-М., 1965.-С.60-84.

Скаличка В. Копенгагенский структурализм и «Пражская школа» // В.А.Звегинцев. История языкоzнания XIX-XX веков в очерках и извлечениях, ч.2.-М., Учпедгиз, 1960.-С. 92-99; М.: Просвещение, 1968.-С.147-154.

Скреплина Л.М. Новая идеология в изучении истории французского языка // Филологические науки. - М., 2002.-№1.- С. 54-63.

Сложеникина Ю.В. К вопросу о метаязыке теории вариантиности // Филологические науки.-М., 2005.-№2. -С.50-59.

Слюсарова Н.А. Теория Ф. де Соссюра в свете современной лингвистики. - М.: Наука, 1975.-112 с.

Слюсарева Н.А. Соссюр и соссюрианство // Философские основы зарубежных направлений в языкоzнании. - М.: Наука, 1977.-С. 63-124.

Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. - М.: ИИЛ, 1957. -286 с.

Смирницкий А.И. Морфология английского языка. - М.: Изд-во лит-ры на иностранных языка, 1959.-440 с.

Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы // Вопросы языкоzнания. - М., 1972.-№3.-С.3-20.

Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.-2 издание. - М.: Наука, 1977.-344с.

Соссюр Ф.дe. Труды по языкоzнанию.- М.: Прогресс, 1977.-696c.

Соссюр Ф.дe. Заметки по общей лингвистике. - М.: Прогресс, 1990.-280c.

Стеблин – Каменский М.И. Доступны ли изучению причинные связи в языке? // Вестник ЛГУ. - Л., 1961.-№8.- С.124-132.

Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. - М.: Наука, 1975.-312c.

Степанов Г.В. Типология языковых состояний и ситуаций в странах романской речи. - М.: Наука, 1976.-224c.

Степанов Ю.С. Основы языкоzнания. - М.: Просвещение, 1966.-272c.

Степанов Ю.С. (Отв. ред.): Гипотеза в современной лингвистике.- М.: Наука, 1980.-384c.

Степанов Ю.С. Имена, предикаты, предложения. - М.: Наука, 1981.-360c.

Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка: Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства.- М.: Наука, 1985.-335c.

Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры. 2-е изд., и доп.- М.: Академический проект, 2001.-990c.

Стернин И.А. Когнитивная интерпретация в лингвокогнитивных исследованиях // Вопросы когнитивной лингвистики.- М., 2004.-№1.С.65-69.

Сухих С.А., Зеленская В.В. Прагмалингвистическое моделирование коммуникативного процесса.- Краснодар: КГУ, 1998.-160 с.

Теория метафоры.- М.: Прогресс, 1990.-512c.

Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация.- М.: Слово, 2000.-624c.

Толстой Н.И. Этнолингвистика в кругу гуманитарных дисциплин // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология.- М.: Academia, 1997.-С.306-315.

Топоров В.Н. О метаязыковом аспекте дреанеиндийской поэтики // Санскрит и древнеиндийская культура.- М., 1979.-Ч.2.-С. 169-178.

Топорова Т.В. Об оппозиции «тёмный мир» - «светлый мир» в древнегерманской космогонии // Вопросы языкоznания. – М., 1998.-№ 6. -С. 39-47.

Тожиев Ё. Ўзбек тилшунослиигидаги айрим муаммолар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, 2-сон, 35-38 б.

Трансформационный метод в структурной лингвистике. Отв. ред. С.К.Шаумян.- М.: Наука, 1964.-181с.

Тринка Б. и др. К дискуссии по вопросам структурализма // В.А.Звегинцев. История языкоznания XIX-XX веков в очерках и извлечениях.- Часть II.- М.: Просвещение, 1965.-С. 155-166.

Трубецкой Н.С. Основы фонологии. - М.: Изд-во иностр. лит., 1960.-372 с.

Туранский И.И. Семантическая категория интенсивности в английском языке.- М.: Высшая школа, 1990.-172с.

Турниёзов Н., Йўлдошев Б. Матн тилшунослиги. – Самарқанд: СамДУ, 2006.-96 б.

Турниёзов Н. Тилшуносликка кириш. - Самарқанд: СамДЧТИ, 2002.-75 б.

Тэрнер В. Символ и ритуал.- М.: Наука, 1983.-278с.

Тюрина Е.Е. Семантический статус эвфемизмов и их место в системе номинативных средств языка (на материале современного английского языка): Автореф.дис. ... канд. филол. наук. – Нижний Новгород, 1998.-18с.

Ульманн С. Семантические универсалии // Новое в лингвистике. Вып. 5.-М.: Прогресс, 1970.-С.250-299.

Уфимцева А.А. Роль лексики в познании человеком действительности и в формировании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: язык и картина мира. - М.: Наука, 1988.-С. 108-140.

Уфимцева А.А. Знаковые теории языка // Языкоznание. Большой энциклопедический словарь. / Гл. ред. В.Н.Ярцева.-2-е изд.-М.: Большая Российская энциклопедия, 2000.-С.-167-169.

Ушакова Ю.Ю. Лицо как субъект сравнения в субстантивной генитивной двучленной метафоре // Филологические науки. - М., 2005.-№3.-С.-53-59.

- Хожиев А. Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, № 5, 30-35 б.
- Фалсафа. Комусий лугат. Т.: Шарқ, 2004. -495 б.
- Филлипова С.И. Амбивалентность как лингвистическая категория // Первое произведение как семологический факт: Сб. статей научно - метод. Семинара «TEXTUS». Вып. II.-СПб. - Ставрополь: СГУ, 1997.-С. 137-140.
- Филлмор Ч. Дело о падеже. Пер. с англ. // Новое в зарубежной лингвистике. - Вып. X.-М., 1981.-С. 369-495.
- Филлмор Ч.Дж. Об организации семантической информации в словаре // Новое в зарубежной лингвистике. - Вып. 14.-Проблемы и методы лексикографии. - М.: Прогресс, 1983.-С. 23-60.
- Фирсова Н.М. О национальных характерах испаноязычных и англоязычных народов в сопоставительном плане // Филологические науки.- М., 2004.-№2.-С. 51-59.
- Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды.- М.: Учпедгиз, 1956, т.1.-452с.;
т.2.-472 с.
- Фрумкина Р.М. Культурологическая семантика в ракурсе эпистемологии // Известия АН. СЛЯ.-Т. 58.-М., 1999.-№1.-С. 3-10.
- Хакимджанов М.Ю. «Мукаддимат ал-адаб» Замахшари и его изучение // Науч. тр. / Ташк. ун-т, 1979, вып.563,с.75-82.
- Хакен Г. Синергетика. М.: Мир, 1985. – 423 с.
- Харитончик З.А. Способы концептуальной организации знаний в лексике языка // Язык и структуры представления знаний. - М.: ИННОН РАН, 1992.-С. 98-123.
- Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков.- Составил В.А.Звегинцев.- М.: Учпедгиз, 1956.-458с.
- Хэмп Э.П. Словарь американской лингвистической терминологии. - М., 1964.-264с.
- Хэррис З.С. Метод в структурной лингвистике // В.А.Звегинцев. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях, ч. II.-М., 1960.-С.153-171; 1965.-С.209-227.
- Циммерлинг А.В. Американская лингвистика сегодняшнего дня глазами отечественных языковедов // Вопросы языкознания.- М., 2000.-№2.-С. 118-133.

Человеческий фактор в языке: Язык и порождение речи. / Отв. ред. Е.С.Кубрякова. - М.: Наука, 1991.-240с.

Ченки А. Семантика в когнитивной лингвистике // Современная американский лингвистика: фундаментальные направления / Под ред. А.А.Кибрика, И.М.Кобозевой и И.А.Секериной.-2-е изд., испр. и доп.-М.: Эдиториал УРСС, 2002.-480с.

Чернева Н.П. Семантика и символика числа в национальной картине мира (На материале русской и болгарской идиоматики): Дис. ... канд. филол. наук. - М., 2003.-270с.

Шаматов Н.А. Абурейхан Беруни и его вклад в изучение древнеидийской филологии // Санскрит и древнеиндийская культура.- М., 1979.- Ч. 2. -С. 197-206.

Швейцер А.Д. К разработке понятийного аппарата социолингвистики // Социально-лингвистические исследования.- М.: Наука, 1976.-С. 31-41.

Шмелёв Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики.- М: Наука, 1973.-280с.

Шерматов Э. Сверхиводимость и память человека. – Санкт-Петербург: Изд-во Политехнического у-та, 2006. -172 с.

Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т.: УзМУ, 2005. -388 б.

Штейнталль Г. Грамматика, логика и психология (их принципы и их взаимоотношения) (Извлечения) // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX веков. Составил В.А.Звегенцев.- М.: Учпедизд, 1956.-С.108-116.

Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. - Л.: Наука, 10, 1974.-428с.

Щерба Л.В. Культура языка // Вестник Московского университета. Серия 19: Лингвистика и межкультурная коммуникация. - М., 2000.-№2.-С. 114-119.

Щур Г.С. О некоторых общих категориях лингвистики // Вопросы общего языкознания.- М., 1964. –С. 16-31.

Юнг К.Г. Архетип и символ.- М.: Ренессанс, 1991.-304с.

Якобсон Р.О. Лингвистика и поэтика // Структурализм: «за» и «против». - М.: Прогресс, 1975.-С. 197-203.

Якобсон Р. Поэтика масалалари. – Тошкент: Миллий энциклопедия, 2005 (И.Мирзаев таржимаси). – 45 б.

Ярцева В.Н. Развитие национального литературного английского языка.- М.: Наука, 1969.-286с.

Ярцева В.Н. Современная типология и её связи с контрастивной лингвистикой // Филологические науки. М., 1978.-№5.-С.7.

Үрінбоев Б., Курбонов Т. Марказий Осиёда қиёсий тилшүносликнинг шаклланишида Маҳмуд Қошғарийнинг роли // Қиёсий тилшүнослик: анъаналар ва истиқбол. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2006.- 33-35 б.

Aitchison J. Words in the Mind: An introduction in the Mental Lexicon. - Oxford; New York: Basil Blackwell, 1994.- 290p.

Amacker R. Linguistique saussurienne. - Genève: Libr. Droz, 1975. -245p.

Anderson R. The cultural context. An introduction to cultural anthropology.-Ch.12. - Language as cultural mechanism and context. - Minneapolis, 1976.-p. 297-311.

Austin J.L. How to Do Things with Words. - Oxford: Oxford Univ. Press, 1962.-167 p.

Bach K., Harnish R.M. Linguistic Communication and Speech Acts. - Cambridge, Mass.: MIT Press, 2000.-484 p.

Backhouse A.E. The lexical field of taste: A semantic study of Japanese taste terms. - Cambridge: Cambridge University Press, 1994.-198 p.

Bates E. Language and Context: the Acquisition of Pragmatics. - New York: Academic Press, 2005.-326 p.

Bean S. Symbolic and Pragmatic Semantics. - Chicago: University of Chicago Press, 2005.- 450 p.

Blount B., Sanches M. Socio-cultural Dimensions of Language Use.-New York: Academic Press, 2003.-456 p.

Boas F. Handbook of American Indian languages.-Washington, 1911.-Introduction, p. 1-83.

Bojić V. Jacob Grimm und Vuk Karadžić. - München: Sager, 1977. -340 S.

Bolinger D. That's that. - The Hague; Paris, 1972.-248 p.

- Bolinger D. Degree words. - The Hague; Paris, 1972 a.-324 p.
- Bolinger D. Meaning and form-London; New York: Longman, 1977.-XI, 212 p. (English lang. ser.; №11).
- Brown P., Levinson S. Politeness: Some Universals in Language Usage. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1987.-345 p.
- Brüder Grimm gedenken / Hrsg. von Denecke L.- Marburg: Elwert Verlag, 1990.-Bd. 9.-VIII, 215 S.
- Bushuy, Tatyana. Umumiy tilshunoslik.- Samarqand: SamDChTI, 2002.-50 b.
- Bushuy T. Sinxronik va diaxronik tilshunoslik.- Umumiy tilshunoslik bo'yicha o'quv qo'llanma.- Samarqand: SamDChTI, 2003.-50 b.
- Bushuy T.A. Til tizimi va qurilmasi.- Umumiy tilshunoslik bo'yicha o'quv qo'llanma.- Samarqand: SamDChTI, 2003 a.-34 b.
- Chomsky N.A Minimalist program for linguistic theory // the view from building 20.-Hale K., S.Z.Keyser (Eds.). - Cambridge (Mass.), 1993.-384 p.
- Crystal D. The Cambridge Encyclopedia of the English Language. - Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1995.-489 p.
- Davidson D., Harman G. Semantics of Natural Language. - Dordrecht: Reidel, 2005.-394 p.
- Der Briefwechsel zwischen F.Schiller und W.von Humboldt. Hrsg. von S.Seidel. Bd 1-2.-Berlin, 1962. -448 S.
- Dijk T.A. van. Text and Context. Explorations in the semantics and pragmatics of discourse. - London, New York: Longman, 1977. - 261 p.
- Dijk van T.A. The study of Discourse. Discourse as structure and Process // Discourse. Studies: A Multimedidisciplinary introduction. - London-Thousand Oaks-New Delhi: SAGE Publications, 1997.-Vol.1.-352 p.
- Dretske F.I. Referring to events // Contemporary perspectives in the philosophy of language / Ed. by French P.A. et al.- Minneapolis (Min.), 1979.- P. 369-378.
- Eggins S. An Introduction to Systemic Functional Linguistics. - London: Printer Publishers, 1994.-390 p.

- Engler R. Lexique de la terminologie saussurienne. – Utrecht-Anvers, 1968. -294 p.
- Ferguson C.A. The Structure and Use of Politeness Formulas // Language in Society.5. - New York, 1976.-P. 137-151.
- Gak V.G. Essai de grammaire fonctionnelle du français. I.-M., 1974.-277 p.
- Geeraerts D., Grondelaers S. Looking back at Anger: Cultural Traditions and Metaphorical Patterns // Language and the Cognitive Construal of the World. - New York: Mouton de Grunter, 1995.-P. 153-181.
- Godel R. Les sources manuscripts du “Cours de linguistique générale” de F. de Saussure.- Paris : Seuil, 1957.- 356 p.
- Goldman-Eisler F. Psychological mechanisms of speech production as studied through the analysis of simultaneous translation // Language Production. Vol.1: Speech and Talk. - New York: Academic Press, 2004.-P.143-154.
- Grice H.P. Logic and Conversation // Syntax and Semantics. 3. Speech acts. - New York: Academic Press, 1975.-P.41-58.
- Gruber J. Studies in lexical relations. - Bloomington, 1965.- 420 p.
- Guillaume G. Langage et science du langage.- Paris : Seuil, 1964.-380 p.
- Guillaume G. Lecons de linguistique. – Paris : Gallimard, 1971-1974.
- Haas M.R. The study of American Indian languages: A brief historical sketch // Haas M.R. Language, culture and history. - Stanford, 1978. - P.110-129.
- Haas M.R. Linguistics and history // Haas M.R. Language, culture and history. - Stanford, 1978a.-P. 207-219.
- Holliday M.A.K., Matthiessen Ch.M. Construing experience through meaning: A language – based approach to cognition. - London; New York: Cassell, 1999.-324 p.
- Harris Z. A theory of language structure // Amer. philos. quart. - Pittsburgh, 1976. - Vol. 13.-№4.-P. 237-255.
- Haselager W. Cognitive science and folk psychology: The right frame of mind.-London etc.: Sage, 1997.-328 p.
- Hawkins Y.A. Definiteness and Indefiniteness: A study in reference and grammatical prediction.-London: Groom Helm;

Atlantic Highlands: humanities press, 1978. - 131 p. (Groom Helm linguistics ser.).

Hill A.A. Introduction to linguistic structures.-New York: Harcourt, Brace and comp., 1998.-496 p.

Hill J. Language, Culture and World View // Linguistics: the Cambridge Survey / Ed. by F. Newman. - Cambridge: Cambridge University Press, 1988. - Vol. IV.-P. 14-36.

Hockett Ch. A course in modern linguistics. - New York: The Macmillan Company, 1999.-621 p.

Horn L. Pragmatic Theory // Linguistics: the Cambridge Survey / Ed. by F.J. New meyer. - Cambridge: Cambridge University Press, 1988. - Vol.-P. 113-145.

Horne K.M. Speech levels and Grammar // Contributions to applied linguistics. – Bern-Frankfurt a/M, 1995.-P. 77-87.

House J., Kasper G. Politeness markers in English and German // Conversational Routine / F.Coulmas (Ed.). - The Hague: Mouton, 1981.-P. 157-186.

Humboldt W. von. Brief an M. Abèl-Remusat über die Natur grammatischer Formen im allgemeinen und über den Geist der chinesischen Sprache im besonderen.- Stuttgart; Bad Cannstatt: Frommann, 1979.-297S. (Grammatical universalis; 17).

Humboldt W. von. Gesammelte Schriften.- Hrsg. von A. Zeitzmann.- Berlin, 1903-1936; Berlin, 1968.

Humboldt W. von. Werke. Hrsg. von A. Flitner und R. Giel. - Bd 1-4.- Darmstadt-Berlin, 1960-1964.

Humboldt W. Werke.- BD.3: Schriften zur Sprachphilosophie.- Berlin, 1963.

Istilah pendidekan Melayu-Inggeris-Melayu.- Kuala Lumpur, 1996.-400 p.

Jackendoff R. Semantics and Cognition. - Cambridge: MIT Press, 1993.-283 p.

Jackendoff R. Semantic interpretation in generative grammar.-Cambridge (Mass.), 1972.-384 p.

Jackendoff R. Toward an explanatory semantic representation // Linguistic inquiry. - Cambridge (Mass.), 1976.- Vol.7.-№1.-p.98-123.

Jaekel O. The metaphorical concept of mind // Language and the cognitive construal of the world / Ed. by J.Taylor, R.Maclaury. - Berlin-New York: Mouton de Gruyter, 1995.-P. 197-229.

Jakobson R. Essais de linguistique generale.-Paris, 1963.-260 p.

Jakobson R. Selected Writings: Vol. 2.-The Hague, Paris: Mouton, 1971.-752 p.

Kammbucher St. Kulturstandart in der interkulturellen Kommunikation // Interculturelle Kommunikation.- München; Basel, 1998.- S.4-58.

Katz J.J., Fodor Y. The structure of semantic theory // Language.-Baltimore, 1963.-Vol. 39. - №2.-P.170-210.

Katz J. and Postal P.M. An Integrated Theory of Linguistic Descriptions. - Cambridge (Mass.). M.I.T. Press, 1965 (Research Monograph №26).-468 P.

Kim J. Causation, emphasis, and events // Contemporary perspectives in the philosophy of language / Ed. by French P.A. et al. - Minneapolis (Min.), 1979. P. 369-378.

Kuroda S.-Y. Remarks on eventional restriction and presuppositions // Studies in syntax and semantics. – Kiefer F. (Ed.). – Dordrecht, 1969. – P. 138-167.

Labov W. Denotational structure // Papers from the parasession on the lexicon. – Chicago, 1978. –P. 220-260

Lacoff G. Cognitive Models and Prototype theory // Concepts and conceptual development. Cambridge etc. 1987.— P.63-89

Langacker R.W. Foundations of cognitive grammar. – Stanford (Cal.), 1987 – Vol. 1. Theoretical prerequisites. -516 p.

Langacker R.W. A view of linguistic semantics //Topics in cognitive linguistics /Ed. by Rudzka – Ostin B. –Amsterdam: Philadelphia, 1988. P.49-90

Langacker R.W. The contextual basis of cognitive semantics // Language and Conceptualization. - Cambridge: Cambridge University Press, 1997.-P. 229-252.

Laveday L.J. Language Contact in Japan. A socio-linguistic history. - Oxford: Oxford University Press, 1996.-217 p.

Lee D. Cognitive Linguistics. An Introduction. - Oxford: Oxford University Press, 2002.-223 p.

Leech G.N. Stylistics and Functionalism // The linguistics of writing: Arguments between language and literature. - Manchester: Manchester UP, 1987.-P.76-88.

Leech G.N. Towards a Semantic Description of English. - London: Longman, 2002.-394 p.

Leibnizian and Humboldtian paradigms in German linguistic thought // History of linguistic thought and contemporary linguistics.-Berlin-New York, 1976.-P. 518-684.

Longacre R.E. An anatomy of speech notions. - Lisse: The Peter de Ridder Press, 2003.-394 p.

MacLaury R.E. Color and Cognition in Mesoamerica. Constructing Categories as Vantages. - Austin: Texas Univ., 1997.-616 p.

Mattson Ph. Wilhelm von Humboldt und die Anfänge der Slawistik // Zeitschrift für slavische Philologie. – Heidelberg, 1975, Bd 38, H.2.-S. 303-323.

McCawley J.D. Semantic representation // Cognition: a multiple view / Garvin P. (Ed.). - New York – Washington, 1970.-P. 227-247.

Miller G. Semantic Relations among Words // Linguistic Theory and Psychological Reality (Ed. by M.Halle, J.Brennan, G.Miller). –Cambridge (Mass.)-London, 1978. –P. 10-68.

Miller G.A. Images and models, similes and metaphors // Metaphor and Thought. - Cambridge: Cambridge University Press, 2005. -P. 202-250.

Moeschler, Jacques. Le temps dans la langue: de la grammaire à la pragmatique // Langues.- Montrouge, France, 1998.-№1.-P.14-23.

Morris Ch. Writings on the General Theory of Signs.-The Hague-Paris, 1977. -324 p.

Newmeyer F.J. Linguistic theory in America: The first quartercentury of transformational generative grammar. -New York etc.: Acad. press, 1980.-XIII, 290 p.

Nichols J. The comparative method as heuristic. In: The comparative method reviewed[^] Regularity and irregularity in language change. New York: Oxford Univ. Press, 1996. 39-71.

Pike K.L. Language in Relation to a Unified Theory of the Structure of Human Behavior.-The Hague, 1967. – 440 p.

- Postal P. Limitations of Phrase Structure Grammars // The Structure of Language.-Englewood Cliffs (N.J.), 1964.-P. 137-154.
- Pottier B. Introduction l'etude des structures grammaticales fondamentales.-Nancy, 1966.-488 p.
- Reichenbach H. Elements of Symbolic Logic.-London: Macmillan, 1997.-498 p.
- Rini J. Exploring the role of morphology in the evolution of Spanish.-Amsterdam, Philadelphia: Benjamins, 1999.-VIII, 187 p.
- Robinson E.A. The cognitive foundations of pragmatic principles: Implications for theories of linguistic and cognitive representation // Language and conceptualization // Cambridge: Cambridge Univ. Press, 1997.-P.253-271.
- Rulet E.F. de Saussure: "Cours de linguistique generale". - Paris : Hatier, 1975.-96 p.
- Soyinka Wole. Tradition and Vectores of Communication // Development issres. ISS, Vol. 4? No. 2., 2002. -P. 1-8.
- Scharf H.-W. (Hrsg.). Wilhelm von Humboldts Sprachdenken : Symposium zum 150. Todestag. Düsseldorf, 28-30.6.1985 / Hrsg. von Scharf H.-W.- Essen: Hobbing, 1989.-VI, 276 S. – (Kultur und Erkenntnis; Bd. 5).
- Shore Bradd. Culture in mind. - Oxford: Oxford University Press, 1996.-428 p.
- Soams S. Semantics and semantic competence // Cognition and representation. - Boubler (Colorado), 1988. - P. 170-199.
- Steiner G. After Babel. Aspects of language and translation.- New York – London: Oxford University Press, 1975.-XX, 507 p.
- Vendler Z. Telling the facts // Contemporary perspectives in the philosophy of language / Ed. by French P.A. et al. - Minneapolis (Min.), 1979.-P. 220-232.
- Wierzbicka A. Semantics, culture and cognition: Universal human concepts in culture-specific configurations. - Oxford, New York: Oxford University Press, 1992.-416 p.
- Wierzbicka A. Semantics, Primes and Universals.-Oxford, New York: Oxford University Press, 1994.-501 p.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши	3
Кириш	8
Илмий тадқиқот методлари ва методологиясининг умумий тамойиллари.....	8

1-боб. Тилнинг моҳияти ва унинг тизимли сатҳий қурилиши

1.1. Тилнинг ижтимоий функциялари	21
1.2. Тилнинг мавжудлик шакллари.....	24
1.3. Тил белгилар системаси сифатида.....	26
1.4. Тил систем-структур тузилма сифатида.....	30
1.5. Тил структураси ва унинг ўрганилиши	36
1.6. Тил сатҳлари тушунчаси ҳақида	43
1.7. Тил ва нутқ фаолияти.....	46
1.8. Тил ва маданият	51
1.8.1. Тил миллатнинг тарихий-маданий мероси сифатида	51
1.8.2. Тил маданияти назарияси ҳақида.....	55

2-боб. Тилшунослик фани тараққиёти тарихидан қисқа маълумотлар

2.1. Тилшунослик фанининг шаклланиш босқичлари	67
2.2. Қиёсий-тарихий тилшунослик	72
2.3. Қиёсий-типологик тилшунослик.....	80
2.4. Синхрон-диахрон тилшунослик.....	91

3-боб. Лингвистик таҳлил методларининг яратилиши ва қўлланилиши

3.1. Анъанавий лисоний таҳлил методларининг қўлланилиши.....	106
3.2. Миллий тилшунослик мактабларида қўлланилаётган методлар	118
3.2.1. Америка тилшунослигининг таянч пойдевори.....	118
3.3. XX аср Америка тилшунослигининг тараққиёти	122
3.3.1. Трансформацион-генератив грамматика сабоклари	122
3.3.2. Воқеа ва ҳодисаларни лисоний ифодалаш	

усуллари таҳлили.....	127
3.4. Тил структураси назариясининг тараққиёти.....	133
3.5. Мазмуний синтаксис йўналиши.....	136
3.5.1. Шакл ва маъно муносабати	136
3.5.2. Гапнинг семантик таркиби (мазмуний тавсифи)	141
3.5.3. Грамматик меъёрийлик ва маъно мослиги.....	143
3.6. Замонавий таҳлил методлари	146
3.6.1. Дистрибутив таҳлил методи	146
3.6.2. Дифференциал таҳлил усули	152
3.6.3. Компонент таҳлил	157
3.6.4. Трансформация методи.....	162
3.7. Математик тилшунослик	166
3.7.1. Гап тузилиши формуласи	169
3.7.2. Гапларнинг нормативлик ёки псевдонормативлик жихатидан таҳлили	174
3.7.3. Гап синтагматикасининг таҳлили	176
3.7.4. Тўплам назариясининг лисоний ҳодисалар таҳлилига тадбик этилиши	179
3.7.5. Матн яратилиш жараёни модели.....	183
4-боб. Асосий лингвистик концепцияларнинг шаклланиши	
4.1. Хумбольдт лингвистик ғояларининг шаклланиш тарихи..	187
4.2. Вилгельм фон Хумбольдтнинг тил фалсафаси.....	193
4.3. Соссюр лингвистик таълимоти ва унинг замонавий тилшунослик тараққиётидаги ўрни	210
4.4. Шарль Балли лингвистик таълимоти.....	219
4.5. Роман Якобсон таълимоти ҳақида	231
4.6. Якоб Гримм таълимоти	236
4.7. Гюстав Гийом таълимоти ҳақида	238
Хотима	242
Адабиётлар	257

Т. БУШУЙ, Ш. САФАРОВ

**ТИЛ ҚУРИЛИШИ: ТАХЛИЛ МЕТОДЛАРИ
ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

*Самарқанд Давлат чет тиллар
институти Илмий кенгаши
томонидан нашрға тавсия этилган*

**Мұхаррир: М. Содиқова
Тех. мұхаррир: Қ. Бердиев
Мусаҳых: Н. Бегалиев**

*Босишига 21. 11. 2007 йилда рухсат этилди
Қоғоз бичими: 60x 80 1/16 оғсет босма.*

Оғсет қоғоз. Ҳисоб- нашриёт т. 14

шартлы б.т. 14,2

315 –буюртма. Адади 200 нұсха

*Үз. Р. Фанлар Академияси «Фан» нашриёти манзили:
700170 Тошкент ш. И. Муминов күчаси 9-үй*

Босмахона манзили: Самарқанд ш.

*Университет хиёбони 15. СамДУ нашр-матбаа
маркази*